

ИСФАНДИЁР

ИНҚИРОЗ


**ЁХУД
ГЕНЕРАЛЛАР
ЎЙИНИ**



ИСФАНДИЁР

ИНҚИРОЗ ЁХУД ГЕНЕРАЛЛАР ЎЙИНИ

Роман



ТОШКЕНТ

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН "ZARQALAM" ЖАМИЯТИ

Таржимон Ҳожиакбар Ислом ШАЙХ

Исфандиёр.

Инқироз ёхуд генераллар ўйини: Роман—Таржимон Ҳожиакбар Ислом Шайх.—Т.: Ёзувчи, 1997.—224 б.

„Инқироз ёхуд генераллар ўйини“ романи 80-йилларда халқимизнинг бошига тушган мудҳиш кўргуликлар ҳақида ҳикоя қилади. Қатағон даврининг қотиллари, қурбонлари ва шу қурбонлар ҳақ-ҳуқуқини, миллат шайнини ҳимоя қилган мард инсонлар қурали асарда очиқ-ойдин, муфассал иншо этилган.

Ўйлаймизки, асарни ўқиганлар истиқлол нақадар азизлигини, ватан ҳурлиги нақадар буюклигини янада теранроқ ҳис этадилар.

Ўз2

И $\frac{4702620201-15}{М 362(04)-97}$ режага қўшимча. 1997 йил.

ISBN 5—8255—0456—7

© ИСФАНДИЁР,
"Zarqalam" жамият, 1997 йил.

НАШРИЁТДАН

Ўзбекистон мустақиллигига 6 йил тўлди. Дунё миллатлари ҳамжамиятида унинг овози мағрур жарангламоқда, нуфузи, обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Кечаги азобу уқубатлар бугун ортимизда қолди. Аммо озодликкача бўлган йўлда—қатағонлар, ғанимларнинг босқинлари, ниқобли дўстларнинг хиёнатлари култепалари турибди. Биз ана шу култепалар ичидан ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилиб ўтдик, қанчадан-қанча шавкатли ўғлонларимиз миллат ор-номуси учун курашга кирдилар, кўплари шаҳид бўлдилар, айримлари бугун биз билан. Шу пайтга қадар 80-йиллар қатағони ҳақида роман-солнома яратилмаган эди. Зеро, мудҳиш кунларни қандай бўлса шундайлигича, қорани-қорага, оқни-оққа ажратиб, холисалилло баён этиш бурчи ҳар бир адибни қийнаб келар эди. Шу боис ҳам, биз рус тилида ижод қилувчи истеъдодли адиб Исфандиёрнинг ўтқир сюжетли "Инқироз ёхуд генераллар ўйини" номли янги романини ўзбекчага ўтириб, кўп сонли ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилаётганимиздан бахтиёрмиз.

Муаллифнинг янги асари дебочадан хулосага қадар яқин ўтмишимизда шўровий тузум тазйиқи остида халқимизнинг бошидан кечган энг сўнгги даҳшатли, мураккаб воқеликни акс эттиришга бағишланган.

Ўйинчоқ маҳаллий ҳукуматнинг юқори поғоналари ва масъул лавозимларини эгаллаган, Масковнинг "десантчи" деб аталган вакиллари халқимиз бўйнига кишан ташлаб, унинг илғор кишиларини ўғирликда айблаб, ўзлигидан тонган қулларга айлантиришга киришганлари ҳали хотирамиздан ўчгани йўқ.

Айнан ўшалар—Ички ишлар вазирининг собиқ биринчи муовини Дидоренко, жумҳуриятимиз собиқ бош прокурорлари Бутурлин, Усатов, унинг муовинлари Гайданов, Лаптев, махсус терговчилар, балки қотиллар Гдлян, Иванов ва

бошқа кўплаб масковлик ҳамтовоқларнинг қилмиш-қидирмишлари минглаб заҳматкаш юртдошларимизнинг уйини куйдириб, яқин тарихимиз саҳифаларини "қора доғ"ларга бўяди. Биз бу ерда вақтли матбуот, фирқа қурултойлари ва йиғинлари минбарлари орқали халқимизни ёппасига порахўрликда, танбалликда ва бошқа ақл бовар қилмас гуноҳларда айблаган, ўша даврда фирқа ва бошқа ҳукумат тизими раҳбарлик лавозимларини эгаллаган Анишчев, Сатин, Романовский, Литвиненко каби келгинди зотлар ва уларнинг маҳаллий дастёрлари ҳақида гапириб ўтирмадик. Худди ўша кимсалар "ўзбек мафияси", "ўзбеклар иши", "ўзбек—Кремль уюшган жиноятчилиги" деган уйдирмалар тўқиб, уларга қарши кураш шиори остида юртимиз кадрларининг "олтин жамғармаси"ни оммавий равишда ҳибсга олиш, қамоққа тиқиш, уларни маънан ва жисман йўқ қилиш сиёсатини олиб бордилар. Ўзларининг ана шу мараз мақсадлари йўлида жафокаш заминимизни "Марказнинг янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш бўйича улкан тажриба майдони", деб эълон қилдилар.

Ёзувчи Исфандиёрнинг янги романи ана шу мураккаб давр, чигал тақдирлар ҳақида ҳикоя қилади.

Романнинг бош қаҳрамони таниқли ёзувчи ва журналист Маҳмуд Умаров (бу тимсол муаллифнинг ўзи эканини ўша фожиали даврнинг бевосита гувоҳлари илғаб олишлари қийин эмас), унинг яқин сафдошлари, ўша ша-роитда ҳам виждонини сотмаган ҳуқуқ ва адлия ходимлари асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар марказида фаолият юритишаркан, ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, масковлик "десантчи"лар юзага келтирган қонунбузарлик ва бошбошдоқликларга қарши мурасасиз уруш эълон қилишади.

Ўзбекистонимизнинг ҳозирги озод ва мустақил мамлакатга айланишида она Ватанимиз, кўҳна заминимизнинг букилмас иродага эга, курашчан, жасур ва фидоий фарзандларининг ҳам ҳиссаси катта, албатта.

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
6 йиллигига бағишланади.**

Муаллиф

ДЕБОЧА

Муҳтарам ўқувчи! Сиз ўқишга жазм этган ушбу асар менинг яқин дўстим, ҳаётдаги сафдошим, ижодий орзулар, интилишлар ва саргардонлик кўчаларидаги маслакдошим қаламига мансуб. Биз қирқ йилдан зиёд дўст-биродар, бир боғчага қатнаган, бир мактабда, сўнгра олий билимгоҳда таълим олган эдик. Пировардида ҳаёт йўлларимиз айро тушди: Маҳмуд журналист бўлиб етишди, Фарғона рўзномасида ишлади, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кезди. Бизнинг авлодга мансуб одамлар олтмишинчи, етмишинчи ва саксонинчи йиллар даврий матбуотида унинг долзарб мавзулардаги репортажлари, танқидий очерклари ва мақолаларини эътибор билан ўқишар, унинг жасурлиги, жангари хулқ-атворида қайратланишар, озор чеккан ва ранж топганларга ҳамиша ёрдамга шай бу ўтқир қалам соҳибининг ижодига қойил қолишарди. Қабохат йилларида Маҳмуд Умаров жами ҳақоратлар ва камситишлар, оммавий ўғирлик, давлат мулкани талон-тарож қилганлик, порахўрлик каби айб-лашлар ва таъна-надоматларга ғамгин бир сукутда сабр-тоқат билан чидаган заҳматкаш халқимизнинг бошига тушган мураккаб воқеалар ва офатлар марказида, ҳаёт-мамот жангида жонини тикиб, қалам кўтариб, ақлу заковатини қалқон қилиб яшади. Мен эса ўша пайтлар Масковда таҳсил олиб, адабий маҳорат ва кино санъати сир-синоатларини ўзлаштирдим.

Бейхтиёр тут дарахти ёдга келади. Очарчилик йилларида у чинакам ҳаётбахш ўсимликка айланган эди. Унинг тўйимли, ширали мевалари минглаб оч қолган одамларни ўлимдан сақлаб қолган эди. Кейин эса... кейин бу дарахтлар гўё ўзларининг азалий бурчларини унутгандек, очофат ипак қўртларининг емишига айланди, каллакланган шохлари билан пахта майдонларида "оқ олтин"ни

қўриқлаб турган аянчли соқчиларга ўхшаб қолишди, шўрликлар. Бу дарахтларни, худди элимизга хос ғайриинсоний, ғайритабиий яшовчанлик паноҳида асрайди. Ахир, ҳар баҳорда улар яна кўм-кўк барг ёзиб, нозик шохлари яна қуёшга бўй чўзаверади-да...

Маҳмуд Умаров ўзининг бутун журналистлик иқтидори билан оддий одамларни, эзиб-топталган, қовжираган, пестицид ва яна алламбалолар билан заҳарланган она заминини қўлидан келганча ҳимоя қилди.

Дўстим ҳақида мен нега бунча кўп гапиряпман? Чунки ушбу китоб ўз ўқувчисининг қўлига тегар экан, Маҳмуд Умаров энди орамизда йўқ. Унинг кундаликлари, қўлёзмалари, йўл-йўлакай қайдлари, интервью ва дил сўзлари ёзилган кассеталарни менга Маҳмуднинг илтимосига биноан унинг яқин дугонаси тортиқ этаркан, бебаҳо бу маълумотлардан ўз бўлажак китобларимда фойдаланишим мумкинлигини билдирди. Дўстимнинг порлоқ хотираси ҳаққи-ҳурмати мен унинг сўнгги илтимосини адо этишим шарт эди.

... Бир неча соатдан сўнг янги йил кириб келади. Суку-
нат ва бўшлиқ. Бир йил ўтди, лекин атрофда ҳеч қандай
ўзгариш йўқ, олдинда бирон ёруғлик ҳам кўринмайди.
Авваллари олдинда ниманидир илғаса бўларди. Ана шу
"нимадир" руҳингни кўтариб, умид уйғотар, рағбат бе-
рарди. Энди эса... худди уйингдагидай бўшлиқ. Онангдан
бўлак ҳеч кимса йўқ. Ҳаёт жуда-жуда ғалати: онанг сени
фақат дунёга келтирган-у, аммо кўчада қолдириб, сен ҳеч
қачон бошқа ҳис қила олмайдиган ва сен учун ҳамиша
эпиқлигича қолаверадиган энг муҳим нарса—она меҳридан
жудо этган, у сенда ҳатто ҳаёт қийинчиликларига қарши
табиий кураш—иммунитет туйғусини ҳам парваришлама-
ган. Ва сен ўзингни қандайдир каккуқуш полапонидай
ташландиқ сезасан. У танҳо қолганида, бошига бирон савдо
тушганида, айти шу аёл унинг ёнида пайдо бўларди. Унга
ҳамдардлик қилмас, чунки унга бари бир, лоқайдлик унинг
оналик туйғусидан баландроқ турар, сўраб-суриштирмас,
чунки унинг изтироблари, дилида нималар туғён
ураётганининг она учун қизиғи йўқ эди. Ёнида пайдо
бўларди, холос ва бундан йигит мураккаб ҳиссиётлар ум-
монига ботарди. Бу аёлга нисбатан қалбида ҳеч қандай
фарзандлик эҳтиёжи йўқ, бироқ айти вақтда шундай
вазиятда ёнида одам борлигидан енгиллик туйгандай
бўларди.

Тезда янги йил кириб келади, аммо каллангда аллақан-
дай қуйқумдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Агар ўтган йил ҳара-
катсизлик, бўшлиқ ва сақичдай ёпишқоқ, узундан-узоқ
йил бўлган эса, келгуси йил бизга нималарни ваъда бе-
ради? Қандай енгиллик олиб келади?

Жами бу ойлар, ҳафталар, кунлар мобайнида у столга
ўтириб, энг зўр асарини ёзишга киришишни орзу қилар,
лекин кундаликлар ёзишдан бўлак ҳеч бир ишга қўл урол-

масди. Ҳаммаси кераксиз—зерикарли, қотиб қолган, ҳеч кимга қизиғи йўқдай туюларди. Ёзувчи, афтидан, шу тариқа таназзулга юз тутса керак: даставвал воқеалар, дастурлар ортидан қувасан, ўзингга ўзинг жиддийроқ ишни кейинроқ, қулайроқ шароитда бажаришга ваъда бериб, қисқа хабарлар, репортажлар билан чекланасан, қулайроқ шароит эса яқинлашмайди ва тобора орқага чекиниб, кундалик икир-чикирлар, бир зумлик зарурий ишлар соясида қолаверади. Шу тариқа кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади...

Сўнгра мўъжаз ёзув мошинкаси ва ўзингнинг заҳматкаш ҳамдардингга айланган оқ қоғоз рўпарасида фавқулодда хавотир ҳисси пайдо бўлади. Энг муқаддас туйғуларинг, дилинг қатларини юз бор, минг бор зирқиратган оғриқ ва эҳтиросларингни қоғозга бита олмаслик билан боғлиқ хавотир. Дастлаб мошинкага ўтирсанг, бўлди, ишлар юришиб кетадигандай туюлади, лекин йўқ, тушуниб бўлмас, мавҳум қўрқув халақит беради, эзғилайди, ҳувуллатади. Бир кун, бир ой, бир йилдан сўнг нима юз бериши ҳам мавҳумлигича қолаверади. Бир йил ҳам ўтади, лекин у ҳеч нарса келтирмайди, яна ўша икир-чикир ва бўшлиқ... Бунда кимнидир айб-лашга уринасан, сенинг ижодий кучинг ва имкониятларингдан фойдаланишмаган-да, ахир! Илло, булар бари қуруқ баҳона, ўз ожизлигинг ва истеъдодсизлигингни тан олишдан қўрқиш эканини ўзинг ҳам яхши тушунасан.

Мана, бугун ҳам қўл силтаб, мошинкага ўтирдим-да, нажот истаб худди хасга осилган чумолидай кундаликларимга мурожаат қилдим. Илгари ҳам мен бирор очерк, мақола ёки ҳикоя ёзмоқчи бўлсам, шундай бўларди. Дастлаб кундалик ёзишга киришардим, ҳаммасини муфассал баён этгач, кутилмаганда ишлар юришиб кетарди. Балки бугун ҳам шундай бўлар,—ниҳоят, ўзимнинг йиллар мобайнида тайёргарлик кўриб келаётган энг муҳим, энг зўр ва маҳобатли асаримни бошлашга муваффақ бўларман. Агар бу гал ҳам ишим юришмаса, унда—тамом! Бунга ортиқ чидаш мумкин эмас...

Шу тариқа умр ўтиб борар, ёзиш эса, кундан-кунга қийинлашиб кетаётгандай эди. Бунинг боиси, афтидан, менинг воқеа ва қаҳрамонларни тўқиб чиқаришга уринишимда, уларни уйдирма қилмаслик керак эди. Мумтоз адабиёт намояндаларидан бири, ҳаёт—энг яхши адиб,

ундан зўрроқ тўқий олмайсан, деган экан. Нимани билган, кўрган ва эшитган бўлсанг, ўшани ёз, иқтидоринг бор экан,—тузук асар чиқади.

Бу Маҳмуд Умаровнинг кундалик саҳифаларидан бири. Нега мен айнан шундан бошладим? Чамаси, шунинг учунки, агар унинг муаллифлигини аниқ билмаганимда, ушбу сатрларни бир вақтлар жумҳуриятнинг биринчи шахслари, ички ишлар ва бошқа куч тизими вазирлари, унинг қаламига мансуб ҳар бир асарни зудтар чоп этувчи газета ва ойномалар раҳбарияти бошини силаб, пах-пахлаган одам ёзган, деб ҳеч қачон ўйламаган бўлардим. Киностудия ва телевидениеда унинг сценарийлари асосида фильмлар суратга олинган, нашриётларда Ўзбекистондаги жинойий тизимлар ҳақидаги китоблари чоп этилган эди. Тақдир эса унга пойтахт марказидаги уч хонали уйнинг барча туйнукларидан кулиб боқар эди. Айни ўша кезларда шаҳар чеккасидаги сўлим ҳудудда улкан чорбоғнинг пойдеворини ўрната бошлаганди. Боз устига, кўп ўтмай, ёшгина хотини унга чиройли қизча туғиб берганди, қирчиллама қирқ ёшида у, ниҳоят, оталик туйғусини илк бор туйганди. Бари унинг бахтиёр ва тўқислигидан далолат берарди. Аммо манави фавқуллодда ғамнок кундаликлар... Унга нимадир ёқмаса, ҳақ ёки ноҳақлигидан қатъи назар ёш боладай ғижиниб, тутақиб кетар, бирон нарсадан суюнса ҳам осмонга сапчигудай бўларди. Уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, севиш ёки ундан воз кечиш, нафратланиш керак эди. У одамлар билан тезда дўст тутинар, нимаси биландир кўнглига ўтиришмаса, улардан буткул юз ўгирар, юз кўрмас бўлиб кетарди. Ўша зиддиятларга тўла, серташвиш давр ёдга келаркан, беихтиёр савол туғилади: нега энди айнан ўша Маҳмуд Умаров ўз халқининг ор-номуси йўлида очикдан-очик кураш бошлади, ҳеч қандай юмалоқ хатлар ва варақаларсиз олий тизим раҳбарларининг қонунлар ва жойлардаги демократик ўзгаришлар ниқоби остида амалга оширган жинойятларини фош қилишга киришди. У одамларнинг ишончини қозонди ва уларни ортидан эргаштира олган чинакам дарғага айланди, лекин уни ўзининг энг яқинларигина тушунишмади ва инкор этишди. Фақат шафқат билмас тақдир уни орамиздан юлиб кетгандан кейингина бу биз учун нечоғли оғир йўқотиш бўлганини,

унинг камина ва жамиятимиз ҳаётидаги ўрнини англаб етдим. Ўшанда, 80- йилларнинг ўрталарида эса, ҳаммаси жуда жўн, бир маромда кечган ва ҳеч нарса менинг яқин дўстим—журналист ва ёзувчи Маҳмуд Умаров гувоҳи ва бош иштирокчиси бўлган тўс-тўполон воқеалардан дарак бермас эди.

У қирқ ёшга тўлганида, на ўзига худди тангридай сифинувчи ёш хотинига, на ўзини ҳурмат қилувчи ва ҳеч кимни аяб ўтирмайдиган аччиқ тилидан хавфсировчи дўстлари ва на унинг истеъдоди, куч-қудратини яхши билган ва шу боис ҳам ҳавас ва ҳасад билан қаровчи ҳам-касбларига меҳр-оқибат ҳиссини туяра эди.

Дастлаб унинг биз кўниккан маънодаги оиласи—хотини, бола-чақаси, уй-жойи йўқ эди. Тўғри, митти Гули бор ва у болали бўлишни беҳуда орзу қиларди. У ота-онасининг иродасига қарши ўлароқ турмуш қурган, шу билан ўз қариндош-уруғлари билан боғловчи ришталарни ҳам узиб қўйган эди. "Яшайверамиз!—деганди у қисқа қилиб, бу жудоликдан хабар топгач. —Менинг уруғларим сенинг, сеникилар эса, менинг жонимга тегишмайди".

Ўз уруғ-аймоқлари билан Маҳмуд чинданам ҳар қандай алоқани йиғиштириб қўйганди. Улар йигитдаги ўз туққан-ларига нисбатан беҳурмат муносабатни кечиришолмас, Маҳмуд эса, уларнинг ўзига нисбатан, ижоди ва ҳаёт тарзига нисбатан беписандликларидан хафа эди. Аммо улар бунга аллақачон кўникиб, ўзларини босиб олишган бўлса, Гулининг қариндош-уруғлари ҳали ҳовурларидан тушмаган, собиқ синфдошлари, дугоналари, холаваччалари, амакиваччалари ва тоға-жиянлари орқали зимдан иш юритишарди. "Кеч бўлмасидан ажрашгин. Сен ҳали ёшсан, ҳаётингни ўнглаб оласан. Фарзанд кўриб, бунинг нималигини ҳис қиласан. Қариганингда ким сенга қарайди?"—дея таъна тошларини отишарди.

Уларнинг таъна-надоматларида жон йўқ эмас, албатта, уларга қарши бир нима дейиш ҳам қийин эди. Гули изтироб чекар, пинҳона ўтириб йиғлар, йигит эса, унинг кўзёшларининг асл сабабларини фаҳмларкан, уни юпатмас, аксинча, Гулини қалтисроқ қадамга, фитна қилишга ундарди.

Бир кун у дарғазаб бўлиб, юрагини ёзди: "Бу нима деганингиз, Маҳмуд ака! Яқинда қирққа тўласиз, қачонгача ўзингизни ёш боладай тутасиз. Салга—ажрашамиз, ота-

онангининг олдига жўна, деяверасиз! Қаёққа борай? Энди менинг кимга керагим бор? Ўз қисматимни ўзим танладим, сизни севиб қолдим, пешонамда нима ёзиғлиқ бўлса, охиригача шуни кўраман. Тушунтиролдимми?"

Гулининг бу тариқа юракдан куйиб-ёниши йигитнинг атворида ўзгариш ясади: у ўзини текширтириш учун шифокор Абдурахмонов ҳузурига отланди. Боз устига, у ерда, машҳур ҳакимнинг шифохонасида уни кўриш учун яқин дўстининг акаси, профессорни Маҳмудга бириктириб қўйишди. Айни ўша дўхтир ва Гули доволаниш зарурлигига шубҳа қолдиришмади ва бу жараён қарийб бир йилга чўзилди.

Маҳмуд бир йил мобайнида турли тиббий муолажа, эмлашлар ва физиотерапия амаллари қабул қилди. Ниҳоят, булар бари йигитнинг обдон жонига тегиб, бошқа доволанишга куч-қуввати ҳам, сабр-тоқати ҳам қолмаганини Абдурахмоновга очиқ айтмоқчи бўлиб келганида, ҳаким муолажа тугагани, энди Маҳмуд бирон ижодкорлар уйида ҳордиқ чиқариши мумкинлигини билдирди.

Ўшанда йигит унинг сўнгги бемори бўлиб қолишини билмаган эди. Бир ойдан сўнг у бутунлай Амриқога кўчиб кетди ва ўша ердан Маҳмудга сим қокди: "Гулининг ишлари қалай? Менинг ҳисоб-китобим бўйича, унинг соғлиғида ўзгариш бўлиши керак!" Маҳмуд уни дарров хотиржам қилди: "Гули фарзанд кутаяпти, муолажа ижобий натижа берди".

Булар бари кейин содир бўлади. Ўшанда эса, Маҳмуд билан Гули олис сафар тараддудини кўришарди. Юрмаладаги ижодкорлар уйида бир ой ҳордиқ, сўнгра — Масков, Новгород... Маҳмуд ёшлиги ўтган шаҳарларни Гулига кўрсатишни анчадан бери орзу қиларди. Улар шундай режалаштиришган, пуллари ҳам бор; Маданият вазирлиги янги пьесаси учун қалам ҳақи тўлаганди. Улар Фарғонага етмай, йўл ёқасидаги кабобхона ёнида тўхташганида, кимдир Маҳмудни чақирди. Овози таниш эди. Маҳмуд бурилиб, шу заҳоти ўзини Розиковнинг забардаст қучоқлари оғушида кўрди.

РОЗИҚОВ ШАРОФ, 1956 йили туғилган, милиция Олий мактабини тамомлаган, Қўқон шаҳар социалистик мулк ўғирлигига қарши кураш бўлими (БХСС) бошлиғи бўлган, 1986 йили ҳибсга олинган ва пора олишда айб-

ланиб, озодликдан маҳрум этилган. 3 йилдан сўнг оқланиб, яна ўз лавозимига тикланган. Вилоят ички ишлар Бошқармасига раҳбарлик қилган.

— Шароф! Қайси шамол учирди?

— Сизни излаб юргандим, Маҳмуд ака, тақдир шу ерда йўлиқтирди,— деди Розиков Умаровга мамнун тикиларкан.

Аччиқ қисмат унинг руҳини синдирилдими, йўқми,— аниқламоқчидай, Маҳмуд унга ҳам синчков тикилди. Аммо бунинг ҳеч қандай изларини тополмай, пича таажжубланди. Шароф одатдагидек беташвиш, безавол жилмайиб турарди. Бу одам яқиндагина ҳибсга олиниб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилганига ишониш қийин эди.

— Қочиб юрганинг йўқми, мабодо?

— Жуда қийнаворишди, Маҳмуд ака!—бир зум унинг кўзларида мунгли бир ифода пайдо бўлиб, шу заҳоти изсиз йўқолди. Шароф бир лаҳзадаёқ ўз ҳиссиётларини жиловлаб улгурганди. —Яна суд бўлди, учинчи марта, ишимни қайтадан терговга оширишди.

— Тушунарли,—деди Маҳмуд энди хайрлашиш тарадудига тушиб. Нариги столда уни Гули кутаётганди. Чўнтагида Ригага учувчи самолётга чипталар бор эди. Фикран у Юрмалада, денгиз соҳилидаги қумликда сайр қиларди. —Мен эртага хотиним билан сафарга кетаяпман.

— Дам олишга, курортга, денг,— бош ирғади Шароф. —Эшитдим. Қўшнингиз айтди.

— Бир ойдан сўнг қайтаман, мени топгин. Эҳтимол, бирон ёрдамим тегар, — деди Маҳмуд хушҳол кайфиятда. Шу топда у ўз сўзларига ҳеч қандай жиддий маъно бермай, ўзига, хотини ва яқин дўстлари зиммасига нечоғли оғир юкни ортаётганини тасаввурига ҳам сиғдиролмасди.

Кейинроқ, куч тизимларининг келгинди генераллари билан қатъий курашга киришаркан, нега ўшанда Розиковга ўзини топишини айтди, нега унга кўмак беришни ваъда қилди, дея бот-бот ўзини ўзи саволга тутарди. Пора олишда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган одамга у қандай ёрдам бера олиши мумкин? Наҳотки унинг айбсизлигига чин дилдан ишонган бўлса? Социалистик мулк ўғирлигига қарши кураш бўлимида қандай одамлар ишлаши кўпчиликка маълум-ку, ахир. „Савдогарлар ва чайқовчилар билан ишлаб, ҳалол бўлиб қолиш қийин“, — дея тан олганди вазирликлардан

биридаги таниш амалдор. Шароф эса, Олий мактабни битирибоқ ана шу ишга шўнғиган ва у ерда ўзини сувдаги балиқдай эркин сезарди.

Бир неча йил аввал Маҳмуд хизмат сафарида юраркан, иттифоқо Розиковнинг тошкентлик билим юртидаги собиқ курсдоши ташрифи шарафига ёзган зиёфати устидан чиқиб қолди. Шароф ўшанда тўкин дастурхон устида ҳаддан зиёд ўзига ишонган, танги ва бадавлат мезбон сифатида намоён бўлди. Қадаҳлар бўш қолмаётганини зийраклик билан кузатар, лутф ва ширинсуханлик билан меҳмонларининг кўнглини овлашга уринарди. Маҳмуд эҳтиёткорлик билан, машинага антифриз топиладими, деб сўради. Шароф оғзининг танобини қочириб, уни юпатди.

— Дам олинг, оғайни! Антифриз ҳозир ўз оёқлари билан югуриб келади. Қанча керак? Бир канистра етадимми? Ё иккитами?

— Ўн литр етади чоғи, — чамалади Маҳмуд.

Кўпам ўтмай, полиэтилен идишда антифриз олиб келишди.

— Марҳамат! — кўзини қисди Розиков. — Ўзи юриб келади, деб айтдим-ку.

Шунда Маҳмуд у билан танишганидан хурсанд эканини, вақти келиб, қўлидан келган ёрдамни аямаслигини билдирди. Шу ондаёқ мезбон истеҳзо аралаш кулимсиради. Гўё: „Сен менга нимаям ёрдам бера олардинг, оғайни? Мақола, очеркинг биланми?“ — демоқчидай. Буни дарров пайқаган Маҳмуд ўшанда ўз тақлифи билан чинакам башорат қилгани ва ана шундай вақт тезда етиб келишини хаёлига ҳам келтирмай, ўз сўзларидан уялиб кетганди...

Тошкент,

12 январь, 198.. й.

Шундай бўлган, ҳаммаси гўзал ва беқиёс тарзда бошланган эди. Бамисоли вужудимга икки одам жо этилгандай: бири—Гриннинг некбин қаҳрамони ва у хаёлий одамларнинг афсонавий дунёсида яшарди. Бошқаси—амалиётчи, шафқат билмас, совуққон, ҳар бир сўзни, имо-ишора ва нигоҳни ҳисобга олиб иш тутувчи шахс. Агар мен биринчи одам таъсирида яшасам, афсус-надомат ва оғриқ, сотқинлик ва йўқотишлар қалбимни тимдалар эди. Аммо дилимдаги иккинчи одамнинг қўли баланд кела

бошласа, йўқотиш ва шубҳалардан фориғ бўлиб, фақат омад ва ғалабаларга эришардим. Шу боис ҳам вужудимда Нурмат Орифжоновдаги сингари ҳайвонларга хос собит яшовчанлик жўш урарди.

Нега бирдан уни эслаб қолдим? Бу фикр бежиз миямга келмаган бўлиши керак, ахир? Ҳаммаси тўғри. Розиковнинг иши билан бирга айни вақтда мен кадрлар бўйича ички ишлар вазирининг қопқониға илинган Орифжоновнинг ишини ҳам ўргана бошлагандим. Бинобарин, мени Нурмат билан Ҳамроқул исмили шоир дўстим таништирган, Орифжоновни милициядан ноҳақ ҳайдашганини айтган эди. Ахийри тағига сув қуйишибди-да, хаёлимдан ўтказдим мен ўша сонияда ва пировардида унга қанча куч-қувват сарфлаб, қанча вақтимни ўлдирганимга ачиндим. Мен дуч келган жами милиция, прокуратура ва суд идоралари ходимлари орасида Нурмат энг ёрқин тоифалардан эди, албатта. Ҳатто ашаддий душманлари ҳам унинг ўта ишчанлиги, етакчи сифатидаги фазилатларини тан олишар эди.

Бир йил аввал у Андижон йўл милициясининг бошлиғи қилиб тайинланганди. Ички ишлар вазири билан тўғридан-тўғри алоқа қилар ва ўзини янада юқорироқ хизмат поғонасида кўрарди. "Агар мен бу ердан кетсам, фақат вазир муовини бўлиб кетаман", — дея таъкидлашни яхши кўрарди у энг яқин одамлари даврасида.

Чиндана унинг милициядан кетишига тўғри келди. Лекин ўшанда булар бари ҳали олдинда эди.

— Мен сизни излаётгандим, Маҳмуд ака!

Ҳамроқул Маҳмуд Умаровни Ёзувчилар уюшмасининг даҳлизида тўхтатиб, саркотиб ёрдамчисининг хонасига таклиф этди. Хонада деворга тақаб қўйилган нимкатда қорамағиздан келган, қуюқ қора қошлари катта-катта кўзлари устида камондай эгилган, чўтир юзидан қатъият ёғилиб турган қорасоч йигит ўтирарди. У Маҳмудга юзланиб ўрнидан турди ва унинг анча дарозлиги аён бўлди.

— Ўзбеклар табиатан баланд бўлишмаган,—деди у худди Умаровнинг фикрини ўқиётгандай. —Сиз, Маҳмуд ака, буни тарихдан яхши билишингиз керак.

— Биз танишмизми?—ажабланди Маҳмуд Ҳамроқулга савол назари билан тикиларкан.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ,—эътйроз билдирди нотаниш кимса.— Мамлакат ўз қаҳрамонларини билиши керак.

— Шунақа денг!— очйқ мақтов Маҳмудни тараддудга солди. —Лекин мен сизни биринчи кўришим.

— Буни тушуниш мумкин,— рози бўлди Нурмат.

— Нурмат ака Орифжонов, тергов ишлари катта лейтенанти, Андижондан келдилар. Сиз унга ёрдам беришингиз керак, — дея меҳмонни таништирди Ҳамроқул.

— Менинг ҳеч кимдан ҳеч қандай қарзим йўқ, — деди Маҳмуд кескин оҳангда.

— Ҳамроқул, кечиргин-у, лекин сен ноҳақсан,— гапга аралашди Орифжонов. — Мен сиздан ёрдам беришингизни илтимос қиламан, Маҳмуд ака. Биламан, сиз ноҳақликка тоқат қилолмайсиз, шунинг учун ҳам ҳузурингизга бош уриб келдим.

— Мен ҳам сиздан ўтиниб сўрайман, Маҳмуд ака, – гап қўшди Ҳамроқул. — Нурмат ака билан биз раисимиз Олим ака ҳузурида бўлдик. У фақат сиз ёрдам бера олишингиз мумкинлигини айтди.

— У айтди, сен айтдинг, Нурмат айтди, менга бу гапларнинг қизиғи йўқ, Ҳамроқул, тушунарлими?— деди Маҳмуд қизишиб. — Қизиғи йўқ, вассалом!

Маҳмуд кетди. Хонага жимлик чўкди. Ҳамроқул бир дақиқа деразага тикилди. Сўнгра Орифжоновга юзланиб, сўз қотди:

— У уюшмамиздан хафа. "Волга" сўраб ариза берганди, қўлимдан келмади.

— Сен унга "Волга"ни олиб бер, кейин мен сенга "Жигули" туҳфа этаман. Фақат менга ёрдам бер.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Сендан ҳаракат, Ҳамроқул!— илтимос қилди Орифжонов. — Уни қўлдан чиқарма, менга фақат у ёрдам бера олиши мумкин, ўзинг биласан-ку. Мен сени рози қиламан. Болаларим ҳақи қасам ичаман!

Ҳамроқул бош ирғаб, шошилинч ташқарига отланди, бир дақиқа аввал Маҳмуд Умаров тушиб кетган зиналар бўйлаб пастга югурди...

Сўнгги йилларда рўзномангиз саҳифаларида уюшган жиноятчилик ҳақида кўп мақолалар эълон қилинди. У чинданама мавжуд ва бизга бу бошқаларга нисбатан яхшироқ маълум.

"Литературная газета"да В. Соколовскийнинг "Ўғрилар тўдаси" номли мақоласида жумҳуриятимизда уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг гўё бошида турган Э. Дидоренконинг хизматлари кўкларга кўтариб мақталган. Муаллиф мақола учун маълумотларни қаердан олганини билмадиг-у, лекин у Дидоренко ва Гайдановнинг "қаҳрамонлик"ларини таъриф-тавсиф этаркан, республикада яхши маълум маълумотларни эътиборидан четда қолдирган.

Гапни Гайдановнинг (республика прокурори муовини) "ноёб" тажрибасидан бошлайлик. Республика Олий суди қурултойида сўнгги беш йил мобайнида 400 одам ноқонуний йўл билан қамоққа олингани ва уларнинг 33 таси шахсан Гайдановнинг фармойиши билан амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди. (Дарвоқе, бунинг учун у турли маъмурий жазолар олган.) Соколовский балки мана шу "ноёб" тажрибани назарда тутгандир? У ҳолда буни ҳаммаёққа кенг ёйиш ўринли бўлар?

Бундай ҳибсга олишлар боис ҳукумат жами 300 минг сўмлик иқтисодий зарар кўрди. Мақолада тилга олинган барча жиноятлар республика Ички ишлар вазирлиги жиноий-қидирув ишлари бошқармасининг тажрибали ходимлари, бизнинг тилимизда айтганда, унинг "ядро"си томонидан фош этилган. Таассуфки, бу "ядро" ҳозирги кунда сизларга яхши таниш Гайданов кўмагида шахсан Дидоренко томонидан яксон қилинган.

Дидоренко Бошқарманинг тажрибали ходимлари томонидан тўпланган тезкор ахборот жамғармасидан ўзининг шахсий, тутуриқсиз манфаатлари йўлида фойдаланиб келмоқда. Жиноий-қидирув "ядро"си яксон қилингач, Тошкентда ва республикада юзлаб қалтис жиноятлар, жумладан, қотиллик ва уйларга жисмоний қийноқлар билан босқинчилик ҳуружлари содир бўлмоқда ва улар фош қилинмаяпти. Ҳозирги кунда республика бу тоифадаги

жиноятлар миқдори бўйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Нима учундир Сизнинг рўзномангиз ва "Огонёк" ойномаси: "Республикадаги сон-саноқсиз жиноий гуруҳлар нега қўлга олинмаган?"— деган саволни ўртага қўйишмайди. Бунинг изоҳи жуда оддий. Жиноий-қидирув Бошқармасининг энг сўнги тажрибали ходимлари ўз хизмат вазифаларидан четлаштирилган. Ўшандан буён йирик жиноий тўдалар қўлга олинмади. Улар чинданам мавжуд ва фаол ҳаракат қилишмоқда. Дидоренко энгил йўлдан бориб, жойлардаги Ички ишлар идораларининг бу борада қўлга киритган ютуқларини сурбетлик билан ўз хизмати сифатида талқин қилмоқда. Уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳурматли генералимиз шу даражага бориб етдики, ўзи ҳам мафия ботқоғига ботиб қолди. Унинг ўттиз яшар ўғли (дарвоқе, аввал судланган) қалтис жиноий ишда иштирок этиб, натижада бир жиноятчи ҳалок бўлди, бир неча бегуноҳ фуқаро оғир жароҳатланди. Бир неча кундаёқ фош қилиниши мумкин бўлган жиноят тергови бир неча йилга чўзилди, жиноятчилар эса, ҳали-ҳануз жазога тортилмай, бемалол юришибди. Бир вақтлар "Огонёк" ойномаси Отажон Одиловнинг "меҳнат ғалаба"ларини роса мадҳ қилган эди. Энди эса, юмшоқроқ айтганда, у — "ўтакетган аблаҳ одам", деб ёзишяпти. Дидоренко ва Гайданов билан ҳам худди шундай бўлиб чиқмасмикин?...

Милиция полковниги В. Банделет

ДХҚ полковниги В. Қоратоев

Милиция подполковниги В. Болиев

— Хўш, қалай, Маҳмуд ака?

Бу мактубни ўқиб чиққан Маҳмуд Умаровнинг кўнглидан нималар кечаётганини Орифжонов тушуниб турарди.

— Бу сизга айти зарур нарсда-да.

Маҳмуд жавоб бермади, матнни қайта-қайта кўздан кечирди, ниҳоят, хатни нари суриб, ўйга толди. Бу ҳужжатнинг энг ютуқли томони шунда эдики, уни хизмат кўрсатган ва ўз ҳукм доираларига эга катта зобитлар ёзишган эди. Унинг яна бир фазилати—икки зобит маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган одамлар эди. У бошлаётган катта ўйинда бу кўзир қарта вазифасини ўтарди.

Ва бу қарта энди унинг қўлида. Ундан тўғри фойдалана билиш керак. Лекин қай йўсинда?

Икки имконият бор. Биринчиси: Дидоренкони хат билан таништириш ва унга ўзаро келишувни таклиф этиш— у Орифжоновни аввалги вазифасига тиклайди, Шароф Розиковнинг ишига ҳам кенг йўл очади, Умаров эса, унга жавобан, мактубни унутади. Иккинчиси: қоғоз билан ишлаб, ортиқча шовқин-суронсиз ҳужумга ўтади, Дидоренко ва Гайдановнинг обрўсига путур етказувчи янги-янги маълумотларни тўплайди.

Иккинчи ҳолда иш бир ой ва ундан ҳам кўпроққа чўзилиб кетиши мумкин. Биринчи, чавандозларча ташланиш эса, панд бериб қолиши ҳеч гапмас эди. Шундай бўлиши аниқроқ, чунки, Дидоренко тентак эмас, уни қўрқитиб енгиб бўлмайди. Генерал, амалда вазир, куч тизими унинг қўлида ва у маҳаллий аборигенлардан бўлмиш қандайдир бир ёзувчидан қўрқиб ўтирмасди, боз устига, "Литературная газета"нинг Ўзбекистон бўйича махсус мухбири Соколовский уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эди. Шахсан у, Маҳмуд, қўрқмаган бўларди. Аммо айна вақтда у Дидоренконинг ўрнида бўлганида, Маҳмуд Умаров рақиби бўлиши ва бир ёпишса, жағдор итдай қўйиб юбормаслигини била туриб, шошилмаган, жиддий ўйлаб кўрган бўларди.

Шундай қилиб, вақт Маҳмуд Умаровнинг фойдасига ишлайди. Демак, хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Боз устига, у бошиданоқ ўз ҳаракатларидан огоҳ этади. Буни қандай амалга ошириш—бошқа масала, лекин уни ҳал қилса бўлади. Жанжалли маълумотнинг истиқболи билан қизиқадиған рўзнома топиш керак. Жумҳуриятда бундай таваккалчиликка қодир фақат бир одам бор, боз устига, у журналистлар ва бошқа кўп давраларда катта обрў-этиборда эга. Давлат корхоналари тўралари у ёқда қолиб, ҳатто фирқа амалдорлари ҳам ундан ҳайиқишарди. Албатта, "Инсон ва қонун" ойнамасининг Ўрта Осиё бўйича махсус мухбири Элёр Ёрматовгина ана шундай довюрак қаламкашлардан эди, илло, республика расмий ҳукумат идораларининг тақиқларига қарамай, фавқулодда танқидий, жанжалли мақолаларни кўплаб чоп эттирган ва фирқа тизимининг жазо тўқмоқлари уни бамисоли чанг-тўзонга айлантриб, янчиб ташлаши керак эди. Уни фирқа аъзолигидан ўчиришган, ишдан ҳайдашган, белини

синдиришган, қисқаси, у азият чекмаган бошқа жазоям қолмаганди. Лекин шунга қарамай, маълум вақт ўтгач, журналистика осмонида ҳаётбахш куч-қувватга эга, руҳан ҳамиша тетик яна ўша тиниб-тинчимас Элёр Ёрматов пайдо бўларди ва унинг давраси нуқул турфа-туман жанжал, ажрим ва маҳкамачи тўраларнинг шикоятлари ила тўлиб турар эди.

Аммо Ёрматовга рўпара келишдан аввал Маҳмуд "Огонёк" ойномасининг муҳбири Александр Минкин ва республика прокуратурасининг масъул ходими Ориф Шуҳратов билан учрашишни лозим топди. Уларнинг ҳар иккови Умаровнинг яқин дўстлари бўлиб, келгуси журналистлик тадқиқотларида маълум кўмак беришлари мумкин эди.

Александр мактуб билан танишиб чиққач, бу тадбирда иштирок этишдан буткул бош тортди.

— Сен кимга қарши курашмоқчисан, Маҳмуд?— сўради Минкин кўзларини ўйнатиб. —Генерал Дидоренко кимлигини жиндек бўлса-да, тасаввур қила оласанми ўзи? —тўнғиллади у кафтлари билан бошини чангаллаб. —Бола-чақанг борми?

— Ҳозирча йўқ, — тан олди Маҳмуд.

— Унда тушунарли. Сен учун дунёни сув олса, тўпинингга чиқмаслиги мумкин, албатта, — қўлларини ёзди Александр. — Лекин менинг иккита қизим бор. Мана шунақа миттигина иккита иссиқ гувалача. Улар доим Масковга олис сафардан қайтишимни ва тумшуғимда нимадир олиб келишимни кутиб ўтиришади.

— Хотиржам бўл, Саша. Хоҳламасанг, керакмас. Сени ҳеч ким зўрламаяпти-ку.

— Зўрлаёлмайди ҳам,—тасдиқлади Минкин. — Чунки мен яшашни истайман. Сенга ҳам дўстона маслаҳатим: бу ўйинингни қўй. Маслаҳат ҳам бермайман...

Шу тариқа бир одам ўйиндан чиқди, энди бошқаси — Ориф Шуҳратов қолганди.

ОРИФ ШУҲРАТОВ, катта адлия маслаҳатчиси, республика прокуратурасининг масъул ходими.

Уларнинг илк учрашувлари бундан бир неча йил аввал юз берганди. Маҳмуд ўшанда ёшлар нашриёти бош муҳаррирининг муовини бўлиб ишларди. Кунларнинг

бирида нашриёт котибаси унинг ҳузурига бир парча қоғоз кўтариб кирди: "Прокуратурадан қўнғироқ қилишди, сизни сўрашди. Ушбу телефонга сим қоқаркансиз".

— Ким қўнғироқ қилди? Қандай масалада?— ҳайрон бўлди Маҳмуд.

Унга жавобан котиба елкасини қисиб, ташқарига отланди.

Маҳмуд қоғозга тикилганча, телефон рақамларини терди. Кимдир ҳазиллашган, хаёлидан ўтказди у, аҳмоқона ҳазил. Фақат Лутфулла Қодиров — республика пионер газетасининг муҳарриригина шундай доғули ҳазил қилиши мумкин.

Ўта хушчақчақ кайфиятда бир куни у расмий алоқа тармоғи орқали комсомол котибига "ҳаммамиз учун ҳурматли" маршал, ҳамма мукофотлар нишондори овози билан қўнғироқ қилган ва ўн дақиқа мобайнида шошиб қолган ёшларнинг мафкуравий дарғасига республика комсомолларининг ҳал қилинмаган муаммолари ҳақида гапирган эди. Ўша куниёқ мамлакат сардорининг қўнғироғи ҳақида республика раҳбарига хабар беришди, лекин кўп ўтмай, тегишли идоралар "маршал" овозига ким тақлид қилганини аниқлашди. Муҳаррирнинг бу қилиғини ошкор қилишни лозим топишмади. "Қатъий ҳайфсан" билан чекланишди. Лекин бюрода қандай "овоз" берганини кўрсатишни илтимос қилишди. Лутфулланинг артистлигидан анчагача кулиб юришди, лекин ҳар қалай ишдан олишмади. Ёшларнинг мафкуравий дарғасини эса, бошқа ўз қулоқларига ишонмаслиги учун ўзга жойга жилдиришди. Ҳозир Маҳмуд қоғозга тикилганча, телефон рақамларини тераркан, бунақа аҳмоқона ҳазили учун Лутфуллани бошлаб сўкишни ўйларди. Э, ўша... бош прокурор бўлган сендан ўргилдим!...

— Лаббай,— дастакдан нотаниш овоз эшитилди.

— Бу... Лутфуллами?

— Тушунмадим. Ким гапиряпти?

— Лутфулла! Сенмисан?— яна сўради Маҳмуд ишончсиз оҳангда.

— Йўқ, Шухратовман,— қатъий жавоб бўлди.

— Кечирасиз, менга шу телефонга қўнғироқ қилишни айтишувди,— ўзини оқлашга уринди Маҳмуд пича саросимага тушиб. —Бу прокуратурами?

— Прокуратура. Ким билан гаплашаяпман?

— Бу — Маҳмуд Умаров, бош муҳаррир муовини...

— Маҳмуд ака! Бу сизмисиз? Салом алайкум! Тўғри! Мен сизга қўнғироқ қилувдим,— тез гапирди Шухратов узрли оҳангда. — Мен сиз билан бир масалада учрашмоқчи эдим. Қачон биз томонларга кела оласиз?

— Демак, бу ҳазил эмас экан-да? — тушкун овозда сўради Маҳмуд хаёлидан сўнгги кунлар, ҳафталар ва ойларда бошидан ўтказган воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказиб. Нега у туйқусдан республика прокуратурасига керак бўлиб қолди? Қонунга зид нима иш қилган бўлиши мумкин? Йўқ, эслолмади, шу заҳоти хотиржам тортди. Чамаси, янглишишган.

— Қанақа ҳазил?— тушунмади Шухратов.

— Йўқ, сизгамас, — жавоб берди Маҳмуд. — Ҳозир бо-райми?

— Ҳозир келсангиз ҳам бўлади,—суюниб кетди Шухратов ва хонасининг қаердалигини айтди. — Мен киришингизга рухсатнома ёздириб қўяман.

Маҳмуд керакли эшикни қидириб, узун даҳлиз бўйлаб юрди. Бирдан уларнинг бири очилиб, хонадан баланд бўйли, миқтидан келган, сочлари типратикандай тикка ўсган, семиз лаблари устини қоп-қора мўйлов қоплаган ёш йигит чиқиб келди. Бир зум тўхтади. Маҳмуднинг кўзларига тикиларкан, аста бош ирғади.

— Умаровмисиз?

— Шухратовсиз?—сўради Маҳмуд унга ҳамоҳанг ва самимий жилмайди. — Мен сизга келдим.

— Э-ҳа, —прокуратура терговчисининг юзига хайрихоҳ табассум ёйилди. — Мен Умаров—қандайдир оқсоқол, халқ ёзувчиси бўлса керак, деб ўйловдим. Сизни ортиқча гап-сўз билан хафа қилиб қўймаслик учун бошлигимизга ўзимни қандай тутишим кераклигини маслаҳат солиб юрибман...

Хонада Шухратов жавондан газ-сув шишасини олиб, пиёлага тўлдириб қуйди-да, Маҳмудга узатди. Йигит ундан бир хўплаб, пиёлани роҳатланиб юзига босди.

— Нима гап ўзи?—ўзини қийнаётган саволини берди Маҳмуд, ниҳоят.

— Ҳеч гап йўқ, — юпатди уни Шухратов. — Ёзувчимизни ташвишга соладиган ҳеч гап бўлгани йўқ. — У столидаги жузгирни очиб, ичидан телеграмма чиқарди.

— Қозондан сўроқнома келувди. Шиганов Мансур Шиганович қамоққа олинибди. Бу исм сизга танишми?

— Театр директори, — бош ирғади Маҳмуд. — У ерда менинг асарим саҳналаштирилганди. Уни нега қамашибди?

— Э, бир дунё айби бор экан: ўзлаштириш, товламачилик, пора, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш. У таржимонми?

— Ҳа, у пьесамни таржима қилувди. Адабий эмакдоши билан бирга.

— Айни ўша адабий эмакдоши устидан ёзибди, ҳаммасини кўрсатибди. Пьесангиз таржимаси учун у сиздан бир нима олганмиди?

— Мутлақо, ҳеч нарсa, — қатъий деди Маҳмуд. — Бирдан-бир қилган ишим, премьерадан сўнг кичкина базм қилиб бердим. Лекин бу шундай бўлиши керак, ижодий гуруҳ, артистлар олдидаги ёзилмаган мажбурият бу. — Бир зумдан сўнг сўради: — Бўйнига қўйилган айблар жиддийми?

— Э-ҳа, қутулиши қийин, — бош ирғади Шуҳратов. — Олти-етти йилга қамалиши аниқ.

— Етти йил! — бошини сараклатди Маҳмуд ва ғамгин оҳангда такрорлади: — Э, худо, саккиз йил-а! Наҳотки орттирган зеб-зарлари шунга арзиса?... Ўйлаш ҳам даҳшат! Очигини айтсам, Ориф, Шигановнинг нимададир айбдорлигига мен ишонмайман. Мен уни биламан. Бунақа одамлар ўғирлашмайди, товламачилик ҳам қилишмайди. Яхши одам эди, очиққўнгил...

Шу билан гап тугади. Кейин улар, афтидан, дўст бўлиб қолишди...

— Шуҳратов эшитяпти.

— Салом. Бу Умаров гапиряпти.

— Ким, ким?

— Маҳмуд Умаров. Танимадингми?

— Салом, Маҳмуд! — дастакда суюнчли хитоб овози. — Анчадан бери овозингни эшитмовдим. Албатта, танимадим. Қаёқдан қўнғироқ қилаяпсан?

— Уйдан. Гап бор, Ориф. Жуда жиддий.

— Сенда ножиддий гаплар ҳам бўладими ўзи?

— Бўш вақт борида бўлади. Кўришимиз керак.

— Бунга нима халақит беради? Олдимга кел, — у бир дақиқа жим қолди, сўнг ишонч билан давом этди: — Ҳозир чорак кам бир, айни тушлик маҳали. Ошхонамизда овқатланамиз, ўша ерда гаплашиб оламиз.

Алоҳа, Ориф полковникларнинг "Литератургая газета-га" номасини ўқиб чиққач, ошхона ҳақида унутишга тўғри келди.

— Айтмоқчи, Гайданов сенинг бошлиғинг чоғи?— сўради Маҳмуд дўстидан.

— Шунақароқ, — ўйчан бош ирғади Шухратов ва деразага тикиларкан, яна сўз қотди: — Эҳ, бемаврид бўлаяпти бу гап, жуда бемаврид!

— Нега энди бемаврид? — ҳайрон бўлди Маҳмуд дўстининг бундай ғайриоддий ҳолатидан. — Қўлингга кўп нарсага арзийдиган жиддий ҳужжат. Айниқса, унда яқин одамнинг ҳақида гап кетса...

— Аниқроқ гапир.

— Нимасини аниқроқ айтай?— сўз қотди Маҳмуд таънали оҳангда. — Агар у сенга керак бўлса, ҳузурига чоп. Яқин оғайнинг Маҳмуд Умаров ана шу ҳужжат устида иш бошлаяпти, деб тушунтир. Агар сенинг бу огоҳлантиришингни у тўғри баҳоласа, бу ҳақда сенга тўғриси айтилади. Сен мурувват кўрсатган, катта жанжалдан сақлаб қолган одамга айланасан, сен эса, мени яхши биласан— айнан шундай бўлади. Агар у шу тариқа иш тутса, мен хатта йўл бераман, лекин унда Гайдановнинг исми-шарифи тушиб қолади. Акс қолда... ўзининг иши.

— Шундай қилсак, қулай бўлади, деб ўйлайсанми?— шубҳаланди Шухратов ҳаяжондан ўрнидан тураркан. У яна ўтириб, сигарет чекди. Дастакни кўтариб, ички телефон рақамларини терди. — Олег Иванович! Шухратов безовта қиляпти. Олдингизга кирсам майлими?

— Жуда шошилинчми?

— Ҳа. Бир қоғоз қўлимга тушиб қолди. Сизни хабардор қилмоқчи эдим.

— Кутаман...

— Шу ерда ўтириб, газета ўқий тур, — Шухратов ўрнидан туриб, Маҳмудга савол назари билан тикилди. — Бу хатни унга кўрсатишим мумкинми?

— Марҳамат, бош устига...

ГАЙДАНОВ ОЛЕГ ИВАНОВИЧ, республика прокурорининг собиқ биринчи муовини, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

Эшик очилди. Шухратов ўз жойига ўтиб, курсига оғир чўқаркан, столидаги қоғозларни тартибга келтирган бўлди.

— Нега жимсан? Хўжайининг қандай қаради?

— Тусмоллапти. Тушунолмадим уни, — тан олди Ориф Маҳмуд орқали аллақадарга тикиларкан. — Ё ўз мавқеининг ҳаддан зиёд қўл етмаслигига ҳаддан зиёд ишонади, ёки...

— Ёки менга тўғри баҳо беролмаяпти?— унинг фикрини якунлади Маҳмуд. — Шундай демоқчимидинг?

— Деярли топдинг,— бош ирғади Ориф.

— Унга тушунтириш керак эди, менга яхшироқ баҳо берганингда, у сал ўйланиб қоларди. Кейин кеч бўлади, ахир. Орқага қайтиш мумкин бўлмай қолади.

— Мен унга айтдим, гугурт қўлимизда экан, аланганинг олдини олишимиз мумкин, дедим.

— У сенга ишонмадими?

— Аввал сергак тортди, ўйланиб қолди. Сўнгра: "Булар бари беҳуда гаплар. Ҳаммаёқда қайта қуриш, ошкоралик. Ёзса, ёзаверсин, қоғоз чидайди",— деди.

— Қоғоз чидайди, у ҳақ, — деди Маҳмуд ўйчан ҳолда. —Хоҳламаётгандим, ахир, мен ҳам бу ифлосликларни ковламаслик тарафдориман. Қоғоз чидайди, лекин жамоатчилик фикри эмас...

— Бунга газетада эълон қила олишингга ишончинг комилми?

— Полковникларнинг мактубини эълон қилиш қийин. Чунки унда полковниклик юлдузчалари ва ҳиссиётларидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Лекин агар мен ковлан бўшласам, каминани ҳеч ким тўхтатолмайди. Гайдановнинг ҳам бутун тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди: сенинг олдингда ўз мустақиллигини сақлаб қолди-ю, аммо мени турткилаб қўйди. Минг афсус, Ориф. Мен сенга чин дилдан бирон яхшилик қилсам, дегандим...

Тошкент,

23 ноябрь, 198.. й.

Шу тариқа мен бирдан-бир йўл—истиқболи йўқ, жанжалли, лекин анча қизиқарли ишда мени бирдан-бир қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган одам—Элёр Ерматов олдида танҳо ўзим қолдим. Очигини айтсам, унинг ҳузурига отланарканман, шубҳаларим юқорида, фазода реал чизгиларга айланиб, сўнгра ўзимга қайта урилиши мумкинлиги ҳақида ўйлашдан ҳам чўчиб, ўзимга ўзим таскин беришга уринардим.

Элёр мен Шароф Розиковнинг адвокати Вайсмандан

олган қоғозларга кўз югуртиргач, исбот-далилларим ва мулоҳазаримга диққат билан қулоқ солди, агар суд идоралари Розиков айбланган ишни тўхтатишни лозим топишса, бу хусусда қандай мақола ёзиш мумкинлигини чамалади.

— Сен умуман кимга қарши курашмоқчисан?— сўради у менга тик қараб. Ва жавоб беришга қўймай, давом этди: — Айнан менга келганингнинг боисини тушунаман. Агар эртага ҳаммаёқ остин-устун бўлиб, Коинот миқёсидаги жанжал бошланса, орқангда Ёрматов ва "Инсон ва қонун" ойномаси туришини истайсан, шундайми?

— Шундай, — мажбуран рози бўлишимга тўғри келди, бошқача гап бўлиши мумкин эмас эди.

— Шунинг учун сен муғомбирлигингни қўй ва бор гапни гапир. Ким билан очиқча курашмоқчисан? Масков гуруҳи биланми?

— Ҳозирча улар билан эмас.

— У ҳолда ким билан?

— Розиковнинг ишида мен мўлжалга олган зотлар— прокурор ва терговчи бугунги кунда вазифаларидан озод қилинган ва республикадан чақириб олинган.

— Хўш-хўш, — жонлангандай бўлди Ёрматов. — Бу ҳолда мўлжалнинг нишонга тўғри бориб тегиши эҳтимоли бор. Аммо, билишимча, чўнтагингда яна бир кўзириг бор, униям чиқар.

— Сизни алдаб бўлмас экан, Элёр Раҳматуллаевич!

— Менинг ёшимга етгунча сен ҳам сотилмайдиган бўласан. Бор гапни айт, қулоғим сенда.

— Гайдановни илинтираимиз... Оғирлик қилмайдими?— сўрадим мен унинг кўзларига тик қараб.

У дарров жавоб бермади, пича сукутда қолди.

— Яна?

— Дидоренко!...

Шундай дедим-у, Ёрматовнинг юз ифодасини кўриб, тамом, рози бўлмайди, тўрт томонинг қибла, деб ҳозир жўнатиб юборади, деб ўйладим. Жўнатмади. Лекин ўзини босиб, кучаниб гапирди:

— Сен менга душманмисан ёки оддий фитначимисан?

Мана сенга керак бўлса. Юзимга тарсаки тортиб юборгандай бўлди. Мен ҳам ўзимни тутолмай, унга муносиб жавоб қайтармоқчи бўлгандим, лекин вақтида ўзимни босдим. Ҳа, у барибир ҳақ. Ахир, Минкин, гарчанд ўзи Масковда яшаса ҳам, энг зўр ойномалардан бирида, қисқаси, "Огонёк"да ишласа ҳам, бу ишдан дарров бош тортди-ку. Ёрматов эса, республикага ҳисобот бериши ке-

рак, маҳаллий рўйхатда, фирқа тасарруфида, машина, имтиёзлар бари маҳаллий ҳукумат ҳисобидан. Уларга тиш теккизиш—ўзингни ўзинг тишлашдай бир гап. Буларнинг барини ҳаёлидан ўтказди-ю, дарров ўзини босди.

— Сени яхши билганим учун сезиб турибман, бу ерда Розиковнинг ишидан бошқа гап ҳам кўпга ўхшайди. Гайданов ва Дидоренкога қарши нималаринг бор? Агар арзиса, ўйлаб кўрамиз, йўқса — хайрлашамиз. Мен таваккалига ўйнамайман.

Мен полковниклар имзо чеккан мактубни чиқардим, Ёрматовнинг столига қўйдим. У кўзойнагини тақиб, "Литературная газета" номини ўқиди. Бир зум лабларида истеҳзоли кулгу пайдо бўлди-да, кўп ўтмай жиддийлашди.

— Э-ҳа!

У кўзойнагини олиб, хатнинг устига қўйди, кўрсаткич бармоғини пастки лабига босиб, юқорига нигоҳ ташлади.

— Жуда баланд кетяпсан, укажон. Қўрқмайсанми?

— Бўридан қўрққан одам ўрмонга бормаиди.

— Булар бўри эмас, Маҳмуд,— эътироз билдирди Ёрматов. — Бўрилар билан олишиш мумкин. Йўлбарслар ҳақида гап боряпти. Кўз очиб юмгунча кекирдагингни сугуриб олишади. — Пича сукутдан сўнг сўради: — Бори шуми?

— Ҳужжатлар бўйича шу. Аммо яна баъзи нарсалар бор...

— Чиқар, чиқар!—шошилтирди уни Ёрматов тоқатсизлик билан. — Ҳаммасини чиқар.

— Ишончли манбаларнинг хабарига кўра, генерал Дидоренконинг ўғли яқин ўтмишда болта билан одамни—йирик туман дўкони сотувчисини чопиб ўлдирган. Лекин иш ёпди-ёпди қилиб юборилган.

— Э, булар ҳозирча ғийбат гаплар!— гапини бўлди Ёрматов.

— Исбот-далил керакми?

— Исбот-далил менга эмас, судга керак.

— Бўлади, Элёр Раҳматуллаевич, — ваъда бердим мен.

— Фақат менга вақт ва ҳуқуқий ҳимоя беринг, шундай далиллар тўплайки!...

— Бўлмаса, оддийроқ бир иш қилайлик, — таклиф этди Ёрматов, менинг итоаткорлик билан бош ирғаганимни кўриб, қониқиш билан "ҳм" деб қўйди-да, давом этди: — Мен Дидоренкога қўнғироқ қилиб, хонамга таклиф этаман.

— У келади, деб ўйлайсизми?

— Келади, — ишонч билан ваъда берди Элёр Раҳматуллаевич таҳдидли оҳангда. — Мен учрашувга таклиф қилганимда, фирқа раҳбарлари ҳам ғинг демай етиб келишади. Бекорга чақирмаслигимни билишади. Қўнғироқ қилдимми, демак, тутун чиққан, кейин ёнғин ўчирувчиларни чақириб юргандан кўра, яхшиси, гулханни вақтида ўчирган маъқул....

Маҳмуд газеталар биносига, Ёрматовнинг ҳузурига белгиланган вақтда етиб келди. Лифтга яқин келаркан, орқасида оғир пишиллаган овоз эшитди. Нима учундир, фақат Дидоренкогина шундай нафас олиши мумкин, деб ўйлади, йўқ, ичидан туйди. Ярим қадам четга ўтиб, лифтга ёни билан ўгирилди-да, баттен-даун тоифасидаги энг қимматбаҳо оппоқ кўйлак кийган, бўйи икки газ атрофидаги барвастақомат одамга зимдан тикилди. Шу тариқа Маҳмуд ўзининг бўлажак рақибини унга сездирмай томоша қилиш имконига эга бўлди. Бақалоқ юзи унинг буқача табиати ва кучли иродасидан далолат берарди. Семиз сергўшт лаблари эгасининг жон койитмайдиган, ишратпараст одамлигини, уйқусираган, ялқов нигоҳи эса, ўзига ҳаддан зиёд ишончи ва тўқлигини кўрсатарди.

Маҳмуд шошилмай унинг ортидан юраркан, Дидоренконинг Ёрматов хонасига бемалол кириб жойлашиб олишига имкон берди, сўнгра эшикни тақиллатди.

— Мана бу йигитни Маҳмуд Умаров дейишади, — хурсанд бўлиб кутиб олди уни Ёрматов. — Киравер, биз сени кутаямиз.

Маҳмуд ҳар иккови билан қўл олишиб сўрашди.

— Дидоренко, — тўнғиллади вазир муовини ва пича сукутдан сўнг қўшиб қўйди: — Эдуард Алексеевич.

— Умаров, — деди Маҳмуд унга ҳамоҳанг қилиб.

— Танишиб олдингларми? — сўради хона эгаси қониқиш билан иккаласини рўпарасида қарама-қарши қўйилган курсиларга ўтиришни таклиф этиб. — Энди мен сизларни бир-бирингизга таништираман. Ёшга қараб бошлаймиз, — Дидоренко томонга енгил бош ирғади. — Эдуард Алексеевич Дидоренко, Ички ишлар вазирининг биринчи муовини, генерал-майор, у билан биз етарли даражада яхши танишмиз ва турли сабаблар билан кўп учрашганмиз. Жудаям ошириб юбормадимми, ўртоқ генерал?

— Асло, — муносиб жавоб берди Дидоренко чўнтагидан

"Малборо" сигарети қутисини чиқараркан ва Ёрматовга савол назари билан тикилди: — Ётирозингиз йўқми?

— Мен чекмайман, лекин сизга истисно қиламиз, ўртоқ генерал,—хохолаб кулди Ёрматов столи ичидан шохдор шайтон калласи кўринишидаги ҳаворанг шиша кулдонни Дидоренконинг олдига қўяркан. — Рўпарангизда эса, менинг ҳамкасбим, республиканинг таниқли журналисти ва ёзувчиси Маҳмуд Умаров. Сиз, Эдуард Алексеевич, унинг рўзнома ва ойнамалардаги баҳсли мақолалари, танқидий чиқишларини балки ўқигандирсиз?

— Шундай, — бош ирғади генерал. Унинг юз ифодасидан Маҳмуд шуни англадики, у мақолаларини нафақат ўқиган, балки ўзининг номини ҳам эшитмаган. Ва ички бир заҳархандалик ила хаёлидан ўтказди: "Ҳечқиси йўқ, ўртоқ генерал, энди ўқийсиз".

— Энди дастлабки танишув тугади деб ҳисоблаймиз ва асосий масала муҳокамасига ўтамиз,— деди Ёрматов ҳазил оҳангида ва жойида қулайроқ ўрнашиб оларкан, Маҳмудга ишора қилди: — Бошлайвер!

Маҳмуд қўлидаги жузгирини очиб, ундан "Литературная газета"га мактуб ва ёзув дафтарчасини олди.

— Гап шундаки, Эдуард Алексеевич, менинг қўлимда катта милиция ва хавфсизлик қўмитаси зобитлари шикоят аризасидан иборат жиддий ҳужжат бор, — дея Маҳмуд энди гап бошлаганди, кутилмаганда Ёрматов ташаббусни қўлига олди:

— Эдуард Алексеевич! — дея Маҳмуддан гапини бўлгани учун узр сўраб, давом этди: — Ойномамиз фаолияти ва йўналишидан келиб чиқиб, кўпинча менга ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд идораларига оид қалтис ва баъзан жанжалли ишлар билан шуғулланишимга тўғри келиши сизга яхши маълум.

— Қулоғим сизда, Элёр Раҳматуллаевич,—бош ирғади Дидоренко.

— Бир неча кун аввал Умаров менга манави хат, яъни ҳужжат билан мурожаат қилди, унга республикадаги таниқли одамлар имзо чекишган.

Маҳмуд Ёрматовнинг фикрлаш тарзини тоқатсизлик билан кузатаркан, лабларини тишлади. Лекин Элёр Раҳматуллаевич уни нигоҳи билан юпатди.

— Дидоренконинг...— оғзининг танобини қочирди генерал.— бунга нима даҳли бор?

— Гап шундаки, — деди Ёрматов, — мактуб "Литературная газета" муҳарририяти номига ёзилган.

— Бизда "Литературка"га ёзишни яхши кўришади, — тўнғиллади генерал. — Демак, шикоят экан-да?

— Ҳа, шикоят, — тасдиқлади Ёрматов. — Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти устидан.

— Раҳбарияти устидан? — ҳайрон бўлди Дидоренко ва Умаровга қизиқиш билан тикилди. Гўштдор лабларида масҳараомуз кулимсираш ифодаси пайдо бўлди. Бу қуйидагиларни билдирарди: ҳали сен, она сути оғзидан кетмаган гўдак, Ички ишлар раҳбарияти устидан шикоят билан шуғулланмоқчимисан? У сигарет кукунини кулдонга ташлади. — Ўша шикоятчиларнинг муддаолари нима экан? Вазирни ишдан олиб, жиноий жавобгарликка тортишми?

Маҳмуд миясига қон уриб, юзи қизий бошлаганини ҳис этди, Ёрматовга таъна билан қаради.

— Ҳазилга ўрин йўқ, ўртоқ генерал, — Ёрматов бармоқлари ёзилган қўлларини Маҳмудга узатди. Умаров уни дарров тушуниб, хатни берди. — Очигини айтсам, мен сизни бу ерга кейинчалик бирон ишкал чиқмаслиги, ҳаммасини хотиржам, ўзимизнинг тор доирада муҳокама қилиш учун чақирдим. Мен бу хат бўйича журналистлик тадқиқотини тўхтатдим. Аммо модомики сиз бунақа жангвар кайфиятда экансиз...

Ёрматов, афсус, фикримиз бир жойдан чиқмади, дегандай, қўлларини ёзди. Маҳмуд дилида такаббур генералнинг попугини пасайтириб қўйган Ёрматовга қойил қолганча, вазир муовинига тикилди.

Чамаси, энди генерал асабийлаша бошлаганди.

— Нега энди, Элёр Раҳматуллаевич?— хушфёшлик билан кулди у қўлларини ёзиб,— Мен оддий аскарман, тўғридан-тўғри, "косанинг тагида нимкосасиз" гаплашишга ўрганганман. Арзимаydi. Эгилган бошни қилич кесмайди, дейдилар...

— Мана бу бошқа гап!—қониқиш билан бош ирғади Ёрматов Маҳмудга тантанавор нигоҳ ташлаб.

Бу нигоҳни пайқаган Дидоренконинг қовоқ-лунжи осилди. Ёрматов хатога йўл қўйганини дарров тушунди ва шу заҳоти Умаровга мурожаат қилди:

— Сенда саволларинг бор эди. Марҳамат!

Маҳмуд бош ирғади, ён дафтарчасини очиб, биринчи савол тагига чизиб қўяркан, уни товуш чиқариб ўқиди:

— Эдуард Алексеевич! Сиз Қоратоевни танисангиз керак?

— Қоратоев?— бир зум ўйга толди генерал. — Исмини эшитганман, лекин, очиги, ёдимда йўқ.

— Ўзбекистон хавфсизлик қўмитаси бўлинмаси раҳбари, — эслатди Маҳмуд Дидоренкога тикиларкан. — Бу зобит билан ўртангизда ҳеч қандай зиддият ўтмаганми?

— Хавфсизлик қўмитаси катта зобити ва Ички ишлар вазирининг биринчи муовини ўртасида қандай зиддият бўлиши мумкин?—деди Дидоренко кибру ҳаво билан.

— Демак, ҳеч қандай? — давом этди Маҳмуд. — Полковник Болиев билан-чи? Айтмоқчи, у қўл остингизда ишлайди-ку.

— Унчалик эмас, — дея эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳоти тасдиқлади: — Дарвоқе, шундай, қўл остимда ишлайди. — Ҳар бир сўзни тарозига солаётгандай сукутга толди-да, сўнгра қатъий оҳангда гапирди: — Болиевга хизмат юзасидан раҳбариятнинг жиддий эътирозлари бор эди. Уни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам қўйилганди.

— Бунга нима халақит берди? — сўради ундан Ёрматов. —Айблов асоссиз бўлиб чиқдимми ё бошқа сабаб борми?

— Бошқа сабаб бор! — тасдиқлади Дидоренко. — Топдингиз, Элёр Раҳматуллаевич! Қўлдан чиқиб кетди, шайтон, лекин ўйимча, узоққа боролмайди. Иши архивга топширилмаган. Бузоқнинг юургани сомонхонагача...

— Болиев хусусида тушунарли, — бош ирғади Маҳмуд Умаров. — Полковник Банделет-чи? У ҳақда нима дея оласиз?

— Полковник Банделет ҳақида нима дейишим керак?— саволга савол билан жавоб берди Дидоренко унинг гап оҳангида.

— Унинг обрўсига панд берадиган ҳеч гап йўқми?

Генералнинг кўзларида ўт чақнади.

"Э-ҳа, — хаёлидан ўтказди Маҳмуд, — генерал ичидан зил кетди-ку. Шу пайтгача уйқусираб, бемалол ўтирувди".

— Бор, — деди у бир неча фурсатдан сўнг ва Ёрматовнинг таажжубда савол назари билан тикилаётганини

кўриб, қатъий такрорлади: —бор. Полковник Банделет республика жиноий-қидирув ишлари Бошқармасининг бошлиғи вазифасида ишлаган кезларида унинг қўл остида ишлаган бир неча масъул ходим қамоққа олинган. Кимдир милициядан ҳайдалган, кимдир нафақахўрликка жўнатилган...

Маҳмуд бош иргаб, дафтарчасига алланималарни қайд этди. Дидоренко энди Ёрматовга юзланди.

— Марҳамат қилиб менга тушунтириб берсангиз, Элёр Раҳматуллаевич, бу нима томоша ўзи?

— Томоша эмас, — бошини сараклатди Ёрматов. — Агар томоша бўлганида... Ички ишлар вазирининг биринчи муовини билан ҳазил қилишга ким журъат қила олади, ахир?

У хатни очиб, генералнинг олдига қўйди.

— Марҳамат, ўқинг.

Дидоренко матнга тикиларкан, сигарет тутатди.

— Бу хусусда нима дея оласиз?— чўзилиб кетган сукутни бўлди Ёрматов. — Сиз ҳам, биз ҳам тушунамиз, улар учун бу—сўнгги илинж...

— Эҳтимол...

— Демак, сиз шикоятга розимисиз?

— Худди ёш болага ўхшайсиз-а, Элёр Раҳматуллаевич!—аччиқ дори ичгандай генералнинг афти буришди. — Шуям гап бўлди? Бунақанги саводсизларча ёзилган хатга қандай жиддий қараш мумкин?

— Сиз чинданам булар бари беҳуда, деб ўйлаяпсизми?—ҳайрон бўлди Ёрматов. — Уч катта зобит имзо чеккан ва марказий матбуот идорасига ёзилган шикоятга наҳотки жиддий қарашмаса?

Дидоренко жавоб бермади. Рўпарасидаги хатга тикилганча, у кетма-кет яна бир сигаретни чекиб тутатди ва икки бармоғи билан қош оралиғини укаларкан, чуқур ўйга толганди. Уни нима кўпроқ ўйлантираётгани ўлимга маҳкум полковниклар имзо чеккан хатнинг ўзими ё унинг Ёрматов қўлига тушиб қолганими, — тушуниш қийин эди. Албатта, иккинчиси кўпроқ унинг таъбини тирриқ қилаётганди, бу ҳолда ўша шикоятчиларнинг бир дақиқадаёқ танобини тортиб қўйиш мумкинлиги билан боғлиқ режалар пучга чиқарди. Йўқ, энди рўзномада ҳеч кимга кераксиз шовқин-сурон кўтарилишига йўл қўймай, пича кутишга тўғри келарди. "Инсон ва қонун" ойномаси

милиция идораларининг олий зобитлари номига доғ туширадиган мақолани ҳеч қачон чоп этмаслигини Дидоренко тушунарди. Шунинг учун ҳам полковниклар ўз шикоятларини "Литературная газета" га йўллашганди.

Бу жанжалли шикоятни афтидан Ёрматов ҳам ўз ойномасида босиш ниятида эмас, лекин уни ўз биродари ёрдамида қайсидир Масков рўзномасида чоп эттириши аниқ эди. Ана ундан кейин бўладиган тантаналарни тасаввур қилиш қийин эмас...

Ўз вақтида Ёрматовларнинг танобини камроқ тортишган кўринади. Шароф Рашидов ҳаётлигида, катта тозаланиш даврида уларни туртиб-тергаб, анча савалашганди. Чунки ўшанда, айтишларича, ака-укалар жуда ҳадларидан ошиб кетишганди: бири — "Инсон ва қонун" ойномасининг махсус муҳбири, иккинчиси—"Известия" вакили, учинчиси—республикадаги энг йирик "АвтоВАЗ" бирлашмасида ботмонлаб пул қилиш билан банд эди.

Аммо қийинчилик вақтлари орқада қолди. Ака-укалар каттасидан ташқари, яна ўз вазифаларига тикланишди, тўнғич ака кучайтирилган тартибдаги колонияда саккиз йил ўтириб чиқишига тўғри келди, ака-укаларнинг заиф жойи ҳам мана шунда эди.

Генерал буларнинг барини бир-бир хаёлидан ўтказди. Лекин барибир... барибир Дидоренкога юзага келиши мумкин бўлган жанжалнинг кераги йўқ эди. Гарчанд тақдирдан нолиш гуноҳ бўлса-да... Бу юртга полковник сифатида келганди, вазир муовини, кейин саноқли ойлардаёқ биринчи муовин даражасига кўтарилди ва ундан баъзан катта хўжайин, вазирнинг ўзи ҳам ҳайиқарди. Ваҳоланки, у вазирликни бошқариш учун хавфсизлик қўмитасидан ўтганди...

РАҲМОНОВ СОБИР СОДИҚОВИЧ, 1942 йили туғилган, генерал-майор, қатор вилоятларнинг Давлат хавфсизлик қўмитаси Бошқармаларининг собиқ бошлиғи, собиқ Ички ишлар вазирлиги.

Ўша даврдан буён Собир Раҳмоновни Ички ишлар вазирлигида илиқ туйғулар билан эслашади. Камтарин, сермулоҳаза, зиёли одам.

Юмшоқ, вазмин кўриниши Раҳмоновга айнан мафкура соҳасида ишлаши учун қулайлик туғдирарди. Ички ишлар

вазири вазифасини бажаришга киришаркан, Собир Содиқович ўз тамойилларига содиқ қолди. Вазирлик тизимида одатдаги янги "хўжайин" келиши билан боғлиқ инқилобий ўзгаришлар ва янгиланишлар қилиб ўтирмади, ҳар бир ходимга алоҳида, унинг хулқ-атвори ва имкониятларидан келиб чиқиб ёндашишга интилди.

Табиийки, Масковдан алоҳида ваколатлар ва фирқадаги иккинчи раҳбарнинг муҳофаза ёрлиғи билан келган худбин, шафқатсиз ва амирона қиёфадаги Дидоренко бевосита бошлиғини тезда ва осонгина жиловлаб, ўзига бўйсундириб олди. Қўл остида ишловчи ходимлар нигоҳида "асли ким хўжайин" эканини ҳар гал таъкидлаб, вазирнинг нафсониятига тегиш ва уни ерга уриш Дидоренкога ўзгача лаззат бағишларди.

Лекин ҳозир қудратли генералнинг ўйлари фақат бир нарса манави қоғозбозлардан қандай қилиб шикоят хатини тортиб олиш ва уларнинг овозини ўчириш билан банд эди. Уларнинг номларини ҳам эслагиси келмас, кибру ҳаво билан улар ҳақида исм-шарифсиз мавжудотлардай ўйлашда давом этарди.

Маҳмуд унинг юзидаги ўзгариш ва тўлқинлар, кўзларидаги ифода орқали фикрларини ўқиркан, бу ашаддий бўри қопқонга илингани ҳақидаги ишончдан хурсанд эди. У воқеалар ривожини кутиб, писиб олди. Бейхтиёр собиқ хотини Малинанинг ўзини силовсинга иқтибос қилганини эслади. Қоплоннинг нима ҳақда ўйлаётгани ва кейинги онда қасққа сакрашини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Бўрининг ниятларини англаш мумкин, силовсин эса, ҳамиша бир хил—ҳиссиз, лоқайд ва совуққон.

Ҳозир ҳам генералга тикиларкан, Маҳмуд ўзини дам олиш учун ёнбошлаган, қорни тўқ, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ашаддий бўрини пистирмадан туриб кузатаётган силовсинга ўхшатди. Дидоренко ўзига етарлича баҳо беролмаяпти, дея ички тантана билан хаёлидан ўтказди у ва бу яхши, жуда яхши эди. Демак, унинг ишни жадаллаштиришга вақти бор ҳали.

Эртасига Элёр Раҳматуллаевич унга "Инсон ва қонун" ойномасининг расмий бланкида ҳамма ваколатлари ёзилган шаҳодатномани топширди.

— Мен сенинг ҳар бир қадамингни, қўлингга тушган ҳар бир ҳужжатни билишим керак, уқдингми?— деди у буйруққа имзо чекаркан. — Жуда жиддий ўйинга киришдик, Маҳмуд. Бу ерда ишдан ҳайдалиш уёқда турсин, калласиз қолиш ҳам мумкин. Ҳозирча Дидоренко бизга иттифоқчи. Лекин ҳозирча, чунки мен унга қоида бўйича ўйнашга ваъда бердим. Энди эса, полковникларинг ҳузурига отлан!..

— Дидоренкони кўрдингми?—полковник Банделет дастрўмолини чиқариб пешонасидаги терни артди, истаконга газ сув қуйиб, бир кўтаришда сипқорди. — Уни қанча уришиб-сўкмайлик, ишнинг кўзини билади, лаънати. — Маҳмудга тикиларкан, у алам ва ғамгин бир чорасизлик билан гапида давом этди:— Мен илгари ҳеч қачон ва ҳеч нарсадан қўрқмас эдим. Ўқув юртидан сўнг чегарада, кейин милицияда, жиноий-қидирув бўлимида ҳам, хорижда ишлаган кезларимда ҳам. Мени чопиб, отиб ташлашлари мумкинлиги ҳақида ўйламасдим. Ўйламасдим, вассалом. Дуоибад қилингандай эдим. Фавқулодда деворга йўлиқдим, йўл йўқ. Энг даҳшатлиси, девор орти—бўшлиқ эканини ақлан сезасан. Ва икковидан бирини танлашинг: ё тош деворга бошинг билан урилишинг ёки ўша бўшлиқда бўғилиб ўлишинг керак. Униси ҳам, буниси ҳам—ўлим.

Мен кўз олдимда энг яхши тезкор ходимларни оёқ-ости ва хор-зор қилишаётганини, жиноий қидирувнинг ўн йиллар мобайнида тарбияланиб вояга етган "олтин жамғармаси"ни ишдан ҳайдаб, қамоққа тикаётганларини умидсизлик билан кузатишга мажбур эдим, ахир, жиноий дунё уларни йўқ қилиш учун миллион-миллион олтинлар беришга ҳам тайёр-да. Дидоренконинг бундай қўпоровчилик фаолиятдан айнан ўшалар ўзларида йўқ хурсанд. Уларнинг қўп йиллик орзу-истаклари... яна теппа-текин рўёбга чиқаётганди-да.

— Владимир Борисович! Наҳотки чинданам шундай?— сўради Маҳмуд ишонгиси келмай. — Гапларингизни тинглаб, республиканинг келажагидан даҳшатга тушасан, киши.

— На бизнинг ва на республиканинг ҳеч қандай келажаги йўқ. Агар иш шу тарзда кетаверса...

— Аниқроқ айтсангиз.

— Нимасини аниқроқ айтай. Келажак жиноятчи ва порахўр унсурларнинг қўлида бўлади, генерал Дидорен-

конинг гуруҳи айни шу мақсадни кўзлаб ишляпти. Улар ўзларининг қора ишларини тугаллаб, республикадан жўнаб кетишади. Биз эса, шу ерда яшашимиз, улардан қолган нажосларни тозалашимиз керак. Дидоренконинг қорагуруҳчилари энг яхши хизматчиларни қирғинбарот қилишляпти, бу одамларнинг бевосита бошлиғи бўлмиш камина эса, хонасига биқиниб олиб, оҳ-нола тортиш ва ниҳоят, ўзини ҳам ҳибсга олишларини кутишдан бўлак ишга яроқсиз бўлиб ўтирса...

— Жуда ошириб юбордингиз, Владимир Борисович, — деди Маҳмуд шубҳаланиб. — Дидоренко билан суҳбатимда у сиз ҳақингизда ҳеч қандай ёмон гап гапирмади.

— Қамоққа олиш учун ҳукм қилинган одам ҳақида ёмон гап айтиш шарт эмас, — деди Банделет ҳазиломуз оҳангда ва сўнгра республика Ички ишлар вазирлиги жинорий-қидирув Бошқармаси бошлиғининг хонасига Дидоренконинг одамлари бостириб кириб, бу пайтда Банделетга бир кун аввал ўтказилган тезкор тадбир ҳақида ахборот бераётган айрича муҳим ишлар бўйича оператив катта зобит Анвар Юсуповнинг, худди қандайдир жиноятчидай қўлларини орқасига қайириб, кишан солишганини гапириб берди. — "Ҳибсга олиш гуруҳи"га Дидоренконинг Украинадан ўзи билан бирга етаклаб келган Черний деган сadoқатли ити бошчилик қилди. Косасидан туртиб чиққан буқакўз майор. Унинг одамлари Юсуповнинг қўлларига кишан солишаркан, майор бу ишнинг менга қандай таъсир қилганини билмоқчи бўлиб, каминадан кўз узмай турди.

— Сиз индамадингизми?

— Мен ёзув столимнинг тортмасини чиқариб қўйдим. У ерда танкларга қарши граната бор эди. Афғонистондан олиб келгандим. Кўз олдим қоронғилашди. Бари тугади, деб ўйлардим. Менга яқинлашиб кўришсин-чи, ҳаммасининг оёғини осмондан қиламан. Улар кетишди. Кейинчалик йигитлар айтишича, Юсуповни ҳибсга олишганда мен ўзимни қандай тутганимни Дидоренко Чернийдан роса сўраб-суриштирибди. Қўрққанманми, йўқми...

ҲОТАМОВ РАСУЛ РАЙМОВИЧ, 1949 йили туғилган, халқ хўжалиги олий билимгоҳини тугаллаган, ишлаб чиқаришда, комсомол ва фирқа қўмитасида хизмат қилган, Тошкент шаҳар комфирқасининг собиқ котиби.

— Чуқур ўйлаб кўриш керак, Маҳмуд, Дидоренко билан очиқ жангга киришувинг шартмикан?— деди Ҳотамов ўйчан ҳолда лабларини қимтиб. Бу унинг олис ёшлик йилларида рингда орттирган одати эди. — Унинг ортида қудратли куч тизими, давлат ичида давлат турибди, бу— жиддий ташкилот.

— Жангга киришиб бўлдим, орқага чекиниш мумкин эмас, — деди Маҳмуд нохуш кулимсираб, деразага тикиларкан.

— Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардаги тартиббузарларга қарши курашиш олижаноб иш, албатта, — давом этди Ҳотамов эринчоқ овозда фаромушлик билан, лекин нохос қизишиб кетди: — Нима, сен фақат улардагина тозалаш кетаяпти, деб ўйлаяпсанми? Бизга ҳам осон тутиб бўлмайди. Одамларнинг тақдири билан ўйнашиб, майиб-мажруҳ қилиб қўйишаяпти, сен эса, оғзингни юмишинг, миқ этмаслигинг керак. Ўйин қондасини ким, кимлар белгилаяпти?— у столига мушт туширди. — Бир нимага жиндек бўлса-да, ақллари етганидаям, ҳеч қурса, ҳурматингни жойига қўйганларидаям майлига эди, аммо йўқ—биз улар учун иккинчи тоифали одамлармиз.

— Сенинг ҳам тагингга сув қўйишмоқчими?

Ҳотамов чап елкаси оша уч марта туфлаган бўлди.

— Худога шукур, ҳозирча йўқ. Лекин... Масалан, менинг азиз ва қадрдон бошлиғим, мафкура бўйича фирқа қўмитаси котибаси Лаврушкони олайлик. Ёқимтой ва таннозлигидан бўлак ҳеч вақоси йўқ, калла қургур ҳам бўмбўш. Ана шундай аёлга Ўзбекистон пойтахти мафкуравий сиёсатини юргизиш топширилган.

Маҳмуд сергак тортди. Ҳотамов Лаврушкони бежиз эсламаганди, демак, у ниманидир режалаб қўйган.

— Менга у ҳақда аниқроқ маълумот бер, ёзувчиларнинг навбатдаги қурултойида шармандасини чиқаришим мумкин.

— Яна қанақа аниқроқ маълумот керак? — деди Ҳотамов ҳозиржавоблик билан. У жузгирдан фақат ўзи ўқий оладиган майда, ажи-бужи ҳарфлар битилган қорозни чиқарди-да, ўқишга киришди: — Масковда таҳсил олган, пединститутни тугатган, кейин қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилган, сўнгра яна Масковга қайтган, пировардида қурилишда ишлаб, олий фирқа мактабига ўқишга кирган. Ўқишни тамомлагач, тақсимот бўйича

Тошкентга йўланма олган. Бу ерда мурдалар устидан юриб, каравотлардан ҳам ор қилмаган. Дарвоқе, бу хусусда менда баъзи бир пинҳоний тафсилотлар ҳам йўқ эмас, лекин ҳозирча бу ҳақда тўхталмайман, — истасанг, ўзинг билиб оласан... Дарвоқе, ёдингда бўлса керак, бизнинг "сеҳрланган" Усмонхўжаевимиз қурултойда тўғридан-тўғри Горбачевга мурожаат қилиб, Ўзбекистонда фирқа ва давлат ҳокимиятини кадрлар билан мустаҳкамлашни илтимос қилганди...

— Албатта, ёдимда! Масков ҳозиржавоблик ва қатъият билан меҳнаткашлар оммасининг талаб-истакларини қондиришга киришганди.

— Бу — Марказнинг сиёсати, аниқ мақсадга йўналтирилган стратегияси эди, Усмонхўжаев эса, оддий аскар, югурдак, малай бўлмаган тақдирда ҳам мурват, фирқа ғояларининг карнайларидан бири эди, холос...

— Демак, Лаврушко ва унга ўхшаганлар миллий жумҳуриятларда ана шу тариқа фирқа етакчиларига айланишаркан-да?

— Азизим, бу луқманг тўғридан-тўғри Марказқўмнинг иккинчи котиби Анишчевга даҳлдор!— шошилишча гап қўшди Ҳотамов. —Опачамиз марказий идорада ишлаган, учинчи котиб бўлиб кейин "сайланган".

— Э-ҳа, демак, у—Анишчевнинг маъшуқаси экан-да?

— Билмаган нарсамни биламан, деб айтолмайман. Дарвоқе, мен сенга шундоғам керагидан анча кўпроқ валдирадим.

— Жуда эҳтиёткорсан-да, Расул Раимович. Хайр, майли. Лаврушко ҳақидаги бор маълумотларингни чўз.

Ҳотамов унинг олдига оқ қоғоз ва ручка қўйди-да, қатъий оҳангда гап бошлади:

— Майли, ёз. Лаврушко Алла Ефимовна...

Котибанинг таржимаи ҳоли ва у билан боғлиқ антиқа тафсилотларни айтиб, обдан изоҳлаб бергач, қўлидаги қоғозни майда-майда қилиб йиртиб, ахлатдонга ташлади.

— Эҳтиёткор одамни худонинг ўзи асрайди, —изоҳ берди у Маҳмудга қувлик билан мийиғида кулиб тикиларкан.

Ярим кечаси Маҳмудни телефон жиринги уйғотиб юборди.

— Ухляпсанми?...

— Уйғониб бўлдим,— у ён томонидаги жавончага қўйилган чироқни ёқди-да, соатига қаради. Албатта, бунақа ярим тунда фақат Шавкат Раҳим қўнғироқ қилиши мумкин эди. — Соат нечалигини ўзинг биласанми?

— Биламан, — қиқирлаб кулди Шавкат. — Иккидан чоракта ўтди. Янги шеъримни эшитишни истайсанми? Ҳозиргина ёздим.

— Э, ўша шеърингдан... — минғирлади Маҳмуд дастакни жойига ташлаб. Аммо шу заҳоти телефон қайта жиринглади. Маҳмуд яна дастакни кўтариб, ўдағайлади:— Сенда виждон борми ўзи?

— Хафа бўлма, Маҳмуд, — Шавкатнинг овози ноҳос жиддийлашган эди. — Иш юзасидан қўнғироқ қиляпман, ахир. Эртага ёзувчилар уюшмасига келсанг. Гап бор.

— Нечада?

— Ўн бирда вақтинг борми?

— Қаерда бўласан?

— Пастда, қаҳвахонада. Фақат ҳеч кимга гапирма. Жиддий масала бор. Яна бир зот ҳам келиши керак...

Шавкат Раҳим билан Маҳмуд Масковда танишган ва ўшандан буён муносабатлари самимий ва илиқ эди. Шавкат Горький номли адабиёт институтида ўқирди. Маҳмуд икки йиллик олий адабиётчилар курсида таҳсил олар, улар Добролюбов кўчасидаги ётоқхонада истиқомат қилишарди. Ўқишни тугатгач, Масковда яна икки йил қолиш имкони туғилди. Маҳмудга театр драматурглари курсларида яна ўқишни давом эттиришни таклиф қилишди ва йигит бунга мамнунлик ила розилик берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан йўлланма олиш қолганди, холос.

— Етар! Ишлаш керак!—қатъиян эътироз билдирди уюшма саркотиби.

Шу тариқа Маҳмуд Масковнинг ўрнига Тошкентда қолиб, ўқув масканини ёшлар нашриётининг бош муҳаррири муовини лавозимига алмаштирди.

Эртасига, соат ўн бирда Маҳмуд мошинасини Ёзувчилар уюшмаси ёнидаги майдончада қолдириб, қаҳвахонага тушди. Бурчакдаги стол атрофида Шавкат Раҳим билан кўпроқ сиёсий фаолияти туфайли оғизга тушган шоир Сафар Болта ўтиришарди. Шавкат биринчи бўлиб Маҳмудни кўрди ва унга қўл силтади.

— Сени кутаяпмиз.

Маҳмуд буфетдан тутқали пиёлада қаҳва олиб, бўш курсига бориб ўтирди.

— Нима гап ўзи?

— Яқин кунларда Ёзувчилар уюшмасининг қурултойи бўлади,— деди Шавкат.

— Яна ташкилий масала кўрилса керак-да? Бу сафар кимни ишдан олишаркин? — сўради Маҳмуд истеҳзо аралаш.

— Сен эшитган бўлсанг керак, Гулчеҳра Вафоева "Юлдузча" нашриётининг директори лавозимига ўтапти. Ёшлар бўйича уюшма котибининг жойи бўш.

— Ҳаммаси тушунарли, жанг бошламоқчимисизлар?

— Бизнинг вақтимиз келди, Маҳмуд, — деди Шавкат ўйчан ҳолда.— Биз бирлашиб, котибни ўзимизникилардан сайлашимиз керак.

— Сеними?

Шавкат эсанкираб, кинояли кулимсиради-да, бошини чайқади. Кейин жиддий ҳолда сўз қотди:

— Биз Сафар Болтанинг номзодини қўймоқчимиз...

САФАР БОЛТА (БОЛТАБОВ САФАРАЛИ), шоир. "Ҳурлик" сиёсий ҳаракати иштирокчиси, раҳбариятийнинг бўлиниб кетишида асосий ташаббускор, ўз фирқасини тузган, республика Президенти бўлиш учун курашган, сайловда ютқизгач, ўз сафдошларини яширин ҳолда курашни давом эттиришга чорлаган.

"Қандай яширин кураш ҳақида гап бўлиши мумкин",— дея кулганди ўшанда Маҳмуд унга Сафарнинг бу даъвати ҳақида сўзлаб беришгач. Унинг тасарруфида ҳар қандай соғлом ва конструктив муҳолифат орзу қилиши мумкин бўлган фирқаси, вилоятларда бўлинмалари, рўномаси, ноиблик минбари бор эди. Булар бари унда бор эди ва Сафар ноиблик шаҳодатномасини намойишкорона қурултой раёсати столига улоқтириб, мажлисни тарк этишга қарор қилганида, у мазкур имтиёзларнинг ҳаммасини бир сониядаёқ йўқотганди. Тўфон кўтарилади, деб ўйлаганди, лекин уни ўз одамлари ҳам қўллаб-қувватлашмади. Ортга қайтганида эса, кеч бўлган эди. Ўшандан кейингина у махфий иш юритишни лозим топди. Унинг бу қадами нафақат унга, балки унинг фирқасига нисбатан ҳам кескин муносабат уйғотиши керак эди.

Лекин Сафарнинг сайловдаги бош рақиби мард ва танти

одам чиқди. Ўз тасарруфида қудратли куч мажмуига эга бўла туриб, у Сафарга тўла эрк берди, бундан у зудтар фойдаланиб, жумҳуриятдан қочиб кетди. Нимаям дердик, тарих мисолларга бой. У— биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмас.

Маҳмуд "Ўрлик" етакчиси Урайим Темуров билан ҳаракат истиқболи, унинг биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалари ҳақида товушлари хириллаб қолгунча баҳслашганларини эслади. Бу баҳслар айниқса республика мустақил деб эълон қилинганидан сўнг, ҳукумат вакиллари ҳаракат раҳнамолари билан музокаралар бошлаб, конструктив ҳамкорликка чорлагандан кейин янада шиддатлироқ тус олди.

"У биздан қўрқади!— дея шодумон осмонга сапчишди қайноқ каллалар. — Ҳеч қандай музокарага ўрин йўқ! Фақат олға!"

— Қаёққа олға? Нима учун? Бизни ҳамкорликка чорлашайпти, ишлаш керак, ахир!

Лекин Маҳмуднинг овози бамисоли сувга тушган кесакдай бўлди, уни ҳеч ким эшитмади.

— Яна сал зўр берсанг, республиканинг биринчи шахси бўласан!— дея шивирларди Урайимга ҳаракатнинг бош мафкурачиси Одиловнинг тилёғлама овози. — Фақат ярим йўлда тўхтамаслик керак. Бизни қўшни мамлакат халқ фронти қўллаб-қувватлайди, зарурат туғилса—одамлар беради, керак бўлса—пул...

Маҳмуд кўрдик, жараён бошқариб бўлмас ўзанга тушиб борар, бундан эса, ҳеч қандай яхшилик кутиш мумкин эмас эди.

Шунда у фойдаланилмаган имкониятлар, рўёбга чиқмаган орзу-умидлар ва мақсадлар учун афсус-надоматлар билан "Ўрлик"ни тарк этди. Аммо одатича, қатъият билан, тамомила тарк этди.

— Сен чинданам котиб бўлмоқчимисан? — Маҳмуд Сафарга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ҳамма шундай қарорга келса, мен розиман,— виқор билан жавоб берди шоир кўзларини олиб қочаркан.

— Сен ҳеч қачон давлат идорасида ишламагансан-ку? — сўради Маҳмуд киноясини яширолмай.

— Хумчани фақат тангрилар ясамайди, дейишади,— деди Сафар худди нажот кутгандай Шавкатга мурожаат қилиб.

— Рус тилида ижод қиладиган ёзувчилар билан гап-

лаш, Маҳмуд,— илтимос қилди Шавкат Раҳим.— Альтернатив сайлов талаб қилганимизда, бизни қўллашсин. Улар оқсоқоллардан бировини қўйишга ҳаракат қилишади, лекин биз бунга йўл қўёлмаймиз, тушунаяпсанми?

— Тушунаяпман,— рози бўлди Маҳмуд.— Демократияга сал ўхшаши учун Сафарга қарши ҳам бирор альтернатив номзодни қўйиш керак.

Маҳмуд Сафарга нисбатан ўзининг асл муносабатини билдириб қўймаслик учун жим қолди: бу турқи совуқ йигит унга ёқмас эди...

Уларнинг илк учрашувлари ҳам Масковда кечганди. Сафар Адабиёт институти қошидаги Олий адабий курсларга ўқишга кирганди. Ўшанда ундаги ёш шоирларга хос бўлмаган калондимоглик ва такаббурлик дарров кўзга ташланганди. Олис қишлоқлардан бирида туғилиб ўсган, бежамдор ва пала-партиш кийимлардаги, дароз, узун қўллари бесўнақай, майдадахан, бақалоқ юзли бу йигит ҳаммавақт ўзининг ўша пайтларда камдан-кам одамлар ўқиган Кафка ижодига муҳаббатини изҳор этиб юрар эди. Маҳмуд унга ишонмас ва унинг бу такаббурона олифтарчилигини тан олмас эди. Бу ё аҳмоқона ниқоб, ёки юрагини кемириб ётган шухратпарастлик касаллигининг оқибати эди. Шундай экан, буларнинг барини Сафарнинг ёш ва ғўрлиги, ўзига беҳад бино қўйганлиги билан осонгина изоҳлаш мумкин, аммо унинг табиатида қандайдир мунофиқлик, сохталик бор эдики, булар шоир билан яқинлашишга монелик кўрсатарди. Кўп ўтмай уларнинг ораларидаги муносабат арзимаган бир зиддият туфайли янада ойдинлашди, лекин айнан ўша воқеа унинг қалбида битмас яра бўлиб қолди.

Маҳмуд ўшанда „Литературное обозрение“ ойномасига тақриз ва таҳлиллар ёзиб юрар, муҳарририят билан яхши алоқада, тақриз учун ёш муаллифларнинг китобларини ўзи танлар эди. Сафарга ҳам бир яхшилик қилмоқчи бўлиб, ёш шоирнинг яқиндагина нашрдан чиққан китобига муҳарририят учун тақриз ёзишга қарор қилди. Тўпламни ўқиб чиқиб, бир кечадаёқ тақриз ёзди-да, эрталаб уни муаллифга кўрсатди. Сафар Болта тақризни қўлига олиб, кўз югуртириши билан такаббурона кулимсиради.

— Марҳамат! — деди у мақолани қайтариб, Маҳмудга ўзи эришган адабиёт чўққисидан кибру ҳаволи нигоҳ ташларкан. Албатта-да — бир ҳафта аввал уни Ёзувчилар

уюшмасига қабул қилишган, боз устига, янги китобчаси чоп этилганди. Сен ким бўлибсан, дерди унинг нигоҳи.

Маҳмуд вужудини қаҳр-ғазаб қамраётганини ҳис қилди. Беш панжаси билан бақалоқ башарасига чанг солмоқчи бўлди-ю, аранг ўзини босди.

— Менга бунинг кераги йўқ,— секин давом этди Сафар.— Мутлақо кераги йўқ.

— Менга ҳам кераги йўқ,— деди Маҳмуд тишлари орасидан ва тақризни шошилмай, майда-майда қилиб йиртди, кейин худди ўшандай шошилмай, ахлатдонга улоқтирди.

Бошқа улар икки йиллик ўқиш давомида буткул кўришишмади...

Мана энди Маҳмудга Ёзувчилар уюшмаси котиблигига сайловда Сафарнинг номзодини қўллаб-қувватлашга тўғри келаётганди.

— Балки сенинг номзодингни қўярмиз? — таклиф этди Шавкат кўзини қисиб.

— Меними,— деди Маҳмуд айни шу сўзга урғу бериб,— кераги йўқ. Менинг котиб бўлиш ниятим йўқ ва бўлмайман ҳам. Демократия бўлиши учун, келинглар, Хожи Абборнинг ҳам номзодини қўяйлик.

— Хожи Абборнинг? — ўйланиб қолди Шавкат Маҳмудга савол назари билан тикиларкан.— Шундай қилсак, яхшироқ бўлади, деб ўйлайсанми?

— Шундай қилсак, ҳалол бўлади, деб ҳисоблайман,— жавоб берди Маҳмуд Сафарга нигоҳ ташлаб.— Нима, сен бунга розимасмисан?

— Розимасман,— эътироз билдирди у ўжарлик билан.

— Ана холос! — ўзини тутолмай кулиб юборди Маҳмуд Сафарнинг бундай ошкора сурбетлиги ва суллоҳлигидан.— Сен яна амалпараст ҳам экансан-ку. Сен билан юрган одам зерикмайди, ошна...

— Шошилма, Маҳмуд,— унинг гапини бўлди Шавкат Раҳим.— Гапини изоҳлаб берсин-да! — шундай деб, у Сафар Болтага мурожаат қилди. Жумҳуриятда анча машҳур фантаст-ёзувчи саналган Ҳожи Аббор номзодига қандай эътирози борлигини сўради.

— Сизлар уни жуда яхши биласизлар-ку, ахир. Ёзувчилар уюшмаси саркотиби муовини бўлиб ишлаган кезларида у бизга нимададир ёрдам берганини эслай оласизми? Ёрдам бермади, раҳбарият атрофида ўралашиб

юрарди, холос. Агар унинг номзоди илгари сурилса, у сайловда ютиб чиқиши ҳеч гапмас, биз бўлсак, Ёзувчилар уюшмаси идорасида инқилоб яшашни истаймиз.

— Идорасида эмас, уюшманинг ўзида,— тузатиш киритди унинг гапига Маҳмуд.

— Тирноқ остидан кир қидирмай қўя қол,— деди Сафар асабий селпиниб.

— Сафар ҳақ,— деди Шавкат.— Агар биз бетараф Хожи Абборнинг номзодини қўйсак, унга кўпчилик овоз бериши мумкин. Таваккалчилик қилмай қўя қолайлик.

Маҳмуд қўлини силтади.

— Билганларингни қилинглар! Мен аралашмайман...

Бўлажак жангдан ўзини четга оларкан, аслида у аралашмаслик ниятида эмас эди. У қурултойга келади, лекин унинг маърузаси ҳамма кутганидан буткул бўлакча бўлади. Ер ёрилиб кетган тақдирда ҳам Сафарнинг номзодини у қўллаб-қувватламайди...

Маҳмуд Умаровнинг кундаликларидан:

Бу аҳмоқона қурултойдан ҳозиргина қайтиб келдим. Яхшиям Гули уйда йўқ экан. Кимлар биландир гаплашиш, нималарнидир изоҳлаш у ёқда турсин, бировни кўришни ҳам истамасдим. Бир стакан тўлдириб ароқ ичиб юбордимда, нимкатга ўзимни ташладим, сал асабни ёзиш учун кўзларимни юмдим. Вужудимдаги титроқ ҳалиям тарқамаянди. Бирорта ҳам бўш жой қолмаган, уч қаторли раёсатдан иборат ўша қурултой ҳамон кўз олдимдан кетмасди...

Ҳамма фирқа саркотиби Рафиқ Нишоновични кутар, у эса, негалигини худо билади, келмаганиди. Фирқа тизимидан тарғибот бўлими ходими ва ўша Лаврушко — шаҳар фирқа қўмитасининг мафкура бўйича котибаси ташриф буюришганди. Шўрлик, ўзини нима кутаётганидан буткул беҳабар эди. Раёсатда биринчи қаторда ўтирар,— дўмбоқ, лабларида майин табассум, худди тахтда ўтиргандай, юзида сохта расмиятпарастлик.

Мен раёсатга хат ёзиб жўнатдим: „Мени сўзловчилар рўйхатига киритишингизни сўрайман. Умаров.“

Раислик қилувчи менга нигоҳ ташлаб, бош ирғаб қўйди. Мен хотиржам тортиб, кута бошладим.

Расмий маърузадан сўнг бир, икки, учта одам гапирди, ишқаллик пайқадим. Шавкат менга, минбарга чиқ, бошла, дея имо қиларди. Агар тушликкача сўз беришмаса, тушдан

кейин одамларнинг ярми қолар ва менинг чиқишим тўлиқ таъсир кучига эга бўлмаслиги мумкин эди. Навбатдаги нотик сўзини тугатгач, мен ортиқ кутиб ўтирмай, минбарга отландим.

Зиналар бўйлаб юқорига кўтариларканман, сув сепгандек жимлик чўкди. Жанжал бошланишини ҳамма тушуниб етганди. Мен навбатсиз сўзга чиққаним учун қурултой иштирокчиларидан узр сўрадим, ушбу қурултой ҳам аввалгиларига ўхшаб қуруқ ваъзхонликдан иборат эканлиги ва бугунги кун талабларига жавоб беролмаётганини таъкидлаб ўтдим. Ўз муболағаларим билан пича қуюшқондан чиқиб кетганимни ҳис қилдим, лекин энди тўхтай олмасдим. Бугун сайлашимиз лозим бўлган уюшмамизнинг бўлажак котиби ҳақида ҳам қисқагина тўхталиб, бу лавозимда қотиб қолган котибиятимиз ишига янги шабада олиб киришга қодир ғайратли ёш ёзувчини кўришни исташимни айтиб ўтдим. Бўлмадагилар ғимирлаб қолишди, раёсатдан ҳақоратли хитоблар эшитилди. Лекин мен кейинги масалага ўтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг шикояти, Дидоренко, Гайданов ҳақида гапира бошладим. Лаврушко шахси ҳақида алоҳида тўхталдим. Ҳаммаёқда фирқа, ҳукумат ва куч идоралари тепасида ҳудудимизнинг ўзига хос томонлари, тарихимиз, маданиятимиз ва урф-одатларимиздан беҳабар, аммо ҳақ ёки ноҳақликларидан қатъи назар ўз амри ва бўйруқларига бўйсунушга мажбур қилувчи раҳбарлар ўтираверар экан, жумҳуриятимизда тарбия топган тажрибали кадрлар калтакланиб, йўқ қилинаверади, дея таъкидладим.

Шундан кейин мен Лаврушко ҳақида билганларимни тўкиб солдим. Мен ҳар эҳтимолга қарши барча гапларим учун каллам билан жавоб беришим мумкинлигини айтиб, ўз маърузамни анча қўпол, нохуш оҳангда якунладим.

Мен шундай дедим:

— Малакали раҳбар сифатида жами камчиликларига қарамай, Лаврушко сиртдан қараганда, шубҳасиз қизиқиш уйғотадиган аёл, Марказқўмнинг иккинчи котиби Анишчевнинг уни доимо қўллаб-қувватлашининг боиси ҳам мана шунда бўлса, ажаб эмас. Табиийки, бу унинг шахсий иши, унинг шахсий ҳаётига ҳеч кимнинг аралашуви нияти йўқ, аммо ўз шахсий туйғуларинг ва майлинг туфайли шаҳар фирқа қўмитасини ўз ҳарамингга айлантириш одобданмикин?..

Бирданига жимлик чўкканди. Шундай жимлик эдики, мен юзимнинг олдидан учиб ўтган пашшанинг овозини ҳам эшитдим. Шошилмай, пастга тушиб, ўз жойимга отландим. Саросимада раёсатга тикилаётган юзлардан у ёқда нима кечаётганини пайқадим.

Шу заҳоти танаффус эълон қилишди. Мен ташқарига чиқдим-у, туйқус атрофимда ҳеч ким қолмаганини сездим. Сигарет тутатиб, бир-икки ичимга тортдим-у, бир ўзим турганимни кўрдим. Энг яқин дўстларим ҳам қочиб қолишганини англаб, даҳшатга тушдим...

Бу улкан жанжал, ҳақорат, республика фирқа раҳбариятига қарши курашга даъват эди. Умаровнинг маърузаси бутун Тошкентни жунбушга келтирганди. Уни қўшиб-чатиб, кимдир хайрихоҳлик, кимдир заҳархандалик билан бир-бирларига гапириб беришар, муаллифнинг яқин кунлардаёқ йўқ қилинишини башорат қилишарди.

Маҳмуд ўша кунлари ўзи учун хос бўлмаган тарзда ичкиликка берилди. Қурултойгача бир ҳафта аввал қўшни аёл унга арзон нархда коньяк спирти сотиб олишни таклиф этган, ҳозир у асқотган ва дўконга югуриб юриш шарт эмас эди. Гули унинг қалбида нималар кечаётганини тушунар, уни итоаткорлик билан парваришлар, мазаси қочганда аччиқ чой ёки баргизуб дамламаси ичирарди...

Кутилмаганда Умаровга қуёш кулиб боққандай бўлди. Эшикда узун, талабчан қўнғироқ жиринглади.

— Нима бало, ухляяпсизларми?

Бу бардам кайфиятдаги хушчақчақ Ҳотамов эди. Гулини қучоқлаб, пешонасидан ўпди, Маҳмуд тарафга бош ирғади.

— Ичаяптими?

— Озгина, — алдади Гули, унинг кўзлари чақнарди. У ҳамма гапни тушунарди: Маҳмуднинг маърузасига қарши ҳокимиятдан ҳеч қандай тазйиқ бўлмади, юқорида нимадир ҳалақит берганди, Ҳотамов бежиз келмаган, ҳаммаси жойида, оиласи, Маҳмудга ҳеч нарса хавф солмаяпти.

— Нимаям дердим, — минғирлади Ҳотамов жилмайиб. — Мен ҳам унга қўшилиб, озгина ичмоқчиман. — Маҳмуд билан қучоқлашиб кўришди, сал орқага тисланиб, кўзларига тикилди, елкасини силтади: — Намунча хунобсан? Ҳамма ташлаб кетди, анави қашқирларга смеиш қилиб қолдиришди, деб ўйлаяпсанми?

Ошхонага ўтиб, стол атрофига ўтиришди.

— Нима бўлмасин, Сафар Болта Ёзувчилар уюшмасининг котиби қилиб сайланибди. Хабаринг бўлса керак?

— Хабарим бор.

— Уни кўргани кўзинг йўқ-ку? Ёки мен янглишаяпманми?

— Қўй бу гапни,— сўзини бўлди Маҳмуд пиёлаларга ясама спирт қуяркан.— Юқорида нима гап, яхшиси, шундан гапир.

— Дўстим, буни сўз билан таърифлаб бўлмайди! — ёрилди Ҳотамов.— Шаҳар фирқа қўмитаси саркотиби сен ҳақингда мумкин бўлган жами маълумотларни йиғишни буюрди.

— Сатиннинг ўзими?

— Ҳа, ўзи,— тасдиқлади Ҳотамов.— Мен уни ҳибсга олиб, умрини қамоқда чиритаман, дейди.

— Сен-чи?

— Мен — кичкина одамман, Маҳмуд. Хўжайинимнинг буйруғини бажаришим керак.

— Шунақа де!

— Албатта-да! Мен унга бизда мавжуд жами маълумотларни бердим: комсомол мукофоти совриндори, кўплаб китоблар, пьеса ва киносценарийлар муаллифи, улар биздагина эмас, ҳорижда ҳам муваффақият қозонган.

— Шу масалада сал қуюшқондан чиқиб кетибсан, Расул,— афтини буриштирди Маҳмуд.

— Бўлмаса, бундай эмаслигини ўзи исботлаб берсин,— тўнғиллади Ҳотамов ва айвондаги дераза олдида турган Гулига қараб кулиб қўйди...

— Хўш, ишлар қалай? — Ёрматов Умаровга синовчан тикилди.

— Чамаси, ҳаммаси режа бўйича кетаяпти,— Маҳмуд бармоғининг орти билан столни тақиллатди. — Полковник Шиманский билан учрашувга келишдим.

— У ким ўзи? Мен нега билмайман?

— О, ноёб шахс. Жиний қидирувда бутун бир давр!

— Шунақа де? — сўради Ёрматов унчалик ишонмай. — Бу шахс нимаси билан бутун бир давр экан?

— Ўттиз бир йилдан буён бир жойда — Ички ишлар вазирлигининг жиний-қидирув Бош Бошқармасида ишлайди, — деди Умаров Ёрматовнинг кўзларига тикиларкан. — Менга яна битта шундай тезкор ходимни топиб берсангиз, Элёр Раҳматуллаевич, мен сизга тан бераман.

— Ҳа, ҳозирги шароитда ўттиз бир йил — чинданам бутун бир давр, — рози бўлди Ёрматов. У фикрини давом эттироқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаганди, телефон жиринглаб қолди. У дастакни кўтарди: — Эшитаман. Ёрматов телефонда.

— Элёр Раҳматуллаевич, салом. Дидоренко гапираяпти.

Ёрматов дастакни кафти билан беркитиб, Маҳмудга қўшни телефонни кўтаришга ишора қилди. Маҳмуд бош ирғаб, қўшни столдаги телефон дастагини қулогига тутди.

— Лаббай, — деди Ёрматов Маҳмудга кўз қисаркан. — Ҳозиргина Умаров билан сиз ҳақингизда гаплашгандик.

— У ёнингиздами?

— Йўқ, кетиб қолди, — алдади Элёр Раҳматуллаевич Маҳмудга маъноли тикиларкан. — У керакмиди сизга?

— Бир соат аввал мен Сатин ҳузурида бўлдим.

— Тинчликми ишқилиб?

— Портлаб кетгудай дарғазаб, — Дидоренконинг овози бардам эди. — Умаровнинг қонини талаб қилаяпти. Нозик жойидан илтиртган шекилли.

— Шунақа денг! — ҳайрон бўлди Ёрматов. Унинг кўзлари ўйчан тус олди. — У ўзи сизга нима деди?

— Мендан Умаровни Тошкентдан йўқотишимни, ҳатто ҳибсга олишимни талаб қилди.

Маҳмуд жониқиб, тишларини бир-бирига босди. Мана, ниҳоят, бошланди, хаёлидан ўтказди у.

— Сизнинг жавобингиз қандай бўлди, Эдуард Алексеевич? — сўради Ёрматов хотиржамлик билан.

— Мен унга, милиция фақат жиноий ишлар билан шуғулланиши ва бу масалада бошқа идораларга мурожаат қилиши кераклигини уқтирдим.

— Боплабсиз, ўртоқ генерал! — кулди Ёрматов. — Сиз уни устомонлик билан хавфсизлик қўмитасига йўллабсиз-да?

— Сиёсий ўйинларга аралашишнинг нима кераги бор менга? — хотиржам жавоб берди Дидоренко. — У — шаҳар хўжайини, шундай экан, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилсин-да. Лекин менинг иштирокимсиз.

— Бу гапларимизни Умаровга айтишим мумкинми? — сўради Ёрматов.

— Ихтиёр сизда, Элёр Раҳматуллаевич, — жавоб берди Дидоренко босиқлик билан. — Мен сизга бундай ишларга муносабатимни айтдим, қолганини ўзингиз биласиз.

Ёрматов хайрлашиб, дастакни жойига қўйди.

— Хўш, бунисига нима дейсан?

— Жанг бари бир жанг-да.

— Сен у билан кўришишинг керак.

— Сиз шундай деб ҳисоблайсизми?

— Мен ҳам, шароит ҳам шуни тақозо қилади, — деди Ёрматов қатъий оҳангда. — Ўзинг эшитдинг-ку, Сатин шу билан тинчмайди. Унинг қарамоғида шаҳар прокуратураси бор, у ерда эса, ўз одами — адлия катта маслаҳатчиси Желтков ўтирибди. Биласанми, у Ўзбекистонга учинчи даражали ҳуқуқшунос сифатида келганди, бир неча йилда яшин тезлигида лейтенантдан полковник даражасига кўтарилди.

— Брежневнинг куёви Чурбановнинг ўзгинаси экан-да! — деди Маҳмуд унинг гап оҳангига тақлид қилиб.

— Бекорга кесатаяпсан, — деди Ёрматов жиддийлашиб. — Ўхшатишинг ҳам бемаъни. Чурбанов полковникдан генерал-полковник даражасига кўтарилган, бу эса... Қисқаси, Дидоренко билан учрашасанми, йўқми?

— Ҳозирча, мен тайёр эмасман, Элёр Раҳматуллаевич. Ундан кейин, ишонаверинг, бу учрашув кераксиз бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Мен полковник Шиманскийни кўришим керак. Банделетнинг огоҳлантиришича, Шиманскийда Дидоренко ҳақида жуда қизиқ маълумотлар бор экан.

— Айтмоқчи, — Маҳмуднинг гапини бўлди Ёрматов, — сен менга қўлингга тушган ҳамма ҳужжатлар билан таништириб туришга ваъда бергандинг.

— Мен айнан шундай қилаяпман-ку, Элёр Раҳматуллаевич. Менда нима бўлса, ҳаммасининг сизда нусхалари бор...

Шиманский Маҳмудни ичкарига ўтказаркан, эшикни беркитиб, зулфини суриб қўйди. Эшик оғир, қалин тахта-ланган пўлатдан ясалган эди.

— Ўзимизни ҳар хил қаланғи-қасанғилардан муҳофаза қилишимизга тўғри келган, — изоҳ берди Шиманский унинг савол назарига жавобан.

— Мен жиной-қидирув ходими эмасман, лекин менинг ҳам эшигим темирдан ясалган ва иккита катта қулфи бор. Ҳар эҳтимолга қарши.

— Давр шунақа, — деди Шиманский олдинга ўтиб, йўл кўрсатаркан. — Қачонлардир Ўрта Осиёда қулф

нималигини билишмаган, ҳозир эса, қулфларни катта пул тўлаб, алоҳида усталарга буюртма беришади, мустаҳкам бўлиши керак-да. — У катта хона эшиги олдида тўхтади ва иккиланиб таклиф этди: Маҳмуд, сиз қандай ўйлайсиз, мен билмадим-у, лекин мен ошхонада ўтиришни афзал кўраман, у ер қулайроқ. Лекин сиз танлашингиз керак.

Ўзининг хотиржам гап оҳанги билан Владимир Дмитриевич Шиманский ишонч уйғотар ва ошкора гаплашишга даъват этарди.

— Мен ҳам ошхонада ўтиришни ёқтираман, — тан олди Маҳмуд. — Расмийчиликни жиним севмайди.

— Жуда соз! — хурсанд бўлди Шиманский. — Сизга қаҳва дамлайми, чойми?

— Чой тузук, — деди Маҳмуд. — Ўйлашимча, гапимиз узоққа чўзилади, қаҳва эса, қисқа суҳбатга мўлжалланган.

— Бу ҳақда ҳеч қачон ўйламаган эканман, — кулди Шиманский. — Эҳтимол, сизнинг фикрингизда манتيқ бордир, лекин меҳмоннинг хоҳиши — мезбон учун қонун. Чой ичамиз. Қорами, кўкми, сариқми?

— Кейин чойнинг навлари бошланади: Цейлон, Хитой, ҳинд, португал, Краснодар чойи... Яна қанақаси? — тутилиб қолди Маҳмуд.

— Сиз учун „Пиквик“ дамлай қолай, — деди Шиманский. — Бу — хушбўй ўтлар, цитрус ўсимликлари ва гул баргларидан тайёрланган муаттар инглиз чойи. Ичишга тўғри келганми? Жуда соз, демак, менинг фойдамга биру нўл, сизни ҳайратга сола олдими?..

ШИКОЯТ

*Меҳнат фахрийси, истеъфодаги
милиция полковниги В. Д. Шиманскийдан*

Мен республикамиз Ички ишлар вазирлигида ўттиз йилдан зиёд ишладим ва оддий ходимликдан бўлим мудирини даражасигача кўтарилдим.

Вазирликка Э. Дидоренконинг (ҳозир вазирнинг биринчи муовини) келиши билан у ва унинг дастёрлари томонидан менга нисбатан чинакам қувғин бошланди. Хусусан, шахсан Дидоренконинг ўзи сўнгги йилларда мен бирга ишлаган штатдаги ва қамоқдаги хуфия ходимлардан, гўё мен улардан пул олганим, уларни доривор моддалар

билан таъминлаганим хусусида роса сўраб-суриштирган. Шу тариқа сўнги икки йил мобайнида менинг ташаббусим билан қамоққа олинган жиноятчилардан мени обрўсизлантирувчи фитна ҳужжатлар тўплана бошланган.

Айни вақтда гўё мен — Шиманский пора олган, наша-гиёҳлар тарқатгани учун ҳибсга олиниб, Давлат хавфсизлик қўмитасининг тергов изоляторида ўтирибди, деган асоссиз миш-мишлар тарқатилган.

Айғоқчи ва ашаддий жиноятчи, ўғирлик қилгани учун аввал етти марта судланган Трифоновнинг бўҳтонлари асосида мен раҳбарлик қиладиган бўлим ходимлари: милиция майори Анвар Юсупов, жиноий қидирув бўлинмаси мудир Тоҳир Қоратоев ва икки тезкор ходим қамоққа олинган.

Бу иш бўйича тергов олиб бориш ҳарбий прокуратура терговчиси капитан Шахтуринага топширилди. Тергов пайтида у Юсуповнинг хотини ва қизига зўравонлик қилиб, мен ва полковник Банделетни обрўсизлантирувчи кўрсатмалар бериши юзасидан майорга таъсир ўтказишлари кераклигини ўқдирган.

Шахтурин бу ишда шу даражада тиришқоқлик кўрсатгани, ҳибсга олинган Қоратоев сўроқ қилинган иккита ҳужжатни қалбакилаштирган, бу хатоси учун терговдан четлаштирилиб, жазоланган, судга оширилган жиноий иш эса, қайта кўриш учун республика прокуратурасига жўнатилган. Шахтурин томонидан менга қарши қўзғатилган жиноий иш ҳам менинг хатти-ҳаракатларимда жиноят унсурлари йўқлиги боис тўхтатилган.

Тошкент вилоят судида бу иш судья Р. Мустафин раислигида қайта кўрилганида, Тошкент вилоят прокурори муовини Торопов айбловни қўллаб-қувватлаган ва судланувчиларни 8-10 йилга озодликдан маҳрум қилишни, менга нисбатан эса, қайта жиноий иш қўзғашни талаб қилган.

Мустафин кейинчалик менга Юсупов ва бошқа судланувчиларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят унсурлари йўқлигига иқдор бўлди. Шунга қарамай, уларнинг бирини беш йилга, бошқасини тўрт йилга озодликдан маҳрум қилишди, қолган иккитасига шартли уч йилдан беришди.

Мен Масковга отланиб, у ерда республика Ички ишлар вазирлиги ва прокуратураси устидан шикоят билан СССР Ички ишлар вазири ва Бош Прокурори қабулига киришга уриндим, лекин менга рад жавобини беришди, шикоятни

ёзма равишда қолдиришни тавсия этишди ва мен шундай қилдим.

Тегишли идоралар ва Тошкент шаҳар прокуратураси вакилига Юсупов, Қоратоев ва бошқаларга нисбатан сохта жиноий иш қўзғатилгани сабабларини жиддий ўрганишни топшириш, мени ҳамон давом этаётган тазйиқлардан ҳимоя қилиш ва бу ишда айбдорларни жазолашни сўрайман.

Шиманский В. Д.

— Бу шикоятни тегишли манзилларга жўнатганмисиз? — сўради Маҳмуд Шиманскийдан.

— Қўлингиздаги — кўчирма, — жавоб берди у шошилмай. — Нима дея оласиз, натижа бўлармикан?

— Масков ўз одамларини савалай бошлашига сиз чинданам ишонасизми?

— Балиқ бошидан чирийди. Масков тозалаш юзасидан ўзи ташаббус кўрсатди ва бу ишни ўзидан бошлади, бу умид уйғотади.

— Бирорта республикада ҳам биздагидай бу даражада ағдар-тўнтар қилинмаган. Қаранг-а, „ўзбеклар иши“, „ўзбек мафияси!“ Бизнинг халқимиз ўғирлик, кўзбўямачилик, порахўрлик ва бошқа бешбаттар қусурларнинг тимсолига айланди. Дарвоқе, сиз ҳам буни ўз бошингиздан кечирдингиз.

— Бошимдан кечирдим, мана шуниси алам қилади ва даҳшатга солади, — унинг фикрига қўшилди Шиманский. — Демак, бутун онгли ҳаётим сариқ чақага қиммат экан-да? Ўзимни таниганимдан буён жиноятчиларга қарши курашаман. Социалистик мулк ўғирлигига қарши кураш хизмати милицияда асилзодалар бўлими саналади, жиноий қидирув эса, ҳамиша қора иш билан шуғулланиб келган ва у ерда сотилмайдиган одамлар ишлайди, чунки биз ишлайдиган муҳит — ашаддий жиноятчилар, гиёҳвандлар, зўравонлар ва қотиллардан иборат. Улардан пора олиб бўпсан. Агар кимдир бунга қўл урса, ундайларга ҳавас қилиб бўлмайди. Менинг сўзларимни тушуниш учун бу муҳитни билиш керак.

— Кенгроқ тушунтирсангиз, Владимир Дмитриевич, — Маҳмудни тажрибали айғоқчининг сўзлари қизиқтириб қолганди.

— Нимасини тушунтирай. Ҳаммаси кафтдагидай. Ўғри канага ўхшайди, бир ёпишишига йўл қўйсанг, ажратиб

бўлсан. У сени ўз қармоғида тутиб туришдек имкониятни асло бой бермайди. Ахир: „Кириш — бир сўм, чиқиш — икки сўм“ деган мақол ана шулардан тарқалган. Улардан фарқли ўлароқ БХССчилар савдо ходимлари, асосан, тижоратчилар, яъни мулоҳазали, лекин сал қўрқоқроқ одамлар билан ишлашади. Бир тийин билан қўлга туширсанг, у сенга мингини беради, масъулиятни бўйнига олмаса, бас. БХСС дан кейин йўл назорати, ДАН хизмати туради. Чамаси, билсанг керак, улар ҳам анойи эмас. Улар хусусида биздаги баъзи йигитлар маъюс ҳазиллашишади: „Мошина сотиб олишни истасанг — ДАН га хизматга бор, уй қуришни, мошина сотиб олишни ва курортларда дам олишни истасанг — БХССга ишга ўт“ Бизда эса, елкангта пичоқ билан пешонангга ўқдан бўлак ҳеч нарса ололмайсан.

— Наҳотки шу даражада ёмон, Владимир Дмитриевич?

Шиманскийнинг ортида турган одамларга Маҳмуднинг чин дилдан раҳми келди, у ҳатто даҳшатга тушди. Ким қандай, лекин бу покиза инсон адолатга ишонар, лекин кунма-кун, йилма-йил бунинг аксига дуч келаётган, ҳокимият олдида қонуннинг ожизлиги, қўшни хизматлардаги порахўрликнинг гувоҳи бўлиб келганди.

— Мен, ахир, жиноий қидирувга стажер сифатида келганман, ҳаммавақт бир жойда, оддий ходимликдан бўлим мудиригача бу хизматни ипидан игнасигача ўргандим, ҳар бир жиноятчини шахсан танийман, бутун картотека — мана бу еримда, — дея Шиманский бармоғи билан чеккасига чертди. — Қаердадир оғир жиноят, қотиллик, босқинчилик юз берган бўлса, бунга қодир шахсларнинг тахминий гуруҳини жиноят усули, унинг хусусиятидан келиб чиқиб аниқлайман. Кутилмаганда вазирликда Дидоренко пайдо бўлди. Бу пайтда мен бир „қонуний ўғри“нинг изидан тушгандим.

— Мабодо, Нарик эмасми? — сўради Маҳмуд ўзига бирдан-бир таниш исмни айтиб.

КАГАРМАНЯН НАРИК (лақаби „Нарик“), „қонуний ўғри“, жиноий нуфузга эга, ўзининг жиноий „парвозини“ 60-йилларда бошлаган. Унинг таъсир доираси бутун Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонни қамраб олган. 1987 йили Тошкентда „Ереван“ ресторани ёнида ўз танқўриқчиси билан бирга отиб ташланган.

— Ҳа, айнан ўша Нарик. Нима, сен уни билармидинг?
— сергак тортди Шиманский „сенлай“ бошлаганини ўзи ҳам пайқамай.

— Шахсан билмасдим, ҳамма „нуфузли зотлар“ йиғилган шоҳона кўмиш маросими ҳақида эшитгандим, ё мен янглишаяпманми?

— Шунақа бўлган, — бош ирғади Владимир Дмитриевич яна ўз хотираларига берилиб. — Хўш, шундай қилиб, бир куни ишлаб ўтиргандим, ноҳос қўнғироқ жиринглади: „Кагарманянининг ҳужжатларини Дидоренкога олиб чиқинг“. Хўжайин талаб қилаётган экан, демак, бериш керак. Ҳаётнинг аччиқ сабоғини олган эмасманми, ҳар эҳтимолга қарши бўлимда: „Фалон ойнинг фалон куни Кагарманян Нарик номига ёзилган фалон рақамли икки жузгирдан иборат ҳужжатлар мажмуаси оғзаки сўров бўйича вазир муовини Э. А. Дидоренкога берилди“, — дея қайд қилиб қўйишларини буюрдим.

Бир ой ўтди, ярим йил ўтди — жимлик. Қуйи босқичга Кагарманянининг ҳужжатларини қайтаришни сўраб мурожаат қиламан, мен ишлашим керак-да, ахир. Бирдан Дидоренконинг югурдаги майор Черний истеҳзоли кулимсираб: „Нимадан хавотирдасан, Владимир Дмитриевич? Қандайдир жузгир туфайли намунча шовқин кўтармасанг? Арзирмикин?“ — деса бўладими. Мени бамисоли ток ургандай бўлди, юмшоқ оҳангда унга уқдираман: „Биринчидан, икки жузгир, иккинчидан, ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмаслиги учун менда ҳаммаси, кимга нима қачон берилгани аниқ ёзиб қўйилган, учинчидан эса, хавотиримнинг бирдан-бир сабаби — вақт ўтиб кетяпти, мен эса, ишни тезроқ тугаллашим керак“.

— Ҳужжатларни қайтариб беришдими? — сўради Маҳмуд сабрсизлик билан. — Сизнинг бу қатъиятнингизга Дидоренко қандай қаради? Жаҳли чиқмадими?

— Қайтаришга-ку, қайтарди-я, лекин чамаси, ўз ходимининг беандишалигини ёдига тугиб қўйди. Сўнгра... тезкор тармоқлар орқали янги хабар олдим: „Вазир муовини ўғлининг жиноий унсурлар билан алоқаси борлиги аниқланди, у ҳатто ўша машҳур Кагарманян билан мулоқот ўрнатган“ Бу эса, хавфдан, олий поғонадаги амалдорнинг обрўсига путур етишидан дарак берарди. Ушбу тезкор маълумотни шахсан текшириб чиқишни лозим топдим, шахсан тегшли жойга бордим, — шубҳалар

тасдиқланди. Ўзимнинг бевосита бошлиғим — полковник Банделетга бу ҳақда ахбор бердим, вазир муовини республикада янги одам, ўз зурриёдининг алоқалари ҳақида билмаслиги мумкин, огоҳлантирган маъқул... деган маънода...

Шиманский сукутга толди. Ўтмишни ковлаш унинг учун ёқимсиз машғулот экани, уни хотирасидан буткул ўчириб ташлагиси келаётгани, лекин ёниқ қалбига оташдай ўрнашиб қолгани боис буни уdda қилолмаслиги кўриниб турарди.

— Кейин нима бўлди? — яна чидолмади Маҳмуд жимликни бузиб.

— Нима бўлди? — Шиманский маънисиз нигоҳини суҳбатдошига қадади. — Кейин ҳеч нима бўлмади. Менинг, нафақат менинг, жами жиноий-қидирув Бошқармасининг азоб-уқубатлари бошланди. Дидоренко ўз қарамоғидаги барча кучлар ва қувватлар билан бизга қарши даҳшатли ҳужумга ўтди. Ва бизни очиқчасига қирғинбарот қилишга киришди...

— Ҳозир биз бир одам билан учрашамиз, — Орифжонов худди сайрга чиққандай Маҳмуд Умаровнинг қўлтиғидан олиб, хиёбонга бошлади. — Мен сизга у ҳақда кўп гапирганман, Маҳмуд ака. У жуда керакли одам, ишингизга ёрдам бериши мумкин.

— Бу нима деганинг, у менга ёзишга ёрдам берадими? — сўради Маҳмуд кесатиб.

— Ёзишга ёрдам беролмайди, — жиддий жавоб берди Нурмат. — Лекин қизиқ маълумотлар беришга қурби етади.

— Нимаям дердим, мени қизиқтириб қўйдинг, — очиқ тан олди Маҳмуд. — Сир бўлмаса, ким у ўзи, нима иш билан шуғулланади? Ким билан таништираётганингни мен билишим керак.

— Кўрасиз, — аниқ жавобдан қочди Орифжонов. — Бир нарсани аниқ айтишим мумкин, бу — жуда катта одам — генерал.

Улар соатли минора яқинида тўхташди. Орифжонов бошини сал кўтариб, соатга қаради-да, қониқиш билан „ҳм“ деб қўйди.

— Тасарруфимизда яна беш дақиқа вақтимиз бор. Константин Николаевич аниқликни хуш кўради. Хиёбонни айланайлик, фикримча, тезда уни кўрамиз.

— Константин Николаевич, — такрорлади Маҳмуд фикран шундай номдаги танишларини ёдига келтиришга уриниб, лекин эслай олмади. — Қаерда ишлайди у? Мабодо, хавфсизлик қўмитасида эмасми?

— Демак, сиз уни биларкансиз-да? — кескин бурилди Орифжонов айёр кўзларини сузиб.

— Эшитганман, — алдади Маҳмуд Нурматнинг ўйинига мослашишга қарор қилиб. — Наҳотки у генерал бўлиб улгурди?

— Беш дақиқаси кам генерал, — деди Орифжонов ҳозир кимдир кўриниши керак бўлган томонга синчков тикиларкан. Бирдан саросимага тушиб, олға интилди, Маҳмудни ортидан эргаштирди. — Айтувдим-ку, Константин Николаевич аниқликни яхши кўради.

Орифжонов тез олдинга ўтиб, пича таъзим қилганча генералга юзма-юз келди, шарқона тавозе билан қучоқлашиб кўришмоқчи эди, аммо у (Маҳмуд бунини дарров илғади) жойида тўхтаб, сўришиш учун қўлини узатди, Нурмат ҳам ана шу масофада тўхташга мажбур бўлди.

Бундан Орифжонов баттар саросимага тушгандай бўлди, лекин дарров ўзини қўлга олиб, Маҳмудга юзланди:

— Танишинг, Маҳмуд ака. Константин Николаевичнинг шахсан ўзлари.

— Ермолаев, — қўлини узатди Константин Николаевич.

— Маҳмуд Умаров.

Уларнинг илк учрашуви, ёзувчи ва Давлат хавфсизлик қўмитаси Бошқармаси бошлиғининг илк танишуви шундай кечди, бу танишув пировардида хулқ-атворлари ва ички дунёлари бошқа-бошқа бу икки одам ўртасида чинакам дўстлик ва биродарлик ришталари пайдо бўлишига йўл очди.

ЕРМОЛАЕВ КОНСТАНТИН НИКОЛАЕВИЧ, 1948 йили туғилган, Тошкент чет тиллар олий билимгоҳини тугатган. Аксилразведканинг жами босқичларини ўтаган. Аксилразведка бошлиғи бўлган. 1992 йили Москвага, Давлат хавфсизлик хизмати матбуот хизмати бошлиғининг муовини лавозимига ишга таклиф этилган.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганман, — деди Ермолаев Маҳмудга ошкора қизиқиш билан тикиларкан.

— Тезкор маълумотларданми? — сўради Маҳмуд унга тик қараб.

— Бу тармоқ орқали ҳам, албатта, — рози бўлди Константин Николаевич ва қўшиб қўйди: — Биласизми, истеъдодли одамлар доимо кузатув остида бўлишади.

Маҳмуд: „Кимнинг кузатуви остида?“ — деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин андишага бориб, индамади.

Улар бир соатдан кўпроқ суҳбатлашишди ва энди фақат Маҳмуд гапирарди. Ермолаев унга чин дилидан қулоқ солар ва бу Маҳмудга хуш ёқарди. У анчадан бери кимгадир дилига тугиб юрган бор гапларини тўкиб солгиси келар, ниҳоят, шундай одам топилганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

— Мен ҳукуматимизга ҳам, халқимга ҳам, ўзимга ҳам душман эмасман. Чин сўзим, мен Шароф Розиковнинг ишини ўрганишга киришганимда, тиззамгача ботқоққа ботиб кетишим мумкинлигини тасаввуримга ҳам сиғдиrol-магандим, ундан қанча қутулиб чиқишга уринмай, у мени шунчалик ўзига чуқурроқ тортарди. Ваҳоланки, ҳамма машмаша айнан ўша порахўрлик ҳақидаги сохта айбловдан бошланган эди. Ҳар қандай ёнғин кичкинагина учқундан бошланади. Мен учун Шароф Розиковнинг иши ана шундай учқун вазифасини ўтади, сўнгра дўстимиз Орифжонов пайдо бўлиб, Банделет, Қоратоев, Болиевларни эргаштириб келди, қарабсизки, ҳаммаёқ ур-йиқит...

— Аммо мен энди ўша Дидоренкога ҳавас қилмайман, — деди бирдан Ермолаев.

— Гайдановга-чи?

— Гайдановга ҳам, — розилик билдирди у. — Умуман, бошқа ҳаммаларига ҳам. Сиз, ахир, калаванинг учини тор-та бошладингиз-ку?

— Қани энди шундай бўлганида, — деди Маҳмуд унинг гапи оҳангида. — Бошқариб бўлмайдиган жараён юзага келди, деб қўрқаман, ҳузуримга одамлар ўз ҳаётлари, инкор қилиб бўлмас исбот-далиллари, ҳужжатлари билан келишяпти. Бундай вазият ҳақида ўйга толаркансан, беихтиёр ўз „Қўнғироғи“ („Колокол“) билан Герцен ёдга келади. Россиядан минглаб километр олисда журнал нашр қилинган, қатъий таъқиқ остида бўлган, лекин Масковга кўп нусхада мунтазам етказиб берилган, унинг ҳар бир сони ҳукумат дарғалари ва турли тоифа амалдорларнинг қилмишларини фош қилувчи маълумотлар ва далил-исботларга шу даражада тўлиб-тошган бўлардики, ойномани

барча маҳкамачи тўралар юрак ўйноғи ҳолатида кутиб олишарди, жандармлар бошқармаси Герценнинг мухбирларини топиш йўлида ҳандақлар қазишга ҳам тайёр эдилар. Аслида эса, ҳаммаси жуда оддий эди. „Қўнғироқ“қа давлатнинг махфий сирларидан хабардор, аммо ўз хўжайинлари томонидан хафа қилинган ёки камситилган ўша юқори поғона амалдорларнинг ўзлари мухбирлик қилишарди.

— Ўзбекистоннинг „Қўнғироғи“га айланыпман, демоқчисиз чоғи?

— „Қўнғироқ“ эга бўлган қудрат менда йўқ, албатта, лекин шундай бўлиши мумкин, — деди Маҳмуд ишонч билан. — Ўзбекистон ўта кучли ижтимоий кескинлик ҳудудига айланыпти, янги кадрлар сиёсати тажриба майдонида яна нималар юзага чиқишини ҳали Худо билади.

— Оббо, Маҳмуд-ей! Сиз билан одам зерикмас экан, — кулди Ермолаев ва ноҳос сўради: — Қайта қуришни қўллаб-қувватлаш гуруҳи ҳақида нима деб ўйлайсиз? Менда сизнинг улар билан учрашганингиз ҳақида маълумот бор.

— Жиддий ҳеч нима! — деди Маҳмуд кескин оҳангда.

— Шунақа денг?

— Гуруҳ... Мен янги ўзгаришлар шабадаси бизга ҳам етиб келибди, деб ўйлабман. Сиртдан ёш, жиддий, мулоҳазали йигитлар йиғилишганга ўхшади, лекин бордим-у, оддий фирқа фаолларини кўргандай бўлдим, уларнинг етакчиси эса, фирқа тизимидан чиққан ишбузуқи экан. Янги шабадаларнинг етакчилари фирқа идораларининг „десантчи“лари бўлган шўрлик халқим, она юртим учун шунақанги дилим оғридики ўшанда...

— У сизни роса хафа қилган кўринади?

— Гап бунда эмас, Константин Николаевич, елкамга ана шундай оғир юк ортишни тақдир пешонамга ёзган кўринади. Менга қийин, чунки мен ёлғизман.

— Аслида нима юз берганини мен тушунгандай бўлдим, — деди Ермолаев. — Сиз ўша гуруҳ номидан иш юритишга рухсат сўрагансиз?

— Ҳа... Буни сиз чинданам ўзингиз мантиқан „ҳисоблаб“ топдингиз ёки у ерда айғоқчингиз бор экан.

— Сизга рад жавобини беришдими?

— Ҳа, қандайдир кафолатлар талаб қилишди. Мен уларга иш таклиф қилдим, вақтни қлубда бекорга ўтказиш ўрнига...

— Кейин кетиб қолдингизми?

— Менга қизиғи қолмади. Мен кутилмаганда каминага ишонадиган ва ортимдан эргашадиган ўз ташкилотим, ўз гуруҳим зарурлигини англаб етдим. Прибалтика ёки Тожикистондагидек миллатчилик руҳидаги эмас, балки байналмилал фронт, ҳаракат тузиш зарур ва бу ҳаракат истиқлол йўлидаги курашлардан четда туришни истамаган тараққимул ўзбекларнигина эмас, балки ўрис, татар, яҳудий ва бошқа миллатларнинг ҳам энг яхши кучларини ўзида жамулжам этган бўлиши керак.

— Шунақа одамларингиз борми ўзи? — қизиқсинди Ермолаев.

— Бор, — деди Маҳмуд бир зум ўйга чўмиб. — Муҳими, бошлаш керак, айтишади-ку: „Бўйин бўлса, бўйинтириқ ҳаммавақт топилади...“

Ташаббус гуруҳининг бўлажак таркиби Умаровнинг миясида ҳаракат тузиш ҳақидаги ғоя билан айна бир вақтда пайдо бўлганди. У ёзувчилар, олимлар, шифокорлар ва ишчилардан ташкил топади...

— „Ўзбекистон“ байналминал ҳаракати, дейсанми? — Ёрматов қаламнинг орқа томони билан столни тақиллатди, бир зум сукутга толди. — Сенга бунинг нима кераги бор?

— Худди шундай саволни менга бир ёзувчи дўстим ҳам берганди, — деди Умаров паришонхотирлик билан деразага тикиларкан. — Келгуси мажлисгача у дастур ва низом лойиҳасини тайёрлаб келишга ваъда берди.

— Ўзингга ўзинг бош оғриғи қидираяпсан, — бошини сараклатди Ёрматов. — Генераллар билан ўйинингни бир ёқлик қилолмаяпсан-у, энди уларга: мана, тайёрман, енглар, деб ўзингни ўзинг ликопчага солиб бермоқчисан.

— Мен бўлсам, аксинча деб ҳисоблайман, — деди Маҳмуд. — Ортимда халқ ҳаракати турса, мен уларга янада тутқич бермасроқ бўламан.

— Маҳмуд! Азизим! — гинаомуз бошини чайқади Элёр Раҳматуллаевич. — Ерга туш, қачонгача осмонда юрасан. Ўзбекистон — сенга Прибалтика эмас. Бизнинг халқимиз у

ердагидай фаол бўлиши учун катта мактаб керак, сиёсий маданият...

— Халқимизни уйғотиш, унда сиёсий маданиятни тарбиялаш учун ҳам халқ ҳаракати керак.

Ёрматов нимадир демоқчи эди, телефон жиринглаб қолди. У қўл силтади-ю, лекин фикридан қайтди, дастакни кўтарди.

— Элёр Раҳматуллаевич, салом! Дидоренко гапираяпти.

— Эдуард Алексеевич, салом алайкум!

Ёрматов гапларини эшитиши учун Маҳмудга имлаб яқинроқ келишга ундади, кафти билан дастакни беркитди.

— Бугуннинг ўзида иккинчи марта қўнғироқ қилаяпти, сени сўради.

— „Ўзбекистон“ ҳаракати ҳақида аниқладингизми?

— Аниқладим, — Маҳмудга кўзини қисиб қўйди Ёрматов. — Умаров хонамда ўтирибди. Энди у катта одам, янги тузилаётган халқ fronti раиси.

— Ундан Орифжонов хусусида сўранг, — шивирлаб гапирди Маҳмуд. — Унинг ишини бир ёқлик қилиш керак, ахир.

— Эдуард Алексеевич! Маҳмуд андижонлик Орифжонов масаласига қизиқаяпти. Ҳеч нарсга аниқланмадимми?

— Қўйинг ўша Орифжоновни, Элёр Раҳматуллаевич! — тўнғиллади дастакдан Дидоренконинг овози. — Кўрсатма бераман, уни аввалги лавозимига тиклашади. Лекин огоҳлантираман, у сизларнинг эътиборингизга муносиб одам эмас...

Маҳмуд бошмолдоғини юқорига кўтарганча, ирғиб орқага чекинди, бу — ғалаба эди...

Соат ўнга яқинлашганда Маҳмуднинг уйига Ҳотамов кириб келди ва дарров айвонга ўтди. Гулидан аччиқ чой дамлашни илтимос қилди. Курсига ўтириб сигарет чека бошлаганидан Маҳмуд тушундики, фавқулодда нимадир юз берган, лекин ўзи оғиз очмагунча, индамай, кутиб ўтирди.

— Демак, сиёсатга илакишибсан-да?

— Сенинг кўмагингда, — жавоб берди Маҳмуд унга ҳамоҳанг қилиб. — Биз сен билан гуруҳ ҳақида гаплашган

эдик, ўзинг биласан-ку, фронт тузишни ўша қайта қуришни қўллаш гуруҳи эплолмайди.

— Энди сен уни ўзинг тузмоқчисан!

— Нега энди тузолмас эканман?

— Сен ҳақсан, нега энди тузолмас экансан, боз устига у сенга юқорига кўтарилишга яна бир зина бўлиб хизмат қилиши мумкин, — деди Ҳотамов паришонхотирлик билан чамаси, бошқа нарса ҳақида ўйларкан.

— Лекин сен билан бошқа мавзуда гаплашмоқчи эдим.

— Қулоғим сенда, Расул, чўзма! — деди Маҳмуд асабийлашиб.

— Шаҳар қўмитасида менга ҳозир шунақанги ҳужум бошлашдики... Эртага нима бўлишини ҳам билмайман.

— Мен туфайлими?

— Яхши одамлар топилиб, Сатинга сен билан дўстлигимизни маълум қилишибди.

— У сени ҳузурига чақирдими?

Ҳотамов чуқур хўрсиниб, бошини сараклатди.

— У ҳозир мени ишдан ҳайдаш учун баҳона излаяпти.

— Нима таклифинг бор? — қистовга олди уни Маҳмуд.

— Мен сени биламан-ку, ўйлаб қўйган бирон захира йўлинг бўлиши керак.

— Маълум муддатгача сен ҳузуримга келма...

Маҳмуд бир сониядаёқ қуриб қолган лабларини ялади.

— Ҳозирча қўнғироқ ҳам қилмай турсанг, яхши бўларди, — деди Ҳотамов сал жонланиб.

Лекин у Маҳмуднинг кўзларига тик қарашга ботинолмади. Маҳмуд бунинг учун ундан ҳатто миннатдор ҳам эди.

— Ҳаммаси тушунарли, Расул. Мен сенга бирдан керак бўлиб қолсам, ўзинг қўнғироқ қилаверасан, — деди Маҳмуд иложи борича овозига хушчақчақ ва безавол оҳанг беришга уриниб. — Сени безовта қилмасликлари учун ўз бошлиқларингга: „Маҳмуд Умаров билан суҳбат ўтказдим, унга таъсир ўтказишга уриндим, лекин фойдаси бўлмади“, — деб айтишинг мумкин.

— Айтаман, — рози бўлди Ҳотамов ва ноҳос сўради: — Сени Тошкент жамоатчилиги қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайсанми?

— Бу бизнинг дастуримизга боғлиқ.
— Дастур борми сенда ўзи?
— Бўлади, лекин у халқ оммасига етиб бориши учун минбар керак.

— Айни шу минбарни олиш қийин кечади, — бошини сараклатди Ҳотамов.

— Буни ҳали кўрамыз... — деди Маҳмуд ўйчан ва бир сониядан сўнг қўшимча қилди: — Гапингга қулоқ солишларига мажбур қилишнинг минг бир усули мавжуд, уларнинг энг осонлари — адабиёт тарғиботи шўъбаси орқали ўқувчилар билан учрашувлар, каминани камтариннинг тўғридан-тўғри дахли бўлган жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмаларнинг минбарлари.

— Ишонтиролдинг, — иккала қўлини юқори кўтарди Ҳотамов. — Бугунги кунда сенинг ҳам захирадаги қандайдир режаларинг бор, ахир. Улар билан ўртоқлашмайсанми?

— Ёзувчилар уюшмаси котибиятида Сафар Болта масаласини кўтармоқчиман.

— Бирон жиддий гап борми?

— „Кўрмаганнинг кўргани қурсин“, — деган мақол бор. У котиб бўлиб сайланиши биланоқ уюшма раисининг биринчи муовинига қарши ҳужум бошлади. Нечоғли амалпарастлигини кўраяпсанми, биринчи муовиннинг тагига сув қуйса, котиблар ичида яна бир поғона юқорироқ кўтарилишига балодай ақли етган. Унинг кейинги қадами — укасини Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилишга эришган. Бошқалар буни йиллаб кутишади, лекин истесдодли эканликларидан қатъий назар улар бегона-да, буниси эса, тушуниб турибсан, ўз туғишган укаси. Атоқли ёзувчилар гуруҳи қаторида ўзини ўзи Америкого хизмат сафарига йўллаган, „Танланган асарлар“ини Масков наشريётларидан бирининг мавзулар режасига киритган, икки республика наشريёти олиймақом муқоваларда икки жилдлигини нашрга тайёрлапти. Энди бўлса кўнгиллари Олий Кенгашга ноиб бўлишни тусаб қолибди. Нима, булар камми?..

Орадан бир неча кун ўтди. Маҳмуд ўз ишлари билан Ёзувчилар уюшмасига кирди, у ердаги асабий вазият,

уюшма котиблари, уларнинг ёрдамчилари ва адабий мас-лаҳатчиларнинг хонама-хона бесаранжом изғишларидан гайриоддий алланима юз берганини пайқади. Раис ёрдамчиси Ҳамроқул Акбаровнинг хонасига кирди.

— Нима, сиз ҳалиям беҳабармисиз? — ажаблани Ҳамроқул Маҳмуднинг саволига жавобан. Ва шу заҳоти „Ташкентская правда“ рўзномасининг янги сонини узатиб, бармоғи билан тегишли жойни, ўқинг, дея кўрсатди.

— „Тахтдаги манфаатпараст“, — дея сарлавҳани ўқиди Маҳмуд ва тез мақола матнига кўз югуртирди, номаълум муаллиф Сафар Болтани инсонда бўлиши мумкин жами қусурларда айблаб, ер билан яксон қилганди. Лекин Маҳмуднинг Ҳотамов билан суҳбатда айтиб берган гап-сўзлари ва далилларини муаллиф қарийб сўзма-сўз так-рорлагани уни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳайратга солди.

„Нима бало, қўлида диктофони бормиди?“ — дея хаёлидан ўтказди, лекин шу заҳоти фикри бошқа ёққа чалғиди. Бундай қилмаслик керак эди! Қандай тентаклик! Қандай кечириб бўлмас хато!

— Хўш, қалай? — сўради Ҳамроқул Маҳмуднинг хушини жойига келтириб.

— Нимаям дея олардим? — елкасини қисиб, иложи борича лоқайд жавоб беришга интилди Маҳмуд. — Бу бир мақола-да энди. Лекин озгина бирёқламалиги ва ғоявий йўналиши демаса, бу ерда ёзилган гаплар аслида ҳам шундай-ку. Булар бари тўғрилигига ё сенинг шубҳанг борми?

— Тўғри! — бош ирғади Ҳамроқул. — Аммо бу рўзномадаги ҳарфхўрлар эмас, балки ўзимизнинг ички ишимиз. Ёзувчилар юқорига мурожаат қилишмоқчи, улар Ёзувчилар уюшмаси номини булғаганларидан газабда.

— Шахсан Сафар Болта номини, — майинлик билан ёш шоирнинг гапига тузатиш киритди Маҳмуд Умаров. — Мен бунга Ёзувчилар уюшмасининг дахли йўқ, деб ҳисоблайман.

— Сиз шундай деб ҳисоблайсиз, Маҳмуд ака, — деди Ҳамроқул ўжарлик билан. — Чунки Сафар Болтани ёқтирмайсиз. Бошқа ёзувчилар ўзларини таҳқирланган деб ҳисоблашаяпти, мана кўрасиз, катта жанжал бошланади ҳали.

Эшик очилиб, хонага қизиққон кайфиятда журналист ва бошловчи адабиётчи Аҳмадали Эронов отилиб кирди.

— Э-э, Маҳмуд ака ҳам шу ерда экан-ку, — деди у хурсанд бўлиб. — Жуда яхши! Мен талабалар шаҳарчасига кетяпман, йигитлар талабаларни қўзгатгани дорилфунунга кетишди. Ёзувчиларга тегиш қанақа бўлишини биз уларга кўрсатиб қўямиз.

— Нима қилаяпсизлар ўзи?! — дея Маҳмуд уларнинг ҳовурини босишга уринди. Лекин бунинг бефойда эканини шу заҳоти тушунди. Мошина юриб кетган ва энди уни тўхтатиб бўлмади. Афтидан, Ёзувчилар уюшмасидаги бесаранжомликни шу билан изоҳлаш мумкин эди. Таассуфли жойи шунда эдики, бундай аксилрекламадан сўнг воқеалар келгусида албатта ўз ривожини топади: Сафар Болта атрофидаги шовқин-сурон янада кучаяди, унинг рейтингги янада ошади, булар ўз навбатида, Ёзувчилар уюшмаси раҳбариятини шоирнинг ёнини олишга мажбур этади, жилла қурса, ўзларини пайқашлари учун зўр бериб бақир-чақир қилаётган ёшларнинг овозларини ҳам ўзига оғдиради. Қандай бемаънилик!..

— Нима қилиб қўйганларингни тушунасанми ўзи, азизим Расул Раимович! — Маҳмуд Ҳотамовнинг хонасида унинг идораси учун номуносиб бирон қалтис гап айтиб қўйишдан аранг ўзини тийиб турарди. У ғижимланган рўзномани столга ташлади: — Ўқидингми?

— Ўқидим, — хотиржам жавоб берди Ҳотамов. — Тўғри ёзилган, сен берган маълумотлар асосида.

— Демак, бу чинданам сенинг ишинг экан-да?

— Мен сенга ёрдам бермоқчи бўлдим, холос, — деди Ҳотамов унинг кескин саволидан эсанкираб. — Мақолага сенинг бирон қаршилигинг борми?

У столдаги рўзномани текислаб, Маҳмуднинг кўзларига тик қаради.

— Мен сени узоқни кўра биладиганроқ одам деб ўйлагандим! — дея тан олди Маҳмуд, ақли расолиги учун ўзи ўта ҳурмат қиладиган яқин дўсти, кўзларини юмиб ҳам бемалол ишона оладиган одами шундай бемаъниликка йўл қўйиши мумкинлигига у ҳали-қануз ишоналмас эди. Ахир, бу оддий бемаъниликдан кўра кўпроқ катта шов-

шувга сабаб бўлган фитна эди. — Бундай қилмаслик, бошқача йўл тутиш керак эди, Расул! — деди Маҳмуд дили ранжиб.

— Менга қара, Маҳмуд, сени чинданам тушунолмаёпман! — бўйнига олди Ҳотамов. — У ярамасни сен ўзинг фош қилмоқчи эдинг, мен сенга ёрдам беришга қарор қилиб, бир журналистга жами маълумотларни бердим, у иштиёқ билан ишга киришиб, мақола ёзди, энди сен мени айблаяпсан. Нима учун?

— Шунинг учунки, сизлар — мен фирқа қўмитанг ва шахсан сени, юқори идора ва ижодий зиёлилар ўртасидаги боғловчи тизимни назарда тутаяпман, — сизлар бизнинг ички ишларимизга бурун тиқдинглар, боз устига, бу ишга буткул бегона одамни жалб этдинглар.

— Биринчидан, биз ҳаммамиз бир мамлакатнинг фуқароларимиз, иккинчидан, ошкоралик...

— Сафсатабозликни қўй! — унинг гапини бўлди Маҳмуд. — Бу мақола билан мени қандай аҳволга солганингни гапирмай ҳам қўя қолай, ваҳоланки, унда менинг котибиятдаги чиқишим айнан такрорланган. Энди мени матбуотни ўз ҳамсоясига қарши қайраган, уйдаги гапни кўчага олиб чиққан разил одам, деб ҳисоблашади. Сен бўлсанг, кўриб турибман, буларнинг барига тупурибсан...

— Шошмай тур! — дея Ҳотамов гап бошлаган эди, лекин Маҳмуд уни амирона ишора билан тўхтатди.

— Сафарнинг ишини биз ўзимиз ҳал қилардик. Ўзимиз уни котиб қилиб сайлаганмиз, ўзимиз уни ишдан олардик, агар мана шу фитнали мақола босилмаганида... Энди тушуниб етдингми, Расул Раимович! — сўнгги сўзларини у кескин, баланд оҳангда гапирди. — Сизларнинг ёрдамизда бу кичкина одам бир дақиқадаёқ йирик шахсга, азобуқубатга гирифтор қилинган замон қаҳрамонига айланди...

— Назаримда, сен бир оз ошириб юбординг, — минғирлади Ҳотамов, лекин овозида аввалги қатъият йўқ эди. Маҳмуд ҳам буни қониқиш билан дарров илғади.

— Менинг назаримда эса, сен ниманидир тушуна бошладинг ва бу жуда яхши, — деди у энди вазмин тортиб.

— Ғалаён бўлиши мумкин, деб ўйлайсанми?

Айни шу чоқ телефон жиринглади. Ҳотамов дастакни

кўтариб, Маҳмудга тикилганча, қулоқ тутди, бир-икки ундов сўзлар айтиб, уни яна жойига қўйди. Деразага тикилганча, қўлидаги қалам билан столни тақиллатаркан, сукутга ботди. Ниҳоят, Маҳмудга юзланди.

— Сен ҳақ чиқдинг, — деди у бўғиқ овозда. — Юзлаб талабалар шиорлар ёзилган матолар кўтариб, шаҳар марказига қараб келишаётган экан. Лаврушко қўнғироқ қилди, улар бари саросимада. Сатинни зудтар Марказқўмга чақиришибди...

— Буёғи қандай бўлди?

Ҳотамов ўйга толди, телефон рақамлари ёзилган дафтарчасини очиб керакли рақамни топди-да, гардишни айлантиришга киришди.

— „Ўрлик“ ҳақида эшитганмисан?

— Уям халқ ҳаракати-да?

— Миллатчилик руҳидаги, — бош ирғади Ҳотамов. — Уларнинг ичида менинг бир одамим бор, ташаббускор гуруҳда, дорилфунун домласи, фан номзоди. Улар нима қилишмоқчи, сўраб кўрай-чи?..

Ҳа, Сафар Болтани ҳимоя қилиб митинг уюштирилганда, талабалар ортида айнан шу „Ўрлик“ турган, ҳукуматдан рўзномадаги бўҳтондан иборат мақола учун муаллифни жазолашни талаб қилганди. Ва шу билан ҳали номи оғизга тушмаган ёш модернчи-шоирнинг обрўсини анча юксакка кўтарганди. Талабаларнинг кутилмаган намойишлари пойтахтдаги бир маромдаги уйқу ва хотиржамликка ўрганган фирқа тизимларини жуда қўрқитиб юборганди. Бу юзага келиши мумкин бўлган ағдар-тўнтар ва ларзаларга илк ишора эди ва ҳукумат — унга тан бериш керак, албатта, — бошқариб бўлмайдиган бошбошдоқлик вазиятини тўғри баҳолади ва унинг олдини олди. Улар Сафар Болтани ёшларнинг ана шундай етакчи раҳнамоси, деб билишарди. Лекин улар бу етакчининг бошқарувга анча мойил ва хийла қўрқоқ эканлигини ҳам кўришди, илло, у ҳатто ўзини ҳимоя қилишга бағишланган митингга ҳам умуман боришни истамади, уни амаллаб кўндириб, шаҳар қўмитаси машинасида олиб келишганида, ранг-рўйи бўздай оқарган, юмшоқроқ айтганда, юраги така-пука бир ҳолатда эди, айни шу нарса фирқа

раҳбарларини тинчлантирди, уларнинг кўнглида, бундай раҳнамо билан келишиб олса бўлади, деган умид уйғотди.

Митинг ўтган куннинг эртасигаёқ пойтахт ҳокимияти вакиллари ва тўс-тўполон боис ўз-ўзидан „Ҳурлик“нинг раҳнамоси даражасига кўтарилган Сафар Болта ўртасида биринчи музокара бўлиб ўтди ва ҳатто, бу ҳаракатнинг ташаббускор гуруҳига норасмий бўлса-да, Ёзувчилар уюшмасининг хоналаридан бирида мажлислар ўтказишга руҳсат беришди.

Маҳмудга яна шу нарсa маълум бўлдики, „юқори поғона“лардаги учрашувлардан сўнг Сафар ўз хонасида „махфий“ йиғилиш ўтказиб, унда „Ҳурлик“чиларнинг ўзини ҳаракатга расмий раис қилиб сайлаш ҳақидаги таклифларига қатъиян эътироз билдирди ва бу шарафли, аммо хавфли лавозимга Урайим Темуровни тавсия этди.

УРАЙИМ ТЕМУРОВ, техника фанлари доктори, Тошкент Давлат дорилфунунининг собиқ ўқитувчиси, „Ҳурлик“ ҳаракатининг собиқ раиси.

Бу раҳнамо ўттизлар атрофидаги башанг кийиниб, ўзига зеб беришни ёқтирадиган ёшлардан эди. Унинг янги чиққан зодагонларга хос ўзини кибру ҳаво билан беписанд тутиши ва бўлар-бўлмасга аҳмоқона илжаявериши қорамғиз юзига ниқоб янглиғ ёпиштириб қўйилгандай туюларди. Маҳмуд уни яқиндан билгач, ўзининг ботиний туйғуларига таяниб, бу орсиз ва худбин йигитни тезда жини севмай қолди. Байналминал фронт номидан бу ҳаракатга қўшилишдан бош тортганини билдирди.

Лекин гап кимнидир ёқтириш ёки ёқтирмаслик ҳақида бормаётгани, албатта. Демократия учун умумий курашда кучларни пароканда қилишга йўл қўйиб бўлмасди. Ва Маҳмуд буни жуда яхши тушунарди.

Вақт ўтади. Маҳмуд Умаров ва Урайим Темуров қандай бўлмасин, ўзаро яқинлашишади, ўтган хатоликларни ҳамжиҳатликда тузатиш учун бир ёқадан бош чиқаришга интилишади, лекин улар кечикишади. Марказий кенгашда, унинг қоқ юрагида бўлиниш юз бериб, мафкуравий марказ етакчиси ҳаракатни тарк этади ва „Эрк“ сиёсий партиясини тузади, „Ҳурлик“нинг вилоят бўлинмаларида эса, кенгаш раҳбарлари сифатида жиноят дунёси ва мафия

вакиллари майдонга чиқишади. Жумладан, „Ҳурлик“нинг Қўқон бўлимига жиной дунёда улкан нуфузга эга Турдиали бош-қош бўлади.

ТУРДИАЛИ, жиноятчи унсур, „Ҳурлик“ кенгашига аъзо, Фарғона вилояти, Қўқон ҳудудининг майда ва ўрта тижорат қатламидан тўлов ундириш билан шуғулланган, пировардида Қўқон тергов ҳибсхонасида ўзига суиқасд қилган.

Маҳмуд Умаров Турдиали билан илк учрашувини яхши эслаб қолган. Бу Қўқон довонида, аниқроғи, довондан тушаверишда содир бўлди. Маҳмуд ўзининг оқ „Жигули“сида, бир ўзи эди. Қамчиқ довонидан пастроқдаги чойхонада икки дона кабоб ва чой буюрди. Чойхона хўжайини, Бўритош исмли барвастақомат, навқирон тожик йигит ўзининг доимий мижози бўлмиш Маҳмудни илиқ кутиб олди, ёнига ўтириб, довондаги янгиликлардан гапириб берди.

— Буни эса, менинг ўғлим учун ичамиз, кеча туғилди, — деди у.

Бўритош айёрона кўзини қисиб, столга „Столичный“ арогини қўйди ва унинг қопқоғини очиб, икки истаконга тўлдириб қўйди.

— Бахтли ота учун ичишга тўғри келади.

Маҳмуд қўлларини ёзиб, истаконни ярмигача ичди, сирка сепилган пиёз билан газак қилди.

Бўритош мажбурлаб:

— Охиригача, Маҳмуд ака, — деган эди, Умаров қатъий имо билан эътироз билдирди.

— Ярмини, Бўри, келгуси келишимга қолдир, — деди.

— Ҳай, Маҳмуд ака, сиз айтганингизча бўлсин.

— Бизга синчков тикилаётган ким у ўзи? — сўради Маҳмуд уни очиқдан-очиқ кузатишгаётган уч кишига билдирмай ишора қилиб.

— Ким экан? — Бўритош ўгирилиб, уларга қўл силтаркан, ҳозиржавоблик билан изоҳ берди: — Билмайсизми, ахир?.. Бу — қўқонлик Турдиали ака-ку. Жуда обрўли одам.

— Кимлар учун у бунақа обрўли? — сўради Маҳмуд ҳеч нарсага тушунмагандай.

— Обрўли одам, демак, ҳамма учун обрўли, — жавоб берди Бўритош шарқона мулозамат билан.

Йўлда эса Маҳмудни икки мошина — қора „Волга“ ва „КамАЗ“ қувиб ўтди. Самосвал Маҳмуднинг машинасини қувиб ўтиб, йўлини тўсди.

— Ака, минг бор узр! — деди КамАЗ ҳайдовчиси мошинадан ирғиб тушиб, изма-из тўхтаган қора „Волга“га ишора қиларкан.

— Маҳмуд ака, мен Турдиалиман, — деди қора „Волга“ эгаси ўзини таништириб. — Сизга кичкина илтимосимиз бор: сал нарида, Поппа бурилишда яхши ҳордиқ жойи бор. Сиз билан тузукроқ танишмоқчиман. Катта илтимос, йўқ деманг.

Маҳмуд тушундики, орқага йўл йўқ, осонликча қўйиб юборишмайди, у қўлини силтади:

— Кетдик...

Фарғонага у эртасига кечқурун етиб борди. Турдиали ҳақиқий базми жамшид уюштирди, ўзини очиққўнгил, меҳмондўст мезбон сифатида намоён қилди, сўнгра кузатиб қўяркан, жиддий сўз қотди:

— Менинг уйим — сизнинг уйингиз, Маҳмуд ака. Бу ёқларга йўлингиз тушса, албатта кириб ўтинг, кирмасангиз, хафа бўламан, мени эса хафа қилиш мумкин эмас...

Унинг кишмишдай қоп-қора кўзлари торайиб, уларда ёвузлик жилвалангандай бўлди. Маҳмуд унинг ҳазиллашмаётганини сезиб, бир зум ҳушёр тортди, тишлари орасидан:

— Бу гапинг ортиқча бўлди, Турдиали! — деди қатъий оҳангда. — Мен пўписани ёқтирмайман.

— Нималар деяпсиз, Маҳмуд ака, қанақа пўписа! — хитоб қилди Турдиали жон ҳолатда ёнидаги югурдак ва дастёрларини гувоҳликка чорлаб. — Асло бундай эмас! Кирмасангиз, хафа бўламан, демоқчиман, холос...

Кейин Қўқон шаҳар милиция бўлимида тасодифан кўришиб қолишди. Маҳмуд ва шаҳар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланган Шароф Розиков узоқ йиллардан буён илк бор тунги соқчилик хизматига қўйилган отларни томоша қилишаётганди. Энди эса, Розиков афсус-надомат билан озуқа етишмаётгани боис бу отларни сотувга қўйганди. Харидорлар орасида ўзига бино қўйган Турдиали

бойвачча ҳам бор эди. Турдиалининг нигоҳидаги илгарилғамас хайрихоҳликни Маҳмуд дарров пайқади, лекин у ўша заҳоти сўниб, унинг ўрнини совуққонлик ва кибру ҳаво эгаллади. У Маҳмудга таниганини билдириб, аста бош ирғади-да, Розиковга юзланди.

— Турдиали ака отларингизни кўрмоқчи, — деди Шарофга Турдиалининг дастёрларидан бири.

— Шунақами? — сўради Розиков маъноли қилиб Турдиалига бошини бурмай, зимдан нигоҳ ташларкан. Бу одамни ёқтирмаслигини, шароит тақозоси туфайлигина у билан гаплашишга мажбур бўлаётганини у яширишни истамасди.

— Агар Турдиали акага ёқса, у бир неча отингизни сотиб олмоқчи, — дея сўз қотди яна ўша дастёр.

Турдиали унинг гапини тасдиқлаб, аста бош ирғади.

— Нўмон кўрсатади! — деди Розиков оддий фуқаро кийимидаги ходимига ишора қилиб ва шу билан гап тамом, дегандай Маҳмудга юзланди: — Нима ҳақда гаплашаётган эдик?

Харидорлар кетишди. Турдиали Нўмоннинг ортидан виқор билан одимларкан, Маҳмуд унинг Розиковга нафрат аралаш такаббуруна нигоҳ ташлаганини илғаб улгурди.

— Ё тавба! — деди Маҳмуд ўз ҳиссиётларига эрк бериб. — Худди кинодагига ўхшайди, икки ашаддий душмanning музокара столидаги учрашуви-да!

— Э, падарига лаънат! — деди Шароф хотиржам оҳангда. — Унинг ортида ҳозир „ҳурлик“чилар туришибди, йўқса унга от сотиб олиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўярдим. У ялиниб-ёлвориб, ҳеч курса ертўладан чиқаришимни, отларни ювиб-тозалашга ижозат беришимни илтижо қилиб юрган бўларди. Пули кўпайиб қолибди, аблаҳ! Дўконлар, кабобхоналар очган, уларга маблағни қаердан олаётганини гўё биз билмайдигандай. Рекёт билан шуғулланади, сал тегсанг — исён бошлайди, одамларни қўзғатади, ўзича демократ-да!..

Лекин вақт ўтиши билан Шароф Розиков босар-тўсарини билмай қолган „тадбиркор“ни ўзининг ҳаром йўл билан топган пулини ошкора ҳаракатга келтиргани, жамонат ташкилотларининг куч-қудратини амалда пайқаб, собиқ устози Отажон Одиллов билан бирга „Адолат“ экстремистик ташкилотини тузгани учун барибир ҳибсга олади.

— Яна озгина жиловни тортиш керак, Маҳмуд ака,

сезиб турибман, улар охири бўйин эгишади, мен сизнинг номингиздан генерал Тепловга қўнғироқ қилдим, сиз у ҳақда эшитгансиз-ку, ахир, учрашишимиз керак, дедим. У кутаяпти.

Маҳмуд Орифжоновнинг гапларига қулоқ соларкан, сукутга толди. Воқеаларни шоширмаслик, ҳозирча жиловни тортмаслик кераклигини унга қандай тушунтириш мумкин. Дидоренко ҳам, унинг ўнг қўли саналмиш Теплов ҳам генераллик лавозимларига эга, ахир. Боз устига, ўз куч-қудратларига ишончи комил бу зотларнинг иззат-нафсига тегмаслик лозим, инчунин, ҳозирги вазиятда улар ва фақат улар асл хўжайин, у — Маҳмуд олиб бораётган „ўйин“ эса, ўша генералларнинг демократлигига, аниқроғи, демократия ўйинига таянади, бу ўйинни улар даставвал зодагонларча ўзлари, рақибларга қарши томон қонун-қоидаларига асосланган ҳолда ўйнашга изн беришди. Маҳмуд улар йўл қўйган айрим хатоликларга ёпишиб олди, ўз хайрихоҳлигини ваъда айлаб, уларга ҳамоҳанг „юришлар“ қилди, айти вақтда эса худди ўргимчак сингари нафақат уларга бўйсунадиган тизимлар, балки ёндош адлия, прокурорлик ва фирқа-ҳукумат поғоналарини ҳам ўз тўрига ўрай бошлади.

Қадамба-қадам унинг ҳузурига „асл юрт эгалари“ — ишчи ва колхозчилар эмас, балки ўзларини тақдир бунёдкорлари, мамлакатнинг чинакам ҳукми вожиблари қарорлари ижросининг назоратчилари, тартибот посбони деб атовчи одамлар кетма-кет оқиб келишар ва бу оқим ҳамда далилий қоғозлар қуршовида у аста-секин бадбўй ботқоққа ботиб бораётгандай эди. Улар вакили бўлган ва ҳимоя қилган, ишонч ва садоқат билан хизматини адо этган ҳокимият энди ўзларига қарши жазо қиличини кўтарган, ўз ҳаворийларини мажақлаб, ер билан яксон қилишга киришганди.

Аммо бу гапларни у Орифжоновга айта олмас, Нурмат уларни тушунолмаган бўларди, билъакс, унинг учун ҳозир энг муҳими — мумкин бўлган ва бўлмаган барча йўллар билан ўз лавозимига қайта тикланиш эди.

Шу боис ҳам у Умаровни ўжарлик билан машинасига ўтқизиб, вазирликка бошлади.

— Сиз уни илгари кўрмаганмисиз?

— Йўқ.

— Баҳонада танишиб оларкансиз, — деди Орифжонов.

— Келишган, жуда ўзига ишонган одам, генераллик либоси ҳам унга тоза ярашади...

Барвастақомат, буқасимон Дидоренкодан фарқли ўлароқ генерал Теплов чиндана хушқомат, дароз одам — шошилмай селектор тугмасини босди:

— Маматов олдимга кирсин.

Бир дақиқадан сўнг эшик очилиб, остонада ёш майор ҳайкалдай қотди.

— Чақирдингизми, ўртоқ генерал?

Теплов унга Умаровни таништириб, чақирганининг боисини тушунтирди, сўнгра меҳмонга Орифжоновнинг ҳужжатларини кўрсатишни буюрди. Тик турганча генералга қулоқ тутаркан, Маматов ўткир, синовчан нигоҳ билан Умаровга тикилди, у яна генералга юзланганида, кўзларида шунақанги мутелик бор эдики, пошналарини бир-бирига уриб, шақиллатиши қолганди.

— Сизни ҳаммаси билан Маматов таништиради, — бош ирғади Теплов Маҳмудга ва шу ондан эътиборан унга нисбатан ҳар қандай қизиқишини йўқотиб, столидаги қоғозлар уюмига бош эгди.

Маматов кадрлар бўйича вазир муовини хонасини тарк этаркан, меҳмонга ортидан юришни ишора қилди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Маҳмуд Тепловнинг сadoқатли ёрдамчиси майор Маматов билан яна учрашади. Фақат унда бир юлдузига яна иккитаси қўшилган бўлади. „Ўзбекистондаги энг ёш полковник, — дея таништиради уни ҳукумат идорасидаги бообрў шахслардан бири. — Беш дақиқаси кам генерал“. Полковникнинг сергак нигоҳи самимий табассум билан алмашинади ва у Маҳмуднинг қўлини маҳкам қисиб кўришади.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганман.

— Мен ҳам юртимизнинг энг ёш полковниги билан танишганимдан хурсандман, — дейди Маҳмуд унинг гапига ҳамоҳанг.

Умаров Маматовнинг кўзларида пайдо бўлган учқунни пайқаб, ичида кулимсиради: афтидан, полковник бу уларнинг биринчи учрашувлари эмаслигини билдиргиси келмаётганди, шундай экан, нега энди унинг хоҳишини қондирмаслик керак. Бир неча ойдан сўнг у Ички ишлар вазирининг биринчи муовини лавозимини эгаллайди ва Маҳмуд унинг ўшанда нимадан хавотирга тушганини аңг-лайди. Тўғри, орзиқиб кутган генераллик унвони унга

насиб қилмаганидек, юксак амал курсиси ҳузурини чина-камига тотиб кўришга ҳам улгурмайди. Масковлик устозларидан олган тарбияси унга панд беради. Ёш полковник ўз олдида очилган фаолият майдонининг туйқусдан кенгайиб кетганидан маст бўлиб, реаллик туйғусини йўқотиб қўяди ва ички ишлар идорасини гўё ифлосликлардан тозалашга киришади, яна ағдар-тўнтар бошланади, аммо ... энди давр ўзгарган ва тиришқоқ вазир муовинини унча масъулияти бўлмаган, лекин фахрли бошқа ишга ўтказишади, бир қатор вазифаларни уддалай олмагач, у яна милиция либоси кийиб, бой тарих ва анъаналарга эга олис вилоят бошқармасига раҳбарлик қилади...

Булар бари кейин содир бўлади, ҳозир эса, Маҳмуд шошилмай қалин жузгирни очиб варақлар экан, Нурмат Орифжоновнинг шахсий ишидаги ўзини қизиқтирган маълумотларни хотирасида жойлаб олишга уринарди, аммо бу маълумотномалар, тавсифномалар ва уларда учраган соғлом фикр-мулоҳазалардан ўзи ҳимоя қилишга киришган шахснинг анча нокомил қиёфаси намоён бўлаётганди. Ниҳоят, у қоғозлардан нигоҳини узиб, зерикиб қолган майорга юзланди.

— Зобит ва тезкор ходим сифатида Орифжонов ҳақида сиз нималар дея оласиз?

Маматов худди шу саволни кутаётгандек, узоқ ўйлаб ўтирмай, хотиржам жавоб берди:

— Мен кадрлар билан ишлайман ва Орифжонов ҳақида ҳам фақат қўлимизда йиғилган маълумотларга таяниб ҳукм юритаман.

— Лекин бу маълумотларни сиз йиғгансиз-ку? — деди Маҳмуд бўш келмай.

Аммо Маматов ўзига сув юқтирмайдиганлардан чиқиб қолди.

— Менинг ишим — маълумотлар, инсон ва унинг ҳаёти амалий далолатлар орқали баҳоланади, улар бари қўлингиздаги жузгирга жамланган.

— Сиз узоққа борасиз, ўртоқ майор, мабодо „тўртинчи ҳокимият“ халақит бермаса...

Маматов кўзларини совуқ чақнатди.

— Сиз мени қўрқитмоқчимисиз?

— Қўрқитмоқчиман? — нотабий тарзда қўлларини ёзди Маҳмуд. — Асло. Бу хаёлимга ҳам келгани йўқ, ўртоқ майор. Мен ҳам фақат исбот-далилларни қайд эта-

ман ва сизнинг келгуси тақдирингизни башорат қилишга уринаяпман...

У ботиний бир ҳис билан кечириб бўлмас хатога йўл қўйганини пайқаб, ўзини ичида шафқатсиз сўқди, хаёлан эса, майорнинг иззат-нафсига тегувчи луқмасини қандай тузатишни ўйлаб, унинг шахсини ерга урмаган ҳолда ҳозирги ноқулай вазиятдан қутқарувчи сўзларни шошилинч излай кетди, чунки Нурмат Орифжоновнинг тақдири айни шу одамга боғлиқ эди-да.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, — сўради у орага чўккан мажбурий сукутни бузиб. — Шахсий ишида ўндан ортиқ ташаккурномага эга, жинойтларни қарийб юз фоиз очиб келган милиция зобити Орифжонов нега энди ўзининг бевосита бошлиғи билан муштлашишгача борган?

— Қўрқув ҳиссини йўқотган, — қатъий жавоб берди Маматов. — Агар ихтиёр менда бўлганида, икковини ҳам милициядан ҳайдаган бўлардим, зобитлик либосига бошқа доғ туширмасликлари учун...

— Аммо бу жазо фақат Орифжоновгагина хавф сола-япти, — деди Умаров. — Ахир, бу адолатдан эмас-ку?

— Э, йўқ, иш ҳали ҳайдашгача бормади.

— Мен ҳам бунгача бормаиди, деб умид қиламан...

Маҳмуд Умаров ички ишлар вазирлиги биносидан ташқарига чиққанида, қоронғи тушиб қолганди. Мошинага яқинлашиб, орқа ўриндиғига ўтирди.

— Хўш, қалай? — сўради Орифжонов сабри чидамай.

— Қандай лозим бўлса, шундай. Теплов ва Маматов билан танишдим.

— Маматов билан? — Нурматнинг афти худди аччиқ дори ичгандек тиришди. — У — Тепловнинг содиқ қули, унинг учун хўжайинининг гапи қонун. Қама деса, туғилган акасини ҳам қамайди, от, деса, ўйлаб ҳам ўтирмай отади.

— Хайр, майли, бу амалпарастингни қўй. У ерда, афтидан, ўзгача тоифаларни ушлаб туришмайди. Энди нима режа қиламиз? — Нурматнинг гапини бўлди Умаров.

— Режамиз битта: бизни чойхонада Банделет, Болиев ва Торбинлар кутишяпти. Илк манбалардан қизиқ ахбор олишингиз мумкин. Кетдикми?

— Кетдик, қорин ҳам очикди...

Қирқ беш ёшлардаги, кулранг кўзлари айёрона сузилган, казакларга хос бурама мўйловли Болиев Маҳмудни худди эски танишидай истиқболига чиқиб кутиб олди, елкаларидан қучоқлаб, кўзларига синчков тикилди.

— Хўш-хўш, сизга, давримиз қаҳрамонига тузукроқ қарашга ижозат беринг, — қўлини маҳкам қисиб, ҳарбийларча бурролик билан ўзини таништирди: — Болиев Виталий Азизович.

Кейин Банделет яқинлашиб, елкасига дўстона қоқди.

— Ишлар қалай, йигит? Бардаммисан?

— Сояи давлатингизда юрибмиз, Владимир Борисович.

— Торбин Владимир Павлович, — дея ўзини танитди озгин, касалманд қиёфадаги эркак, Маҳмуд билан эҳтиёткор расмиятчилик ила қўл олишаркан, йўл бўшатиб четга ўтди.

Маҳмуд қулай жой танлаб, Банделетнинг ёнига ўтирди. Чап томонига Нурмат Орифжонов жойлашди, рўпараларидан Торбин ва Болиевлар ўрин эгаллашди.

— Сизга қочишга тўғри келибди, деб эшитдим. Кўпроқ ҳужум бўлдимиз, дейман? — деди Маҳмуд ликопчасига яхна гўшт ва қўкатлардан соларкан.

— Бугун бунақа „бахт“ ҳаммамиз учун етарли, — маъюс жавоб берди Торбин „Столичная“ шишасини қўлига олиб, Умаровга савол назари билан тикиларкан. — Ё сизга коньяк маъқулми?

— Менга фарқи йўқ, — елкасини қисди Маҳмуд, сўнгра бир зум ўйланиб, қўшиб қўйди: — Шунисидан қуяверинг, бари бир гўр.

Торбин бош ирғаб, пиёлаларга ароқ қўйди.

— Жаноб зобитлар, бир дақиқа эътиборингизни тортаман, — Орифжоновнинг дароз гавдаси стол оша баланд кўтарилди-да, ҳаммага пиёлаларни қўлга олишни имо қилди. — Кечикканимиз учун узр сўраймиз, лекин биз қаерда бўлганимиз ҳаммаёнгизга маълум.

— Вазир муовини, спортчи генерал ҳузурида, албатта, биз — камбағал ҳаваскорларга йўл бўлсин! — деди Болиев кесатиб.

— Тушунмадим, — сергак тортди Маҳмуд подполковникка савол назари билан тикилиб. — Қанақа спортчи?

— Жисмоний тарбия олий билимгоҳини тугатган, — изоҳ берди у ароқни бир симиришда ичиб, энди чиққан сассиқпийёз билан газак қиларкан.

— Биргина билимгоҳни битириб, генерал бўлибди-да?
— сўради Маҳмуд ишонқирамай.

— Дарвоқе, хавфсизлик қўмитаси курсларида ҳам таҳсил олган, — қўшимча қилди Торбин. — Агар Ўзбекистон бўлмаганида, у генераллик погонларини худди ўз қулоқларидай ҳеч қачон кўрмасди.

— Мен Маҳмуд акани кўчада кутдим, сизларни ёрдамга чақириб, бонг урмоқчи ҳам бўлдим. Ичкарига кириб, тўрт соат йўқолиб кетди, — дея ҳикоя қиларди Орифжонов чеккан изтироблари ҳақида.

— Сенинг шахсий ишинг билан танишдим, жуда қалин экан.

— Қизиқми? — сўради Болиев Умаровдан.

— Ўтиборга арзийдиган ҳеч гап йўқ, — бошини сараклатди Маҳмуд. — Бари сув...

— Кўп сув денг, — тузатди уни Банделет ҳазиллашиб.

— Бизни қутқаражак сув учун ичамиз! — дея пиёласини кўтарди Болиев.

Бошқалар ҳам ичиб, газак қилишди. Орага жимлик чўкди.

— Сиз Виталий Азизович билан бир бошқармада ишлаганмисиз? — сўради Маҳмуд Торбиндан.

— Биз Қаршибоевнинг думидан илинтирмагуниimizга қадар Володя қўлимда БХСС бошлиғи бўлиб ишларди, — жавоб берди Болиев ҳамкасбининг ўрнига. — Бу ишимиз эса, ҳатто Дидоренконинг ўзига ҳам ёқмади. Болиев ва Торбин йўқотилсин, деган буйруқ ана шундан келиб чиққан.

— Сен аввал Маҳмудга Қаршибоев кимлигини тушунтир, — Болиевнинг гапини бўлди Владимир Борисович. — Тушунмаган одамга бу морзе алифбосидай гап, Иванов, Петров, Сидоровдан фарқи йўқ.

— Қаршибоев — Жиззах мафиясининг отахони, тўғри, бу — норасмий.

— Расмийси-чи?

— Расмийсини қаминадан сўрайсиз, — гап қистирди Орифжонов. — Мен ҳамма карталарни очиб ташлайман. Қаршибоев — милиция полковниги, Жиззах шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи, ишбилармон одамлар даврасида уни „хўжайин“ деб аташади.

— Хўжайин! — деди шу пайтгача сукут сақлаб ўтирган Торбин ғижиниб. — Полковник либосидаги муттаҳам! Пул

бўлса, бас, ҳеч нарсадан, ҳатто кўкноридан ҳам жирканмас эди. Мана шунақа...

— Жиззахда кўкнори нима қилади? — тушунмади Маҳмуд.

— У ерда бўлмаса, қаерда бўлсин? — жавоб берди Болиев унинг гапи оҳангида. — Тасаввур қил, ҳаммаёқ ўнлаб, юзлаб километр масофада пахтазор, қум барханлари, дашту биёбон, бир нимани аниқлаш учун вертолетда айланиш керак. У ерда наша ва кўкнори майдонлари шунақанги кўпки, Чуй водийси ҳолва бўлиб қолади.

— Агар сир бўлмаса, Жиззахдаги гиёҳванд моддалар экиладиган майдонларга вазир муовинининг қандай даҳли бор?

— Агар биз бу ҳақда Масковга ёзган бўлсак, қандай сир ҳақида гап бўлиши мумкин? — деди Болиев таассуф билан.

— Нима бўлганини ўзинг айтиб бер энди, Володя, ҳаммаси сендан бошланган-ку, ахир, ҳой бузғунчи!

— Тезкор ахбор бўйича мен бир аёлни моддий далолат билан ҳибсга олдим, рўзғор халтасидан ўн кило наша чиқди. Айниқса, унинг ўзини ўта хотиржам тутиб: „Беҳудага куйиб-пишяпсан, майор. Ўзингга ўзинг жанжал сотиб олаяпсан“, — дегани мени ҳайрон қолдирди.

Ҳибсга олганим ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириб улгурмай, телефон жиринглаб қолди, дастакни кўтарсам — Қаршибоев. Дарров ҳужумга ўтди. Йигитларинг бир бечора аёлни қўлга олишибди, дейди, уни қўйиб юборишим керак экан, гап уқадиган аёлмиш, нима керак бўлса, бажарармиш.

Мен худди тўнкага ўхшаб, ўзимни ҳеч нарса-тушунмаганга солдим. Менга ҳозир фақат терговчи керак, дедим. Кейин — прокурорнинг рухсатномаси. Шу заҳоти у тутақиб, бақир-чақир қила кетди, ҳатто қўрқитишга тушди.

— Сиз индамадингизми?

— Унга билганини қилиши мумкинлигини айтиб, дастакни жойига қўйдим...

— Ундан кейинги воқеаларни, ижозат берсанг, мен сўзлай, — дея Торбиннинг гапини бўлди Болиев ва Умаровга тикилганча давом этди: — Эртасига столимга тергов ҳибсхонаси навбатчисининг ўша аёл қочиб кетгани ҳақидаги маълумотномасини қўйишди.

— Қанақасига қочган? — ҳайрон бўлди Маҳмуд. — Уни қўйиб юборишибдими ёки қочишга кўмаклашишганми?

— Маълумотномада ёзилишича, „ҳожатхонага олиб чиқишганида қочган“, — хотиржам изоҳ берди Болиев. — У ёғини қандай ўйласангиз, ўйлайверинг...

— Бу ҳали ҳаммаси эмас! — деди Торбин негадир пича ҳаяжонланиб, кейин Болиевга тикиларкан, уни шоширди: — Давомини айт.

— Ундан олдин аёл кишининг уни зўрлашгани ҳақидаги шикоятни қўлимга тушганди. Уни ким ёзган, деб ўйларсиз?

— Ўша қочган аёлми?

— Худди ўша, — кулди Болиев. — Уни зўрлаган одам эса, вилоят БХСС бошлиғи майор Торбин эмиш.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — беихтиёр хитоб қилди Маҳмуд. — Худди мафия ҳақидаги Италия фильмидагидай.

— Сиз уни кўрганингизда эди! — гапни илиб кетди Торбин. — Жуда тасқара, айни жодугарнинг ўзгинаси. Зўрлаш у ёқда турсин, қарашга ҳам жирканади, киши.

— Ҳарқалай, муҳими — ҳужжат бор, шикоят қонун-қоидали қилиб рўйхатдан ўтказилган, моддий далолатлар, тиббий гувоҳликлару экспертиза... қоғозлари илова қилинган...

— Қандай моддий далолат бўлиши мумкин? Маний таҳлилими? — сўради Маҳмуд ижирганиб.

— Экспертиза қоғозида бу ҳам айтилган, — деди Болиев маъюс кулимсираб. — Моддий далолат эса — йиртилган кўйлак-иштон. Бу ёғини ўзинг тушунасан...

— Нима, бу сафсаталарга ҳамма ишондими? — хитоб қилди Маҳмуд ғазабга миниб.

— Кимгадир керак бўлса, албатта ишонишади, — гап қистирди Банделет.

— Бу шум хабар хизмат босқичлари орқали юқоригача етиб борган, вазирликдан БХСС бошлиғи Торбинни ишдан четлатиш ҳақида фармон ҳам етиб келган...

— Подполковник Қаршибоевга эса, айни шу паллада полковник унвони берилгани хусусидаги буйруқни топширишган, — деди Торбин файласуфона жилмайиб.

Нафақат дўстлари ва яқинлари, балки қариндош-уруғлари ҳам ўзидан юз ўгирган даҳшатли пайтларни эслаб, у ҳазин ўйга толди. Яқин ўтмишда милиция пол-

ковниги, республикаимизнинг хизмат кўрсатган ҳуқуқшуноси бўлмиш онасигина бу туҳматга ишонмади, қўлидан келганча ўғлини овутди.

— Сўнгра улар, албатта, айбловнинг ўта аҳмоқоналигини англаб, „зўрлаш“ ҳақидаги моддани „унга уриниш“ билан алмаштиришди. Айни вақтда Қаршибоев бевосита менинг иштирокимда қўлга олинган ва ишлари судга оширилган бир неча олиб-сотарнинг кўрсатмаларини тўплади. Шундай қилиб, ўша учарлар фавқулодда булбулигўё бўлиб кетишди, ўз қариндошлари орқали БХСС бошлиғи Торбин ва вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини полковник Болиевга пора сифатида катта миқдорда пул берганларини ёзма равишда маълум қилишди.

— Агар уларнинг иши судга оширилган бўлса, улар сизга нима мақсадда пора беришганмиш?

— Жиноят моддасини юмшатиш ҳақидаги ваъдамиз учун эмиш.

— Нега энди сизлар бонг уриб, жанжал кўтармадинглар, ахир? Наҳотки жим юравердинглар?!

— Биз нима қила олардик? — деди Болиев синиқ овозда. — Маҳмуд, атрофингга синчиклаброқ қара, мана, биз катта зобитлар, умид қилиб сен билан бир дастурхонда ўтирибмиз, чунки фақат сенгина ниманидир исботлашинг, тўғрилашинг, ниманидир ўзгартиришинг мумкин... Гарчанд, очигини айтсам, мен бунга ишонмайман. Биласанми, худди очарвоҳлардай уларга қон керак. Улар ўзларини тозаловчилар деб билишади ва умуман ҳақ ёки ноҳақликлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Асосийси, ҳаммани қўрқитиб, шовқин-сурон кўтариш, Ўзбекистонда гўё режали равишда тозалаш кетаётганини Масковда ҳам эшитсинлар ва бунга ишонч ҳосил қилсинлар.

— Кейин нима бўлади?

— Мен Володяга Тошкентга боришни, нафи бўлмаса, Масковга учишни тавсия қилдим, ҳадеб кутиб, бир жойда ўтиравериш ҳам мумкин эмас-да, — деди Болиев.

— Сиз хоҳламадингизми? — сўради Маҳмуд ҳайрон бўлиб.

— Мен уларнинг бу даражада тубанлашиб, ҳар қандай разилликдан тап тортмасликлари мумкинлигига ишонмаган эдим.

— Ана шу ишончсизлиги учун у ярим йил сртўлада ўтириб чиқди, — деди Орифжонов киноя билан.

Торбин чақноқ нигоҳини унга қадади, лекин индамади. Пиёласига тўлдириб минерал сув қуйиб, шошилмай ҳўплади.

— Сиз нима қилдингиз? — Болиевга мурожаат қилди Маҳмуд.

— У ўзини деразадан ташлади, — жавоб берди унинг ўрнига Банделст. — Ҳар ҳолда тўғри қилган экан, Қаршибоев уни бари бир тинч қўймасди, умрини қамоқхонада чиритарди.

— Наҳотки ҳаммаси айнан шундай бўлган? Сира ақлим бовар қилмаяпти!

Болиев бир неча фурсат қўлидаги шиша орқали столга тикилди, кейин калласини сараклатганча, ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, шошилмай сўзлади:

— Мен ўз ишхонамнинг деразаси ёнида тургандим, машина келганини пайқадим. Юрагим „шув“ этиб кетди, мени олиб кетгани келишди, деб ўйладим. Уларни кўз узмай кузатарканман, юрагим қинидан чиққудай дукилларди. Машинадан бир неча одам тушди, ходимларнинг биридан ниманидир сўрашди. У менинг деразамни кўрсатиб бош ирғади, тушундимки, ҳаммаси тамом, кеч бўлмасидан қочиш керак. Айвонга чиқдим, у орқали иккинчи қаватга кўтарилдим, мажлислар бўлмасидан темир зинага ўтиб, ўзимни пастга отдим. Хонамнинг эшигини тақиллатишаётганини эшитишга улгурдим.

— Демак, сиз шу тариқа қамоқдан қутулиб қолгансиз. Сизни бошқа қидиришмадим?

— Мен уч ой уйда тунамадим, — кулимсиради Болиев малла мўйловини силаб қўяркан.

— Сиз эса, ўзингизни ҳибсга олишларига хотиржам йўл қўйибсиз-да? — Маҳмуд энди Торбинга мурожаат қилди. — Ахир, қамоқда сиз билан истаган номаъқулчиликларини қилишлари мумкин эди-ку? Бу ҳақда мен милиция ва прокуратуранинг собиқ ходимларидан жуда кўп гаплар эшитганман.

— Ҳа, уларнинг қўлидан ҳамма иш келарди, — рози бўлди Торбин. — Лекин мени Қаршибоевнинг хонасига олиб келишганда, мен унга тик қараб: „Агар мени жинойтчилар камерасига тиксанг, дуч келганига тишларим

билан ёпишиб, томоғини йиртаман, сен мен билан ўйнашма!“ — дедим. У мени яхши биларди, шунинг учун гапимга ишониб, мени якка одам ўтирадиган камерага қўйишни буюрди.

Эрталаб Маҳмудни телефон жиринги уйғотди. Соат тўққиздан ошганди.

— Ҳожи Аброр Эшон безовта қилаяпти, ҳалиям уйқуни ураяпсанми? — хохолаб кулди ҳамкасби.

— Қаёқдан қўнғироқ қилаяпсан?

— Ишхонадан. Меҳмонлар келишувди. Турсун Ражабов, танийсанми уни? Дарвоқе, у — менинг қариндошим, ички ишлар вазирлигида ишлайди.

— Танимайман, лекин сен қўнғироқ қилдингми, бўлди, танишишга тўғри келади.

Ҳожи Аброр хурсанд бўлиб яна кулди-да:

— Қойилман, ўғил боласан-да! Бизни кут, тезда етиб борамиз... — деди.

Бир соат ҳам ўтмай Ҳожи Аброр қўнғироқни босиб, эшикни устма-уст тақиллатди ва хушчақчақ кайфиятда уйга бостириб кирди. Унинг ортида сал пастроқ бўйли, полвонсифат ёш йигит турарди. У остонадаёқ Маҳмудга салом бериб, синчков тикилди.

— Мен айтган Турсун Ражабов — мана шу одам, танишинглар...

Ҳожи Аброр Маҳмуднинг қўлидан ушлаб, уни Ражабовнинг кафтига туташтирди...

ТУРСУН РАЖАБОВ, 1946 йили туғилган, милиция подполковниги. Меҳнат фаолиятини Давлат хавфсизлик қўмитасида комсомол ташкилоти котиблигидан бошлаган. Туғилган синглиси хорижлик йигитга турмушга чиқиб, эрининг юртига кетгани унинг мавқеиға фавқулодда зарба бўлиб тушади. Шу боис Ражабов у ердан Ички ишлар вазирлигига, БХСС бўлими бошлиғининг муовини бўлиб ишга ўтади.

Ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Кадрлар бўйича вазир муовини подполковник Ражабовнинг ўз вазифасига нолыйқлиги ҳақида қарор қабул қилди. Шунда у қалтис қадамга журъат этади — Бошқарманинг умумий мажлисида Ички ишлар вазири муовини Тепловнинг фаолиятига салбий баҳо бериб, очиқчасига кескин танқид қилади.

Маҳмуд унинг маърузасини қўлига олиб, шошилмай ўқишга киришди:

„Ички ишлар вазирлигининг кадрлар бошқармаси ва шахсан вазир муовини А. Теплов Бошқармамиз раҳбарияти фикрига қарама-қарши ўлароқ раҳбарлик лавозимларига ўз номзодларини зўрлаб „тиқиштирмоқда“, бунда у қўлида гўё БХСС Бошқармаси ходимларининг обрўсига путур етказувчи маълумотлар борлигини рўкач қилмоқда. Афтидан, у жиноятчи унсурларни қўлга олишдаги изчиллик ва қатъият улар ва уларнинг қариндош-уруғлари ва ҳамтовоқларининг тўхмат ва бўҳтондан иборат шикоятлар ёзишига сабаб бўлиши билан боғлиқ хизматимизнинг ўзига хос жиҳатларини унутган кўринади. Қуйидаги далолат ҳам Тепловнинг бизнинг ходимларга нисбатан олдиндан бичиб-тўқилган салбий муносабатини кўрсатади: у Сурхондарё вилояти фирқа қўмитаси саркотибига расмий мактуб йўллаб, гўё кадрлар бўйича вазир муовинини одамларни раҳбарлик лавозимига тайинлашда порахўрликда айблагани учун катта маҳалла миршаби Абдурасулов ва бошқа айрим милиция ходимларини жазолашни сўраган. Вазир муовини наҳотки ўз қўл остидаги ходимларни ўзи тартибга чақира олмаса? Ёки Жиззах вилояти ички ишлар Бошқармасининг БХСС бошлиғи Торбинга нисбатан шошма-шошарлик билан кўрилган жазо чорасини олиб қарайлик. Вақтида ёлғон-яшиқ далолатлар асосида унга қарши иш қўзғатилган эди, лекин у судга етмасданоқ совун пуфагидек ёрилиб кетди, лекин ҳамкасбимизнинг аввалги лавозимига қайта тикланиши масаласи ҳали-ҳануз ўз ечимини кутмоқда.

Уч йил мобайнида Теплов менга Масковга, Ички ишлар вазирлиги Академиясига ўқишга боришимга ва хизмат поғоналари бўйлаб олға жилишимга рухсат бермай келмоқда. Мени Бош Бошқармага стажировкага юбориш масаласи кўтарилиб, шахсий ишим сўралганда, яна ўша Теплов хавфсизлик қўмитасида менга нисбатан қандайдир мавҳум иш мавжудлигини рўкач қилиб, яна йўлимга тўғаноқ бўлди.

Мен бу ерда Теплов ҳақидаги жами гапларнинг кичик бир қисминигина тилга олдим. Агар вазир муовини тезкор ҳолатдан мутлақо беҳабар ва ўз тасарруфидаги ходимларнинг профессионал сифатлари ҳамда вазирликдаги кадрлар сиёсатини буткул билмас экан, унинг етарли

маълумотга эга ваколати ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Теплов нафақат ўзи учун, балки қўл остида ишловчи, унинг иродаси, сиёсати ва қарорларининг ижрочилари бўлмиш кадрлар Бошқармаси учун ҳам тўғри хулосалар ясаши керак, деб ҳисоблайман“.

Маҳмуд қоғоздан нигоҳини узди-ю, лекин ҳамон сукутда эди.

— Менинг чиқишим сизга қандай туюлди? — сўради Турсун Ражабов сабри чидамай.

— Жуда таъсирчан. Унга Теплов қандай муносабат билдирди?

— Жуда оддий. Ишсиз юрибман. Кадрлар Бошқармаси қарамоғида. Ўшанда ҳамма гапларимни тўкиб солганимдан сўнг мажлислар бўлмасини шунақанги олқиш ва қарсақлар тутдики! Мен сира кутмагандим, чин сўзим! Жойимга қайтиб ўтирарканман, ўзимни ўзим болахонадор қилиб роса сўкдим. Агар хизматдошларим мени шунчалик қўллаб-қувватлашларини билганимда, мен Тепловнинг вазирликдан ҳайдалашини талаб қилган бўлардим.

— Ҳайдашга-ку, албатта, ҳайдашмас эди...

— Лекин роса асабини қақшатган бўлардик! — хитоб қилди Ражабов. — Ҳеч қурса ҳайфсан эълон қилишлари мутлақо аниқ эди. Фақат таклиф киритиш қолганди.

— Унга ёрдамингни аяма, Маҳмуд! — гапга аралашди боядан бери жим ўтирган Ҳожи Аброр. — Кўриб турибсан-ку, у — зўр йигит. Керак бўлганда, ҳар қандай масалада сенга асқотади ҳали...

— Сиз Мирзаолимов билан танишмисиз?

Шароф Розиковнинг адвокати Михаил Федорович Вайсман ўз таажжуби ва айни дамда ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ўтирмади.

— У — Тошкент шаҳар суди тарихида ўзига хос давр, йирик шахс, чинакам судьянинг асл тимсоли. Маҳмуд, сиз у билан албатта кўришишингиз керак. Унинг ҳисобида ўнлаб ҳукмлар қайта кўрилиб, оқланган. Дарвоқе, ҳамма ишлар унга Масков гуруҳи терговчилари томонидан оширилган...

— Юраги бутун одам экан-да?

— Бутун бўлганда қандоқ! — тасдиқлади Михаил Фе-

дорович. — Зўр профессионал, камдан-кам учрайдиган ақл-заковат эгаси. Яқиндагина у республика прокуратураси тергов бўлими бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси Лаптевга нисбатан жиноий иш қўзғаш юзасидан Тошкент шаҳар судининг қарорини чиқаришга эришди.

Вайсман Мирзаолимовнинг телефон рақамларини териб, Маҳмудни қабул қилиши юзасидан ижозатини олди...

Мирзаолимов ўз ташқи қиёфаси билан Маҳмудда кучли таассурот уйғотмади. Разолат ва қабоҳатга қарши курашувчи жангчини у бундай сувратда тасаввур қилмаганди. Пича букчайган, рангпар кўринишдаги қора кўзойнакли бу одамнинг ҳорғин кўзларигина улкан ақл-идрокдан далолат берарди.

— Демак, осойишталик бузғунчиси Маҳмуд Умаров сиз экансиз-да?

— Ўхшамаяптими?

Мирзаолимов кўзойнагини ечиб, дастрўмоли билан ойнақларини обдон тозалаб артди.

— Сизни нима қизиқтиради?

— Адолатни тиклашга хизмат қилувчи неки бор — деяри ҳаммаси.

Маҳмуд сумкасидан диктофон чиқариб, столга қўйди.

— Қарши эмасмисиз?

— Ана шу мошинкасиз гаплашсак, — афтини буриштирди Мирзаолимов. — Бу одамнинг фикрини жамлагани қўймайди, халақит беради.

Маҳмуд бош иргаб, столдан диктофонни олиб қўйди. Бундай вазиятлар учун костюмининг ички чўнтагида ва камарининг ёнида яна икки диктофон олиб юрар ва уларнинг бирини ўчириб, иккинчисини интервью олиши керак бўлган одамнинг хонасига киришдан аввал ишга солиб қўярди. Тажриба шуни кўрсатдики, диктофонни кўрган кўпчилик одамлар жим бўлиб, суҳбатлашишни хоҳламай қолишар, диктофон ғойиб бўлгандан кейингина ҳақиқий иш бошланарди.

— Айтинг-чи, Мухтор Мирзаолимович, сиз тергов бўлими бошлиғи Лаптевга жиноий иш қўзғабсиз, деб эшитдим, шу тўғрими?

— Сиз масаланинг қўйилишини сал нотўғри ифода-ладингиз, — юмшоқлик билан тузатди Маҳмудни судья. — Мен ўша шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ҳақида

аннқлов бердим, жиноий ишни тегишли тергов идоралари қўзғашди керак.

— Кечирасиз, шундай бўла қолсин! — жавоб берди Маҳмуд тоқатсизланиб. — Муҳими, сиз шундай қилгансиз. Мени қизиқтираётган нарса шуки, бунга республика прокуратураси ва Масковда қандай муносабат билдиришди? Ахир, сиз расмий йўл билан Марказ сиёсатига, унинг ишончли вакилларига зарба бергансиз. Бундай қилишга қандай юрагингиз дов берди? Менга маълум бўлишича, шаҳар судидаги ҳамкасбларингиз неқбинлик кўрсатишмаган ва уларнинг аксарияти сизни қўллаб-қувватламаган?

— Келинг, гапни бир чеккадан бошлайлик, — Мирза-олимов бир лаҳза жим қолиб, унга Умаров ёғдирган саволларни мия жавонига кетма-кет тахлаётгандай, фикрларини жамлашга уринди.

— Неча ёшдасиз, ука?

— Қирқ бирда, нима эди?

— Жуда яхши ёш, — бош ирғади судья. — Мен бўлсам, Муҳаммад пайғамбаримиз ёшларига етиб келдим ва ҳеч нарсадан қўрқадиган жойим йўқ. Ўз қилмишларинг ва ҳаётингга жавоб берадиган ёш. Биласизми, дўстим, ўша сиз айтган вакиллар келиб-кетаверишади, биз бўлсак, шу ерда яшашимиз, ҳукм чиқариб, фарзандлари ва яқинларидан жудо қиладиган одамларимизнинг кўзига қарашимиз керак. Улар буткул йўқолиб кетишмайди-ку, ахир, қачондир қайтишади-ку. Агар сен айбсиз одамни жазолаб, адолатга зид ҳукм чиқарсанг, кейин унинг кўзларига қандай қарайсан? У албатта олдинга қайтиб келади, инсон шундай яралган, — ўз тақдирининг тубдан ўзгаришида айбдор одам билан учрашишни у йиллар мобайнида кутади. Унинг кўзларига қарашни истайди, бу йиллар мобайнида қандай яшагани, виждони қийналмаганини билгиси келади. Мен чуқур эътиқодга эга тақводор одамман ва шуни аниқ биламанки, агар ўз хатоларим, нопоклигим ва адолатсизлигим учун ўзим жавоб бермасам, фарзандларим, невараларим ўз ҳаётлари эвазига бунинг касрига қолишади. Шунинг учун ҳам бегуноҳ одамларнинг майиб-мажруҳ қилинган руҳлари мени қарғашларини, менинг гуноҳларим эса, авлодларим елкасига оғир юк бўлиб тушишини асло-асло истамайман!..

Шу тарзда улар бир неча соат гаплашишди. Маҳмуд ус-томонлик билан хуфия диктофонларидаги кассеталарни

икки марта алмаштиришга ҳам улгурди. У эшитиб, ёзиб олган гаплар ниҳоятда муҳим эди, суҳбат интиҳосида судья ўз сейфидан ҳужжатларга тўла қалин жузгир олиб, Маҳмудга узатди.

Судьянинг иккинчи нафаси очилгандай, аввалги уйқусираган ҳорғинлигидан асар ҳам қолмаганди.

— Дидоренконинг имзоси билан қатъий тартибдаги ва ҳатто алоҳида кучайтирилган тартибдаги қамоқхоналардан узоқ йилларга қамалган ва йўқотадиган ҳеч вақоси йўқ хавфли жиноятчилар, рецидивистлар чақириб олинар, юқори мартабали амалдорлар иродасининг итоаткор ижрочиларига айлантириларди.

— Буни далилловчи ҳужжатларингиз борми?

Маҳмуд Мирзаолимовга тикилганча, гапларига қулоқ тутаркан, чинданам шундай бўлганига ишонгиси келмасди. Унинг онги буни рад қилар, лекин ишонмаслиги мумкин эмас, чунки сир-синоат пардаларини оддий „қўча одами“ эмас, муқаддас ва мутлақо расмий нарсаларга бевоҳита дахлдор масъул ходим очиб бераётганди. Шаҳар судининг камтарин аъзоси бу дунёнинг қудратли зотлари амалга ошираётган разил жиноятларнинг юкини кўтаролмаган, энди ошкоралик мулкига айланиши керак бўлган бу ҳужжатлар тақдири унга, Маҳмуд Умаровга боғлиқ бўлиб қолганди.

Мирзаолимов жавоб ўрнига қизил жузгирдан бир варақ олиб, Умаровга узатди: унга Ички ишлар вазирлигининг порахўрлик ботқоғига ботиб қолган катта зобитлари амалга оширган даҳшатли қонунбузарликларга оидинлик киритувчи ҳужжатлар рўйхати битилган эди.

Маҳмуд, Баширов ва Соловьев деган ашаддий жиноятчилар муайян милиция ходимлари томонидан махсус ишга ёллангани ва улар тегишли шахсларга йўқ айбларини бўйнига олдириш учун истаган ишларини қилишлари мумкинлигини билиб олди. Рецидивистларни бундай топшириқларни бажаргани бир қамоқхонадан иккинчисига бот-бот олиб юришарди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Маҳмуджон, агар бу нусхалар билан бир камерага тушиб қолсангиз, сиз айбдор бўлмаган тақдирингизда ҳам улар сизни ҳар қандай усул билан „айб“ни бўйнингизга қўйиш ва керакли қоғозларга имзо чектириш юзасидан топшириқ олишган бўлса, сизни қанча вақт „кўндириш“ керак бўлади?

— Билмадим, — ҳалол тан олди Маҳмуд.

— Бошқа баъзи жиноятчиларга ҳам бундай ҳужжатлар бор, лекин булар иккови — энг муҳимлари, чунки улар бир неча йирик жиноий ишга дахлдор.

— Бу ҳужжатларнинг барига Дидоренко имзо чеккан чоғи?

— Албатта-да. Фақат угина махбусларни қамоқхонадан чақиртириб олиши мумкин ва меҳнат-тузатиш колониялари Бош бошқармаси бошлиғи ҳам вазирнинг биринчи муовини сифатида фақат унга бўйсунади.

— Ахир, бу бомба-ку! — деди Маҳмуд ўйчан ҳолда қоғозларни варақларкан. — Бундай ҳужжатларни қаердан топдингиз? Ички ишлар вазирлигида сизнинг ўз айғоқчиларингиз бор, деб ўйлаш мумкин.

— Эҳ, ёш дўстим, сиз жиддий иш билан шуғулланаётганингизда, қандайдир муҳим қоғоз керак бўлиб қолади ва усиз қилаётган ишингиз ўз мазмун-моҳиятини йўқотаркан, ҳар қандай шароитда сиз уни топасиз... Фикримча, баъзи ҳужжатларни қиёсласангиз, Маҳмуджон, ўзаро қалин алоқада бўлган Дидоренкодан тортиб то жиноий унсурларгача қандай занжир ҳосил бўлганини. энди сиз ҳам англаб етасиз.

— Шундай эканига шубҳам йўқ. Лекин сизнинг мулоҳазангизни йўққа чиқарувчи оддий аксидалолат бор.

— Хўш-хўш?

— Масъул ходим сизнинг ҳужумингизга жавобан: „Ҳа, чинданами фалончи-пистончи махбусларни тергов ишларига кераклиги боис қамоқхонадан бир неча бор олиб чиққанмиз. Ҳужжатлар керакми? Марҳамат“, — дейишлари мумкин. Ва улар бундай ҳужжатларни тезда беришади, чунки колония ҳам, тергов ҳибсхоналари ҳам, жиноятчилар билан ишловчи терговчилар ҳам бир қўманда. Ҳар ҳолда ҳеч ким беҳуда шовқин кўтармайди.

— Сиз масаланинг моҳиятини илғабсиз, мен бундан хурсандман, — мақтаб қўйди уни Мирзоолимов. — Сизнинг моҳирона мулоҳаза юритишингизнинг ўзи — катта ютуқ. Лекин мен фақат исбот-далилларга ишонувчи ҳуқуқшуносман.

— Ўша исбот-далиллар сизда борми ўзи? — сўради Маҳмуд унинг гапини бўлиб.

— Шошилманг, навқирон дўстим, ҳаммасини ҳозир эшитасиз ва ўз кўзларингиз билан ўқийсиз, — судья

столидан қизил жузгирни олиб, чангини сидириб ташлаётгандай устидан кафтини юргизди. — Бу ерда ўша қамоқдаги рецидивистларнинг ўз қўллари билан ёзган қўрсатмалари: қачон, қандай мақсадда ва неча бор уларни қамоқхонадан олиб кетганлари ҳақидаги маълумотлар жамланган.

— Бўлиши мумкин эмас! — хитоб қилди Маҳмуд.

— Улар терговчиларнинг топшириқлари билан қандай ишларни бажарганларигина эмас, балки бунинг учун қандай мукофот олганларини ҳам бўйниларига олишган.

— Ароқ, сигарет, нашадир-да?..

— Фақат буларгина эмас, аёлларни ҳам, энг даҳшатлиси — улар тунлари қамоқхонани тарк этиб, шаҳарга чиқишлари ҳам мумкин эди. Улар ўзларининг мутлақо дахлсизликлари боис (ахир, амалда улар қамоқхонада, деб ҳисобланишади-да!) „ҳазил тариқасида“ ҳам ўз жиноий ишларини давом эттиришарди, ҳар эҳтимолга қарши уларга милиция либоси кийишга ҳам рухсат берилганди...

— Нима?! Наҳотки шундай бўлиши мумкин?

— Сиз менга ишонмаслигингиз мумкин, лекин манави ҳужжатларга...

Маҳмуд бир неча фурсат ўйга толди ва нигоҳини кўтариб, судьяга қаради.

— Демак, бу — ҳақиқат...

— Бундай далолатлар сизга илгари ҳам учрагандир, — деди Мирзаолимов унинг фикрини ўқиб.

— Менга собиқ прокуратура ходимлари, ака-сингил Аҳмедовлар мурожаат қилишувди. Улар сизга танишми?

— Зулфия ва Рустам Аҳмедовларми? — бош ирғади судья. — Бу ишга жиддий киришсангиз, олдингизга ҳали яна кўплар келишади.

— Бундан жиддийроқ бўлмас! — хитоб қилди Маҳмуд олдидаги ҳужжатлар тўпига кафтини қўйиб. — Менга бу ҳужжатларнинг ҳеч қурса нусхаларини бера олсангиз эди...

— Улар сизники, Маҳмуджон.

Мирзаолимов ҳамма жузгирларни унинг олдига сурди.

— Буларни менга бераяпсизми?

Маҳмуд бундай омадга ишонгиси келмас, судьянинг кўзларига синчков тикилиб, бундай қатъий ҳатти-ҳаракатида бирон фириб йўқлигини англашга уринарди.

— Бу ерда нусхалари, — Мирзаолимов шу сўзлари билан Маҳмуднинг ҳамма шубҳаларини тарқатиб юборди. — Асосий нусхалар менда қолади. Сизга яна бир маслаҳатим, Маҳмуджон, сиз одил суд маҳкамаси раиси Собир Сайдалиев билан кўришишингиз керак.

— Бу зарурми?

— Ўйлашимча, бу сизга фойдадан ҳоли бўлмайди. Гарчанд ўз лавозими учун кўнгилчанроқ одам бўлса-да, у ҳалол ва принципиал шахс. Муҳими, унда ҳам сиз учун қизиқарли маълумотлар топилади.

— Ассалому алайкум, Собир Саидович, — Элёр Раҳматуллаевич Маҳмудга кўзини қисиб қўйди. — Ёрматов, „Инсон ва қонун“ безовта қиляпти.

— Хурсандман, Элёр Раҳматуллаевич.

Ёрматов кафти билан дастакни беркитиб кулди:

— Эшитаяпсанми, хурсанд эмиш! Ўтган ойда босилган мақоламда одил суднинг бир аъзосини дабдала қилганимдан кейинги гап бу.

Анъанавий шарқона салом-алик ва лутфлардан сўнг Ёрматов Сайдалиевдан журналист Умаровни қабул қилишини сўради.

— Шахсий масалада эмас, — огоҳлантирди Ёрматов рад жавоби беришининг олдини олиб. — Маҳмуд Умаров ишдан ҳайдалган, баъзилари асоссиз айблар билан қамоққа олинган собиқ прокуратура ва милиция ходимларининг шикоятлари билан шуғулланади.

— Бу, шубҳасиз, муҳим иш, — деди раис. — Ойномангизда чоп эттирмоқчимисиз?

— Ҳар қалай, шундай ниятдамиз, чунки тўпланган маълумотлар ғайриоддий, ҳатто фавқулодда дейиш мумкин, — деди Ёрматов. — Маҳмуд шаҳар суди аъзоси Мирзаолимов билан учрашди ва у сизга йўлиқишни маслаҳат берибди.

Сўнгги далолат, афтидан, Сайдалиевни ишонтирди ва у Маҳмудни эртасига қабул қилишга розилик берди.

— Раҳмат, Собиржон ака! Эртага, айнан ўн бирда Умаров ҳузурингизда бўлади.

Ёрматов дастакни жойига қўйди, ўз куч-қудратидан лаззатланаётгандай қаддини ростлаб, пича сукутга толди: марҳамат, республика одил суд маҳкамаси раисининг ўзи билан учрашув ташкил қилиб берди, яна нима керак?

— Шундай қилиб, мен илтимосингни бажо келтирдим, энди менинг ҳам сендан бир илтимосим бор.

— Қулогим сизда, Элёр Раҳматуллаевич!

— Сен илтимос қиласан, мен бажараяпман, тўғрими?

— Тўғри.

— Демак, мен сенга ишонаман, шундайми?

— Шундай.

— Шунинг учун бу ишга тегишли ҳар бир қадамингдан мен бохабар бўлишим керак.

— Наҳотки бу масалада шубҳангиз бор? — ажабланди Маҳмуд. Лекин унинг овозида, афтидан, Ёрматов дарров иллаган қиттак сохталик бордай эди.

— Кўрдингни, носамимийлигингни ўзинг билдириб қўйдинг. Демак, шубҳа қиларканман, мен барибир ҳақман-да.

Маҳмуд жавоб бермади ва кўзларини пастга тушириб, жим қолди.

— Мен сенинг қўлингга тушаётган ҳар бир ҳужжатни билишим керак, чунки иш ҳаддан зиёд жиддий. Сен менинг номимдан, „Человек и закон“ ойномасининг мухбири сифатида иш юритаяпсан, Худо кўрсатмасин, агар қоқилсанг...

— Қоқилмайман!

— Агар сен қоқилсанг, — Ёрматов унинг лўнда луқмасига эътибор ҳам қилмади, — нафақат сенинг умуртқа суягингни, балки меникини ҳам синдиришади.

— Ҳаммасига тушундим, Элёр Раҳматуллаевич.

— Тушунган бўлсанг, жуда яхши.

— Мен шундоғам сизга ҳаммасини айтиб бераяпман, — ўзини оқлашга уринди Маҳмуд.

— Сен айтиб бераяпсан, лекин мен ҳужжатларни кўришим керак, — кескин унинг гапини бўлди Ёрматов. — Гап ва ҳужжат — бошқа-бошқа нарсалар.

— Яхши, мен ҳар бир ҳужжатдан сизга нусха олиб бераман, маъқулми?

— Маъқул, албатта, — қониқиш билан бош ирғади Ёрматов ва мурса оҳангида қўшиб қўйди, — Тушун, ахир, мен ўзимнигина эмас, сени ҳам муҳофаза қилаяпман. Ҳаммамиз бир осмон остида яшаймиз, турли вазиятлар бўлиши мумкин.

— Бу масалада мутлақо ҳақсиз, — рози бўлди Маҳмуд. — Шунақа ҳужжатлар борки, бомбадан баттар!

— Тушуниб турибсан-у, гапни айлантираяпсан, — Ёрматов столидаги қоғозларни йиғиштира бошлади. — Фақат бир дарвоза томонга ўйин бўлаяпти. Умаров Ички ишлар вазири муовинига қарши жиддий нимадир топгани ростми, деб менга қўнғироқ қилишади, қизиқишади. Мен нима дейишни билмайман, ўзимча минғирлайман: „Нималар деяпсиз? Ҳозирча жиддий ҳеч гап йўқ“. Менинг эса пешонамга нуқишади: „Қанақасига? Бирга ишлайсизлар-у, билмайсиз, Умаров чинакам айбловчи далолатлар топибди, Дидоренко шу боис буткул уйқусини йўқотибди!“ — Ёрматов синчковлик билан Маҳмуднинг кўзларига тикилди. — Бор гапми шу?

— Баъзи далолатларни яна бир бор текшириб чиқишим керак? — тўғри жавобдан қочди Маҳмуд. — Сайдалиев билан кўришай, ўйимча, шундан кейин ҳаммаси жой-жойига тушади.

Республика одил суди маҳкамаси раиси Умаровни худди эски танишидай илиқ кутиб олди. Улкан столини айланиб ўтиб, қўл бериб сўрашди.

— Фарғоналикка ўхшайсиз, — у орқага тисланиб, меҳмонига бамисоли намойишкорона тикилди, сўнгра курсига ишора қилди. Эшикдан кирган котибага қисқагина сўз қотди: — Кўк чой дамланг.

Яна ўз жойига бориб ўтирди.

— Очиғини айтсам, мен сизни каттароқ ёшдасиз, деб ўйлагандим, сиз бўлсангиз... буткул ёш йигит экансиз.

— Менга кўпинча шундай дейишади, — иқрор бўлди Умаров. — Лекин донишмандлар айтганидек, ёшлик — қисқа муддатли неъмат, кўз очиб юмгунча мангулик билан учрашувга ҳозирликни бошлаганингни ҳам сезмай қоласан, киши.

Котиба чойнакда чой ва икки пиёла олиб кириб, чойни пиёлаларга қуйди-да, яна чиқиб кетди.

— Яқинда мен суд аъзоси Мирзаолимов билан учрашдим.

Маҳмуд пиёладан бир қултум ичди. Чойга ялпиз ва тоғ гиёҳлари қўшиб дамланган экан.

— Жуда хушбўй чой, — изоҳ берди Сайдалиев. — Босимни туширади, руҳингни тетиклаштиради. — Қисқа сукутдан сўнг қўшиб қўйди: — Мирзаолимов қатъиятли судья, феъли-хўйи ўткир...

— У менга катта шов-шув кўтариши мумкин бўлган

баъзи ҳужжатларни кўрсатди. Афтидан, Дидоренко ва Гайдановларнинг раҳбарлиги ва ҳимояси остида амалга оширилаётган номаъқулчиликлар сизга ҳам маълум бўлса керак, Собир Саидович?

— Ўз мартабамга кўра мен қўл остимдаги ходимлар нима қилаётганини билишим керак. Мирзаолимов республикада кўпларга ҳалақит беради. Уни неча бор бошқа ишга ўтказмоқчи бўлишди, мен рухсат бермадим. Ҳалоллик жазоланмаслиги керак, бу худо берган неъмат.

— Мирзаолимовнинг айтишича, Олий Кенгаш қурултойидаги сизнинг маърузангиз ҳам анча шов-шувга сабаб бўлибди, шунақами?

— Шунақаси ҳам бўлган эди...

— Собир Саидович, ўша чиқишингизнинг матни сақланиб қолмаганми? У билан танишиш мен учун жуда қизиқарли бўларди. Мен ўша қурултой ёритилган рўзномаларни қараб чиқдим, лекин уларда сизнинг маърузангиз йўқ.

Сайдалиев кинояли кулимсиради-да, столининг тортмасини очди, сўнгра Маҳмуднинг олдида икки варақ қоғозни қўйди.

Маҳмуд уни диққат билан ўқишга киришди. Кўзларини юмиб, одил суд раиси келтирган далиллар ва рақамларни ёдида сақлаб қолишга уринди. Улар жуда залворли, даҳшатли эди ва уларни трамвайда кетаётган қандайдир иғвогар эмас, балки республикада энг юксак ҳокимият курсида ўтирган амалдор расман айтаётганди.

— Бу маърузамнинг нусхаси, уни ўзингизга қолдиришингиз мумкин.

— Раҳмат, бу менга жуда асқотади, — хурсанд бўлди Маҳмуд қоғозни сумкасига соларкан. — Очиқ савол берсам майлими, Собир Саидович?

— Марҳамат, — рухсат берди хона эгаси.

— Маърузада сиз суд идораларидаги тозалаш ҳақида лом-мим демабсиз. Наҳотки сизларда бу масалада ҳам-маёқда тинчлик-хотиржамлик бўлса?

Сайдалиев маъюс бошини сараклатди.

— Афсус, бизга ҳам етиб келишаяпти. Аммо бундай савияда маъруза қиларкансан, ўз ишингдаги энг муҳим масалага эътиборни жамлаш керак. Мен ҳисобот даврида республика судлари томонидан 400 дан зиёд одамнинг иши оқлангани ёки ҳуқуқи тиклангани, етказилган зарар учун

давлат хазинасидан 800 минг сўмдан кўпроқ маблағ тўланганини таъкидладим. Мен яна шуни таъкидладимки, қонун бузилишига нима учун давлат моддий жавобгар бўлиши керак? Мен айбдорларнинг аниқ исми-шарифларини айтмадим, лекин „қоса тагидаги нимқоса“ маърузадан кўриниб турибди чоғи.

— Худди шундай, кўриниб турибди, — рози бўлди Умаров.

— Мен гапирарканман, бекор қилаётганимни сезардим. Бу чиқишимнинг Ўзбекистонга фойдаси тегмайди, мени эса, нобуд қилади.

— Нималар деяпсиз, Собир Саидович! — хитоб қилди Маҳмуд. — Одил суд маҳкамаси раиси шундай деса, биз банди оғирлар нима қилишимиз керак?

— Сизлар — эркин, ижодий одамларсиз, биз эса — амалдормиз. Бизни синдириш осон. Боз устига, Масков тергов гуруҳи юртимизга чекланмаган ваколатлар билан келган. Республикада уларни қўллаб-қувватловчилар ҳам энг юқоридан — Марказқўмнинг иккинчи котиби Анишчев ва Олий Кенгаш Раиси муовини Романовскийлардан бошланади.

— Нишонов-чи? Бу бошбошдоқликлар охир-оқибат унинг ўзига ҳам келиб урилишини наҳотки у тушунмайди?

— Усмонхўжаевдан кейин Рафиқ Нишоновичнинг қўлида ҳеч қандай реал ҳокимият йўқ. Республикадаги ҳамма, буткул ҳамма масалаларни Анишчев ва унинг шафқат билмас ҳамтовоқлари идора қилишади...

Шу куни Шароф Розиков ярим кечаси қора терга ботиб кириб келди.

— Маҳмуд ака, илтимос, терговчи Косов билан бир гап-лашинг, сира тинчимаяпти, худди буқага ўхшаб ковлайверади, ковлайверади, нуқул бир хил саволлар беради, менга ёд бўлиб кетди, ҳатто тушларимга кираяпти.

Косов Масков тергов гуруҳининг ёш терговчиларидан, тикондай бемаъни нигоҳли пакана одамча эди. У Умаровни совуқ бир сергаклик билан кутиб олди. Ёрматов имзо чеккан шаҳодатномасини узоқ ўрганди, саволларини эшитди, уларга жавобни ҳам узоқ ўйлади, ниҳоят, олдидаги қоғозларни бир чеккага суриб, бошини кўтарди.

— Розиковнинг ишини биз Қирғизистон Олий Судига кўриб чиқиш учун юбордик, — деди у.

— Нега энди айнан ўша ёққа? — ҳайрон бўлди Маҳмуд. — Ахир, уни Фарғона ва Намаганда вилоят босқичларида икки марта кўриб чиқишди-ку? Жиноят таркиби исботланмади.

— Исботланди, — деди Косов оғзини очиб эснаркан.

— Шундай бўлганида, суд уни қайта кўришга юбормасди-ку.

— Шунинг учун ҳам республика прокуратураси уни ҳолис суд кўриши учун бошқа ёққа жўнатди. Энди қарорни кутиш керак.

— Айтинг-чи, мана сиз ёш терговчисиз, бутун ҳаётингиз ҳали олдинда. Сизга биргина савол ва унга очик жавоб берсангиз: шахсан сиз Розиковнинг айбдорлигига ишонасизми?

— Мен ўз гапимни айтдим, энди буёғини суд ҳал қилади.

Маҳмуд бирон бемаъни, аччиқ сўз айтишдан ўзини зўрға тийиб, бир сония терговчининг кўзларига тикилди. Ўзини босиб, эшикка юрди. Остонада яна орқасига ўгирилди.

— Қачондир бошингизга Розиковнинг куни тушиб қолмасин, деб Худого илтижо қилинг...

— Зудтар Қирғизистонга йўл топиш керак.

Доимо соқоллари қиртишлаб олинган, айёр кўзлари ўйнаб турувчи навқирон ва нозиктаъб Вайсман хуштам чех пивосидан истаконга қуйди-да, ҳузур билан хўплади.

— Топинг, Михаил Федорович, шунинг учун ҳам сиз адвокатсиз,—деди Розиков.

— Бу ишга кинохроникадан тасвирчилар гуруҳини жалб этсак-чи?—таклиф қилди кутилмаганда Маҳмуд тахминий фикр айтиб.

Вайсманнинг думалоқ кўзлари чақнаб кетди-да, нимкатда қаддини ростлади.

— Ў-ў, қизик таклиф!

Шароф нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин адвокат кўрслик билан унинг гапини бўлиб, қўлини силтади:

— Шароф, сен яхши йигитсан, лекин марҳамат қилиб бирпас жим тургин, — у Маҳмудга юзланди. — Изоҳ беринг, бу ишни сиз қандай тасаввур қиласиз?

— Яқинда мен режиссер танишим Аҳрор Акбархўжаев билан кўришиб қолувдим. У Ўзбекистондаги жамоатчилик

ҳаракатлари ҳақида ҳужжатли фильмни суратга олаётган экан, мени ҳам бир кўринишда тасвирга туширмоқчи.

— Хўш-хўш? — Михаил Федоровичнинг бутун вужуди қулоққа айланди. — Илтимос, давом этинг.

— Аҳрор—бамаъни йигит, мен унга суд мажлисидан сценарийга эпизод қўшишни таклиф этишим мумкин. Биринчидан, агар Розиковни оқлашса, бу кўриниш фильмни янада безайди. Иккинчидан...

— Кино гуруҳининг суд йиғинида пайдо бўлишининг ўзи ишни яхши томонга буриб юбориши мумкин! — Маҳмуднинг фикрини яқунлади адвокат. — Ақлингга қойилман, Маҳмуд!

— Демак, гап шундай, — ўйчан давом этди Маҳмуд фикран кейинги қўйиладиган қадамларни чамаларкан. — Акбархўжаев билан ўзим келишаман, лекин судьяни нима қиламиз?

У Вайсманга савол назари билан тикилди. Адвокат унинг маъноли саволини дарров тушуниб, бошини чайқади.

— Ўйлаб ҳам ўтирманг, Маҳмуд. Судья билан сиз ва фақат сиз гаплашишингиз керак.

— Аммо сиз Розиковнинг ҳимоячисиз-ку, — эътироз билдиришга уринди Маҳмуд.

Шундай деди-ю, лекин шу заҳоти булар бари беҳуда эканини фаҳмлади. У журналист, ёзувчи ва сценарий муаллифи сифатида Қирғизистон Олий Судининг судьяси билан учрашиши, унда ўзига нисбатан майл ва ишонч уйғотиши керак. У Вайсманга маъюс тикиларкан, хўрсиниб қўйди. Унинг яна бир тупканнинг тагига боргиси, бегона одамлар билан учрашгиси йўқ, гоя учун бегараз курашчи ролини ўйнашни ҳам истамасди. Михаил Федорович бамисоли унинг фикрини ўқигандай бўлди.

— Хоҳишинг йўқ, лекин бу керак, Маҳмуд. Лекин мен вазифангизни осонлаштираман, иложи борича тезроқ судьянинг исми-шарифи ва манзилини аниқлашга ҳаракат қиламан. Лекин ўзингиз боришингизга тўғри келади. Адвокатлар кўп, ўша судья, эҳтимол, уларнинг мингтасини кўргандир. Журналист ва ёзувчи эса, суд йиғинида—камдан-кам келадиган меҳмон, айниқса, у суд жараёнини тарих саҳифаларига жо этмоқ ниятида ташриф буюрган бўлса...

Вайсман телефонда ярим кун вақтини сарфлаб, Розиковнинг ишини кўришга кимни тайинлашганини тушликка яқингина аниқлашга муваффақ бўлди.

— Бу Умуталиева Галина Душекеевна деган аёл экан. Иш ўшда, вилоят суди биносида кўриларкан, унинг ўзини ҳам ўша ердан топиш мумкин, — деди Вайсман тантана билан ўшдаги телефон рақамлари ёзилган бир варақ қоғозни Маҳмуднинг олдига қўяркан.—Қўнғироқ қилиб, учрашув ҳақида келишиб олишингиз мумкин.

Маҳмуднинг омади чопди. Рақамларни териши билан Умуталиеванинг айнан ўзига тушди.

— Галина Душекеевна, салом. Сизни „Человек и закон“ ойномасининг топшириғи билан ёзувчи Маҳмуд Умаров безовта қилаяпти.—У бошини ним буриб, ўзининг бутун кўриниши билан қойил қолганини билдиришга уринаётган Вайсманга тикилди.

— Қулоғим сизда.

Умуталиеванинг овози навқирон ва мулойим эди. Бу Маҳмудни янада илҳомлантирди. У дадилроқ гапини давом эттирди.

— Сиз билан учрашиб, бир неча савол бермоқчи эдим. Мени қабул қила оласизми?

— Қаёқдан қўнғироқ қилаяпсиз?

— Қўқондан.

— Ўшга келмоқчимисиз?

— Рози бўлсангиз, эртагаёқ етиб бораман.

Дастакни кафти билан ёпиб, Шарофга юзланди:

— Ўшгача масофа қанча?

— Юз-юз эллик километрдан кўп эмас! — ишонч билан жавоб берди Розиков ва қатъий қўшимча қилди: — Минг километр бўлмайдами, қачон деса, ўша вақтга етиб борамиз. — Кейин Вайсманга ўгирилди. — Тўғри айтдимми, Михаил Федорович?

— Ҳаммаси тўғри, Шароф. Розиман.

— Ўн иккигача Ўшга етиб кела оласизларми?

— Ўн иккига? — Маҳмуд Розиковга савол назари билан қаради. У қизғин бош ирғади. — Келишдик. Ўн иккида ҳузурингизда бўламан, Галина Душекеевна. Хайр, соғ бўлинг,—дастакни жойига қўйди-ю, енгил нафас олди. — Худди имтиҳон топширгандай бўлдим.

Эртасига соат роппа-роса ўн иккида Маҳмуд Умуталиева ўтирадиган хонанинг эшигини тақиллатди.

— Мумкинми, Галина Душекеевна?

Маҳмуд останада туриб қолди. Умуталиева бир зум Умаровга савол назари билан тикилди-да, истиқболига қараб юрди.

— Кеча сиз менга қўнғироқ қилибмидингиз?

Маҳмуд бош ирғади.

—Кечикмадимми?

Ўрта бўйли, сочлари орқасига силлиқ қилиб таралган, думалоқ юзли, қийғоч кўзли Умуталиева судьядан кўра кўпроқ адабиёт муаллимасига ўхшарди. Эғнидаги қорамтир костюми, тиззасидан сал пастга тушган хушбичим жун кўйлаги хона бекасига муайян расмийлик бағишлаган эди.

— Эшикда шундай тураверасизми? — У мулойим табассум қиларкан, юзларида майда ажинлар пайдо бўлди. Курсига ишора қилиб: — Марҳамат, киринг, ўтиринг,— деди.

—Раҳмат.

Маҳмуд курсини столга яқинроқ суриб, Умуталиева нинг олдига Ёзувчилар уюшмасига аъзолик гувоҳномаси ва сафар шаҳодатномасини қўйди.

Судья Умаровнинг ҳужжатларига бир дақиқагина кўз югуртирди.

— Қулоғим сизда.

— Гапни, очиги, нимадан бошлашни билмай қолдим, — деди Маҳмуд эсанкираб.

—Энг муҳимидан, — маслаҳат берди хона эгаси. — Бунақа пайтларда, буқани шохидан ушланг, дейишади.

— Менинг касбим шунақаки, Галина Душкееевна, бир одам билан учрашишдан аввал уни анча ўрганаман.

Умуталиева тушунувчан бош ирғади.

— Менга сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни айтишди, бундан жуда хурсандман. Афтидан, шунинг учун ҳам сиз ёш бўлишингизга қарамай, Республика Олий Судининг аъзоси даражасига кўтарилгансиз.

Умуталиева унинг гапини бўлмади, лекин унинг нигоҳида Маҳмудни узлуксиз сиқувда ушлаб турган алланима бор эди. „Ў-ў, — хаёлидан ўтказди у. — У аввал туюлганидай содда аёлга ўхшамайди“.

—Ўзбекистондан Розиковнинг ишини сиз кўрар экансиз.

У пича бошини эрди.

— Сизгача учта суд босқичи Розиков айбдорим-йўқми—аниқлашолмади, энди бу масалани ҳал қилиш сизнинг зиммангизга юклатилибди. Эҳтимол, бу тақдирдир. Мен ишнинг якунини башорат қилмоқчи эмасман, лекин сиздан илтимосим... суд жараёнини кинотасмага олишга рухсат берсангиз.

Умуталиеванинг қошлари юқорига кўтарилди.

— Ҳа, биз марказий телевидение буюртмаси бўйича фильм қиляпмиз. Мен сценарий муаллифиман, „Ўзбекфильм“дан Акбархўжаев — режиссёр.

— Сиз бу ерга фақат шунинг учун келдингизми?

Маҳмуд унинг юзига диққат билан тикиларкан, бу савол замирида қандай маъно борлигини англашга уринарди. Шу тариқа уларнинг ўртасида бамисоли кўринмас ип пайдо бўлгандай эди.

— Ҳаммасини телефон орқали ҳал қилиш мумкин эди, демоқчисиз-да?

Аёл сирли тарзда жилмаяркан, жавоб бермади.

— Тан оламан, сизнинг кўзларингизни кўрмоқчи эдим. Яна сизга шуни айтмоқчиманки, Галина Душекеевна, сиз қандай қарор қабул қилманг, қандай ҳукм чиқарманг, энди менинг ишончим комил— у адолатли бўлади. Сиз янглишолмайсиз. Шунинг учун ҳам суд жараёнини тарихга қайд этиш учун кино гуруҳининг суд бўлмасига киришига ижозат беринг.

— Умуман, мен қарши эмасман.

Бу гапни у соддагина қилиб айтди. Ва ноҳос жилмайди.

Бу табассумдан хонаси ёришиб кетгандай бўлди...

Розиқов уни мошинада кутарди.

Маҳмуд мошинанинг орқа ўриндиғига ўтираркан:

— Рухсат берди, — деди. — Суд жараёнини тасвирга оламиз. Худо хоҳласа, сенинг оқланганлигинг ҳақидаги ҳукми тасмага туширамиз.

Айни чоғда у негадир Фарғона вилояти прокурори муовини Сабардинни эслади. Баланд бўйли, савлатли, зиёлийларча нозиктаъб юзли Николай Иванович Сабардин Розиқовни ҳибсга олишнинг асосий ташаббускори ва унинг бевосита айбловчиси сифатида 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган прокурор Галкинни ўз лавозимида алмаштирган эди. Биринчи самимий суҳбатда у Розиқовнинг айбдор эканига шубҳа билдирган эди, аммо бир ҳафтадан сўнг вилоят судининг ишни қайта кўриш ҳақидаги қарорига қарши эътирознома ёзди.

Жаҳли чиққан Маҳмуд яна у билан кўришди.

— Бу нима қилганингиз, Николай Иванович? Нега сиз бир гапни айтиб, буткул бошқа ишни қиласиз?

Шунда Сабардин хайрихоҳ зиёлий ниқобини йиртиб,

Маҳмудга ўзини эҳтиёткорроқ тутишни маслаҳат бераркан, кескин оҳангда анча койиди. Ва қатъий сўз берди:

— Оқлаш ҳақида ҳукм бўлмайди.

— Бунга ишончингиз комилми?

— Шароф Розиков — жинойтчи, у милиция зобити номига доғ туширди, шунинг учун унинг жойи — панжара ортида, — деди Сабардин. — Агар ўз ёзувчилик мавқеингиз билан сиз аралашмаганингизда, бу иш аллақачон бир ёқлик бўларди. Сиз бизга, терговчиларга тазйиқ кўрсатаёпсиз. Дарвоқе, илгари бунинг учун қамашарди.

— Худога шукур, ҳозир бошқа давр. Энди матбуот шундай кучга эга бўлдики, уни бемалол тўртинчи ҳокимият деб аташ мумкин.

— Агар мен аввал ҳукмга ишончим комил бўлса, сизнинг аралашувингиз билан бари ўзгариши мумкин.

— Модомики шундай фикрда экансиз, нега энди отдан тушсангиз ҳам, эгардан тушгингиз келмайди?

— Бундай бўлмайди.

Сабардин Умаровга нафрат билан тикилди. Маҳмуд бу нигоҳга дош берди-ю, маъюс гапирди:

— Сизга раҳмим келади, Николай Иванович. Аввалги вазифадошингиз Галкин каби сиз бизга бегонасиз, агар баттар бўлмасангиз... Шундай экан, сизни ва сизга ўхшаганларни ортга олис йўл кутади...

— Орифжоновнинг ишлари қалай?

Бу Маҳмуд учун кутилмаган савол эди. Нега энди бирдан Элёр Раҳматуллаевич Нурматнинг иши билан қизиқиб қолди. Сўнгги ойларда танишган ҳамма одамлар ичида Орифжоновнинг иши энг енгил кўчган эди.

— Мен Дидоренко билан гаплашдим,—давом этди Ёрматов. — Агар биз фикримизда ҳамон қатъий турган бўлсак, уни илгариги лавозимига тиклаш ҳақида буйруқ беришга тайёр эканини билдирди.

— Агар вазир муовини адолатни тиклашга тайёр экан, бу яхши гап, албатта, лекин нима учун у фақат Орифжоновга нисбатан бундай қилмоқчи? Бошқалар-чи?

— Бас қил, Маҳмуд, оббо! — афтини тириштирди Ёрматов.— У биз билан мурса қилишга тайёр, сен бўлсанг, нуқул ўзингни ўтга-чўққа урмоқчисан.

— Мен жиддий гапираяпман, Элёр Раҳматуллаевич. Биз бошқаларга нима деймиз?

— Унда яхшиси у билан ўзинг гаплаш. Сени қийнаётган ҳамма-ҳамма саволларингни бер.

— У билан кўришишни ҳам, қандайдир саволлар беришни ҳам истамайман, — ҳорғин жавоб берди Маҳмуд.

У яна нимадир қўшимча қилмоқчи эди, қулоқни қоматга келтириб телефон жиринглади.

Ёрматов дастакни кўтарди—Дидоренко экан. Хизрни йўқласа ҳам бўлар экан.

— Салом, Эдуард Алексеевич! — деди Ёрматов. — Ҳозиргина оғайнимиз билан сизни эслаб тургандик.

— Умаров биланми?

— Э, йўқ... Ишлар қалай, ўртоқ генерал?

— Иш пачава, иш хуржун, деганларидай. Мен нега кўнғироқ қилаяпман?...

— Тинчликми ишқилиб, Эдуард Алексеевич?

— Менга яна Борис Федорович Сатин мурожаат қилди...

— Агар сир бўлмаса, у сиздан нима ҳоҳлаяпти?

— Қанақа сир. Гап айнан ўша Умаровингиз ҳақида.

— Шунақа денг? — Ёрматов Маҳмудга кўзини қисиб, кафти билан дастакни ёпди. — Нуфузли шахсга айланяпсан, Маҳмуд! Ҳатто шаҳар саркотиби ҳам сенга эътибор қила бошлабди.

— Ҳамма гап бу эътиборнинг мазмун-моҳиятида, — кинояли кулимсиради Маҳмуд.

— У нима истаркан?

— Умаровнинг овозини ўчиришимни.

— Тушунмадим, — ҳуштак чалиб юборди Ёрматов. — Сиздан уни... ҳибсга олишингизни талаб қилаяптими?

— Худди шундай.

— Лекин, маъзур тутинг, нима учун?

— Бу масалада Борис Федорович каминага тўла эркинлик берапти,— деди Дидоренко истеҳзоли кулиб.

Маҳмуд ўз тақдирининг бир ёқлик бўлишини кутаётгандай Ёрматовга тоқатсизлик билан тикилди. Ҳа, бари энди Ёрматовнинг Дидоренко билан айнан шу мулоқоти қандай якун топишига боғлиқ бўлиб қолаётганди. Айни дамда вазирнинг биринчи муовини тиниб-тинчимас номатлуб ёзувчига нисбатан қандай иш тутишини ўзи учун ҳал қилгани унга таскин берар, шунинг учун ҳам у Ёрматовнинг мухбирлик манзилига сим қоқаётганди. Чинакам савдо бошланган: сендан—угина, мендан бугина,

мен сенинг йигитингга тегмайман, у ҳам мени тинч қўйсин.

— Унга нима деб жавоб бердингиз? — сўради Ёрматов қорамтир мўйловининг чеккасини асабий гижимлаб.

— Ҳозир бошқа даврлиги, ўз сиёсий ишларини менсиз ҳал қилишини илтимос қилдим. Милиция ёзувчи ва журналистларнинг чиқишлари эмас, жиноятчилар билан шуғулланади, дедим.

— Қойилман, Эдуард Алексеевич! — хитоб қилди Ёрматов қичқиргудек ва Маҳмудга қараб, бош бармоғини юқорига кўтарди.

Маҳмуд юзини буриб, нафасини ростлади. Йўқ, КПСС Марказқўми котиби Лигачевнинг шахсий йўлланмаси билан Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш учун келган, Масковнинг буюк салтанатчилик ғояларининг посбони ва ижрочиси саналмиш республика фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Анишчевга катта таъсир кучига эга шаҳар саркотиби — қудратли фирқа амалдорининг ҳамласини куч маҳкамаси қўллаб-қувватламагани Маҳмудда қувонч туйғулари уйғотмади.

Бинобарин, ўзаро ҳамжиҳатликда ишловчи ҳокимият тизимидаги жипслик бузилган экан, демак, дунёда нимадир ўзгарган. Мана, ҳозир ҳам бир тизим иккинчисининг иродасига бўйсунитдан бош тортди, айти дақиқаларда уларнинг ҳар бири ўз овози, ўз нуфузи ва ўз мавқеини сақлаб қолишга уриниб, фақат ўзи ҳақида ўйлаётганди. Демак, давлат тармоқлари ҳаётида чинданам тўнтариш содир бўлган, фаол ўзгаришлар, туб бурилишлар бошланиб, салтанат ўз ҳудудларида жиддий парокандаликка юз бурганди.

— Раҳмат сизга, ўртоқ генерал! — хитоб қилди Ёрматов ўз ҳаяжонини яшириб ўтирмай. — Маҳмуд Умаров учун раҳмат. Ўйлайманки, у сиздек танги Ўрусия зобитининг бу олижаноблигини юксак баҳолайди, ҳаммани бир қарич билан ўлчаб бўлмаслиги юзасидан тегишли хулосалар ясайди.

— Сиз мени тўғри тушундингиз, Элёр Раҳматуллаевич, — дўриллади дастакдан Дидоренконинг овози. — Йигит ҳали ёш, у кўп яшаши, эҳтиёт бўлиши керак, ўз қадамини ўйлаброқ боссин, умуман, камроқ гапирган маъқул. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, унинг тақдири бошқача ҳал қилиниши мумкин эди. Мамлакатдаги барча

ўзгаришлар, сиёсатдаги қайта қуришларга қарамай, ҳокимият—барибир ҳокимият—да, у ҳамма вақт бўлган, бор ва у фақат фирқа қўлида бўлади. Фикримга қўшиласизми?

— Минг фоиз, ўртоқ генерал! — қизғин бош ирғади Ёрматов. — Яна бир бор раҳмат. Ўйлашимча, сиз яқин вақтлардаёқ „Инсон ва қонун“ ойномасига расмий интервью бериш учун вақт топасиз, деб умид қиламан. Сизнинг ижодий, ҳаётий ва профессионал портретингизни бериш ниятимиз бор.

— Сиз учун, азиз Элёр Раҳматуллаевич, мен доим вақт топаман.

Ёрматов дастакни жойига қўйди—да, генерал билан бўлиб ўтган бутун гап—сўзни ҳазм қилаётгандай бир неча дақиқа жим қолди.

— Хўш, нима дейсан?

Афтидан, у Маҳмуддан миннатдорлик туйғуларини тўкиб солишини кутганди, лекин унинг авзойига қараб, қовоқ—лунжини осилтирди.

— Эракчасига иш тутибди, тўғрими?

— Ҳам тўғри, ҳам нотўғри.

— Нима? Сен... нималар деб алжираяпсан ўзи?

Бир неча дақиқа аввал ҳаёти қил устида турган, ҳибсга олиниб, янчилиб—топталиб, йўқ қилиниши мумкин бўлган ва уни ҳимоя қилиш у ёқда турсин, бунга қарши ҳеч ким „миқ“ этолмайдиган одамнинг бу нонқўрлиги ва очиқча суллоҳлигидан Ёрматовнинг нафаси ичига қайтиб кетаёзди.

У нафасини ростлаб, таъна билан бошини чайқади.

— Тўғрисини айтсам, мол экансан, Маҳмуд!

— Элёр Раҳматуллаевич...

— Яхшиликни билмайдиган тўнғиз!

Маҳмуд қизариб—бўзариб, тишларини бир-бирига шундай куч билан босдики, алланима қирсиллаб кетди.

— Аввал гапимни эшитинг, Элёр Раҳматуллаевич, кейин истаганингизча сўкаверинг! — деди қичқиргудай овозда.

— Хўш, нима дейсан? Ўзингни оқлаш учун нима демоқчисан?

— Айтайлик, сиз ҳақсиз, — рози бўлди Маҳмуд бир зумлик сукутдан сўнг. — Майли, шундай бўла қолсин. Лекин сиз генералнинг бу ишига бошқа нуқтаи назардан

қарашга ҳам уриниб кўринг. Ҳиссиётлар, миннатдорлик туйғуларини четга қўя турайлик.

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Изоҳ бер, нима де-моқчисан ўзи?

— Сатин — шаҳарнинг тўла ҳуқуқли хўжайини, шундайми?

— Шубҳасиз.

— Дидоренко—амалда вазир, ўз маҳкамасининг тўлиқ маънодаги соҳиби, алоҳа, бу маҳкаманинг ўз кучи, қудрати ва имкониятлари бўйича давлат ичидаги давлат эканлиги ҳеч кимга сир эмас, шундайми?

— Розиман, асосий гапга ўт, — деди Ёрматов тоқати тоқ бўлиб.

— Дидоренко фавқулодда шаҳар хўжайинининг буйруғини бажаришдан бош тартади.

— Тўғри. Шунинг учун ҳам у эркакчасига иш тутди, деяпман-ку.

—Лекин сиз генералнинг бундай ғайриоддий йўсинда иш тутишига юзага келган фавқулодда вазият мажбур қилгани ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

Ёрматов сукутга толди. Умаровнинг мулоҳазаларида эътиборга молик нимадир бордай эди. Лекин бу узоқ давом этмади, у ўзидаги шубҳаларни итқитиб ташлашга уринди ва Маҳмуд бунини дарров тушунди, Ёрматовни бир имо билан тўхтатиб, сумкасидан шаҳар суди аъзоси Мирза-олимовдан олган ҳужжатлар жамланган қалин жузгирни чиқарди...

— Маҳмуд ака, тулинг.

— Нима гап?

Маҳмуд беихтиёр соатга қаради, вақт тунги ўн иккидан ошган эди.

— Сизни телефонга сўрашяпти.

Маҳмуд ҳали тузукроқ уйғониб улгурмаган, шу боис Гули кўтариб турган дастакка маъносиз тикилди. Овоз олисдан эшитилди.

— Сени уйғотиб юбордим шекилли, Маҳмуд. Бу — мен, Турсунман. Салом.

— Салом. Тинчликми ишқилиб?

— Олдинга бормоқчи эдим, қаршимасмисан?

Маҳмуд яна бир бор соатга қаради, дастакни кафти билан беркитиб, хотинига секин деди:

— Чой қўйиб юбор, ҳозир Турсун келади.

Кейин дастакни очиб: — Жуда зарурми? — деб сўради.

— Ёдингдами, сен бир одам билан қизиқаётувдинг, у билан танишмоқчи ҳам бўлувдинг.

— Ким эди у, эслатолмайсанми?

— Унутдингми, Акахон билан таништиришимни илтимос қилувдинг.

Шу заҳоти Маҳмуднинг хотираси ойдинлашди: Турсун Ражабов жиноят дунёсида улкан „нуфуз“га эга фақат бир одамни — Бекни шундай деб атарди. Кўрган-билганларнинг айтишларича, Бекдан ҳатто Нарик Кагарманян ҳам хавфсирар ва уни ёқтирмасди. Жиноий дунё соҳибининг ҳиссий туйғулари алдамаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Тошкент мафияси бошлиғининг ўлиmidан сўнг жиноий ва ярим махфий тижорат тизимлари устидан ҳукмронлик Бекнинг тасарруфига ўтди.

— У сен билан биргами?

— Машинада ўтирибди, — деди Турсун. — Нима қилайлик, бораверайликми?

— Кутаман...

Турсун билан гаплашиб, дастакни жойига қўйиши билан Маҳмуднинг калласида саволлар ғужғон ўйнади. Қизиқ, Бек билан Ички ишлар вазирлигининг етакчи ходими ўртасида қандай алоқа, умумийлик бўлиши мумкин?

Баланд бўйли, қорамағиз юзи офтобда тобланган, маънодор нигоҳи кишига тешиб юборгудек тикилувчи алпқомат йигит билан таништираркан, вазиятни Ражабовнинг ўзи изоҳлаб берди.

— Дидоренко Акахон билан учрашув йўлларини излаётганини эшитдим, — деди Турсун одатича айёрона кулимсираб. — Унинг қангай мақсадни кўзлаётганидан мен дарров сергак тортдим.

— Бирон нимани аниқлай олдингми?—сўради Маҳмуд улар ошхонага ўтиб, стол атрофига ўтиришаркан.

— Унинг қўли билан сени тинчитишмоқчи.

— Тушунарли...

Маҳмуд столнинг бурчида ўтириб, иссиқ кўк чойдан шошилмай ҳўплаётган Бекнинг совуққон юзига тикилди.

— Дарвоқе, у Ёрматовга қўнғироқ қилди, биз ўтган куни учрашишимиз керак эди.

— Дидоренко биланми?

Маҳмуд бош ирғади.

— Сизга нимадир ваъда бергандир-да?

Бекнинг овози жиндай ҳирқираган, кучли ва бир маромда эди. Бундай овоз эгаси бақирishi шарт эмас, энг секин гапи ҳам ўн газ масофадан бемалол эшитиларди.

— Ваъдасининг устидан ҳам чиқиб улгурди, — деди Маҳмуд Бекнинг кўзларига тикилиб. — Шаҳар қўмитасининг саркотиби мени қамашни талаб қилибди, генерал эса, рози бўлмаганмиш.

— Маҳмуд, бу аниқ маълумотми? — ишонмади Ражабов.

— Дидоренко Сатиннинг кўрсатмасини бажармаслиги... У ҳеч қачон бунга журъат этолмайди.

— Лекин бу бўлган гап.

— У билан учрашолдингми?

— Биласанми, мен тўғридан-тўғри йўқ демадим, лекин мана бу еримда, — у бармоғи билан кўксига нуқди, — нимадир „борма“, — деди. Мен ўзимни енголмадим, бормаслик учун мингта сабаб ўйлаб топдим, унинг телефон рақамини терганимда эса, котибаси у қаёққадир чиққанини айтди. Шу тариқа мени изтироблардан халос этди. Ёрматовнинг олдида менинг виждоним тоза.

— Мен нима қилай? — сўради Бек. — У билан алоқа боғлайми ёки...

— Асло бора кўрма! — сапчиб тушди Турсун.

— Менам шундай деб ҳисоблайман, — қувватлади уни Маҳмуд. — Сизнинг ўрнингизда мен таваккалчилик қилмаган бўлардим. Англашимча, сиз қонунчиликни унчалик хуш кўрмайсиз, ё мен ноҳақманми?

Бек Турсунга савол назари билан қаради.

— Дидоренконинг энг ҳалол одамга ҳам туҳмат уюштириши ҳеч гап эмас, сен бўлсанг, тижоратчисан, ўз цехларинг, жиной муҳитда обрў-этиборинг бор, шу боис сен учун эҳтиёткорлик — кони фойда, — деди Турсун. Кейин Маҳмудга юзланиб, қўшимча қилди: — Гапингни тўғри изоҳладимми?

— Менга изоҳнинг кераги йўқ, ҳаммаси шундоғам тушунарли, — хўмрайиб, лекин хотиржам жавоб берди Бек.

Маҳмуд вақт қандай ўтганини сезмай қолди. Турсун билан Бек эрталаб соат тўртларгача ўтиришди. Тонг отаётганди...

— Овчаренко Геннадий Иванович, — ҳарбийларча бурролик билан ўзини таништирди меҳмон.

— БХСС Бошқармаси бошлиғи, — қўшимча қилди Орифжонов. — Геннадий Иванович: Умаров ким ўзи, таништириб қўйсанг, деб илтимос қилди. Уни ҳузурингизга бошлаб келавердим, Маҳмуд ака. Юз марта эшитгунча, бир бор кўрган яхшироқ.

— Геннадий Иванович, наҳотки сизни бу ерга фақат қизиқиш бошлаб келган бўлса?

— Буқани дарров шохидан олиш экан-да?

— Чўзиб нима қиламиз?—деди Маҳмуд унинг гапи оҳангида.— Ёш бола эмасмиз-ку, ахир.

— Розиман, — бош ирғади меҳмон. — Оддий қизиқиш ҳам йўқ эмас. Турсун Ражабович ҳам сизни сўраётганди.

— Дарвоқе,—деди Маҳмуд жонланиб. — Турсун ҳақида сизнинг фикрингиз қандай? У бевосита сизнинг қўлингизда ишлаган, муовинингиз эди-ку?

— Пухта ўйлаб иш қиладиган, яхши ходим, — деди Овчаренко вазмин оҳангида. — Сал қизиққонроқ демаса... Лекин бу ўтиб кетади.

— Менга очигини айтсангиз, бошлиқларга унинг нимаси ёқмай қолган? Ахир, у жуда чиқишимли одам-ку. Бундайлар жамоага доимо керак. Мана, сиз, у сал қизиққонроқ, деяпсиз, бу унинг ноумидлигидан келиб чиққан. Бир куни у менга сабр-тоқати туггани, вақт-соати етгач, қўлига тўппонча олиб, ўша ўзининг биринчи душмани Тепловнинг пешонасидан отиб ташлаши мумкинлигини айтганди. Ахир, у чорасизлик, ўз келажаги учун қўрқув туйғуси боис бир нима қилиб қўйиши ҳеч гапмас-ку?

Овчаренко унинг ҳамма гапларини диққат билан эшитди.

— Ҳар хил одамлар бор,— дея гап бошлади у ўйчанлик билан.— Айниқса, бизда, милицияда. Бу ерда ҳам худди

ҳарбий хизматдагидай, яшаш учун доимий кураш боради. Ҳар ким хизмат поғоналарида юқорироқ кўтарилишни, навбатдаги юлдузчани олишни истайди, булар эса, кимларнингдир тагига сув қуйиш, турли дасисалар ҳисобига амалга ошади...

— Демак, сиз ҳам... ҳар хил қурбонлар эвазига шу даражага эришгансиз-да?—сўради Маҳмуд истиҳола қилиб ўтирмай.

— Сиз-чи? — кескин жавоб қайтарди Овчаренко. — Наҳотки сиз ўзингизни фаришта деб ўйлайсиз?

— Фаришта эмасман, лекин менинг ортимда қурбонлар йўқ.

— Катта кетманг, Маҳмуд, — кескин унинг гапини бўлди Овчаренко. — Керакмас, чунки яхши терговчи кимнингдир таржимаи ҳолини тафтиш қилишга киришаркан, ундан қандайдир қусурни осонгина топади ва билганини қилади.

— Геннадий Иванович, эҳтимол, мен янглишаётгандирман, лекин, назаримда, сиз нимадандир эзилиб, қийналаётгандайсиз. Вазирликнинг сиздай йирик Бошқарма бошлиғи, етакчи „десантчи“ларнинг биринчи ўнлигига кирувчи зот, бежиз эсанкираб қолмагандирсиз? Дидоренко билан уришиб қолдингизми?

— Агар бунини уришиш дейилса, Дидоренко ундан шубҳаям қилмайди. Лекин сиз ҳақсиз: менда яқиндан бери хавфсираш туйғуси пайдо бўлди.

У савол кутиб, жим қолди, лекин Маҳмуд индамай унга тикилиб турарди.

— Кимдир нимаси биландир ёқмай қолган бўлса, уларга изчил ва режали ҳужум уюштирилаяпти.

— Сиз ўзингизни назарда тутаяпсизми?

— Ўзимни ҳам.

У қўлида кўтариб келган жузгирни очиб, газета қийқимлари уюмини чиқарди.

— Марҳамат, „Литературная газета“, „Московские новости“, „Ташкентская правда“, сўнгги мақола эса, „Комсомолец Узбекистана“да босилган.

— Кўрсам майлими?

Маҳмуд газета қийқимларини олиб, кетма-кет кўз югуртира бошлади.

— Мана, ёзиб олинган афсонавий сўроқлардан милиция генерали қандай мисоллар келтиришига бир қулоқ солинг-а „Терговчи махфий тижорат ходимини сўроқ қилади:

— Демак, сиз маҳалла миршабига ойига 25 сўм берасиз?

— Ҳа, ҳар ойда 25 сўмдан. У худди маош олгандай ҳар ойнинг биринчи куни келади.

— БХСС ходимларига ойига қанча тўлайсиз?

— Туман бошлиғига беш юз.

— Вилоятникига-чи?

— Унга сал кўпроқ.

— Тезкор миршабга-чи?

— У билан бошлиқнинг ўзи ҳисоб-китоб қилади...“

Маҳмуд ўйланиб қолди.

— Ҳмм... роса илинтирибди сизларни у, бир нима дейиш қийин.

— Агар фақат мени илинтирганида, майли эди, — деди Овчаренко маънос тортиб. — Бутун Бошқармани, ҳамма ходимларимизни бирдай балчиққа қориб ташлади.

— Бошлиқларингизнинг бу даражада ғазабга киришининг боиси нимада? Ахир, сиз ҳам Ўзбекистонга Масков вакили сифатида келгансиз-ку? Сизнинг ўрнингизда маҳаллий миллат вакили бўлганда ҳам вазиятни тушуниш мумкин эди.

— Мен ҳам тушунолмаяман, — тасдиқлади Овчаренко. — Лекин хоҳиш бўлса, бунга мингта сабаб топиш мумкин. Тезкор хизмат ходимлари таркиби буткул янгиланса, ким билан ишлаймиз? Ўрусиядан Ички ишлар вазирлигини бу ерга тўлиқ кўчириб келтириш мумкин эмас-ку? Янги ходимлар маҳаллий шароитга мослашиб, вазиятни тушуниб етгунларига қадар жиноий портлашни тўхтатиб қололмаймиз-ку, ахир! Мен бу ҳақда кўп гапирдим.

— Бу фикрингизга у қандай муносабат билдирди?

— Хизмат поғоналарида бу даражага эришгунча, — жавоб берди Овчаренко кўрсаткич бармоғи билан Дидоренконинг генераллик юлдузи қадалган елкасига нуқиб кўрсатаркан, — турфа ишларни кўравериб, пишиб кетганмиз, бунисига ҳам чидаймиз, деди.

Кечқурун Вайсман сим қоқди.

— Маҳмуд, ёдингизда бўлса керак, эртага Ўшда Олий Суд мажлиси бор-а?

— Э-ҳа... албатта, ёдимда, — беихтиёр ёлгон гапирди Умаров. Мияси тез ишлай кетди. Жин урсин, бўлажак судни нега энди унута қолибди?! Яхшики, бундан Аҳрорни огоҳлантириб қўйган экан.

У ўзини ўзи бўралаб сўқди.

— Алё, Маҳмуд, эшитяпсанми?

— Эшитяпман, Михаил Федорович!

— Кино гуруҳи тайёрни? Қовун тушириб қўйишмай-дими?

— Йўқ, — хотиржам қилди уни Маҳмуд. — Ҳозир яна сим қоқаман.

Дастакни жойига қўйиб, соатга қаради. Вақт тунги ўнга яқинлашаётганди. Акбархўжаевнинг телефон рақамини тира бошлади. Э, Худо, ишқилиб, уйда бўлсин-да!

— Алё, эшитаман! — Аҳрорнинг уйқусираган домангир овози Маҳмудга чинданам Худо борлигидан далолат берди.

— Аҳрорбек, кеч безовта қилаётганим учун узр! — деди Маҳмуд шодмон кайфиятда. — Лекин иш шошилинич бўлгани учун мажбур бўлдим. Гуруҳинг тайёрни? Индинга суд, Ўшга етиб боришимиз керак.

Маҳмуд бу саволни беришдан қўрққанди, лекин бермаслигининг ҳам иложи йўқ эди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида бўлади! — Аҳрор бутунлай уйғониб улгурганди. Товуши серташвиш эди. — Эрталабдан ҳаммани йиғиб, огоҳлантириб чиқишим зарур...

— Зарур, оғайни! Жуда зарур! Харажатларни ўйлама! Эрталабдан тараддудингни бошла! Эрталаб тура оласанми ё уйғотайми?— ҳазиллашди Маҳмуд.

— Ҳозир будилникни олтига қўяман.

— Қойил, Аҳрорбек! Унда эртага кўришгунча! Машина қаерга борсин?

— Соат ўн иккида киностудияда, даҳлизда кутаман.

— Келишдик.

У бор-йўғи бир дақиқа гаплашган бўлса-да, лекин чарчоқ туйди. Ноқулай ҳолатда ўтирганини энди пайқади, бели оғриб қолганди.

Ўрнидан туриб, бир неча жисмоний машқ бажарди, қотиб қолган бели ва умуртқа суягини ёзган бўлди.

Биринчи навбатда нима қилиши керак? Гулига пул қолдириш зарур. Бошқа ишлари йўқ шекилли?

Холодилникни очиб қаради. Гўшт, сарёғ, қаймоқ бор эди. Бир неча кунга бемалол етади. Чўнтагидаги пулларни чиқариб, ўзига озгинасини олиб қолди-да, қолганини столга қўйди. Бу ёғига ҳамма харажатлар Розиковнинг бўйнида. У шаҳар яқинида қариндоши яшаши, ўшаникида бир кеча тунашини айтувди. Соатга қаради. Ў-ҳў...Ухлаш керак, ухлаш!...

Сўнгра... сўнгра мумкин эмасдай туюлган иш амалга ошди. Суд Розиковни ҳамма айблов моддалари бўйича оқлади, бундан келиб чиқадиган ҳамма хулосалари билан бирга аввалги лавозимига қайта тиклаш юзасидан қарор қабул қилди. Ғалати иш ҳам бўлиб ўтди. Умуталиева ҳукмини ўқиб эшиттираётганида, тасвирчи Розиковни йирик кўринишда суратга ола бошлади.

— Нима қиялпсан?— бақирди Умаров тасвирчига. — Ёнидан ёки орқасидан суратга ол. — Кейин Розиковга буюрди: — Нега куласан, йиғлаш керак, ахир!

У бошини ҳам қилиб, кўзларини уқалашга киришди. Кейин Маҳмудга зимдан тикилди.

— Бўлмаяпти. Кўзимга ёш келмаяпти.

Маҳмуд қўлларини ёзиб, Аҳрорга юзланди.

— Икки йил қамоқда ўтирган деб, уни ким айтади? Худди курортдан қайтган одамга ўхшайди!..

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги кадрлар Бошқармаси милиция капитани Н.Орифжоновнинг шахсий иши ва унга қўшимча маълумотларни ўрганиб чиқиб, уни Андижон станциясида тезкор катта миршаб лавозимида қолдириш мумкин, деб ҳисоблайди.

Ички ишлар хизмати бошлиғи

ўринбосари, майор

И.МАМАТОВ.

Умаров мазкур ҳужжатни икки-уч бор қайта-қайта ўқиб чиқди. У ич-ичидан қувонар эди.

— Бу сизнинг ғалабангиз, Маҳмуд ака, шахсан сизнинг ғалабангиз!

— Ҳақиқат бор экан-ку!

— Энди сиз билан Банделетнинг ҳузурига отланишимиз керак.

Шу пайт кескин телефон жиринглади. Маҳмуд дастакни олди.

— Салом, — овоз нотаниш эди. — Фарғонадан Сабардин гапираяпти.

— Николай Иванович?

Бу қўнғироқ уни таажжубда қолдириб, сергак торттирди. Наҳотки Розиковга яна нимадир бўлган?

— Безовта қилмадимми?

— Қўнғироқ қилаётган экансиз, демак, иш юзасиданда, — деди Маҳмуд ва дастакни кафти билан ёпиб, Орифжоновга изоҳ берди: — Фарғона вилояти прокурорининг биринчи муовини... Тинчликми, Николай Иванович?

— Тинчлик, ҳаммаси жойида, бир масала юзасидан сим қоқаётгандим. Яқин кунларда Фарғонага келиш ниятингиз йўқми?

— Бу жуда керакми? — ҳушёр тортди Маҳмуд.

— Сизга бир махфий гапим бор эди.

Маҳмуд бир зум ўйланиб қолди, куч тизимлари уюштириши мумкин бўлган фитналар, барча „ҳа“ ва „йўқ“ларни тарозига солиб чиқди, лекин ҳаёлига келган шубҳаларни шу ондаёқ четга суриб, қатъий оҳангда жавоб берди:

— Яхши, бораман. Эртага ёки индинга Фарғонада бўламан.

Маҳмуд Ҳамроқул Акбаровнинг хонасига яқинлашиб, эшикни очди.

— Ў-ў! — хитоб қилди Ҳамроқул, телефон дастагини жойига қўяркан. — Сиз чинданам илоҳий одамсиз. Ҳозир сизга сим қоқаётгандим.

— Ҳамма мени излашга тушгани шубҳа уйғотади, — ҳазиллашди Маҳмуд. — Шуям иш бўлдимми?

— Сиз ҳақсиз. „Огонёк“дан Муҳим сиз билан кўришмоқчи эди. Шахсий иши бор экан.

Муҳим Умаровнинг юртдоши, Фарғонада туғилиб ўсганди...

Сабардиннинг қўнғироғи ва Ҳамроқулнинг Муҳим ҳақидаги ахбороти фавқулодда уйғунлашиб, кўнглидаги мавҳум безовталиқ ва алағда шубҳалар қайта жонланди.

Жирканч бир фитна тайёрланаётганди, лекин унинг қай тарзда зоҳир бўлиши Маҳмудга қоронғу эди.

— У қани ўзи?

Ҳамроқул дарров жавоб бермади.

— Пастда эди. Уни ҳали кўрмадингизми?

Маҳмуд бошини сараклатди.

— Адашмасам, у ертўлада, қаҳвахонада бўлса керак.

Ҳамроқул қатъий ўрнидан турди.

— Кетдик, мен ҳам сизлар билан қаҳва ичаман.

Қаҳвахонада қарийб ҳеч ким йўқ эди, сотув жавонхонаси ортида емакхона хизматчиси, ёш озарбайжон йигит турар, бурчақда икки кишилик стол ортида Муҳим ёлғиз ўтирарди. У Маҳмудни кўриши билан ўрнидан туриб, унга қўл силкитди.

Ҳамроқул жавонхона сари юрди.

— Менга бир пиёла қаҳва, — деди Маҳмуд озарбайжон йигитга ва ўзи Муҳимнинг истиқболига юрди.

— Сизга жиддий гапим бор.

Муҳим икки пиёла қаҳва кўтариб келаётган Ҳамроқулга олазарак тикиларкан, деярли шивирлаб гапирарди.

— Унинг олдида гапираверсам бўладими?

— Бўлади, бўлади! — деди Ҳамроқул. — Мен Маҳмуд аканинг укасиман, олдимда ҳамма гапни гапиравериш мумкин.

Муҳим қониқиш ҳосил қилгандай „ҳм“, деб қўйди-да, иккала тирсагини столга тиради.

— Мен кеча Фарғонадан сўнгги учоқда учиб келдим, сизга қарши жиддий фитна тайёрланяпти.

Маҳмуднинг юраги „шув“ этиб кетди, лекин буни сездирмаслик учун қаҳвага бош эгди.

— Гап сизнинг Пўлат Баҳодиров ҳақидаги фильмингиз юзасидан...

— Ҳа... Ёдимда, роса бош оғриғи бўлганди. Фильм биланам, Баҳодировнинг ўзи биланам.

— Кечаси унинг олдида жиноий қидирувдан одамлар боришибди. Устингиздан ёзиб беришни талаб қилишибди.

— Қандай матн таклиф қилишибди?

— Фильм учун у сизга пул бергани ҳақида.

— Э-ҳа, яна порами! — Маҳмуд алам билан лабларини тишлади, лекин шу заҳоти ўзини қўлга олди. — Баҳодиров нима деб жавоб берибди?

— Маслаҳатлашгани Мухторовнинг ҳузурига югурибди. Ўлгудай қўрқиб кетибди.

— Мухторовнинг ким?

— Авазхон ака! Вилоят прокуратурасида ишлайди, жуда ҳалол одам. У сизни яхши билади, ҳурмат қилади. Фитнадан сизни зудтар огоҳлантиришни ўша менга айтди.

Маҳмуд пешонасини силаганча, сукутга толди.

Авазхон ака Баҳодировга милиция томонидан қилинган зўравонлик ҳақида зудтар ариза ёзиб, прокуратурага етказишни маслаҳат берибди.

Маҳмуд ўйланиб қолди.

— Мен Сабардинга нега керак бўлиб қолганимга энди тушундим.

— Сиз у билан гаплашганмидингиз? — қизиқсинди Муҳим.

— У Фарғонага келишимни илтимос қилувди, — Маҳмуд Ҳамроқулга маънисиз тикилди. — Наҳотки улар Баҳодировдан бўлак бошқа одамни топишолмаган бўлса?

— Демак, топишолмаган, — Маҳмуднинг елкасига қоқиб қўйди Ҳамроқул. — Хурсанд бўлишингиз керак, Маҳмуд ака. Нарҳингиз ошиб бораяпти — ортингиздан чинакам ов бошланди.

Ўша куни кечқуруноқ Маҳмуд ўз „Жигули“сида Фарғонага жўнади. Баҳодиров Умаровни бу даражада тез кўраман, деб кутмаганди. У очиқдан-очиқ эсанкираб қолди. Ёши бир жойга бориб қолган одамнинг олазарақ кўзларини кўрган Маҳмуд очиқчасига сўради:

— Нега мени бунча сувтекинга сотдингиз, Пўлат ака?

Биринчи дақиқада Баҳодиров ҳатто ҳеч нарсага тушунмади.

— Кимга? — лекин кейинги дақиқада унга бу сўзларнинг даҳшатли моҳияти етиб борди ва у газабдан қизариб кетди. — Сен мени ким деб ўйлаяпсан, Маҳмуд? Наҳотки мени шу даражада аблаҳ, деб ўйласанг?!

— Эҳ, Пўлат ака! — кинояли кулимсиради Маҳмуд. — Мен ҳеч нарса деб ўйламадим, лекин сиз мени шундай кутиб олдингизки...

— Авазхон нима деган бўлса, мен шуни қилдим. Аризани вилоят прокурори Отажоновга етказиб бердим, — Маҳмуд нимадир демоқчи бўлаётганини кўриб, унинг гапини бўлди: — Маҳмуджон, мен қўлимдан келган ишни қилдим. Қолган ҳаммаси менинг ҳукимда эмас...

Умаровнинг Баҳодиров ёзган ариза билан танишиш ҳақидаги илтимосига жавобан Отажонов ўзини ҳеч нарса тушунмаганга солди.

— Сиз нимани сўраётганингиздан мен буткул беҳабарман. Ҳеч қандай ариза келиб тушмаган.

Сабардин ҳам қатъиян рад этди:

— Бу очикдан-очик фитна! Дарвоқе, биз айнан шунақа ишлар бўлмаслиги учун бу ерда ўтирибмиз.

— Розиковнинг иши оқланганлигидан сизнинг хабарингиз бор-ку, ахир?

— Сиз ғалаба қилдим, деб ўйлаяпсиз чоғи? — деди Сабардин қизишиб, лекин шу ондаёқ ўзини қўлга олиб, иложи борица хотиржам оҳангда гапирди: — Мендаги маълумотларга қараганда, бу масалада энг юқори савияда норозилик тайёрланаяпти.

— Тасарруфингизда жуда оз вақт қолган, шошилишингиз керак, — Маҳмуднинг овозида яшириб бўлмас истеҳзо бор эди. Сабардин буни пайқаб, қовоғини уйди.

— Улгурамиз...

Бас, етарли. Ортиқ чўзиш мумкин эмас. Маҳмуд ёзув машинкасига ўтириб, сарлавҳани ёзди: „Сукут сақлаш—бу ҳам жиноят“

„Бундан бир неча ҳафта аввал „Инсон ва қонун“ ойномасининг Тошкентдаги мухбирлик манзилига Қўқон шаҳар ижроия Қўмитаси Ички ишлар Бошқармасининг собиқ БХСС бошлиғи Шароф Розиков мурожаат қилди. Биринчи босқичдаги суд уни амали ва хизмат ваколатини оширгани ва пора олгани учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этганди. Айни вақтда республикамиз газеталарининг бирида республика прокурори Гайдановга саволлар берилган мақола чоп этилди.

Мақолага юзаки кўз югуртирилганда, ё газета ўз ўқувчиларини чалғитаяпти, ёки унда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари йўл қўяётган қўпол қонунбузарликлар фош қилинаяпти, деган фикрга борасан, киши.

Бунгача мен Розиков билан учрашдим, у қамоқда қарийб икки йил ўтиришга улгурган ва республика Олий Суди жинойий ишлар бўйича суд ҳайъатининг аниқловига биноан озод қилинган, ҳибсда ўтирган Розиковни озодликка чиқаришни эса, республика прокурори ёрдамчиси А.Иброҳимов талаб қилган.

Гайданов журналистнинг саволига тўғридан-тўғри қуйидагича жавоб беради: „Розиқовнинг айби тўлиқ исботланган, айблов ҳукми чиқарилишигина қолган.“

Бейхтиёр, бу қанақаси, деган савол туғилади.

Республика прокурорининг терговга мутасадди муовини Розиқовнинг айбдор эканлигини тасдиқлайди, олий босқичдаги давлат айбловчиси, республика прокурорининг ёрдамчиси эса Олий суд ҳакамлигидан қамоққа ҳукм қилинган айни шу одамни озод қилишни талаб этади!

Вазиятга аниқлик киритиш учун Розиқовнинг ишига мурожаат қилайлик.

Розиқов Қўқон шаҳар БХСС бошлиғи лавозимига тайинланиши билан прокуратурага Э.Эминов номли шахсдан ариза тушади, унда шикоятчи ҳеч қандай асос ва далил-исботларсиз БХССнинг янги раҳбарини порахўрликда айблайди. Эминов муфассал тарзда бу воқеа бир неча йил аввал содир бўлганини таъкидлайди. Мана шу исботи йўқ қуруқ туҳматнинг ўзиёқ Розиқовга қарши жиноий иш қўзғатилишига асос бўлади, кўп ўтмасданоқ уни 10 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилади.

Эски вақтлар, турғунлик йилларида „ёпиқ қозон шу тариқа ёпиқлигича қолавериши“, мумкин эди, аммо ҳозир эмас. Норозилик шикояти бўйича бу иш Олий Судда кўрилиб, ҳукм бекор қилинди ва у қайта кўриш учун юборилди. Прокуратура яна уни судга оширди, энди у бошқа вилоятда ўрганилиб, яна қайта кўришга тавсия этилди.

„Мени яна қамоққа тикмагунча прокуратурадагилар тинчишмайди,— дейди Розиқов алам билан. — Бир нарсага ҳеч тушунолмайман, нега улар мен бир неча бор жиноий жавобгарликка тортган жиноятчига сўзсиз ишонишади-ю, менга, милиция зобитига ишонишмайди?“

Бу қонуний савол, уни биринчи навбатда тафтиш ишлари олиб борган терговчилар беришлари керак эди. Лекин, афтидан, бу уларнинг режасида йўқ эди. Синчков тезкор миршаб кимнингдир „арпасини хом ўрган“, кимгадир жуда ҳалақит берар, шунинг учун ҳам уни олис жойларга жўнатиб, ундан қутулишга жазм этишганди. Ўзининг милициядаги қисқа муддатли фаолиятида эса, Розиқов кўп душман орттирган, яна қанақа душманлар денг!..

Ҳалол одамни муҳофаза қиларканмиз, бир неча ойдан сўнг Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура тизимларининг собиқ ходимларидан ўнлаб, юзлаб одамлар ҳибсга олиниши, ҳуқуқий тартибот идораларида илдиз отган бошбошдоқлик ва тартиббузарликлар кўпчилигимизнинг ғазабимизни қўзғашини ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаганди.

Натижада Розиковнинг иши бугунги кунгача ўз якуний натижасини топгани йўқ. Маълум бўлишича, прокурор муовини Гайдановнинг ташаббуси билан у қайта кўриш учун Қирғизистон Олий Судига йўлланган. Бу иш фақат жиноятчиларнигина жазолайдиган қонунга ҳилоф равишда, ундан заррача қўрқмай амалга оширилган.

Гайдановнинг хизматлари нимада? Агар унинг ортида бир эмас, ўнлаб, юзлаб ноқонуний жазолаш ва қамоққа олишлар турар экан, уни қандай кучлар ҳимоя қилади? Ахир, прокуратура ҳайъати мажлисида айти шу масала ҳақида гап юритилди-ку!

Буни қаранг-а! Кимдир қонунни бузади, давлат — жавобгар! Адолатсизлик, лекин бор гап! Бу ишда Гайдановга Ички ишлар вазирининг биринчи муовини Дидоренко катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Униси ҳам, буниси ҳам далолатлар ва тезкор ахборотнинг ошкор қилиниши ўзлари учун қандай хавф туғдиришини яхши билишади, шу боис ҳам баттар ҳужумга ўтишяпти. Улар ўзларининг жирканч мақсадлари йўлида маъмурий тазйиқлар ва дағдағали дўқ-пўписаларга ўрганиб қолган айрим газета саҳифаларидан фойдаланишмоқда.

Гайданов Ўзбекистон судларини ўзларига „ишлашга“ („бсбошлик қилишга“ дейиш ўринлироқ) ҳалақит бераётганликда айблади, Дидоренко эса, „ўз қатъиятинг ва ишингни кўрсатишдан кўра, ўз одамларингни савалаш яхшироқ“, деган шиор остида иш тутмоқда. Маҳаллий матбуотга берган интервьюларининг бирида у махфий тижорат вакили сўроқ қилинган афсонавий савол-жавобни келтиради ва унда милиция, прокуратура ва ҳокимият идораларининг юзлаб виждонли ходимлари номини булғаб, ўзларини ерга уради.

Булар бари арзонгаров чайқовчиликка ўхшайди. Лекин мақсад нима? Ички ишлар вазирининг биринчи муовини учун ўз тасарруфидаги хизматчиларни бадном қилиш, уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги марра-

ларида турган тезкор ходимларнинг обрўйини тўкиш нима учун керак бўлиб қолди? Дидоренко ва унинг яқин ёрдамчиси, кадрлар бўйича вазир муовини Тепловлар биринчи навбатда айтиш шу тажрибали ходимларга қарши кураш олиб боришди-да. Республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигидаги бу раҳбарлар тажрибасининг ноёблиги нимада? Далил-исботлар ва прокуратура ва вазирликдаги бу генераллар ҳибсга олиш ва сўроқ қилишда ишлатган антиқа усул ва йўллари ўз бошларидан кечирган гувоҳларга мурожаат қилайлик.

Прокуратура терговчиси Бахтиёр Мелиевнинг республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари томонидан қонунчиликнинг қўпол равишда бузилгани ҳақидаги маълумотномасидан:

„...27 феврал куни, эрталаб соат 8 да мен автоқўналға сари отландим. Кутилмаганда олдимга „Москвич“ келиб тўхтади ва ундан менга нотаниш бешта эркак тушди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай, ўзларини таништирмай, бу одамлар менга ҳужум қилишди, бирининг қўлида тўппонча бор эди, шу заҳоти қўлларимни қайириб, кишан солишди, қамоқхонага олиб бориб, ертўлага ташлашди. Фақат бир-икки соатдан кейингина мен терговчи ҳузурига сўроққа чақирилдим...“

Хўш, бунинг то йиртилиб кетгунча ўқиладиган дехтёв асардан нимаси кам? Фақат бу ерда, таассуфки, замондошимиз ҳаёти акс этган.

Прокуратуранинг навқирон терговчиси нима гуноҳ қилди экан, нима учун уни алоҳида истилочи гуруҳ қўлга олиши керак эди? Ўз қўл остида ишлайдиган ходимини қамоққа солишга кўрсатма берган Гайдановга у нимаси билан хавф туғдирди экан?

Қамоқда Мелиевни ҳамма вақт ашаддий жиноятчилар билан бирга қўйишарди, бу эса, ўтакетган қонунбузарлик эди. Аммо, кейинчалик маълум бўлишича, бу Дидоренко ва Гайдановларнинг гунаҳлари қўллайдиган энг синалган усуллардан экан. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг собиқ ходимлари орасидан қамалганларнинг деярли ҳаммаси бу даҳшатли синовни бошларидан ўтказган, уларни учига чиққан жиноятчилар ўтирган камерага тиқишар, улар эса, ўз қурбонлари ҳақида ҳамма нарсани билишар ва ўзларига топширилган вазифани „сидқидилдан“ адо этишарди.

Бу усулни янги деб бўлмас, у олис сталинчилик давридан мерос бўлиб қолган, ва афтидан, ўғрилиқ, босқинчилик, қотиллик учун узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилган ўта хавфли жиноятчи унсурлардан замона ситамгарлари ҳам унумли фойдаланишга эга экан, демак, у ўз „самарадор“лигини йўқотмаганди. Дидоренко ва Гайданов тасарруфидаги тергов идоралари ана шундай жиноятчилар ёрдамига таянишар, амалга оширилган ва оширилмаган „жиноят“ларни шу тариқа „очишар“, бунда бир одамга қарши иккитаси қўйилар, куч ишлатиб, руҳий ва жисмоний ҳужум уюштирилар, улар учун саволлар олдиндан тайёрлаб берилар, ҳибсга олинган одамдан қилмаган гуноҳини бўйнига олдириб, тилхат ёздирарди.

Бундай „иш“ларни бажариши учун уларни турли қамоқхоналарга юбориб туриларди.

Бундай жаллод ва фитначиларга иш етиб ортар, чунки ноқонуний ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилганлар жуда кўп, пировардида марказий газета ва ойномаларга интервью бериш учун уларнинг йўқ айбларини бўйнига қўйиш, буни ёзма равишда ўз имзолари билан тасдиқлатиб олиш керак эди.

Бундай „озода иш“лари учун каллакесарларга алоҳида шароит яратиб бериларди... Суд маълумотларида далиллаб берилганидек, улар қора икра ва ароққача ҳамма озиқ-овқат турлари билан таъминланар, ўз танишлари билан телефонда гаплашишлари, кечалари ўз шахсий ишлари билан шаҳарга чиқишлари ва навбатчилар алмашгунча қайтиб келишлари мумкин эди. Бунда уларга баъзан милиция ходимлари расмий либосини кийишга ҳам рухсат бериларди.

Ўз сеvimли „касб“лари билан шуғулланиш учун бундай имкониятларни наҳотки улар қўлдан бой беришса?! Улар бу шароитда ҳеч қандай жазога тортилмас, чунки амалда қамоқда деган далолатлари бор эди-да.

Имкониятлардан фойдаланишди ҳам! Уч ойга яқин вақт ичида улар ўғрилиқ, босқинчиликдан иборат ўн иккита жиноий ишга қўл уришди ва уларни ҳеч ким жавобгарликка тортмади, ҳужжат бўйича қамоқдаги одамлар қандай жиноят қилиши мумкин, ахир?!

Б.Мелиев ҳикоясидан: „Қамоққа олинганимдан кейин бир неча кун ўтгач, мени республика прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи Лаптев чақириб, норозилик шикоят

ёзмасликка ундай бошлади. Агар мен рози бўлсам, отам ва акамни илгариги лавозимларига қайта тиклашга ваъда берди“

Туман прокуратурасининг ёш терговчиси Гайдановга нимаси билан хавфли экани масаласига қайтарканмиз, унинг яқин қариндошлари ҳақида икки оғиз сўз айтиш ҳамма нарсага аниқлик киритади.

Бу ерда ҳаммаси жуда оддий: Мелиевнинг акаси Маркс Мелиев ўша пайтда тергов ишлари Бош Бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарар ва Гайдановнинг ўнг қўли саналарди. Маркс ва Бахтиёрнинг отаси — Ворис Наимович Мелиев эса, вилоят прокуратурасида умумий назорат бўлими бошлиғи лавозимида ишларди.

Кўриниб турганидек, Тошкентдаги ўз анъаналари, кенг кўламдаги алоқаларига эга, обрў-эътиборли оилалардан бири. Эҳтимол, худди шу нарса Гайдановнинг ғашига теккандир ва йўқ жойдан „шов-шув“ чиқарадиган иш уюштириб, айнаи вақтда бутун оиланинг илдизига болта уриш имконидан фойдаланиш керак эди.

Унинг ҳисоб-китоблари аниқ эди, шу боис тезда мақсадига ҳам эришди.

М.Мелиевнинг ҳикоясидан: „Укамнинг хотини, Бахтиёр қаёққадир ғойиб бўлгани, эрталаб ишга кетганча қайтиб келмаганини хабар қилди. Биз уни тўрт кун мобайнида касалхоналар, ўликхоналар, дўстларининг уйлари ва ҳибсхоналардан изладик, лекин ҳеч ердан ҳеч қандай дарагини топмадик. У бамисоли ерга кириб кетгандай эди. Мен ўзимнинг бевосита бошлиғим Гайдановнинг ҳузурига кириб, укамни қидириш учун икки-уч кунга ижозат беришини илтимос қилдим. Ўшандагина Гайданов менга, Бахтиёрни излашнинг ҳожати йўқ эканини, уни ўзи ҳибсга олдирганини айтди. Мен унинг нимага бундай қилганига тушунмай, изоҳ беришини талаб қилдим. Бунинг ўрнига Гайданов, шу кунларда меҳнат таътилига чиқишимни тавсия этиб, укамнинг иши билан шахсан ўзи шуғулланажagini билдирди. Таътилга чиқиш билан қутулиб бўлмаслигини мен тушунардим. Вир неча кундан кейин мени кадрлар бўлимига чақириб, прокуратурадан „ўз хоҳишимга кўра“ ишдан кетишимни таклиф этишди, бу Гайдановнинг шахсий кўрсатмаси экан. Шу тариқа мен чинданам ариза ёздим“

Ворис Мелиевни ҳам тинч қўйишмади, у ҳам „ўз

хоҳишига кўра“ ариза ёзди. Гайданов ғалабани тантана қилиши мумкин— „шов-шув“ли иш чўнтагида эди.

Аммо кутилмаганда жиноий ишлар Ҳайъати томонидан Бахтиёр Мелиев айбсиз деб топилиб, оқланади. Республика прокурори муовинининг буйруғи билан тиришқоқ ходимлари бунёд этган бино қулаб тушган, чамаси, энди ўзи ҳақида ҳам бош қотиришига тўғри келарди.

Яна ўша содиқ гумашталар ёрдамга келишади, тўғридан-тўғри қўрқитиш, дағдағалар қилиш, ўзига жазб этувчи таклифлар ва ваъдаларга ўтишади. Дидоренко ҳам тиниб-тинчимай қолади. Унинг идорасида ҳам норозилик кучайган, қўл остидагиларни тийиш, кучини кўрсатиб қўйиши керак эди ва у энг шимариб ишга киришади. Жиноий қидирув ишлари Бошқармасида ишлайдиган ходимларнинг обрўсини тўкадиган маълумотлар йиғишга тушади, ваҳоланки, айнан ўшалар ҳамма вақт республиканинг „қора куч“лари жиловини тортиб келишар, гап-сўзларга қараганда, яқин вақтдаёқ махфий жиноий дунё раҳнамоларини қўлга олишлари керак эди. Рўзномачилар ва журналистлар эса, янгидан-янги „шов-шув“ларни, жиноятчиларнинг мамлакат олий раҳбарияти билан алоқалари очилишини кутишарди. Лекин катта ишлар учун садоқатли одамлар зарур, улар тезда топилади, янги вазирнинг гумаштаси бўлишни истовчилар кўпчилик...

Лекин барибир, муз жойидан жилди. Ички ишлар вазирлиги ва прокуратурадаги юқори поғона раҳбарлари орқага йўл йўқлигини тушуна бошлашди. Ҳар қандай қонунбузарликнинг чек-чегараси бўлади, сояда юрган вазирлар ва прокурорлар бошбошдоқликларининг интиҳоси бор. Шунда улар ўз иш усулларини кескин ўзгартиришади. Музокара столига биринчи бўлиб Гайданов ўтиради. Мелиевлар оиласининг вакилини ҳузурига таклиф этиб, Бахтиёрни ҳибсга олгани учун узр сўрайди, келгусида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ваъда беради.

Кўп ўтмай, аввал генераллар томонидан қамоққа олинган ва бадном этилган бир қатор тажрибали ходимлар яна ўз лавозимларига тикланади.

Ижодий учрашувларда кўп сонли ўқувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари етакчи хизматчиларининг зўравонликларидан қандай қутулиш ҳақида савол

беришади. Расмий либослар ва оғир эман эшиклар билан ҳимояланган жиноятчилардан қандай сақланиш мумкин?

Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура олий раҳбариятининг бир вақтлар Ягода ва Берия бошлаб берган, кейинчалик Шелоков даврида „гуллаб-яшнаган“ қонунбузарликлари ва бошбошдоқликлари олдида ҳатто шу идора ходимлари, касбдошларининг ўзлари ҳам ожизлик қилишаётган экан, ушбу саволларга биз қандай жавоб бера оламиз?

Турғунлик йилларида юртимизга келиб олиб, илдиз отишга, зарурий алоқаларни йўлга қўйиб, ўзларини содиқ югурдак ва гумашталар билан ўрашга улгурган, кўп бегуноҳ одамларнинг тақдирини поймол қилиб, курашчи ниқоби остида ўз шахсий манфаатлари ва амалпарастликларини яшириб юрган одамларга карши қандай курашиш мумкинлигини юзлаб одамларга қай тариқа уқдириш мумкин?

„Наҳотки булар бари рост?— дея хитоб қилиши мумкин ўқувчи шубҳаланиб.— Бундай воқеалар бизнинг давримизда юз бераётганига ишонмайман!“

Рост! Қўлимизда бу дўзақ синовларидан ўтган кўплаб одамларнинг юзлаб саҳифалардан иборат суд ҳужжатлари, уларнинг иқроор ва эътирофлари ёзилган кассеталар... Биз бу ерда баён қилишга улгурган гаплар ҳамма эшитган ва ўқиган далолатларимизнинг кичик бир қисми, холос.

Биз ҳикоя қилган жами қонунбузарликларга ким айбдор? Тергов тизими ишини назорат қилиш тўғридан-тўғри вазифаси бўлган Гайдановми? Хизмат вазифаси айбсиз айбдорларни эмас, ҳақиқий жиноятчиларни излашдан иборат Дидоренкоми? Ёки сўнгги йиллар мобайнида тезкор маҳаллий ходимларни оммавий равишда йўқотиш сиёсатини олиб борган Тепловми?

Балки жумҳуриятимизда кечган ва кечаётган воқеаларда бизнинг ҳам айбимиз бордир? Эҳтимол, ҳамма гап сиртдан томошабин сифатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги жиноятга даҳлдор қутуришлару ўзбошимчиликларни кўра-била туриб, ўзларини уларни кўрмаганга солган юртдошларимизнинг лоқайдлигидадир?

Бу ва бошқа кўплаб муаммоларга биз сабр-тоқат билан муфассал аниқлик киритишимиз зарур.

Лекин ҳозирданоқ бир нарса ойдин: ҳадеб сукут сақлаб, индамай юравериш ҳам — жиноят!

Соат ўндан ошганда Маҳмуд „Ўурлик“ ташкил этган митинг ўтадиган клуб ёнига етиб келди. Сўнгги дақиқаларгача у бораими-бормайми, деб иккиланиб юрди, ахир, унинг митингга ташрифидан Сафар Болта ва унинг атрофидаги одамлар ютишар, Маҳмуд ва „Ўурлик“ ҳаракати етакчилари ўртасидаги муносабатни эса, яхши дейиш қийин эди.

Лекин у шубҳаларига қарамай, етиб борди. Мақолага сўнгги нуқта қўяркан, у қачонлардир буюк Цезарь кескин иш кўрганидай, хавфсизлик чизигини кесиб ўтганди. Энди тўхташ, боз устига, шубҳа қилиш мумкин эмас эди. Унга минбар, тингловчилар керак эди. „Ўурлик“чилар ана шу имкониятни беришаётганди.

Ўйдан чиқаркан, Маҳмуд тушунтириб бўлмайдиган ҳиссиётларига бўйсуниб, суюкли холасининг сўнгги туҳфаси — қора чопонини кийди. Холаси чопонни Намангандан олиб келиб, жиянининг елкасига ташлаганди:

— Кийганда мени эслаб юрасан.

Маҳмуд ўшанда жавоб бермаган, оппоқ сочларига юзларини босиб, елкасидан қучганди. Сўнгги вақтларда у оғир дардга йўлиққан, кўз олдида чўпдек озиб-тўзиб борар ва унинг кўнглини кўтариш учун сўз тополмаган, аҳмоқона хитоблар билан чекланганди. Бир ойдан сўнг у вафот этди, фақат чопонигина унинг илиқ ва меҳрибон қўллари, кўзларининг қаъридаги мунис бир ўйноқиликни ёдига соларди...

Маҳмуднинг биринчи кўрган одами Расул Ҳотамов бўлди. Ёнида—спортчиларга ўхшаган алпқомат йигит. „Ўўш-хўш, хавфсизлик қўмитаси вакили ҳам, демак, шу ерда“,— хаёлидан ўтказди ўзича у. Бошқаларнинг маънисиз нигоҳларига лоқайд тикиларкан, Расулга бош ирғаб, атрофини гувуллаётган талабаларнинг маҳобатли тўдаси ўраб олган минбар сари юрди. Вақти келиб, Маҳмуд ўзича „хавфсизлик хизматчиси“ деб тахминлаган спортчиларга ўхшаш йигит билан қўп марта учрашади. Ўтмишда таниқли полвон, республика чемпиони, кейинчалик дорилфунун домласи, ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлайдиган бу йигит ажойиб одам бўлиб чиқади.

— Маҳмуд ака, мен сиз энди келмайсиз, деб ўйлагандим,— дейди Ҳамроқул унинг истиқболига чиқиб.

— Ким гапираяпти?

— Аъзам Акрам. Йиғилганларга Сафар Болтанинг ёзма мурожаатини ўқиб эшиттираяпти.

Маҳмуд кинояли кулимсиради.

— Бу канақаси? Яна митингга келиб, сўзга чиқишдан қўрқибдими? Мурожаат эмиш. "Олисдан мактуб"

— Мен бориб, Аъзамга сиз келганингизни айтай.

— Майли. Тезроқ сўз беришсин, гапимни айтаман-да, жўнайман. Ишларим бошимдан ошиб ётибди.

Ҳамроқул тўда орасига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди. Аъзам хасислик қилмай: „Таниқли шоир, кўплаб китоблар муаллифи“ ва ҳоказолар, дея баландпарвоз сўзлар билан нотикларни эълон қилаётганди.

Ҳамроқул кўринмай кетганди. Маҳмуд сабрсизлик билан қўл соатига қаради — митингга келганига ҳам бир соатдан ошибди. Қийинчилик билан минбар сари юраркан, Урайим Темуровга кўзи тушди.

— Салом!

Урайим унинг қўлини маҳкам қисди.

— Келиб зўр иш қилибсан. Гапирасанми?

— Гапираман, лекин Аъзам мени унутиб қўйди шекилли?

Урайим унинг овозидаги кинояни пайқаб, дарров бировни чақирди.

— Ҳаммаси жойида бўлади, Маҳмуд,— муросали кулди у.— Бугун ажойиб кун. Биринчи марта митинг ўтказишга рухсат беришди, ахир, бу — ғалаба-да!

Маҳмуд яна соатига қаради.

— Урайим, келишиб олайлик. Агар менга ҳозир сўз беришмаса, буриламан-да, жўнайман. Қўрқитаётган жойим йўқ, вақтим чинданам ўта зиқ.

Урайим Темуров минбар томонга юрди. Маҳмуд унинг Аъзам Акрамни чеккага чақириб, бир нима деганини кўрди. У бошини буриб, Маҳмуднинг кўзлари билан тўқнаш келди ва ҳозир ўзига сўз берилиши аён бўлди. Лекин қандай таништиаркин?

— Дўстлар!— Аъзамнинг овозида совуқ бир лутф бор эди.— Ҳозир Маҳмуд Умаров сўзга чиқади. Сизлар уни билмайсизлар, у ўрис тилида ижод қилади. Қарсак чалиб, унга халал бермаслигингизни илтимос қиламан, чунки у ўз она тилида гапиришни билмайди, лекин сўз сўраяпти. Ижозат берамизми?

Узуқ-юлуқ қарсак овозлари эшитилди, кимдир ҳуштак

чала бошлади. Маҳмуд нохос юзига қон урганини ҳис этди. Аслида, гапирмаслиги керак эди — барибир қулоқ солишмайди.

У лабларини қимтиганча, зиналар орқали минбарга кўтарила бошлади. Мияси яшин тезлигида ишлар, у йиғилганларнинг эътиборини ўзига торта олиши керак, лекин мақсадга эришиш учун гапни нимадан бошласа экан?

Микрофонга яқинлашиб, бир лаҳза жим қолди, кейин соф ўзбек тилида, Фарғона шевасида гап бошлади:

— Дўстлар! Бугун биз ҳукумат рухсат берган биринчи митингда иштирок этаяпмиз. Бу митинг давлат тили муаммосига бағишланган ва бизнинг жонажон ўзбек тилимизга ана шу мавқе берилиши лозим. Мен бундан яна шунинг учун хурсандманки, орзуимиз амалга ошса, менга ўхшаган она тилини яхши билмайдиган ёзувчилар янада камаяди. Мен узоқ йиллар мобайнида республикамиздан олисда яшадим, рус мактабида таҳсил олдим, кўнглимга йиғилган ҳамма гапларимни айтишим қийин, лекин мен сизларга жуда муҳим гапларни етказишим керак. Шунинг учун менга, истисно тарзида, рус тилида сўзлашга ижозат берсангиз.

Маҳмуд ютиб чиққанини, ўзига хайрихоҳлик уйғотиб, тингловчиларнинг фикрини жалб эта олганини пайқади.

— Гапир!

— Ижозат берамиз!

— Бошла, йигит!

Маҳмуд йиғилганларни диққат қилишга чорлаб, қўлини кўтарди. Уни қўллаб-қувватлаган овозлар ва бақирчақирлар тинди. Ва у сўзлай бошлади. Кўп йиллик журналистлик тажрибаси, Адабиёт илмгоҳидаги учрашувлар ва баҳслар, ўқувчилар билан ижодий мулоқотлар унга ёрдам берганди. Бундай учрашувларда у доимо биргина тингловчини танлаб олар, бу сафар ҳам бошини қора рўмол билан кўзларигача танғиб олган кекса аёлга қараб гапирди. Аёл минбардан ўн газча нарида турар ва нотиқнинг кўзларига тикиларди. Маҳмуд у билан мулоқот қилар, ўзининг халқимизни тўқмоқ ва қамчи кучи билан „порлоқ келажак“ сари ҳайдамоқчи бўлган қаттол генералларга, марказдаги фирқа раҳбарларига қарши маълум ва машҳур курашларини айнан ўша аёл тушунишини истарди. У юзлаб хазон бўлган, майиб-мажруҳ қилинган

тақдирлар, маҳаллий раҳбарларнинг сусткаш ва қўрқоқлиги, бунинг оқибатида ўзбек миллатининг инқирозга юз бургани, ўзбек диёридаги бир авлод умри давомидаёқ қуриб бўлган Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳалокат ҳақида гапирди.

У асримиз бошидаги Ўрта Осиёни, илғор зиёлилар ўртасида туғилган жадидчилик ҳаракати ва бу ҳаракат намояндаларининг бир неча тилда гаплашгани, ёзгани ва ижод қилгани, инглиз ва олмон тилини анча яхши ўзлаштирганларини эслади. Марказий ҳокимият миллатнинг энг яхши ирсий жамғармасини йўқ қилгани, эндиликда маҳаллий аҳоли Киев Ўрусияси тарихини яхшироқ билиши, лекин ўзларининг буюк ўтмиши, олис маданиятидан қарийб буткул беҳабарлигини айтди. Сўзининг ниҳоясида Маҳмуд бугун кечаси газета ва ойномалар чоп этиши амримаҳол бўлган бир мақола ёзганини, аммо барибир у ўз ўқувчисини топади, деб умид қилажagini, бунинг учун бор куч-қувватини аямаслигини билдирди. Қонунга қатъий амал қилишга, уни қўриқлаб, оддий одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга даъват этилган ҳукмдорларнинг ҳуфия қонунбузарликларини халқимиз билиши керак.

У нутқини одатдагидай кутилмаганда узиб қўйди. Бир лаҳза жимлик чўкди-ю, лекин шу заҳоти ер-кўкни олқиш ва қарсақлар тутиб кетди.

— Маҳмуд ака!—дея қучоқлади уни пастда Ҳамроқул.—Энди сиз фаранг тилида гапирсангиз ҳам барибир тушунишади.

У оломон ичида олға интиларкан, кўплар унинг қўлини қисишга уринарди. Туйқусдан унинг йўлини Маҳмуд ўз нутқи мобайнида кўз узмай турган ҳалиги қора рўмолли кекса аёл тўсиб чиқди.

— Раҳмат, ўғлим. Зиммангга олган мардонавор ишингга Худойим ўзи мадад берсин!

— Раҳмат, онахон!

У бошини эгиб, таъзим қилди.

— Мен сенга ўз фарзандларини Афғонистонда, ўша биз учун буткул кераксиз бўлиб чиққан урушда йўқотган ҳамма оналар номидан гапираяпман. Душманларингнинг юзи тескари бўлсин, йиқилишга сенинг ҳаққинг йўқ, ўғлим!..

— Мен йиқилмайман, сизга сўз бераман...

Икки кундан сўнг Маҳмуднинг уйида кутилмаган қўнғироқ бўлди.

— Бу Маҳмуд Умаровми?

— Эшитяпман.

— Бир дақиқа кутинг... Сиз билан Олий Кенгаш Раёсатининг раиси Ҳабиб ака Бобоев гаплашади.

ҲАБИБ БОБОЕВ, дунёга доғруғ таратган йирик олим, Олий Кенгаш Раёсатининг Раиси лавозимига сайлангунига қадар Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти бўлиб ишлаган.

Маҳмуднинг яхши ёдида, Ҳабиб Бобоевич Ўзбекистон фанига раҳбарлик қиларкан, ёш олимлар, журналистлар ва ёзувчиларнинг катта гуруҳини ўз хонасида қабул қилганди. Экология муаммоларига бағишланган „давра столи“ уюштирганди. Айнан ўшанда Маҳмуд Умаров пахтазорларни қайта ишлашда дефолиантлардан фойдаланиш, заҳарли кимёвий дориларнинг миллатнинг ирсий жамғармасига ҳалокатли таъсири каби тақиқланган мавзуларни ўртага ташлаган эди. Лекин Маҳмуд кўзлаган мунозара бўлмади. Унинг гапини бўлиб қўйишди, амалдорлардан кимдир ҳатто уни фитначиликда айблашга уринди, лекин қутуриб кетаёзган мансабдорни Бобоевнинг ўзи тинчитиб, гапни устомонлик билан йиғилганларнинг ижодий интилишларига яқин мавзуларга бурди. Учрашув тугагач, Бобоев Маҳмуддан бирпас қолишни илтимос қилди. Сухбат умумий тарзда бўлиб, аниқ ҳеч гап бўлмади. Ҳабиб Бобоевич она юрти бўлмиш Фарғонани эслади, Маҳмуд қайси мактабда ўқигани, қайси олий билимгоҳни тугатгани, қачондан бери ёза бошлагани билан қизиқди. Ёзган китобларини албатта туҳфа этишини илтимос қилди, учрашув сўнгида эса, ўз ижодида халқимизни яхши томони билан кўрсатадиган муаммоларга кўпроқ эътибор беришини, „ўзбеклар иши“ ташаббускорларининг фитналарига учмасликни вазмин оҳангда маслаҳат берди. Зарурат бўлса, китоблари нашр қилинишида ёрдамини аямаслигини ваъда берди.

Маҳмуд Фанлар академиясидаги бу учрашув қачон бўлганини аниқ эслашга уринди. Икки-уч йил аввалмиди ё ундан ҳам кўпроқми?

Бехос — мана бу қўнғироқ.

— Маҳмуджон, салом!— Ҳабиб Бобоевич бамисоли кеча хайрлашишгандай оҳангда гапирарди.— Ишлар қалай? Ижодлар-чи? Китобларингни совға қиламан, деб ваъда бергандинг, унутдинг чоғи? Яхшимас, бундай қилмаслик керак.

Маҳмуд алламбалоларни, хизмат сафарларини баҳона қилиб, бир нималар дея ўзини оқлаган бўлди.

— Учрашишимиз керак!

— Мен тайёрман, Ҳабиб Бобоевич. Қачон десангиз...

— Эртага. Кечқурун еттида хонамда кутаман. Рухсатнома ёздириб қўяман. Келишдикми?..

Эртасига тушгача у ёзган мақоласини таҳрир қилиб, янада тўлдирди, кейин қайта ўқиб чиқди. Соат бирдан ошганда Ёрматовга сим қоқди.

— Элёр Раҳматуллаевич, гап бор.

— Учгача келолсанг, ўзимда бўламан.

Маҳмуд Ёрматовнинг хонасига роппа-роса иккида етиб борди, Олий Кенгашдан бўлган қўнғироқ ҳақида гапириб берди.

— Қизиқ...— Ёрматов ўйга толаркан, Маҳмудга синовчан тикилди.

— Сен Бобоев билан танишмисан?

— Кўришганмиз...

— Тушунарли...— Ёрматов яна ўйга чўмди.— Қўнғироғига қараганда, сен ҳам унинг ёдида бўлсанг керак?

— Мен унга китобларимни совға қилишни ваъда бергандим, шуни эслатди, демак, унутмаган.

— Бунақа одамларга сўз бердингми, устидан чиқиш керак,— деди Ёрматов энди паришонхотир ҳолда ҳамон ўз ўйлари оғушида экан.— Демак, шундай!— гапни кесди у.— Эртага соат тўққизда шу ерда бўламан. У сенга айтган ҳар бир сўзни, ҳар бир саволни эслаб қол. Жавоб беришдан аввал ўйлагин. Юз марта ўйлаб, кейин жавоб бер, уқдингми?

Маҳмуд бош ирғади. Ёрматов ишонмай, афтини буриштирди.

— Кўзларингдан кўриб турибман, ҳеч нарсага тушунмадинг,— у бир дақиқа жим қолиб, панд-насиҳат оҳангида гапирди:— Маҳмуд, бу учрашувинг сиёсий тусга эга, келажакнинг шунга боғлиқ.

— Тушуниб турибман.

Аммо Ёрматов кескин гапини бўлди.

— Бобоев — республикадаги иккинчи шахс, унинг бу-
гунги лавозими — юқорига сакраш учун сўнгги босқич. Ус-
монхўжаев билан шундай бўлган эди, Нишонов ҳам шу
йўлни босиб ўтди. Буни унутма.

— Энди ҳаммасига тушундим!— чуқур нафас чиқарди
Маҳмуд.

— Тушунган бўлсанг, Худога шукур!— кулди Ёрма-
тов.— Англашимча, сенга лотерея, ютуқли пул-буюм
лотереяси чиққанга ўхшайди, қовун тушириб қўйма.

— Хотиржам бўлинг,— ваъда берди Маҳмуд.

У рўзномалар биносидан чиққанида, соат миллари
еттига қараб жилаётганди.

Старшина либосидаги навбатчи миршаб Ёзувчилар
уюшмаси гувоҳномасидаги Маҳмуднинг суратига диққат
билан тикилди, рўйхатдан унинг исми-шарифини топиб,
Бобоевнинг хонаси қайси қаватда жойлашганини айтди.

Маҳмуд миршабга бош ирғаб миннатдорчилик
билдираркан, лифтда керакли қаватга кўтарилди.

Қабулхонада ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги хушрўй
аёлдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

— Ҳабиб Бобоевич мени соат еттига чақирган эди.

— Сиз Маҳмуд Умаровмисиз?

— Худди ўзи.

— Мен ҳозир...

У тезобланган эман эшик ортида ғойиб бўлди-ю, лекин
шу заҳоти қайтиб чиқди.

— Ҳабиб Бобоевич бирпас кутиб туришингизни илтимос
қилдилар.

Маҳмуд бош ирғаб, ўнг томондаги курсига бориб
ўтирди.

— Ёнида кимдир борми?— сўради у котибадан.

— Ҳабиб Бобоевич яна бировларни кутаяпти.

Яна бировларни... Лекин кимларни? Унинг вазиятида
бу топишмоқ айтарли мураккаб эмас, хаёлидан ўтказди
Маҳмуд. Қабулхонадан чиқиб, даҳлиздаги каттагина
фойега ўтди-да, дераза томонга ўгирилди. Йигирма
дақиқалардан сўнг гўнғир-гўнғир овозларни эшитди.
Даҳлиздан одамлар келишаётганди. Елкасига ёқимсиз
биотоклар урилгандай бўлди. Турган жойида ҳайкалдек
қотганча, конституцион ҳукумат раҳбарининг эшиклари
очиқлиб-ёпилганини ҳаво мавжлари орқали илғади.

— Сизни ичкарига чақиришаяпти,— деди котиба ортидан бир маромдаги расмий овозда.

Маҳмуд худди рингга чиқаётгандай руҳан ўзини тайёрлаб, эман эшикни ўзига тортди. Маҳобати ва оғирлигига қарамай, хаёлан унинг энгил ва унсиз очилганини қайд этди.

— Киравер, Маҳмуд.

Бобоев улкан столнинг тўрида ўтирарди. Унинг ўнг ва чап томонларида ўзларини сипо тутишларига қараганда, Маҳмуд фақат иккитасинигина танимайдиган фирқа раҳбарлари ўтиришарди. Уларнинг бири — Холмуҳамедов Мутал Ҳошимович, мафкура бўйича Марказқўм котиби, фирқа тарихи бўйича диссертация ёзган, тарих фанлари доктори, бу лавозимга ўтирмагунча фирқа доираларида жиддий обрўга эга бўлмаган, моҳиятан камтарин ва кек сақламайдиган одам эди. Иккинчиси — тақдир тақозоси билан вилоят миқёсида фирқа раҳбарлиги лавозимига сайланган, фан оламида Ўзбекистондагина эмас, хорижда ҳам улкан мавқега эга таниқли туркшунос олим; академик Фозилов Адҳам Фозилович эди.

Ички ҳиссиётлари ва Ҳотамовнинг ўз хўжайинларига берган тавсифномалари тўғри чиқса, Бобоевнинг хонасига республика раҳбариятининг қаймоғи: Сатин, Анишчев, шунингдек, сочлари орқага силлиқ қилиб таралган, қалин кўзойнаклари ортидан митти кўзларининг рангини ажратиш қийин бўлган нотаниш кимса ва бошқалар тўпланишган эди.

Бобоев кўзлари билан столнинг охирида турган курсига ўтиришни имо қилди.

— Марҳамат.

У Маҳмуднинг жойлашиб олишини кутди.

— Ишлар қалай? Қандай янги асар ёздингиз?

— Ҳозирча ҳеч нарса,— савол соф дабдаба маъносидалигини Маҳмуд тушуниб турарди.— Янги китоб учун маълумотлар йиғаяпман.

— Яхши,— бош ирғади Ҳабиб Бобоевич.— Бугунги кун ижодкор одам учун бой материал беради.

— Яқинда мен нашриётларнинг мавзу режаларини кўриб чиқдим, уларнинг иккитасида Умаровнинг китоблари режалаштирилган,— Холмуҳамедов Маҳмудга савол назари билан қаради.— Улар янги асарларми ёки қайта нашрми?

— Мен ҳозирча китобларимни қайта нашр эттириш имтиёзига эга эмасман.

— Театрларни ҳам ўз асарлари билан тўлдириб ташлаган.

Бу — энди Сатин гапга қўшилганди. Маҳмуд унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, Холмуҳамедовга тикилганча, сўз қотди:

— Ҳар бир театр ўз репертуарини ўзи тузади, томошабинни алдаб бўлмайди.

— Пьесаларингизни томошабин ёқтирадимиз? — Сатиннинг киноясини қувватлади Анишчев.

— Пьесаларимга одамлар бажонидил боришади. Уларни театр репертуарларидан олдириб ташлаш ҳақидаги Марказқўм бюроси қарорига қарама-қарши ўлароқ.

Бобоев республика бош мафкурачисига таажжуб ва савол назари билан қаради.

— Бунақаси аввалги раҳбарият даврида содир бўлгандир-да?

Маҳмуд индамай елкасини қисди.

— Ҳозиргиси ўша қарорни бекор қилгани йўқ.

— Лекин, билишимча, Тошкент театрларида сизнинг пьесаларингиз қўйилапти-ку?

— Бу Марказқўм бюроси қарорига қарамасдан, — тўнгиллади Маҳмуд.

— „Звезда Востока“ ойномаси ҳам янги романингизни боса бошлаши юзасидан эълон берибди, — қайд қилди Романовский.

Бобоев кулди.

— Мана кўрдингми, Маҳмуд, сенинг ижодинг билан катта ўртоқлар қандай қизиқишади. Бу кўп нарсадан далолат, сен бўлсанг, митингларда ўйлаб ўтирмай, салга каллани узишни талаб қиласан!

Бобоев нигоҳи билан бошқаларни ўзини қўллаб-қувватлашга чорлади.

— Эҳтимол, сенга яна нимадир етмаётгандир?

Маҳмуд худди зарба олгандай сесканиб тушди.

— Менда ҳамма нарса етарли.

— Сиз Ҳабиб Бобоевични нотўғри тушундингиз, Маҳмуд Умарович, — деди Холмуҳамедов таскин берувчи мулоим оҳангда. — Агар пьесаларингиз билан бўлгани каби олдингизда бирон муаммоларингиз бўлса, айтинг — биз сизга ёрдам берамиз.

— Тортинмай, айтавер, Маҳмуд.

Бобоев столи остидаги чақирув тугмасини босди, эшикда пайдо бўлган котибага қисқагина қилиб чой дамлашни буюрди.

Котиба чиқиб кетди ва бир дақиқадаёқ қайтиб кириб, столга иккита чойнак ва саккизта пиёла қўйди. Пиёлаларга чой қуйиб, бир-бир ҳамманинг олдига қўйиб чиқди-да, яна хонани тарк этди.

— Ҳеч қандай муаммом, ҳеч қандай шикоятим йўқ,— деди Маҳмуд бир зумлик сукутдан сўнг.— Нашриётнинг бош муҳаррири муовини лавозимидан ишдан олишгандаям, пьесаларим, кинофильмининг сценарийсини тўхтатиб қўйишгандаям улар бўлмаган, бугунги кун ҳақида эса, гап йўқ. Ишларим ҳаммаси жойида. Ойномаларда босилиб турибман. Нашриётлар ҳам китобларимни чоп этяпти, пьесаларим ҳаммаёқда қўйилаяпти. Телевидение ва киностудияларда ҳам асарларим асосида фильмлар олинаяпти. Ёш рафиқам, ажойиб уйим, тоғда чорбоғим ва машинам бор... Инсонга яна нима керак? Йўқ, ҳаммаси жойида.

— Ҳеч қандай муаммоси бўлмаган одамни биринчи кўришим!— беихтиёр гапга аралашди Фозилов.

— Нега муаммо бўлмас экан?— таажжубланди Маҳмуд.— Муаммо бор. У фақат менгагина эмас, бутун халқимизга ҳам тааллуқли.

— Мана бу қизиқ гап, эшитайлик-чи! — деди кўзойнакли кимса жонланиб.

— Мен халқимнинг чинакамига озодлик ва тенг ҳуқуққа эришадиган, соддадиллиги ва сабр-тоқатли эканидан фойдаланиб, уни камситишлари ва ерга уришларидан халос бўладиган кунни орзу қиламан. Лекин ҳамма нарсанинг чек-чегараси бор, муаммони охиригача кескинлаштирмаслик, портлашгача олиб бормаслик керак.

— Халқ номидан гапиришга сизга ким ҳуқуқ берди?!— аччиғланди Холмуҳамедов.

— Нима, халқ номидан гапириш, унга нима керак, нима керакмаслигини ҳал қилиш ҳуқуқи фақат сизларга берилган деб ўйлайсизми?

— Ортингиздан кимдир эргашишига ишончингиз комилми?— шишасимон кўзларини Маҳмудга қадади Сатин.

— Келинг, синаб кўрайлик,— Маҳмуд пича жим қолиб, фирқа раҳбарининг нигоҳига бардош берди.— Халқ

ўртасига чиқайлик-да, унга нима керак, у кимга эргашади, сўраб кўрайлик.

— Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрдасиз чоғи?— сўз қотди Романовский сабри тугаб.

— Менимча, йўқ, одамлар мендан ҳимоя излашапти, ахир,— Маҳмуд бу қабиҳ башаралардаги кинояли илжайишни пайқамасликка интилиб, ўта жиддий гапирарди.— Менга қанча оғир бўлмасин, ожизлик қилишга ҳаққим йўқ, билъакс, мен уларнинг ишончини оқлашим керак.— У шахсан Бобоевга мурожаат қилиб, нигоҳини даврабошига қадади.— Ишонинг, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Агар улар мени фавқулодда йўқ қилиш пайига тушишса, у ҳолда...

— Нималар деб валдираяпсан, Маҳмуд?— деди Бобоев жаҳли қўзиб.

Маҳмуд йиғилганларнинг дарғазаб хитоблари тинишини кутиб турди-да, хотиржам гапида давом этди:

— Ажабланишга ўрин йўқ, сўрашингиз мумкин...— у Сатин томонга қараб енгил таъзим қилди.— Кимлардир буни режалаштираяпти,— у шаҳар фирқа дарғасига еб юборгудек нафрат билан тикилди.— Ё сизнинг эътирозингиз борми?

Сатин унинг ўтқир нигоҳига дош берди, лекин индамади.

— Такрорлайман, мен ўлимдан кўрқмайман. Агар бу қисматга рўпара бўлсам, демак, пешонамга ёзилгани шу, юқоридан ўлчаб берилгани шу, деб қарайман. Лекин мен шахсан сизга гапираяпман, Ҳабиб Бобоевич, агар эртага, бир ҳафта ёки бир ойдан сўнг мен билан, одатда бўладиганидек, бирон „бахтсиз ҳодиса“ юз берса, мен нариги дунёдан олдингизга келаман...

Бобоев худди сеҳрлангандай унинг кўзларига тикиларди. Унинг нимадир демоқчи бўлаётгани кўриниб турар, лекин тили калимага келмаётганди.

— Ҳабиб ака, бу гапларни сизга айтаётганимнинг боиси — мен бу ерга фақат сиз — улкан фан ва давлат арбоби, халқимиз кўп нарса кутаётган ижодий одамнинг таклифи билан келдим.

— Бас қил, Маҳмуд...— Бобоев асабий ҳолда тишларини бир-бирига босди.— Сен ҳали анча ёшсан, узоқ умр кўришинг, кўп китоблар ёзишинг керак. Бу ҳақда ўйлаб кўр.

— Жуда тўғри, Ҳабиб Бобоевич,— уни қўллаб-қувватлади Холмуҳамедов.— Унинг истеъдоди бор, Худо берган бундай неъматни беҳуда совурмаслик керак-да.— У Маҳмудга юзланди.— Ўзбекистонга „Ҳурлик“, байналмилал фронтларнинг нима кераги бор? Биз, ахир, Оврўпо эмасмиз, биз ҳатто Эстония ёки қандайдир Латвия ҳам эмасмиз, бизнинг халқимиз бундай савияга кўтарилмаган...

— Сиз бу билан мақтанаяпсизми?!— деди Маҳмуд ғазабини босолмай.— Мафкура бўйича фирқа котиби ўз халқининг шундай нодон, қолоқ ва сиёсий вазиятни баҳолашга лаёқатсиз экани билан мақтаниб ўтирса! Ҳайф-э, сизга!..

— Сиз чалғитманг, сўзларимни бузиб талқин қилманг!— Холмуҳамедовнинг юзи докадек оқариб кетди.

— Агар сиз бошқача ўйласангиз, қайта қуришнинг, агар у умуман зарур бўлса, асл моҳиятини халқимиз онгига етказишга ёрдам беринг.

— Биз нима қилаяпмиз?

Мутал Ҳошимович мажлис иштирокчиларини гувоҳликка чақиргандай кўзларини жовдиратди. Лекин мафкура бўйича фирқа котибини ҳеч ким қўллаб-қувватламади.

Маҳмуд маъноли сукут сақлаб, истеҳзоли кулимсиради.

— Ҳеч нима қилмаяпсиз, ҳамма гап шунда! Сизгамас, биринчи навбатда уларга,— у нафаслари ичига тушиб кетган "десант"чилар томонга ишора қилди,— осоийшталик, ҳаммаси эскича қолавериши керак. Улар Марказда ўз мухолифлари билан муносабатларини ойдинлаштиришаркан, чекка ўлкаларда турғунлик бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам улар бизга аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда „қўрқитинг“, „босинг“, „янчинг“, деган қатъий йўл-йўриқ ва кўрсатмалар билан "десант" ташлаган.

Маҳмуд Холмуҳамедовга, кейин Фозиловга қараб, нигоҳини Бобоевда тўхтатди.

— Сизлар уларни эплолмайсизлар... Модомики шундай экан, модомики сиз халқимизга қарши курашаётганларни тўхтатишга ожиз экансиз, буни уйддалашда бизга халақит берманг!

— Сиз нимага шама қилаяпсиз?— тилёғламалик билан қизиқсинди Фозилов.

— Сиз ҳаммасини тўғри тушундингиз!— деди Маҳмуд

унинг гапи оҳангида.— Шунга шама қилаяпманки, сизнинг жимгина розилигингиз боис республикада фирқа-куч тизимининг кудратли уруғ-аймоқчилик табақаси пайдо бўлди ва у бошқариб бўлмайдиган ташкилотга айланди.

Биринчи бўлиб Анишчевнинг сабр-тоқати тугади. Хона соҳибига дарғазаб нигоҳ ташларкан, столга зарб билан мушт туширди.

— Бу ерда нималар бўлаяпти ўзи?! У биз билан бундай гаплашишга қандай журъат қилади?

— Булар бари бежиз эмас!— қувватлади уни Сатин.

— У Ўзбекистон раҳбарларини ёппасига жиноятчига чиқариб қўйди-ку, ахир!— йиғилганларга мурожаат қилди Романовский.— Бунга нима ҳаққи бор?

— Ҳаққим бор!— асабий нутқидан сўнг Маҳмуд аста ўзига кела бошлаганди.— Чунки бу замин — менинг юртим. Мени эмас, сизларни душман ҳудудига ташланган „десант“чилар деб аташади. Мен эмас, сиз, ўртоқ Сатин, айрим олий ўқув юртлари ва мактабларда ўрис тилини маҳаллий миллат вакиллари ўқитаётганидан ғазабланиб, халқ маорифи раҳбарларини жонидан безор қилдингиз. Мен эмас, сиз шаҳар фаоллари йиғинида: "Мен биринчи котиб эканман, шаҳар прокурори ўрис бўлади!"— дея столга мушт урдингиз.

— Ҳабиб Бобоевич, ахир, бу бориб турган миллатчилик ва шовинизм-ку!— хитоб қилди Холмуҳамедов қўрқувга тушиб.— Биз бунга йўл қўёлмаймиз!

— Мен ҳам бунга йўл қўёлмайман,— деди Маҳмуд мафкуравий раҳбарнинг кўзларига тикилиб.— Шунинг учун ҳам барча жамоатчилик ҳаракатларини ягона халқ фронтига бирлаштириш ниятидаман.

— Дастурингиз борми ўзи?

Маҳмуд кескин бошини буриб, Фозиловга қаради.

— Бор. Дастур ҳам бор, низом ҳам.

— Бу ҳужжатлар билан бир танишиб чиқсак яхши бўларди. Бу мумкинми? Улар чинданам борми?

— Бу нафақат мумкин, зарур ҳам. Сизлар, ахир, халқ билан бирга бўлишингиз керак-ку.

— Халқ биз билан бирга бўлиши керак,— деди Холмуҳамедов.

Маҳмуд унга маъноли нигоҳ ташлаб, елкасини қисди.

— Агар сизга маъқул келса, шундай бўла қолсин.

Менинг эътирозим йўқ. Ваҳоланки, бу мавзуда ҳам анча баҳслашиш мумкин.

Маҳмуд бир дақиқа ўзининг ички руҳий ҳолатига қулоқ тутиб, кўзларини юмди. Оловга қўйилган бўш қозондай калласи ғувуллар, қизиб кетганди. Сув сепсанг, ҳозир буг кўтариладигандай. Соатига қаради, ў-ҳў! Қатъият билан ўрнидан турди.

— Мени кечиринг, Ҳабиб Бобоевич, бу ерга келганимга икки соату қирқ беш дақиқа бўлибди. Жуда чарчадим, зўриқишдан бошим оғриб кетди. Ижозат берсангиз, борай.

У эшик томонга бурилди. Шу ондаёқ Сатиннинг дарғазаб овози янгради.

— Наҳотки уни шундай осон қўйиб юбраверамиз?

— Жуда осон!— Умаров кинояли ҳорғин нигоҳини унга қадади.— Қандай келган бўлсам, шундай кетавераман,— шундай дея у хона соҳибига юзланди.— Ҳабиб Бобоевич, маъзур тутинг, ортиқ чидолмайман, толиқдим.

Эшик сари юрди.

— Шошма, Маҳмуд,— тўхтатди уни Бобоевнинг амирона овози. У селектор алоқа тармоғи тугмасини босди-да, қисқа қилиб буюрди:— Навбатчи машина чиқиш жойига келсин.— Кейин котибани чақирди:— Маҳмудни машинагача кузатиб қўй. Қаёққа деса, ўша ёққа олиб бориб қўйсин...

— Маҳмуд, салом, бу Маркс Мелиев.

— Салом.

— Сен мени излаётимидинг?

— Мен бир мақола ёзгандим, прокурор нигоҳи билан бир кўз югуртириб берсанг девдим.

— Ҳозир боришим мумкин.

— Кутаман.

Ярим соат ўтмай Маркс ошхонада ўтириб, мақолани ўқирди. Матн бўйлаб алланималарни қалам билан тузатиб, саволлар қўйиб, эътибор ила ўқирди.

У ўқиш билан банд экан, Гули ишга кетишдан аввал тайёрлаб кетган қийма гўштни қовурди, чой дамлади. Айни вақтда Маркснинг юзидаги ўзгаришни зимдан кузатди, лекин ундан бир нима англолмади. Ниҳоят, сўнгги варақни ўқиб чиққач, Маркс қўлёзмани йиғиштириб, Маҳмуднинг кўзларига қаради.

— Босишади, деб ўйлайсанми?

— Жуда қийин.

— Аввал Ёрматов билан гаплашиб кўраман, Масковда амал-тақал қилиши мумкин.

Маркс ишончсизлик билан бошини сараклатди.

— Бу мақоланинг тагига имзо чекишга у журъат қилол-маса керак.

— Нега бундай деб ўйлайсан.

— Албатта, мен янглишишим мумкин,— шошилишч қўшимча қилди Маркс кафтини қўлёзма устига қўйиб.— Уни Ёрматовга кўрсатишдан аввал менинг тузатишларимга эътибор қил, ҳар эҳтимолга қарши.

— Яхши.— Маҳмуд Марксга бетоқат тикилди.— Умуман, мақола қалай? Ёқмадими?

Маркс қўлини силтади.

— Нега энди дарров ёқмас экан?! Мен уни ҳуқуқшунос сифатида Дидоренко ва Гайдановларга қўл келадиган янглиш ва ноаниқликлар бўлмасин, деган нуқтаи назардан ўқидим. Билиб қўй, улар бир илинтиришса, бўлди, қўйворишмайди.

— Шунинг учун ҳам сендан диққат билан ўқиб чиқишни илтимос қилдим-да,— рози бўлди Маҳмуд.

— Унинг ўқувчига таъсир кучига келсак, очигини айтмай, оғир таассурот қолдиради.

— Нимаям дердим, жуда яхши. Демак, лоқайд қолдирмайди.

Шундан сўнг Маҳмуд Маркснинг тузатишларини эътибор билан кўздан кечириб чиқди, уларнинг бирортаси ҳеч қандай эътироз уйғотмади. Пиёлаларга қуйилган чой аллақачон совиб қолганди.

Маҳмуд Марксни лифтгача кузатиб қўйди-да, айвонга чиқди. Саккизинчи қаватдан тунги шаҳар чироқлари афсонавий бир манзара касб этганди. Тун осойишталигида Маҳмуд Маркс, унинг отаси ва укаси ҳақида ўйга толганди.

Бир вақтлар мустаҳкам илдизи, ўз анъаналари, кенг алоқалари билан машҳур тошкентлик бу оила Гайданов ва унинг гумашталарининг зўравонлиги олдида шу даражада ожиз ва чорасиз бўлиб қолгандики, уни бадном қилиб, прокуратура тизимидан улоқтириб ташлаш осонгина кечганди. Бунинг учун қандайдир қарорларга ҳам ҳожат

қолмаган, мармардай совуқ юзларидаги шишасимон ўлик нигоҳли биргина одам — биргина генералнинг истак-хоҳишлари етарли бўлганди.

Эрталаб соат тўққиз яримда Маҳмуд тузатилган мақоласини кўтариб, Ёрматовнинг хонасига кириб келди.

— Кир, киравер, осойишталик бузғунчиси.

Маҳмуд Элёр Раҳматуллаевичнинг қўлини маҳкам қисди.

— Бирон гап эшитиб улгургандирсиз?

— „Юқори“даги учрашувингними?— Ёрматов пича жим қолиб, дўстона кулди — Эшитдим. Роса бошлабсан-ку уларни,— Ёрматов пиёлага чой қуйиб Маҳмуднинг олдига қўйди.— Ана энди гапир.

Маҳмуд Ёрматовнинг столига мақолани қўяркан, бошини чайқади. Сўнгги бетда иккита: Ёрматов ва Умаровнинг исм-шарифлари ёзилганди.

— Аввал мақолани ўқиб чиқинг, учрашув ҳақидаги ҳикоя эса, ҳеч қаяққа қочиб кетмайди.

Ёрматов ҳайрон бўлди.

— Ёзиб бўлдингми? Қачон улгурдинг?

— Улгурдим,— жавобдан қилди Маҳмуд.

Ёрматов бош ирғаб улгурмай, ўқишга шўнғиди. Ярим соат мобайнида лом-мим деб оғиз очмади. Ниҳоят, ўқиб тугатгач, қаддини ростлаб, Умаровга тикилди.

— Нима таклифнинг бор?

— Менга сизнинг ҳаммуаллифликка розилигингиз керак, кейин шу заҳоти ҳужумга ўтаман.

— Мақоладаги ҳар бир дастурга исбот-далиллارнинг борми?

— Ҳар бир сўз, ҳар бир сатр учун каллам билан жавоб беришга тайёрман.

Ёрматов истеҳзоли кулимсиради.

— Бу ерда кундага фақат ўзингнинг каллангни эмас, меникини ҳам қўяяпсан, буни унутма.

Стolni бармоғи билан тақиллатаркан, ҳамма "қўшув" ва "олув"ларни тарозига солиб чиқди. Ёрматов ўздан фарқли ўлароқ бу иш билан кўп нарсa, жуда кўп нарсa йўқотиши мумкинлигини англаб, жимгина жавобини кутарди.

Ниҳоят, бир қарорга келиб, телефонни олдиға сурди.

— Муҳим бир иш қиламиз. Мен бир одамға сим қоқаман,— у телефон рақамларини тера бошлади.— Рес-

публика Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси муовини Вали Қудратовга. У ҳамма ишларимиздан бохабар, агар у "фатво" берса, енг шимариб ишга киришамиз...— Вали Қодирович, саломалайкум, „Человек и закон“ („Инсон ва қонун“) ойнотмасидан Ёрматов безовта қилаяпти.

— Қулоғим сизда, Элёр Раҳматуллаевич.

— Бир муҳим масалада сиз билан маслаҳатлашиб олишимиз керак. Бир неча дақиқа вақтингизни бизга ажрата оласизми?

— Нима гап ўзи?

— Маҳмуд Умаровни сиз билсангиз керак, дарвоқе, мен сизга у ҳақда гапириб бергандим, ўша йигит Дидоренко ва Гайдановнинг зўравонликлари ва ўзбошимчаликлари ҳақида анча...

— Элёр Раҳматуллаевич, ҳозир вақтим йўқ, тушунасизми...

— Беш дақиқа, Элёр Раҳматуллаевич,— бўш келмасди Ёрматов.

— Ярим соатдан сўнг сафарга жўнаяпман, афсус, имконим йўқ...

— Яхши, мен мақолани тўхтатиб тураман. Қайтиб келганингиздан кейин кўришамиз, шундай қилсак бўладими?

— Ҳеч нима ваъда беролмайман. Хайр, Элёр Раҳматуллаевич.

Узуқ-юлуқ дуд-дудлаш эшитилди...

Ёрматов дастакни жойига қўйди. У довдираб қолгани кўриниб турарди.

— Иш чатоқми?

Ёрматов унга маънисиз тикилди.

— Ҳеч қачон бунақа бўлмаган, тушунаяпсанми? — Ёрматов ҳозиргина бўлиб ўтган мулоқотини қайта-қайта хаёлида жонлантирди.— У ҳеч қачон мен билан учрашувдан ўзини олиб қочмаган ва кутилмаганда бундай муомаласи... Бу яхшиликдан далолат бермайди. Жуда чакки бу.

— Қўяверинг, Элёр Раҳматуллаевич! — уни тинчлантиришга уринди Маҳмуд.— Учрашгиси келмаса, учрашмай қўяқолсин. Мақола ёзиб бўлинган, унга йўл очиш керак, вассалом.

— Биласанми, Маҳмуд, мен сени жуда яхши тушуниб турибман. Сен анча ўткир мақола ёзибсан, мен сенга уни чоп этишни ман қилолмайман. Уни қайсидир Масков ойномаси ёки рўномасига жўнатишинг мумкин, лекин... менинг исми-шарифимсиз.

— Тушунмадим. Сиз бу мақолага қаршимисиз? Наҳотки телефондаги манави аҳмоқона суҳбат сизни шу даражада қўрқитиб юборди? Сиз таниқли журналистсиз, энг машҳур ойноманинг махсус мухбирисиз, мен ҳам сўнгги одам эмасман, нимадан қўрқамиз, Элёр Раҳматуллаевич?

— Жуда тўғри фикр! — кўзларини олиб қочди Ёрматов.— Сен хоҳлаган нарсангни ёзишинг мумкин. Лекин тақрорлайман, мени қўшма!

— Демак, сиз мақоланинг тагига имзо чекишни истамасиз?

— Сен ёзган асарнинг тагига мен қандай имзо чекай, Маҳмуд? Сен ёзган, сен муаллиф бўлсанг, қолаверса, ҳеч қандай иштироким бўлмаган ишга ҳаммуаллифлик даъво қилишни виждоним қабул қилмайди.

— Яхши, мен мақоладан сизнинг номингизни олиб ташлайман.

Бу сўзларни у бошини қуйи солиб айтди ва куч билан чаккасини уқалай бошлади. Шу лаҳзаларда ўзини нима безовта қилаётганини у Ёрматовга айтолмас, асло айтолмасди. Эрталаб унинг уйига Орифжонов келиб улгурган ва икки кишининг имзоси қўйилган мақоланинг бир нусхасини олиб кетганди. Мақолани зудлик билан юзлаб нусхаларга кўпайтиришга ваъда берган Нурматни тўхтатиш керак эди, лекин ҳозиргина берган сўзининг устидан чиқиши учун буни қандай бажаради, уни қардан излайди?

Кечаси Маҳмудни хотини уйғотди.

— Маҳмуд ака, яна сизни сўрашяпти.

— Яна ким экан?

Маҳмуд соатига қаради, Оббо, бирдан ошибди-ку!..

— Қўқондан, Шароф Розиков жўнатибди.

Маҳмуд мудроқ ҳолатда эгнига чопонини ташлади-да, ётоқхонасидан чиқди.

Остонада Розиковнинг содиқ ёрдамчиси Мўминтой кулиб турарди. Гули эрини уйғотгунча ва Маҳмуд туриб

чиққунча у уч литрлик бонкани совуқ сувга тўлдириб ул-гурган, қонида шакар кўпайиб кетгани боис бусиз сафарга чиқмас эди.

— Нима гаплар? Тинчликми?

— Хўжайин сизни Қўқонга бошлаб келишни буюрди,— Мўминтой ўзининг бировга қарам, оддий ижрочи одам эканини англатишга уриниб, қўлларини ёзди.

Маҳмуд кўп ўйлаб ўтирмай, кийингани ичкарига йўналди. Гули унинг бунақа вазият учун махсус тайёрлаб қўйилган қопчигини олиб чиқди...

Мошинада, шаҳар чегараси анча ортида қолиб кетганда, Мўминтой ортиқ чидай олмади:

— Сизни катта тўй кутаяпти, Маҳмуд ака. Шароф буйруқ олди, ўзининг аввалги хизмат лавозимига тикланди.

— Нега дарров айта қолмадинг, сир сақлашнинг нима кераги бор эди?

Бу гапни у ўта ланж оҳангда гапирди. Чунки Шароф ҳам, Мўминтой ҳам, ҳатто Маҳмуднинг ўзи ҳам бу ташрифнинг асл сабабидан хабар топганида, Умаров қанча илдамоеъ бўлмасин, йўлга чиқмаслигини билишарди.

Мўминтой газни узлуксиз босганча „Жигули“ни учуриб борар, спидометр миллари 120 дан пастга тушмаётганди. Эрталаб соат тўртда машина Рўзиевнинг ота-онаси ту-радиган уйнинг рўпарасида тўхтади.

Шароф машина овозини эшитиб, дўстлари ва қарин-дошлари қуршовида дарвозага чиқди. У ғалаба нашидасини сураб, бамисоли гул-гул ёниб, ўзидан учқун таратарди.

— Базми жамшид қилаяпсанмй, Шарофжон?

Улар қучоқлашиб кўришишди.

— Албатта-да, Маҳмуд ака! Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Шарофнинг бутун вужудидан ўз-ўзидан мағрурлик ва тўқлик уфурарди. Маҳмуд унинг эзилганларию хизматга шайлигидан асар ҳам қолмаганини ўзича қайд этди. Ҳозир унинг қаршисида ўзига ва ўз келажагига қатъий ишонган бойвачча, тўра турар эди.

Шароф илгар-илгамас имо билан атрофидаги гумашта-ларини тарқатиб юборди.

У столга антиқа идишда „Золотое кольцо“ ароғини қўйди.

— Ичамиз энди... Ғалабангиз учун!..

Лекин Шароф унинг гапани бўлиб, яна такрорлади:

— Йўқ, Маҳмуд ака, бугун — сизнинг ғалабангиз учун. Мен ўз хонамга қайтиб кирдим ва бу фақат бошланиши. Кўрасиз, мен ҳали амакимга ўхшаб, генерал ҳам бўламан.

Розиқовнинг бу сўзлари нечоғли башорат эканини порахўрликда айбланиб, ўн йилга қамалган одамнинг атрофидаги яқинлари ва уруғ-аймоқлари хаёлларига ҳам келтиришмаган ва бунга ишонишмас эди. Унинг мақтанчоқлиги ва ўзига ҳаддан зиёд ишонганлиги учун ҳам хаёлларига келтиришмасди. Ишонмасликларининг боиси эса, жиноий жавобгарликка тортилиб, яна ўз ишига тикланган, боз устига, катта бошлиқ бўлиб кўтарилган одам суд идоралари тарихида кўрилмаган ҳодиса эди.

Фарғона водийси ҳудудидаги етакчи тижорат маркази саналмиш Қўқон БХССи янги бошлиғининг мамнун юзига тикиларкан, Маҳмуд унинг келажагини тасаввурида жонлантириб кўрди. Ҳатто у ҳам ўз васийлиги остидаги одамнинг бу даражада шиддатли парвозини тахмин қила олмасди.

Адвокат Вайсман, бамисоли унинг фикрини ўқиётгандай, кўнгилчанлик билан файласуфона жилмайди.

— Азизим Маҳмуд! Агар сиз ҳаётий қувватингизни бундай беҳуда сарфлайверсангиз, узоққа боролмайсиз. Агар бу ерингиз,— у кафти билан кўксига шапатилади,— бўшаб қолса, яшашни ҳам истамай қоласиз.

Маҳмуд пиёладаги ароқни худди доридай бир сипқоришда ичиб қўйди.

— Мен сиздан анчадан бери бир нарсани сўрамоқчи эдим, Михаил Федорович. Мана сиз бир неча йилдан бери Розиқовнинг озодликка чиқиши учун самимий курашингиз. Ўзингиз унинг айбсизлигига ишонармидингиз?

Вайсман дарров жавоб бермади. Пиёласига шишадан сув қуйиб, лабларини қўл сочиқ билан артди.

— Мен адвокатман ва қайсидир ишга киришарканман, ўзимга ўзим кераксиз саволлар бермайман, умуман, таҳлил қилиб ўтирмайман. Ҳимоя қилишим керак бўлган одам айбланаётган жиноятнинг асл сабабларини билишни истамайман. У жиноят содир қилганми, йўқми,— буни ҳам билишни хоҳламайман. Мен ўз ишимни яхши бажаришим керак, чунки вазифам — ҳимоя қилиш. Лекин бунинг яна бир муҳим шарт бор: қалбимда мен ҳимоя қилишим ке-

рак бўлган одамга нисбатан озгина бўлса-да, майл уйғониши лозим.

— Розиковга-чи, унга нисбатан бу майл дарров уйғондими?

Маҳмуднинг кўзларида кулгу жилваланди.

— Ҳар ҳолда хуш кўрмаслик туйғуси уйғонмади, шунинг ўзи ҳам катта гап. Ўзингиз-чи, Маҳмуд, у сизга мурожаат қилганида, сиз унга ишонганмидингиз?

Маҳмуд бир зум ўйлашиб қолди. Вайсман Розиковга кўзини қисди.

— Майли, жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин.

— Нега энди, жавоб бераман, яширадиган сирым йўқ,— деди Маҳмуд жиддий.— Айни шу воқеада Розиков айбдор эмас эди, уни ҳимоя қиларканман, мен адлия таъмоиллари учун курашдим. Сиз жуда яхши биласизки, у фаришта эмас, дарвоқе, буни Сабардин ҳам ўз вақтида кўп таъкидлаган. Шароф унга баъзан пора олишини тўғридан-тўғри айтган, лекин уни уйдирма иш юзасидан ҳибсга олишган. Ва мен айни шу адлия тизимига қарши исён кўтардим...

— Менга қаранглар, фалсафани бас қилинглар! — гапга аралашди Шароф ва нигоҳини Умаровга қадади.— Маҳмуд ака, муҳими, мен яна ўз жойимдаман. Энди бизда ҳеч қандай бош оғриғи ишлар бўлмайди. Энди мен ишлайман, азизим! Сиз бўлсангиз, китобларингизни ёзинг, ҳордиқ чиқаринг!..

Вайсман Маҳмудга кўзини қисиб, Розиковни қувватлади:

— Асосийси, у тикланди, энди ҳеч нарса ҳақида ўйламасак ҳам бўлади.

Шарофнинг юз қиёфаси ҳаддан зиёд жиддийлашди.

— Албатта шундай бўлиши керак! Нега энди кўп ўйлашимиз, Дидоренко билан уришимиз керак? Ахир, у ёмон одам эмас экан-ку! Сўзининг устидан чиқди-ку.

Маҳмуд ҳушёр тортди.

— У сендан нимадир сўрадими?

Розиков кўзларини олиб қочди.

— Ҳеч нарса. Генерал қандайдир катта лейтенантдан, боз устига, собиқ маҳбусдан нимани сўраши мумкин?— У пиёлаларга тўлдириб ароқ қуйди.— Келинглар, ичайлик, ҳозир кабоб олиб келишади,— у очиқ эшикка қараб амир қилди: —Мўминтой, қаёқдасан?

— Шу ердаман, Шароф ака.

Мўминтой жами ўтгиз иккита тишини кўрсатиб жилмарди. Столга катта лаганда ҳиди гуркираб турган кабоб олиб келди, бўш шишаларни йиғиштириб олди.

Маҳмуд Розиковга тикиларкан, ҳаётнинг нечоғли ғаройиблиги ҳақида ўйга толди. Бу қонун посбони қарийб икки йил қамоқда ўтирди, лекин чинакамига ҳеч нарсаси туймаган, чинакам азоб-уқубат чекмаган эди. Тақдир унга кулиб боқди, у яна озодликка чиқиб, суюкли курсисига қайта ўтирди-ю, бамисоли ҳеч қандай изтироблар бўлмагандай, барини ўнутди...

Президентнинг эътиборига тушиб, вазиятни тўғри баҳолай билмаган ва мустақил фирқа раҳбари сифатида гўё ўзини ҳалоскор масиҳ фаҳмлаб, бир дақиқадаёқ баридан жудо бўлган Сафар Болта каби қусур ва камчиликлари шундоқ кўзга ташланиб турган ўртамиёна бир одамни Лаҳфул Маҳфуз фавқулодда юксакларга кўтараркан, бунинг нечоғли аянчли оқибатларга олиб келишини айтиш вақтда Яратгандан бўлак ҳеч бир зот билмайди.

Оқсоч тарих ҳокимият чўққисига жадал кўтарилиб, яшин тезлигида жарга, йўқлик қаърига қайта қулаганларнинг кўпини кўрган. Бунда қандайдир тушуниб бўлмас қонуният бордек, янада аниқроқ айтганда, Ер юзидаги жами мавжудотларнинг туғилиши, яшаши ва ўлимини бошқарувчи илоҳий кучлар томонидан аввалдан тузилган дастур, тайёр тақдир лойиҳаси мавжуддек. Бу кучлар айтиш вақтда ўша дастур ва лойиҳаларга инсон қисматига жиддий таъсир кўрсатувчи муайян зиддиятлар ва кескин вазиятларни ҳам жо этгандай. Дунё ўзи шундай тузилган чоғи: бир одамнинг мағлубияти иккинчисининг туғилишига замин яратади. Эзгулик ва ёвузлик, нур ва соя, жаллод ва қурбон, муз ва олов бир-бирларини инкор этувчи ҳилқатлардир, айтиш дамда уларни бир-бирларидан ажратган ҳолда тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Эҳтимол, шунинг учун ҳам жаллод ва қурбон бир-бирларини теран ҳис қилишади, бир-бирларидан нафратланишади ва... бир-бирларига интилишади.

Ўша пайтдаги республика соҳиби Рафиқ Нишоновнинг ўз қўл остида ишлайдиган, саксовулзорлар ва қайноқ қум барханлари билан ўралган олис вилоят раҳбари бўлган фирқа саркотибига нисбатан очиқдан-очиқ нафрати фикримизнинг ёрқин далилидир. Эҳтимол, айнан ўша

соҳиб васваси билан қудратли Тельман Гдлян навқирон ва қалтис феъл-атворга эга саркотибни сиқувга олиб, ўз гу-машталарига, қандай бўлмасин, уни „синдиришни“ буюради. Улар кимлар ўтмаган улкан ҳудуд ва миллионлаб заҳматкаш халқ тақдири яқин истиқболдаёқ ана шу одамга боғлиқ бўлишини олдиндан туюб, кўра билгандек, „мағрур“ саркотибнинг обрўсини тўкадиган далолатлар беришни талаб қилиб, роса тер тўкишади, қариндош-уруғларининг бошига ит кунини солиб, акасини қамоққа олишади. Вақт-соати етиб, бугун улар қўрқитиб, „синдириш“га интилаётган айни шу одам хўрланган, қўрқитилган ва эзиб-янчилган ўлка жоловини қўлига олади ва империя тизими тўридан чиқариб оларкан, улкан салтанатнинг парчаланишини бошлаб беради. Айнан шундай чалкаш, чорасиздай туюлган мураккаб даврда жамият ҳаётида фавқулодда буюк шахслар майдонга чиқади. Бундай шахс келажак авлодлар учун миллатнинг чинакам гурури ва ифтихори тимсолига айланади. Бу айнан шундай бўлади ва бу тарихнинг азалдан белгиланган қатъий ҳукмидир. Лекин булар бари ҳали олдинда эди. Истиқлол ва мустақилликкача ҳали қўп қовун пишиғи бор, ҳали кўп азобларга бардош бериш, изчил курашлар билан кўп тўсиқларни енгиб ўтиш керак эди. Ҳозирча эса...

Шароф Розиковнинг тақдири ҳам ғаройиб кечади. Амал поғоналари бўйлаб жадал юқорига кўтарилади. Қарийб бир йилдан кейиноқ шаҳар милиция бўлимига раҳбарликни қўлига олади. Босар-тусарини билмай қолган янги бошлиқни вилоят раҳбарлари тартибга чақириб қўймоқчи бўлиб, уни вазифасидан озод қилишганида, ақл бовар қилмас ҳодиса юз беради. Миршаблар ўз хизмат вазифаларига киришишдан бош тортишади, ўз вакилларини вазирлик ҳузурига жўнатишади ва янги тайинланган шаҳар бўлими раҳбарини ташқарига ҳайдаб, ўз бошлиқларини сақлаб қолишади. Яна бир мунча вақтдан сўнг Шароф Розиков вилоят Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи лавозимини эгаллайди. Энди унинг елкаларида полковник юлдузлари чирой очади ва муқаддас орзуси — ҳошияли генераллик шимини кийишига бир баҳя қолади. Аммо... тақдир ундан яна юз ўгиради.

Таассуфки, Шароф Розиков ўзининг субутсизлиги, калондимоғлиги ва одамларни назар-писанд қилмаслигининг

қурбони бўлади, асосийси, кимдир қачондир қамоқхонага овқат келтирмаган, кимдир хотинига салом бермаган, унинг фикрича, кимдир қамоқхонадан чиқишига ёки амал поғоналари бўйлаб юқорига кўтарилишига кўмаклашмаган бўлса, ҳаммасидан шармандаларча ўч олишга киришади. Ҳатто ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, унинг айбсиз эканлигини исботлашга чин дилдан ёрдам берган ва айбловнинг жами моддалари бўйича оқланишига эришган одамлар ҳам Розиковнинг нафратига дучор бўлишади. Дўстлари ва яқин одамларини рад этаркан, у яқин ўтмишдаги „қора кун“ларини хотирасидан соқит қилишга уринарди. Юксак лавозимни эгаллаган Розиков бурч туйғусини буткул унутади, жиноятчиликка қарши курашда фақат қонунга таяниб ҳалол иш юритишга бўйни ёр бермай қолади.

Аммо бурч худди виждон каби маънавият тоифаларидан саналади ва уни қисман ёки ярим-ёрти ҳолда адо этиш мумкин эмас. Бурч юкини ўзидан соқит қиларкан, инсон нафақат фойдасиз мавжудот бўлиб қолади, балки ўз хулқ-атворининг барқарорлигидан ҳам сўзсиз айрилади, иккига бўлиниб, охир-оқибат ўз муҳолифига айланади. Залворли либос остида яширинган бўлса-да, инсоннинг ўз-ўзига бундай хоинлиги учун қалбини инқирозга юзтубан этади ва шахс сифатида сўнишига олиб келади. Бундай аччиқ сабоқни ҳаёт Шароф Розиковга ҳам атаб қўйганди — кўп бор чап беришга уринган ва лекин ўзидан кучлироқ чиққан шарт-шароит тақозоси билан у юксак лавозимидан жудо бўлади. Милициянинг маҳобатли ҳукмронлик доирасидан сиқиб чиқарилган Розиков фавқулодда ғафлат уйқусидан уйғониб, тирмашиб-тармашади, лекин бу тармашиш ҳам энди уни пастга судрайди. Бунинг сабаби кундай ойдин: у ўз хотираси куюкларини жуда тез унутган ва шу боис ҳам жарликка қулаган эди...

Маҳмуд яқин таниши, катта фирқа раҳбарларидан бирининг сўзларини бот-бот эсларди, у бир кунги дилини ёзиб, катта ҳокимият ўзини қувонтирмаслиги, ҳокимият билан бирга ўз келажагинг, яқинларинг ва дўстларингнинг келажаги учун хавотир туйғуси ҳам келишини, чунки бу юксак курсида унганча ўтирганларнинг бирортаси ҳам ўз ирода амри ила кетмаганини ёзғириб гапирган эди.

Ҳаёт бевафоликларга тўла. Республикани йигирма йилдан зиёд давр мобайнида Отахон бошқарди — Шароф

Рашидовни яқинлари шундай деб аташарди. У ўз халқига садоқат билан мардона ишлади. Ёвузлик салтанатидаги мураккаб ва қалтис шарт-шароитга қарамай, ўз Ватанига хиёнат қилмади, одамларнинг бурнини қонатмади, зиёлиларнинг бошини силади. Бообруў юрт соҳиби вафот этгач, унинг ўрнини эгаллаган нимжон вориси Иномжон Усмонхўжаев, ўз таъбири билан айтганда, унинг сеҳри (гипнози) остида яшаган бўлиб чиқди, ўз ўтмишдошининг жами ютуқларини лойга булғаб, унинг арвоқини таҳқирлади.

Аммо азалдан бўлиб келганидай, ҳаёт одамларнинг ожизликлари ва бевафоликларидан беомон қисмат яратади. У отахон руҳини ноҳақ чирқиратганларни ҳам шафқатсиз жазолаб, уларнинг устидан аччиқ кулди. Усмонхўжаев „тахт“да узоқ ўтирмади, у ишдан олиниб, озодликдан маҳрум этилди ва узоқ йилларини жиноятчилар орасида, унча олис бўлмаган куфр жойларда ўтказди.

Сўнгра... сўнгра Рафиқ Нишоновга навбат келди. Халқда унга қўрқоқлиги, хушомадгўйлиги ва узоқни кўра билмаслиги учун „қулупнайчалар“ деган лақаб беришганди, унинг бу қусурлари айниқса Фарғона ва Қўқондаги қонли воқеаларда яққолроқ намоён бўлди ва Рафиқ Нишоновичнинг таъбири билан айтганда, бунга бозордаги бир тоғора қулупнай сабаб бўлган эмиш. Ўз юртида хунрезлик ва босқинчилик кечаётган оғир паллада у Горбачевнинг ортида яшириниб, хотиржам яшади, ўзининг юксак ва енгил вазифасидан лаззатланиб, қўш-қўш микрофонларга бемаъни ва пуч сўзларни валақлади. Ҳаёт тўлқини Нишоновни ҳам четга суриб ташлади, бамисоли у ҳеч қачон бўлмагандай, буткул итқитиб ташлади...

Тақдир экан...

Андижондан Нурмат Орифжонов қўнғироқ қилди.

— Маҳмуд ака, мақолангиз қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳисоб-китобим бўйича, мингдан ортиқроқ нусада кўпайтирдик.

Маҳмуднинг танасига муз югургандай бўлди.

— Ундан Ёрматовнинг исми-шарифини олиб ташладингми?

Жимлик.

Маҳмуд тушундики, олиб ташламаган ва у синиқ овозда сўради:

— Ҳамроқул сенга қўнғироқ қилибмиди? Мен ундан илтимос қилиб, сенга сим қоқишни ва албатта Ёрматовнинг исми-шарифини олиб ташлашни айтувдим.

— Унутибман, Маҳмуд ака.

Энди у Ёрматов билан бўлажак даҳшатли жанжални тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. У ўзини нима деб оқлаши мумкин? Унутибман, эмиш...

— Маҳмуд ака, мен олдириб ташлайман. Ҳозир йигитларни юбораман, нимани топиш мумкин бўлса, ҳаммасидан ўчириб ташлаймиз...

Маҳмуд уни эшитмас, дастакни жойига қўйганди. Ўйлаб туриб, яна уни кўтарди-да, „Сельская правда“ рўзномаси муҳарририятига сим қоқди.

— Эшитаман,— деган масъул котиб Анатолий Ковалевнинг таниш овозини эшитди.

— Толик, бу Маҳмуд безовта қилаяпти. Гаплашиб олишимиз керак.

— Зарурат бўлса, муҳарририятимизга кел. Мен ўзимда бўламан.

Кўп ўтмай, Маҳмуд Ковалевнинг рўпарасида ўтирганча, рўзноманинг янги сонида унинг янги мақоласини ўқир, Анатолий эса, Маҳмуднинг қўлёзмаси билан танишишга киришганди.

Нихоят, у сўнгги варақни айлантирди ва Маҳмудга тикилди.

— Қотирибсан. Бирон муаммо борми?

— Ҳаммуаллиф керак. Мени миллатчиликда айбламасликлари учун у овруполик бўлгани маъқул.

— Менга ҳаммуаллифликни таклиф этмоқчимисан?

— Агар қўрқмасанг,— бош ирғади Маҳмуд.

— Нимаям дердим...

Ковалев яна сўнгги варақни очиб, катта-катта ҳарфлар билан имзо чекди.

— Энди нима қилмоқчисан? Ўзинг тушунасан-ку, уни ҳеч ким босишга журъат қилолмаса керак.

Маҳмуд варақларни йиғиштириб, қалин муқовали жузгирга солди.

— Ўз одамим орқали Масковга жўнатаман. Катта конвертларинг борми?

— Кўп керакми?

Ковалев жавондан бир боғлам конверт олиб, Маҳмудга савол назари билан тикилди. У Анатолийнинг қўлидаги

конвертларни тахминан санаб, яна шунча қўшишни илтимос қилди.

Ковалев яна шунчасини олиб, столга қўйди.

— Агар етмаса, яна келарсан.

— Маҳмуд, Масковдан бош инспектор келди, сен у билан учрашишинг керак,— Азбаройи асабийлашганидан Турсун Ражабовнинг овози титрарди.

— У ҳозир қаердалигини билиб беролмайсанми? Телефонини ҳам?

Ражабов аввалдан тайёрлаб келган чиройли дастхатли бир парча қоғозни Маҳмудга узатди, унга қуйидагилар битилганди: „Николаев Александр Ильич. Генерал-лейтенант. Ички ишлар вазирлигининг назорат бўлими мудири.“ Телефонни ҳам ёзилганди.

— Э, қойилман, Турсун.

— Нимасини айтасан, Хавфсизлик қўмитаси мактабини ўтаганман,— жилмайди у оппоқ тишларини кўрсатиб.

Маҳмуд маъқуллаб бош ирғади ва телефонни олдиға сурди.

— Қаернинг рақами бу?

— Олий милиция мактаби.

Маҳмуд бармоғини лабларига босди.

— Салом. Мен Александр Ильич Николаев билан гаплашсам бўладими?

— Кечирасиз, ким сўраяпти уни?

— Ёзувчи Маҳмуд Умаров. „Инсон ва қонун“ ойномасининг топшириғи билан. Ички ишлар вазирлиги раҳбарларининг ҳам иштироки бор бир жинойий иш юзасидан.

— Ҳозир, бир дақиқа кутинг.

Маҳмуд Турсунга қараб, бош бармоғини юқорига кўтарди.

— Николаев эшитади.

— Александр Ильич, „Инсон ва қонун“ ойномасининг топшириғи бўйича ёзувчи Маҳмуд Умаров.

— Қулогим сизда.

— Бир неча фурсат вақтингизни менга ажрата оласизми? Мен сизга анча таниқли исмлар мавжуд ўта муҳим ҳужжатларни шахсан қўлингизга топшироқчи эдим.

— Қачон кела оласиз?

— Қачон сизга қулай бўлса, ҳозир десангиз — ҳозир.
Жимлик чўкди.

— Ҳозир соат ўн бирдан ошибди. Роппа-роса учда сизни кутаман. Бу вақт сизни қониқтирадимиз?

— Жуда қониқтиради.

Маҳмуд дастакни жойига қўйиб, пешонасига сизиб чиққан терни артди.

— Овозидан сездим, полвон одамга ўхшайди. Саволлари ҳам аниқ-таниқ, бирорта ҳам ортиқча сўз йўқ.

— Масков...— деди Ражабов ўйчан ҳолда.— У ёқда жуда қаттиқ саралаб олишади.

Маҳмуд зудлик билан жузгирдаги ҳужжатларни саралади, ўз мақоласи ва Дидоренко имзо чеккан бир неча ҳужжатни алоҳида ажратиб қўйди.

— Мана шу қоғозларни биз масковлик ревизорнинг шахсан қўлига топширамиз! — Маҳмуд мамнуният билан кафтларини бир-бирига ишқалади, хурсанд кайфиятда Ражабовга тикилди, сўнгра соатга қаради.— Шундай қилиб, тасарруфимизда уч соатдан сал кўпроқ вақтимиз бор. Энди оғайни, генерал Николаев ҳақида нима топиш мумкин бўлса, бир кучаниб, барини йиг. Ким у ўзи, милиция идораларига қачон келган, аввал ким бўлиб ишлаган?

Ражабов ўйланиб турди-да, кейин бош ирғади.

— Нима мумкин бўлса, топишга ҳаракат қиламан, лекин...

Маҳмуд уни кескин тўхтатди.

— Ҳеч қандай „лекин-пекини“ йўқ! Ҳамма даврлар ва халқларнинг буюк босқинчиси Иосиф Виссарионович айтганидай, уриниш — бу суруниш эмас, Турсун Ражабович!

— Шундай шекилли! — кулди Турсун қўлларини ёзиб.— Яна нима дея олардим — бажараман...

Соат иккидан қирқ беш дақиқа ўтганда, Турсун Ражабов ўз „Жигули“сида Маҳмудни олий милиция мактабига олиб борарди.

— Николаев Александр Ильич, собиқ комсомол ходими. Масков шаҳар комсомол қўмитасининг котиби бўлган. Ички ишлар вазирлиги қарамоғига кадрлар билан мустаҳкамлаш учун йўланган. Вазир Шелоконнинг қўллаб-қувватлаши билан тез юқорига кўтарилган. Лекин, айтишларича, қатъиятли, ҳалол одам экан.

Маҳмуд маъқуллаб бош ирғади.

— Мана бу чакки бўлмади. Энди гаплашиш мумкин.

Кираверишда ёш сержант кимгадир сим қоқди, кейин Маҳмудга ҳозир ҳузурига одам келишини айтди.

Кўп ўтмай, батартиб либосдаги тикқомат капитан пайдо бўлди-да, Маҳмудни мактаб бошлиғининг хонасига бошлади.

Қабулхонада девор ёқалаб қўйилган курсиларда милиция либосидаги катта зобитлар ўтиришарди. Навқирон малласоч генерал-майор дераза ёнида сигарет чекиб турарди.

Маҳмудни кўриб, у мулойим жилмайди.

— Сиз Маҳмуд Умаровмисиз?

Жавоб ўрнига Маҳмуд ўзининг ёзувчилик шаҳодатномасини кўрсатди.

— Александр Ильич сизни кутаяпти.

Генерал-майор мактаб бошлиғи хонасининг эшигини очди ва Маҳмудни имо билан ичкарига таклиф этди.

Маҳмудни сезгиси алдамаган эди. Николаев ўзининг йўғон овозига мутаносиб гавдали одам эди. Дароз, соқоли бир текис қиртишлаб олинган, нигоҳидан ақл-заковат ёғилиб турарди.

Маҳмуд Ёзувчилар уюшмасининг шаҳодатномасига „Человек и закон“ ойномасининг вақтинча берилган гувоҳномасини қўшиб, генералнинг столига қўйди.

Генерал ҳужжатларни Маҳмудга қайтариб бераркан:

— Қулоғим сизда,— деди.

— Александр Ильич, биласизми, мен ўзимнинг журналистлик одатим бўйича, масковлик ҳамкасбларимдан сиз ҳақингизда сўраб-суриштирдим. Сиз ҳақингизда жуда илиқ гапларни айтишди, шунинг учун ҳам сизни безовта қилишга журъат этдим.

Маҳмуд ўз гаплари қандай таъсир қилганини билиш учун генералнинг юзига тикилганча жим қолди. Аммо у ҳамон вазмин ва совуққон, бир оғиз ҳам сўз айтмади.

— Кўп вақтингизни олмайман, Масковга сизнинг раҳбариятингизга жўнатган манави ҳужжатлар ва мақоламни сизга қолдирмоқчиман.— У жузигирнинг устига ўз ташрифномасини қўйди.— Бу ерда менинг манзилим, телефон рақамларим кўрсатилган, бирдан керак бўлиб қолсам ёки ҳужжатлар бўйича саволлар туғилган тақдирда излаб топиларингиз учун.

Генерал жузигирни олиб чеккага қўйди.

— Сиз ишнинг моҳиятини қисқача гапириб беролмайсизми?

— Ҳаммасини мақоламдан топасиз, ҳозир гапириб ўтиришнинг маъниси йўқ. Бир илтимосим бор, уни холис ниятда ўқиб чиқсангиз. Мисол тариқасида келтирилган ҳар бир сатр, ҳар бир далолатга каллам билан жавоб бераман...

Эшик қўнғироғининг узун овози тунги жимликни бузди.

Маҳмуд кўзларини очиб, тепасида энгашиб турган хотинини кўрди, у аста ўзининг елкасига туртаётганди.

— Нима гап?

Дастлабки сонияда у хотини уйғотдими, қўнғироқми, англошмай турди. Гулининг кўзлари хавотирга тўла эди.

Яна қўнғироқ жиринглади.

— Бориб оч, нима қилиб турибсан? — деди у ўкинч билан.

— Мен қўрқаман, Маҳмуд ака.

Маҳмуд, жин олсин, дея ўрнидан турди. Гули ҳақ-да, ахир, ярим тун бўлса, у эса, шўрликни дуч келган одамга эшикни очишга йўллаяпти.

У эшикка келиб, калитга қўлини узатди, лекин очишдан аввал ҳар эҳтимолга қарши, ким, деб сўради.

— Маҳмуд ака, бу — мен, Бекман.

Маҳмуд эшикни очиб, тунги меҳмоннинг юзига тикилди.

— Тинчликми ишқилиб?

— Маҳмуд ака, жиддий гап бор.

Ошхонага ўтишди.

— Чой қўяйми?

— Мумкин бўлса, совуқ сув ичардим.

Маҳмуд жўмракдан сув оқизиб стаконга қуйди-да, меҳмонга узатди.

Бек сувни бир неча қултумдаёқ ютди-да, кейингина курсига ўтирди.

— Мени Дидоренко қидиртираяпти. Икки кундан бери уйда тунаганим йўқ.

Маҳмуд ўйланиб қолди. Сигарет олиб, шошилмай тутатди.

— Унга нима керак экан, фаҳмладингми?

— Билмадим.

— У қидираётганини ким сенга айтди?

— Мирон Тихонович, қўл жанги бўйича домла. Ўша мени огоҳлантирди.

— Бу қандай содир бўлди? Илтимос, менга ҳаммасини бир чеккадан гапириб бер.

— У машқ бўлмасига, Мироннинг олдига махсус келибди, хонасини беркитиб гаплашибди. Кейин мен ҳақимда суриштирибди: қаердаман, нима иш қиляпман, тушунасиз-ку, улар шунақа ишлашади. Мирон Тихонович ундан очигини сўрабди: „Эдуард Алексеевич, бошни қотирмай, тўғрисини айтинг, йигитдан сизга нима керак ўзи?“

Маҳмуд сигарети тутаб тугаганини пайқамай қолди, ёнаётган фильтр ҳидини туюб, уни ўчирди-да, янгисини олиб чекди.

— Давом эт, Бек. қулоғим сенда.

— Шундан сўнг у сирни очибди: „Нега Бек тушунмаган нарсасига бурнини тикади, бунинг учун қопқонга тушиб қолиш мумкин, кейин чиқиб бўпти, дебди. Мен уни доим жиддий одам деб ўйлардим, қандайдир майда ёзувчи билан алоқа қилишининг нима кераги бор, ё кўнгилсизлик изляптимиз?“ — дебди. Мирон Тихонович уни хотиржам қилиб, Бекнинг унақа одам эмаслиги, унга нотўғри ахборот беришганини айтибди. У пул қилиши керак, дебди. Дидоренко бўлса: „Дарров олдимга келсин, мен у билан шахсан гаплашаман. Агар мени чинданам чалғитишган бўлса, у ҳолда ҳаммаси жойида, тижорат ишлари билан шуғулланиб юраверсин“, — дебди. Кетаётиб эса, дағдаға билан: „Албатта менинг олдимга келсин, мен икки марта такрорлашни ёқтирмайман. Мен билан бунақа ўйинлар ёмон тугайди,“ — дебди.

Маҳмуд бошини кўтариб, тўғри Бекнинг кўзларига қаради.

— Сен унинг олдига асло бора кўрма. Дидоренкодан ҳар балони кутиш мумкин.

— Мирон Тихонович ҳам шундай фикрда, — тасдиқлади Бек. — Агар унинг ҳузурига борсам, мени ертўлага тикиб қўя қолади.

— Агар шундай қилсаям, бу вақтинча, — товуш чиқариб мулоҳаза юритди Маҳмуд. — Озгина қўрқитиб қўйиш учун...

— Ярим соғлиқ кетади-да, — Бекнинг овозида нохуш бир маҳкумлик бор эди.

— Бунга шубҳа йўқ, албатта,— тасдиқлади Маҳмуд.— Лекин, ўйимча, муҳими бунда эмас.— У Бекка синовчан тикилди. Бу нигоҳга у хотиржам бардош берди. У генералга нега керак бўлиб қолгани ва ундан қандай ифлос ўйинда фойдаланмоқчи эканига Бекнинг ақли етмаётгани кўриниб турарди.

Маҳмуд заҳархандали кулди.

— Сен унга махсус иш учун керак бўлгансан ва назаримда, мен унинг нима ишлигини билиб турибман.

— Унда менга ҳам тушунтириб беринг! — деди Бек қизишиб.

— Наҳотки сен ҳалиям тушунмадинг? У сенга мени йўқотишни таклиф этади.

Бек чинакамига ҳайратга тушди.

— Йў-ғе, қўйинг, Маҳмуд ака!

— Агар чиндан шундай бўлиб чиқса, сен нима қилардинг? — сўради Маҳмуд ўжарлик билан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки мен у билан учрашувга бормаган бўлардим! — бу масаладаги шубҳаларини қатъиян йўққа чиқарди Бек.

— Бу биз учун энг яхши йўл, албатта,— бош ирғади Маҳмуд ва ўйчан гапида давом этди.— Акс ҳолда унинг режалар йўналишини тасаввур қила оласанми, бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи: „Ҳурлик“ ва байналмилал фронтлар Маҳмуд Умаровга суиқасд қилингани ҳақида шовқин кўтаришади. Шу заҳоти у ўз изқуварларини ишга солиб, маълум вақтдан сўнг рўзномаларга интервью беради: Умаровни қандайдир қоронғи ишларга дахли бор сафдошлари ўлдирган, деб гап тарқатади.

Бек Маҳмуднинг фикрларини қийинчилик билан ҳазм қиларди.

— Сиз ҳақсиз, у шундай аблаҳликка ҳам қодир.

— Ахир, бу унинг иши-ку, унинг нони! — Шу ондаёқ Маҳмуд дилида бўшлиқ ва ғамгин бир совуқни туйди.— Аввал мени, кейин сени йўқ қилади. Сўнгра бутун республикага намунали суд уюштиради: Маҳмуд Умаров аслида кимлигини кўриб қўйинглар, уни ўлдирганлар эса, унданам баттар. Ишонавер, у қидириб шунақанги кўп ахлат топадики, ақлинг бовар қилмайди.

— Бу масаладаям сиз ҳақсиз, у шундай одам,— яна қувватлади уни Бек.— Мен нима қилай энди?

— Тошкентдан кетишинг керак,— деди Маҳмуд қатъий

оҳангда бирдан-бир йўлини айтиб.— Вақтинча ғойиб бўлишинг керак.

— Қанча вақт ғойиб бўлишим керак?

Маҳмуд қўлларини ёзди.

— Дидоренко ва унинг ҳароми тўдасини республикадан ҳайдаб чиқармагунимизга қадар.

Бек ҳуштак чалиб юборди.

— Ўх-хў!..

Унинг бу хитобида шу даражада кўп дард, алам ва ҳасрат бор эдики, гарчанд мавриди бўлмаса-да, Маҳмуд беихтиёр кулиб юборди. Бек ҳам сунъий тарзда маъюс жилмайди.

— Сиз ҳаракатни бўшаштирманг, Маҳмуд ака. Уни Тошкентдан тезроқ қувиб чиқаринг.

— Демак, сен бир қарорга келдингми?

— Эртагаёқ бу ердан менинг қорамни ҳам топишолмайди.

— Қаёққа отланмоқчисан?

— Масковга. У ерда ўз йигитларимиз бор, яшаб тураман.

— Менга имкон борича қўнғироқ қилиб тур,— деди Маҳмуд улар лифтнинг олдида хайрлашишаркан.

— Албатта,— қатъий ваъда берди Бек.— Бутун умидим сиздан, мен яна кимгаям қўнғироқ қилардим?..

Эрталаб Маҳмуд Ермолаевга сим қоқди.

— Константин Николаевич, гап бор...

Улар минора соати яқинидаги хиёбонда кўришишди. Дастлаб у олий мансабдорлар Бобоевнинг хонасида ўзини қандай сўроқ қилишганини эшитган-эшитмаганини сўради.

— Улар эмас, аслида сиз уларни сўроқ қилгансиз, дейиш тўғрироқ бўларди,— кулди унга жавобан хавфсизлик қўмитаси бошқармаси бошлиғи...

— Бу сизга...— Маҳмуд унга мақоласи солинган конвертни узатди.— Бу ерда икки нусха. Биттаси раҳбарият учун, хавфсизлик қўмитаси раиси номига, иккинчиси — шахсан ўзингизга.

— Тушунарли.

Ермолаев сиёсий полиция ходимигина шундай қараши мумкин бўлган нигоҳ билан унга тикилди. Ўйлаб туриб, ўз сўзлари ҳамсухбатига қандай таъсир қилганини синаб кўрмоқчидай, аста сўз қотди:

— Столимда мақолангизнинг бир нусхаси ётибди. Ўйимча, ундан Дидоренко ҳам қуруқ қолмаган.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да, Константин Николаевич. Бошқача бўлганида, сизнинг ташкилотингизнинг нима ҳожати бор?

— Сизнинг одамингиз мақолангизни юқори идораларга етказиш учун Масковга учиб кетгани ҳақида менда ахборот бор.

— Ёмхона орқали жўнатишга журъат этмадим.

— Балки сиз тўғри қилгандирсиз, фақат...

У гапини узиб, тўхтади-да, ҳамсуҳбатининг юзига диққат билан тикилди.

— Дидоренконинг бўйнига қўйган айбловларингизни ҳар бирига сизда чинданама далиллар борми? Буни нима учун сўраётганимни тушунгандирсиз?

— Албатта, тушундим,— бош ирғади Маҳмуд.— Сизни Соловьев, Баширов ва шунга ўхшаган ашаддий жиноятчилардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳужжатлар қизиқтиряпти-да? Шундайми?

Ермолаев бош ирғади.

— Агар ёлғон-яшиқни ёзсам, менга қандай даҳшат хавф солишини тушунаман, ахир.

— Маҳмуд, ўша ҳужжатларни мен кўришим мумкинми?

— Сизни қизиқтирадиганларидан сиз учун махсус нусхалар олиб бераман.

— Агар қийин бўлмаса, илтимос,— хурсанд бўлиб кетди Константин Николаевич. Сукутга толаркан, Умаровнинг кулимсираган юзига синчков тикилди.— Мен Дидоренконинг ўрнида бўлишни истамаган бўлардим. Сизнинг шахсингизда у ҳаддан зиёд фаол муҳолиф орттирибди.

— Очиғини айтсам, мен ҳам унга ўхшаган рақибга эга бўлишни истасамдим,— Маҳмуд сигарет олиб, лабларининг орасига қистирди.— Константин Николаевич, бизнинг суҳбатларимиздан унинг хабари борми? Милиция сизнинг тасарруфингизда-ку, аниқ билишингиз керак.

— Мендаги маълумотларга кўра, бизнинг учрашувларимиздан у бохабар,— тан олди Ермолаев.— Нимаиди? Назаримда, бу сизга маъқул бўлса керак?

— Нафақат маъқул, энг ишончли ҳимоя сифатида мен буни хоҳлайман ҳам.

Ермолаев ва Умаров ўзаро кўз уриштириб, кулиб юбо-ришди. Константин Николаевич аста лабларини буриб, пинҳона кулди, Маҳмуд эса, одатича, завқ билан хохо-лади.

Маҳмуд ўзини босиб олгунига қадар Ермолаев кутиб турди-да, йўл-йўлакай гапираётгандай сўз қотди:

— Мен сизга Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Нодир Юнусов билан учрашишни маслаҳат бе-рардим. У билан танишмисиз?

— Йўқ,— бошини чайқади Маҳмуд.— У биз учун қизиқиш уйғотади, деб ўйлайсизми?

— Фикримча, ҳа.

Маҳмуд ўйланиб қолди. Бир дақиқа улар жим кетишди. Ермолаев ўз ҳамсуҳбатини зимдан кузатарди. Маҳмудни бу профессионал аксилразведкачи, етарли даражада жиддий ўрганиб улгургани: ёзувчи ва журналистга тўпланган маълумотлар мажмуи жуда катта — қарийб туғилганидан тортиб то шу кунларгача, шунинг учун ҳам у Академиянинг вице-президенти ҳақидаги ахборни унга етказиб, унинг исёнкор миясида ҳазм бўлишини сабр билан кутарди.

— Агар сизга малол келмаса, айтиб берсангиз, у нимаси билан мени қизиқтириши мумкин?

— Биринчидан, Нодир Юнусович, анча комил инсон, ёзувчи учун у — хазина, дейиш мумкин. Халқ ичида анча ном таратган, улкан доирада алоқаларга эга, сизга эса, ана шундай миқёсдаги иттифоқчилар керак.

— Мен бу ҳақда ўйловдим, лекин...— у ўз гапини ярида бўлиб, Ермолаевга юзланди.— Эшитаяпман, давом этинг, Константин Николаевич.

— Иккинчидан, Олий Кенгаш ноиби. Тўғри, у ҳам бир ишкал ишга аралашиб қолди, ўзи истамаган ҳолда бир жанжалга бош қўшиб, порахўрликда айбланган бир олий ўқув юрти муаллимини ҳимоя қилибди. Аслида ўша до-млага катта раҳбарият кўз олайтирган, бу иш ҳам ўшаларнинг амри билан амалга оширилган: булар бари му-аллимнинг юқори мансабдаги бир танишини обрўсизлан-тириш учун керак бўлган.

— Хўш-хўш? — деди Маҳмуд жонланиб, унинг ҳар бир сўзини эслаб қолишга уринаркан.

— Нодир Юнусович бизга мурожаат қилди...

— Шахсан сизгами ёки Қудратовгами?

Маҳмуд кейин ўзини нега бу саволни бергани учун тоза койиди. Республика Хавфсизлик хизмати қўмитаси раиси муовинининг номини у туйқусдан, беихтиёр тилга олди. Ермолаев эса касб-кори савиясида бунга зумда эътибор қилди. У Маҳмудга ҳушёр тортиб, синчковлик билан тикиларкан, ошкора ажабланиб сўради:

— Сиз Қудратов билан танишмисиз?

— Вали Қодирович биланми? — деди Маҳмуд ҳам-суҳбати билан ўйин қилишдан ўзини тўхтатолмай.

Ермолаев жавоб бермади.

— Э, йўқ, бундай шараф насиб этмаган.

— Мен жиддий сўраяпман, Маҳмуд? Сиз қандайдир иккиёқлама ўйин қилмаяпсизми? Мен учун бу жуда муҳим.

— Чин сўзим, Константин Николаевич! Мен у ҳақда Ёрматовнинг хонасида, у билан менинг мақолам юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлганида эшитувдим.

— Бор гап шуми?

— Албатта.

Маҳмуд ўз жавоби иложи борица самимий бўлишини истаганиди, лекин сенга ишонишларини қанча кўп истасанг, сўзларинг ҳам шунча шубҳа уйғотишини яхши тушунардик. У Ермолаевнинг ўз сўзларининг самимий эканига ишонмаганини англади ва ортиқ жим қолмаслик учун сўради:

— Бари бир Нодир Юнусович Қудратовдан ёрдам сўрадимиз? Топдимми?

Ермолаев кулимсиради.

— Сиз билан чинданам зерикмас экан киши. Сиз ҳақсиз, Маҳмуд, агар мен шундай деб ўйлашимни хоҳласангиз, топдингиз. Нодир Юнусович Вали Қодировичга қўнғироқ қилди ва биз олимни қўллаб-қувватладик. Муаллимни ҳибсдан озод қилишди, лекин тергов ҳозиргача давом этапти, шунинг учун Юнусов ўзини муаллақ ҳолатда сезаяпти: агар охир-оқибат домлани айбдор деб топиб, яна қамоққа солишса, Фанлар академияси вице-президентининг ҳам обрўсига путур етган бўлади, ахир, у ташвишланса арзийди, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Амали учун бўлса, арзийди, — рози бўлди Маҳмуд.

— Айни нуқтасига урдингиз,— кулди Ермолаев.— Республикада Нодир Юнусовичнинг обрў-эътибори анча баланд. Агар у ёқда,— у бармоғи билан юқорига ишора қилди, ўзгаришлар юз берса, у анча юксак поғонага кўтарилиши мумкин.

Ниҳоят, Маҳмуд бир қарорга келди.

— Мен у билан учрашаман, лекин аввал биров қўнғироқ қилса, яхши бўларди.

— Менимча эса, сиз ўзингиз қўнғироқ қилганингиз маъқул. Ишонаверинг, у сиз ҳақингизда кўп эшитган, йўқ демайди.

Суҳбат ниҳоясида Маҳмуд Ермолаевга уни бу ерга таклиф этишдан кўзлаган асосий мақсадини аён қилди: уйига ташриф буюрган тунги меҳмон ва Дидоренконинг режалари хусусидаги ўз тахминларини гапириб берди.

— Ҳа, бу жиддий гап,— ўйланиб қолди полковник.— Дидоренкодай шундай тажрибали тезкор зобит реаллик ҳиссини йўқотиб қўйганига ишонгнинг келмайди.

— Балки аксинчадир, айни шу ҳиссиёти туфайли у Бек билан алоқа ўрнатишни лозим топгандир? Қийин вазиятдан чиқиб кетишнинг энг қулай йўли.

— Мен тахминингизни ўз йўлим билан текшириб кўраман,— деди Ермолаев.

— Марҳамат, текширинг.— Маҳмуд сунъий жилмайдди.— Дидоренко ҳам бундан хабар топса, чакки бўлмасди.

— Сиз чинданам анойи эмас экансиз, Маҳмуд,— истеҳзоли кулди Ермолаев улар дўстона хайрлашишаркан.— Назаримда, сизнинг ботинингизда истъедодли тезкор зобит ҳалок бўлганга ўхшайди.

— Менда кўп истъедодлар ҳалок бўлган, бунини ўзим ҳам биламан,— кулди Маҳмуд унга жавобан.

Эрталаб Маҳмуд Нодир Юнусовга сим қоқди ва улар тезда учрашув ҳақида келишиб олишди.

Пастда, ёмхона қутисидан хат олди, Масковдан, Ички ишлар вазирлигидан келган экан, Дидоренко ва бошқаларнинг ўз ходимларига нисбатан хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ прокурорлик текширувининг хулосаси экан. „Юқорида номлари зикр этилган раҳбарларнинг ҳеч қандай гаразли муносабатлари аниқланмади,“ — деб ёзилганди унда.

— Бунга нима дейсиз? — Фанлар академиясининг вице-президенти тери жилдга ўралган жузгирни олиб очди-да, ундан темир қисқичлар билан тартибга келтирилган хатларни олиб, столга ташлади.— Бунақа жавоблар менда ҳам етиб ортади.

— Нима қилишимиз керак, ахир? — хитоб қилди Маҳмуд.— Индамасликка ҳаққимиз йўқ-ку?

— Нега индамас эканмиз? — Нодир Юнусов кафтини жузгирнинг устига қўйиб, уни кўрсаткич бармоғи билан тақиллатди.— Менга сенинг мақолангни олиб келишди, дадил ёзибсан. Қойил! — унга ўз жузгирини узатди.— Бу ерда ҳам қизиқ маълумотлар бор, уни олиб, хоҳлаганингча фойдаланишинг мумкин.

— Улар сизга бошқа керакмасми? — таажжубланди Маҳмуд.

— Менда бунақаси етарлича бор,— вице-президент ҳорғин хўрсиниб қўйди.— Мен Олий Кенгашнинг ноибиман-ку, ахир. Ҳозир масковлик терговчилар юзага келтираётган қонунбузарликлар ҳақида Масковдаги қурултойда гапириш учун нутқ тайёрлаяпман.

Маҳмуд кўзлари билан шипга ишора қилди.

— Бизникилар сизни қўллайди, деб ўйлайсизми?

— Мен айрим ҳукумат раҳбарлари билан гаплашдим. Улар очиқчасига, ютуқларимизни бундай асоссиз ерга уриш мумкин эмас, ўзбек халқини қачонгача хўрлаб, ҳақоратлашади? — дейишди...

Суҳбат охирида у Маҳмудни қўллаб-қувватлашга ваъда берди, шахсий телефон рақамларини берди.

— Ёрдам керак бўлса, қўнғироқ қилавер...

Кечқурун Турсун Ражабов кириб келди. Йўл қопчигидан замонавий жинси ёмғирпўш чиқарди.

— Бу сенга совға. Ўлчаб кўр, менимча, тўғри келиши керак.

— Масковга бориб келдингми?

Маҳмуд қурткани кийиб, елкаларини қимирлатди, Турсунга савол назари билан қаради.

У қониқиш билан:

— Худди сен учун бичилгандай,— деди.— Бекнинг кўзлари пишиб кетган, ўша менга тавлашга ёрдам берди.

— Унинг ишлари қалай?

— Жойида. Сени кутаяпти...

Дастурхонга ўтиришди.

— Масковга бориб келсам яхши бўларди,— деди Маҳмуд маънос оҳангда.— Унинг қандайлигини ҳам унутаядиз.

Турсун чинакамга ажабланди.

— Сен ҳеч нарсага тушунмадинг. Мен сенга жиддий гапираяпман, ахир. Бек Масковда кутаяпти. Зудтар учиб боришинг керак, сафарга ҳозирлан. Ҳозир менинг Яшам чипта бор-йўқлигидан хабар олиб келади.

— Ҳазилингни қўй, Турсун.

Маҳмуд унинг гаплари жиддийлигига ҳали-ҳануз ишонмасди. Энди Турсуннинг аччиғи келди.

— Оббо сен-ей, Маҳмуд. Бек керакли одамни топибди, ҳуқуқий бўлим мудирини ёки унинг муовинини, аниқ билмайман, лекин ўша одам юқорида ишларкан. Дидоренко билан боғлиқ ҳамма ҳужжатларни олиб келишни буюрибди. Уларни ҳаракатга келтиради.

— Ҳужжатлар етарли...

Маҳмуд шоша-пиша йўлга нима олишни, у ёқдаги мансабдорни қайси ҳужжатлар қизиқтиришини ўйлашга тушди.

Яша эртасига кечаси Масковга учувчи аэробусга чипта олиб келди. Тайёрағода Маҳмудни Гули, Турсун ва Нурмат Орифжоновлар кузатиб чиқишди.

Бирдан ортида таниш овозни эшитди:

— Бирга учарканмиз-да!..

— Олег Иванович, сиз ҳам Масковга кетаяпсизми? — Маҳмуд йўлдош топилганига чин дилдан суюниб кетди.

— Ҳисобот билан чақиришибди...

Пискунов Гули билан сўрашди, Орифжонов билан кучоқлашиб кўришди, Турсунга дўстона қўл узатди.

— Жуда яхши,— деб қўйди Нурмат.— Зерикмайсизлар.

Масковга учувчиларга тайёрага чиқиш учун эълон берилди. Ўрта бўйли, думалоқ юзли, қалин лаблари кулиб турадиган Олег Иванович сиртдан соддадил ва юмшоқкўнгил одамга ўхшарди. Лекин бу фақат сиртдан эди. Аслида Пискунов тажрибали қоғозбоз тўралардан бўлиб, узоқ йиллардан бери Ўрта Осиё транспорт милициясининг кадрлар бошқармасига раҳбарлик қиларди. Банделет ўзининг кадрлар бўйича муовини ҳақида, керакли қоғозни ўз бошқармасидан кўз очиб юмгунча

топиши, вазирликнинг биринчи раҳбарлари имзо чеккан ва аллақачон унутилаётган фармойишларни бир зумда эслаши хусусида доимо завқланиб гапирарди. Ички ишлар вазирлиги ходимларига уй-жой ажратиш билан боғлиқ товламачиликларни фош қилувчи ва Дидоренко фармон ёзиб имзо чеккан қалбаки ҳужжатларни ҳам ўз бошлигининг илтимосига биноан ана шу одам топиб келтирганди. Жанжал вазирлик деворларидан ташқарига чиқиб кетгандан кейингина Дидоренко ва Тепловларнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари туфайли бу генералларнинг гумашта ва арзандалари қалбаки ҳужжатлар бўйича қисқа вақт ичида икки ва ундан кўпроқ уйларни олишга муваффақ бўлишгани ва шу билан Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳисобидан ўз қариндош-уруғларини ҳам уй-жой билан таъминлашгани маълум бўлди.

Комиссия юборишди, барча далолатлар тасдиқланди, лекин уйларни олишда айбдорлар бошқа ишга ўтганлари муносабати билан жазодан қутулиб қолишди. Республика ички ишлар вазирлиги мансабдорларининг обрўсига путур етказувчи ҳужжатлар эса, бамисоли сувга тушгандай ғойиб бўлди. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон жиддий муносабатда бўлмаган камтарин транспорт милицияси майори йўқолган ҳужжатларнинг нусхаларини номаълум тарзда аллақердан топиб келган ва улар Маҳмуд Умаровнинг қўлига келиб тушганида, Дидоренко ва Тепловлар анча юрак ўйноғи бўлишди.

— Масковга иш биланми?

— Пискунов кўтариб қўйиладиган столчага Орифжонов йўлга бериб юборган озиқ-овқатларни қўйди, митти пиёла-чаларга арман коньягидан қўйди.

— Шундай деса ҳам бўлади... Дарвоқе, Дидоренконинг столида сизнинг юз нусхага яқин мақолангиз тўпланганидан ўзингизнинг хабарингиз борми?

Маҳмуд бошини чайқади ва секингина кулди.

— Коллекция йиғаетган экан-да?..

Олег Иванович ҳам жилмайди.

— Муҳлисингиз бўлса керак-да.

Улар мириқиб суҳбатлашиб, Масковга қандай етиб келганларини ҳам сезмай қолишди.

— Сизни кутиб олишмайдими? — қизиқсинди Маҳмуд улар тайёрадан чиқишгач.

Масков уларни қор бўрони билан кутиб олди. Пискунов

жунжикди, об-ҳавога тўғри келмайдиган енгил паль-
тосининг ёқасини кўтарди.

— Мен шаҳар нақлиётида Ички ишлар вазирлигининг
меҳмонхонасига бораман. Сиз ҳамми?

Маҳмуд таниш қиёфани қидириб, кутиб олишга
чиққанларни кўздан кечирди.

— Мени кутиб олишлари керак эди.

Тўдадан ажраб, девор ёқасига ўтишди.

— Бирпас турайлик,— таклиф этди Маҳмуд Пискунов-
га, кейин шошилиб қўшимча қилди: — Агар ошиқмаётган
бўлсангиз, албатта.

— Шошадиган жойим йўқ,— майорнинг кўзойнак
тагидаги кўзлари шумлик билан чақнади.— Эрталабгача
вақт ҳали кўп.

— Кечирасиз,— кимдир Умаровнинг тирсагига аста
туртди.

Маҳмуд овозга ўгирилиб қаради. Ингича мўйловли,
кўзлари қизларникидай катта-катта, озғин йигит унга
тикилиб турарди.

— Сиз Маҳмуд акамисиз?

— Худди ўзи.

Маҳмуд Пискуновга юзланди, бош ирғаб ундан узр
сўради-да, йигитни четга тортди.

— Сен Бекнинг одамимисан? У шу ердами?

— Бек ака машинада кутаяпти. Юкингиз йўқми?

Маҳмуд қўлидаги қопчигини юқорига кўтарди.

— Бори шу. Исминг нима?

— Юсуф.

— Танишганимдан хурсандман, азизим Юсуф, лекин
Олег Ивановични шаҳаргача элтиб қўйишимиз керак.
Шундоқ қолдириб кетишим ноқулай.

— Яхши, элтиб қўямиз,— деди Юсуф ҳозиржавоблик
билан.— Лекин аввал мошинага борайлик. Бек ака сизни
кутаяпти.

Маҳмуд Пискуновга қўлини силкитди.

— Олег Иванович, шу ерда икки дақиқа кутиб тулинг.
Биз сизни меҳмонхонагача ташлаб қўямиз.

Олег Иванович кўрсаткич бармоғи билан оёғи остини
кўрсатди.

— Мен шу ерда кутаман.

Қора „Волга“дан жилмаиганича Бек тушиб келди.

— Яхши етиб келдингизми, Маҳмуд ака!

Улар қучоқлашиб кўришишди. Бек эгнига тоғ эчкисининг терисидан тикилган ажойиб пўстин кийиб олганди. Маҳмуд сал ортга чекиниб, Бекни томоша қилди.

— Э-ҳа, худди савдогарларга ўхшаб кетибсан!

Бек кулди.

— Нима шубам ёқдими? Яхши, у сизники.

— Йўқ-йўқ! — кулиб эътироз билдирди Маҳмуд.— Менга ўзимникидан қўймасин.

Бек олд эшикни очиб, Маҳмудни машинага таклиф этди.

— Кетдикми?

— Кетдик, албатта,— рози бўлди Маҳмуд ва боши билан кутиш бўлмасига ишора қилди.— У ерда Пискунов мен билан бир тайёрада келувди.

Бек савол назари билан қошларини чимирди.

— Сен уни биласан,— изоҳ берди Маҳмуд уни ишонтириб.— Банделетнинг кадрлар бўйича муовини.

— Уни шаҳаргача элтиб қўйиш керакми?

— Ички ишлар вазирлигининг меҳмонхонасигача.

Бек Юсуфга ишора қилди.

— Уни таксига ўтқизиб юбор.

Юсуф ғойиб бўлди ва беш дақиқа ўтмай қайтиб келди. Орқа ўриндиққа Бекнинг ёнига ўтирди.

— Жўнатдингми? — сўради у қисқагина қилиб.

— Ҳаммаси жойида, Бек ака. Меҳмонхона эшигигача кузатиб қўяди,— деди Юсуф Маҳмудга тикиларкан...

Маҳмуд тегишли идора ходими, Наум Львович исмли зот билан учрашгунча бир ҳафта ўтди. Бу кунларнинг бари бир маромда қўнғироқ кутиш билан ўтди.

Ниҳоят, телефон жиринглади.

— Бек, ярим соатдан сўнг ҳузуримда бўлгин.

— Бир ўзимми ёки?..

Наум Львович унинг гапини кескин бўлди:

— Тошкентдан келган одамнинг шу ердами?

— Ёнимда.

— Уни ол-да, бирга етиб кел.

Бек дастакни жойига қўйиб ҳайдовчига тикилди.

— Ренат, олға!..

Ҳайдовчи машинани қиздиргани ташқарига йўл олди. Бек ва Маҳмуд зудтар кийиниб лифтда пастга тушишди.

Йўл-йўлакай Бек Наум Львовичнинг кўзга ташланмайдиган, лекин Масковда таъсир доираси жуда кенг

одам экани, унинг мамлакатдаги энг зўр ўнта қонуншуноснинг бири эканини гапириб берди. Олий маҳкамада ишлашдан ташқари у хориж фирмаларида ҳам маслаҳат бераркан,— пул ўз-ўзидан оқиб келаркан унга...

Маҳмуд уни салоботли барвастақомат кимса, деб тасаввур қилганди, аслида Наум Львович эндигина ўттиз ёшдан ўтган йигит экан. Тўлалиги унинг ёшини сал каттароқ кўрсатарди; агар у паст бўйли бўлганида, уни семиз деса бўларди, дароз бўйи буни яшириб турарди.

Наум Львович меҳмонларни ўз хонасига бошлади, шу заҳоти чиройли котиба қиз кириб, ҳар бирининг олдига кўзачаларда қаҳва қўйиб кетди.

— Сиз ўзингиз билан қандайдир ҳужжатлар олиб келганмисиз? — Наум Львович ортиқча гап-сўзсиз Маҳмудга мурожаат қилди.

У бош ирғади ва қаҳвасини қўйиб, семиз жузгирни қопчиғидан чиқарди.

— Ҳаммаси шу ерда,— кейин қўшиб қўйди:— Нусхалари, албатта.

Наум Львович жузгирни очиб, қоғозларни бир-бир кўздан кечири бошлади, баъзиларига узоқроқ тикилиб қолар, маъқул келса, қониқиш билан бош ирғар, ёқмаганларига хўмрайиб, четга суриб қўярди.

Ниҳоят, у бошини кўтарди.

— Бек, бундай қилсак. Мен бу ҳужжатлар билан икки кун мобайнида танишиб чиқсам, кейин қўнғироқлашамиз.

Уларни бошқа ушлаб қолмаслигини билдириб, у ўрнидан турди. Эшиккача кузатиб, Маҳмудни олдинга ўтқизди.

— Бек, икки оғиз сўз...

Маҳмуд уларни ёлғиз қолдириб, даҳлизга чиқди. Кўчада Бекка маъноли тикилди.

— Молиявий масалами?

Бек файласуфона сўз қотди:

— Бизнинг давримизда ким қуруқ раҳмат учун ишлайди? Бунақа Маҳмудни менга кўрсатинг-чи?..

Бекнинг гапи Маҳмуднинг иззат-нафсига тегди, у юзини тескари буриб нам ойнага тикилди ва бўғиқ овозда жавоб берди:

— Ҳа, мен раҳмат учун ишлайман.

— Сиз ёзувчисиз, Маҳмуд ака,— деди Бек хайрихоҳлик билан унинг хафа бўлганини ҳатто

пайқамай.— Ёзувчилар эса, дарвешлар каби ўзга дунё одамлари саналади...

Асабий кутишлар тугаган, муз жойидан жилган, энди сал нафасни ростласа бўларди. Ҳар ҳолда Наум Львович улар қолдирган ҳужжатлар билан нимадир ўйлаб топгунча икки кун вақтлари бор.

— Коньяк керак.

Бек ҳайрон бўлди, лекин ўзини тушунмаганга солди. Фақат қизиқсинди:

— Ҳозирми?

Маҳмуд бош ирғаб, изоҳ берди:

— Икки шиша яхши коньяк.

Бек Юсуфни чақириб, буйруқ берди.

— Яна нимадир керакми?

— Бир неча шоколад тахтаси ва лимон.

Юсуф кетгач, Маҳмуд Бекка тушунтирди:

— Масковлик дўстларимни, адабиёт институтидаги собиқ курсдошларимни йўқлаб келсак,— у Бекка савол назари билан тикилди.— Бундай сайлга сен қаршимасмисан?

Бек ўйланиб туриб, елкасини қисди.

— Майли,— деразага тикилиб, гупиллаб ёғаётган лайлак қорни кузатди.— Машинани жўнатганимиз чакки бўлибди-да.

— Такси ушлаймиз.

Юсуф қайтиб келди, сотиб олган нарсаларини столга қўйди.

— Яшавор, Юсуф, дидинг чакки эмас,— Маҳмуд Бекка юзланди.— Ўйимча, нашриётдаги дўстларимга коньяк жуда маъқул тушади.

Маҳмуд Володя Кочетовни кўришга қарор қилди. У „Литературное обозрение“ ойномасининг бош муҳаррир муовини эди ва Маҳмуд бир вақтлар ўша ерда қаламини илк бор синаган — марказий матбуотда биринчи асари шу ойномада чоп этилганди...

Маҳмуд эгилган бармоғи билан бир неча бэр эшикни тақиллатди-да, уни ўзига тортди.

— Мумкинми?

— Маҳмуд, яхши келдингми?

Қучоқлашиб кўришишди. Володя зўр бериб юзида хурсанд бўлганини ифодалашга уринар, лекин бунинг фойдаси бўлмаётганди. Хафақон кайфиятда жойига бориб ўтирди.

— Қачон келдинг?

— Бир ҳафта бўлди. Иш билан...

Маҳмуд ҳамроҳини таништирди.

— Бу — менинг дўстим. Тошкентлик тижоратчи Бек.

Кочетов бош ирғади.

Володя „Пегас“ сигаретининг эзилган қутисини столидан олди, чекмоқчи бўлган эди, Бек унинг олдига очилмаган „Мальборо“ қутисини ташлади.

— Балки манавиндан чекарсиз?

— Ҳ-ҳў! — қайратини яширолмади Володя. — Яхши яшаркансизлар.

Қутини очиб сигарет олди-да, чеккач, қутини қайтариб бермоқчи эди, Бек бир имо билан тўхтатди.

— У сизга, ўзингизга қолдиринг.

Володя бош ирғаб унга миннатдорчилик билдирди, маза қилиб тутунни ичига тортди.

— Халта-палтанг борми? — сўради Маҳмуд қопчигидан икки шиша коньяк, шоколад ва икки лимонни чиқараркан. — Биз учрашувимизни махсус ювиш учун келувдик, шунча йил ўришмаганмиз-ку, ахир!

— Менга мумкин эмас, — бошини чайқади Володя, кўзлари билан қоғозларга тўла столга ишора қиларкан. — Иш бошимдан ошиб ётибди. Лиличка ҳам уйда касал ётибди, шамоллабди, иситмаси тушмаяпти.

У аввалларидагидай уйига таклиф қилмагани учун Маҳмуднинг олдида узр сўраётгандай эди.

Бек қатъий ўрнидан турди.

— Маҳмуд ака, вақтимиз тугади.

Маҳмуд нима бўлганини тушунолмади, бир неча дақиқа Кочетовга тикилиб қолди, уни илгари ҳеч қачон бунақа аҳволда кўрмаганди. Нимадир демоқчи, сўрамоқчи бўлди-ю, шишаларга имо қилиб қўлини силтади.

— Буларни олиб қўй, уйда бизнинг соғлиғимизга ичарсан, — эшикка қараб юрди, остонада ортига ўгирилди. — Мени эслаган дўстларнинг ҳаммасига салом айт...

— Сен Масковда ҳали кўп бўласанми? Қўнғироқ қиларсан?!

Аммо Маҳмуд эшикни беркитиб улгурганди. Жимгина зиналар орқали пастга тушди. Бекни кўчада қувиб етди.

— Нима жин урибди уни, — деди атрофга тикилиб. — Ё мен ниманидир тушунолмаяпман, ёки вақт одамларни шунча кескин ўзгартириб юборган...

Бек файласуфона жавоб берди:

— Вақт — даҳшатли хилқат, у нафақат одамларни ўзгартиради...

Кўпам вақт ўтмай, Маҳмуд ҳеч қандай маълумоти йўқ ишчи йигитдан йўл-йўлакай эшитган бу иборанинг асл маъносини англагандай бўлади,— Бек ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни ҳайратланарли аниқлик билан тавсифлаб берган эди...

Кечқурун Бекни Айиқ йўқлаб келди, у Масков тижорат доираларида таниқли бизнесчи, тасарруфида бир неча хусусий дўкони, олмонлар ва канадаликлар билан ҳамкорликда очган иккита ресторани бор эди, дарвоқе, тошкентлик ҳамкасбини Наум Львович билан худди шу йигит таништирганди.

Ярим кечасигача ўтиришди.

— Мен Наумга айтдим: нима қилсанг — қил, лекин Бекнинг йигитларига ёрдам бер, дедим.— Айиқ гугурт чўпи билан эринибгина тишини ковлар, вақт-вақти билан чиройли идишдаги бавар пивосидан ҳўплаб-ҳўплаб қўярди.

— Бакувват йигит, қўлидан келади,— рози бўлди Бек.

— Нафақат қўлидан келади, у қилади. Мен унга биринчи марта Дидоренкони нимадир қилиш кераклиги ҳақидаги сенинг илтимосингни айтгандим, у ҳақда дарров маълумот тўплади, кейинги учрашувимизда, вазирликда у ҳақда яхши фикр билдиришди, деди.

— Яхши фикрни ҳеч нарсга қилиб бўлмас эканми? — деди Бек лутф билан.

— Нега бўлмас экан, мумкин. Наум Львович: бунинг фақат бир йўли бор — Масковга юқори лавозимга олиб келиш керак, деди.

— Шундай қила қолиш керак эди! — хитоб қилди Бек эҳтирос билан.

— Нима кераги бор бу ерда унинг! — Айиқнинг овозида жаҳл-жаҳолат оҳанги янграгандай бўлди.— Уни Тошкентдан ҳайдаб, Масковни оёғини осмондан қилиши учун олиб келарканмиз-да. Сен, Акахон, ноҳақсан. Наум уни ўша ёқда, Тошкентда тинчитсин. Ёки „Белокаменная“дан олисроққа, овлоқ жойга жўнатиб юборсин.

Юсуф Маҳмуднинг қулоғига энгашди.

— Маҳмуд ака, сизни телефонга чақирешаяпти.

Бек унга кўзини қисиб қаради.

— Тошкентдан Маҳмуд аканинг хотини қўнғироқ қила-япти...

Маҳмуд даҳлизга чиқиб, дастакни қулоғига тутди.

— Гули, бу — менман, гапир, тинчликми?

— Маҳмуд ака, ҳаммаси жойида, Би-би-сидан Маша Слоним деган аёл қўнғироқ қилувди. Мен Масковдаги телефон рақамларингизни бердим.

— Нега, бериб бўлдингми?

Маҳмуд ўйга толиб, суҳбат билан банд Бекка қараб қўйди.

— Бундай қилмаслик керак эдими, а? — хотинининг гап оҳангида ҳавотир ҳиссини сезди.

— Йўқ, лекин берган бўлсанг, энди нияям қилардик...

У хонага қайтиб кирди.

— Ҳаммаси жойидами?

Маҳмуд жавоб бериб улгурмади. Хонага Юсуф кириб келди.

— Маҳмуд ака, яна сизни...

Маҳмуд тагин даҳлизга чиқди.

— Бу Маҳмуд Умаровми? — сўради дастакдан нотаниш аёл овози.

— Ҳа, эшитаяпман.

— Сизни Би-би-си радиостанциясидан Маша Слоним безовта қиляпти.

— Қулоғим сизда, Машахон, — дастакни кафти билан беркитиб, ҳушёр тортган Бекка изоҳ берди: — Би-би-сидан интервью олишмоқчи...

— Сизга бир неча саволим бор эди, уларга жавоб берсангиз.

— Эшитаман.

— Маҳмуд ака, бас қилинг! — Бекнинг юзи докадай оқариб кетганди.

— Ўзбекистондаги вазиятга умуман қандай баҳо берасиз, Тошкентдаги аҳволга-чи? Мен қайта қуриш жамиятни демократлаштириш томонга бурилдими-йўқми, шуни назарда тутапман.

— Ўзбекистонда умуман гапирилганда, қайта қуришга, қуруқ сафсатабозлик эмас, чинакам қайта қуришгача ҳали анча бор...

— Маҳмуд ака, бас қилинг, ахир, қўмитачилар қаердалигимизни ҳозир билиб олади! — товушини кўтарди Бек.

— Бир дақиқа, мен фикримни тугатай!..

— Ўлай агар, ҳозир телефонни синдираман! — Бекнинг юзи саркаш ва таҳдидли тусга кирди.

Маҳмуд Машадан шошилич узр сўраб, ўзи билан Тошкентда алоқа боғлашини илтимос қилди.

— Сиз қачон Тошкентга қайтасиз? — қизиқди Маша Слоним.

— Агар ҳаммаси жойида бўлса, ўйимча, икки-уч кундан кейин Тошкентга учамиз. Бугун сешанба,— деди Маҳмуд тахминлаб.— Чоршанба, пайшанба, жума... Шанба куни қўнғироқ қилинг, соат кечки тўққизларда. Хўп, хайр.

Бек ўзи ўтирган курсини шовқин-сурон билан улоқтириб ташлади.

— Онангни эмгур, энди уйни алмаштириш керак! Энди одамга ўхшаб яшай бошлагандик, буни қаранг...

Маҳмуд яна жимлик чўккан дастурхон ёнига қайтди. Бек бутун ғазабини ҳеч нимада айби йўқ Юсуфга сочаётганди.

Айиқ аста сўз қотди:

— Акахоннинг таъби тирриқ...

Кўп ўтмай, у эртасига Наум Львовичнинг олдида учрашишга келишиб, жўнаб кетди.

Наум Львовичнинг кайфияти тарақ эди. У кулар, ҳазиллашар, гап орасида оврупоча латифалар айтиб қолар, айни вақтда катта-катта ҳарфлардан иборат бежирим дастхати билан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг катта зобитлари илтимосига кўра Марказқўмга шикоят хатлари ёзарди.

Биринчи шикоят Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги БХСС Бошқармасининг бошлиғи Овчаренконинг номидан бўлди. Наум Львович матни машинкачи қизга узатди.

— Леночка, ишга киришинг.

Шу заҳоти қабулхонадан ёзув мошинкасининг чиқиллагани эшитилди. Наум Львович эса, келгуси шикоятни ёзишга киришганди. Бу энди Банделет эди, кейин Анвар Юсупов, Владимир Торбин...

Маҳмуд ўзига пастга тушиб кетгандай туюлган қоғозни кўтариб, Наум Львовичга узатди.

— Болиевни унутдингиз.

У бир зум ҳайкалдай қотди, қайсидир ахборотни эслаб, кўзларини сузди, сўнгра Маҳмудга пича туманга чулганган нигоҳини қадади.

— Уни ҳибсга олмоқчи бўлганларида, ўзини деразадан ташлаб юборган, деган эдинг-ку?

— Худди ўша, лекин у вақтида қочиб қолган-да.

— Бўлмайди! — Наум Львович қатъият билан унинг Болиев аризасини тутган қўлини итарди.

— Нега энди? — ҳайрон бўлди Маҳмуд.

— Унга ишонч йўқ. Қочдимиз, демак, айби бор.

Маҳмуд бош ирғар экан, Виталий Азизович билан Масковда унинг шикоятни ўтмаганлиги юзасидан бўладиган мураккаб гап-сўзни тасаввурига келтирди.

Эртасига Маҳмуд Тошкентга учди. Унинг йўл қопчилигида имзо чектириб, қайта Масковга жўнатилиши лозим бўлган аризалар бор, пировардида Наум Львович уларни ҳаракатга келтириши керак эди.

Тайёрагоҳда Маҳмудни Турсун Ражабовнинг бир ўзи кутиб олди.

— Гули қани? — ҳайрон бўлиб сўради Маҳмуд.

— Кейин сенга ҳаммасини тушунтириб бераман,— хотиржам қилди уни Турсун.— Сал ташвишлари кўпайиб кетди, уни тайёрагоҳга чиқмасликка зўрға кўндирдим. Ўзинг тушунасан-ку, ҳозирги аҳволида уни кўп уринтирмаган маъқул.

Маҳмуд бош ирғади. Қўлидаги ҳужжатлар солинган жузгирни узатди.

— Тезда қўл қўйдириб, қайта Масковга жўнатиш керак.

— Ким қўл қўйиши керак?

— У ерда ҳаммаси кўрсатилган.

Маҳмуд ҳорғин кўзларини юмди. Тезроқ уйга етиб олиб, иссиқ ванна қабул қилиш ва ухлашни истарди. Йигирма тўрт соат ухлайди, шундан кейингина у нима биландир шуғулланишга қодир бўлади.

Турсун билан хайрлашаркан, яна эслатди:

— Икки нускага имзо чектир, биттаси — Масковга, иккинчиси — менга.

— Ҳаммаси тушунарли,— ваъда берди Турсун.

Ярим тунда Маҳмуд кўрпасидан ирғиб турди. Қандайдир туш кўрғанди. Нохос хотинининг қизариб кетган кўзларини эслади, энди уйғонгандай, кўзларини уқалаб, ёстиқдошини чақирди:

— Гули!

Жимлик. У ё эшитмади, ёки... Бор овози билан бақирди:

- Қаердасан, Гули?
- Эшикда қўрқувга тўла кўзлар пайдо бўлди.
- Шу ердан...
- Нима бўлди ўзи? Ҳадеб топишмоқ ўйнамасдан бор гапни менга айтиб бера оласанми-йўқми?
- Ҳамон ўша маъсум нигоҳ.
- Ҳаммаси жойида, Маҳмуд ака.
- Сендан жуда илтимос қиламан, Гули, бор гапни айтиб бер! — у ёнидаги кўрпачани шапатилади. — Бу ёққа кел, ўтир.— Маҳмуд унинг ёнига ўтиришини кутиб турди, кейин елкасига қўлини ташлаб, кўзларига тикилди.— Энди гапир, мен йўғимда бу ерда нима кечганини, чамамда, тасаввур қилаётгандайман. Лекин сен буни ўзинг гапириб бер, келишдикми?..

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ

ўрт. С. С. Сайдалиевга

Ҳурматли Собир Саидович!

Мен хизмат юзасидан тўрт кунга Масковга кетганимда, ҳозирги вақтда фарзанд кутаётган хотинимга нотаниш кимса қўнғироқ қилиб, айнан қуйидагиларни айтибди: „Қизча, агар эринг шунчалик тентак ва бировларнинг ишига бурун тикиш хавfli эканини тушунмас экан, истамасак-да, сени огоҳлантириб қўйишга мажбурмиз. Унга айтиб қўй: агар у ўз шахсий ҳаётини қадрламаса, хотини ва яқинда туғилажак фарзандини ўйласин. Агар бу огоҳлантиришимиз кор қилмаса, биз қорнингни ёриб, туғилмаган гўдакни йўргаклаб кетамиз.“

Сизга, ўртоқ вазир, мени ва хотинимни номаълум палидлар таҳдидидан қутқаришингизни сўраб мурожаат қилаётганим йўқ, мени ва менинг яқин одамимни йўқотиш ҳақидаги бундай таҳдидлар каминанинг номига биринчи бор айтилмаётганини Сизга маълум қилиб қўймоқчиман, холос.

Бу хат бўйича бирон чора кўриш-кўрмаслик — Сизнинг виждонингизга ҳавола.

Маҳмуд Умаров, ёзувчи.

— Жиноий қидирувнинг катта тезкор миршаби Сатторов,— меҳмон шаҳодатномасини кўрсатди. Маҳмуд фотосуратига зимдан назар ташлади.

— Қулоғим сизда.

Сатторов хижолат чекиб, гавдасининг оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди.

— Биласизми, сизга озгина гапим бор эди, балки ичкарига ўтармиз!

Маҳмуд жилмайди.

— Ҳа, албатта. Одобсизлигим учун кечиринг.

У меҳмонни ошхонага бошлади, совутгичдан газ сувли шиша олиб, пиёлаларга қуйди-да, бирини Сатторовнинг олдига қўйди.

— Сиз, чамамда, бизнинг туманда ишласангиз керак?

— Ҳа,— тасдиқлади Сатторов.— Сиз вазирликка хат йўллаган экансиз, уни бизнинг туманга йўллашибди. Сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш учун зудтар чоралар кўриш буюрилган.

— Биласизми, мен хатни бунинг учун ёзмагандим, албатта... Хайр, майли...— Маҳмуд ўйланиб туриб, меҳмоннинг кўзларига тикилганча сўради: — Сиз жилла қурса менинг кимлигимни, сўнгги вақтларда нима билан шуғулланишимни, вазирлигингиз номига ёзилган бу хат қандай пайдо бўлганини биласизми?

Сатторов бошини чайқади.

— Мен сизнинг ёзувчилигингизни биламан, холос. Бунинг мактубингизга дахли борми?

— Тўғридан-тўғри дахли бор. Мен сизни аҳмоқона ҳолатда, яъни айбсиз айбдор бўлиб қолмаслигингиз учун огоҳлантириб қўйишим керак. Мен нимани назарда тутаётганимни тушунаяпсизми?

Меҳмон бошини сараклатди.

— Унчаликмас.

— Мен милиция ва прокуратура ходимларининг ўз бошлиқлари: вазир муовини Дидоренко, республика прокурори муовини Гайдановлар устидан ёзган шикоятлари билан шуғулланаман.— Маҳмуд бирпас жим қолди.— Агар сиз жиддий киришиб, ким қўнғироқ қилганини топа олсангиз, гарчанд мен кимнидир излаб топишингизга ишонмасам-да, айтайлик, мўъжиза юз бериб, жино-

ятчининг изига туша олсангиз, сиз жуда қалтис вазиятда қоласиз, чунки мен фақат юқорида номлари айтилган одамларга, биринчи навбатда ўшаларга ҳалақит бераман. Нима учун огоҳлантираётганимга энди тушунгандирсиз?

Меҳмон бесаранжом ҳолда тупугини ютиб, бош ирғади.

— Унда вазирликка нима мақсадда шикоят ёздингиз?

— Бу — сиз айтганингиздай, шикоят эмас, ўртоқ тезкор миршаб! Мен вазирингизни каминага нисбатан шундай таҳдидли қўнғироқлар мавжудлигидан хабардор қилиб қўйдим. Шундай далолат борлигини билдирдим, вассалом.

Сатторов бошини қуйи солиб, бир неча дақиқа жим қолди, эшитганларини мулоҳаза қилиб, шахсан ўзига бу қандай хавф туғдириши мумкинлигини чамалади. Ниҳоят, у бошини кўтарди.

— Мен нима қилишим керак энди?

— Ҳеч нима...

Маҳмуд сигарет чекди, қутисини унга узатди. У бош ирғаб миннатдорчилик билдирди-да, сигарет тутатиб, ту-тунини ичига тортди.

— Мен топшириқ олганман, бошлиқларимга сизнинг шикоятингиз юзасидан ўтган суҳбат натижасини айтишим лозим.

— Шундай деб айтаверинг, менга қўнғироқ қилган одамнинг исми ва манзили маълум эмас, агар лозим топишса, менинг уй телефонимни назоратлари остига олишларига ижозат бераман.

— Бу қанақаси?

— Жуда оддий. Тармоғимга уланинг-да, эшита-веринг...— Маҳмуд киноя билан „ҳм“, деб қўйди-да, маъноли қилиб гап қўшди: — Аслини олганда, телефоним аллақачон назорат остидаку-я...

Сатторов бошлиқларига нима деб ҳисобот бериши юзасидан бирон узил-кесил қарорга келолмай, саросима ва тушкунлик ҳолатида уйни тарк этди.

— Сиз нималар қилаяпсиз, Маҳмуд? Номингизни эс-лашнинг ўзиданоқ одамлар эсанкираб қолишаяпти,— деди Ермолаев пинҳона жилмайиб.

— Очигини айтинг, Константин Николаевич, мен қонунга зид нима ёмон иш қилаяпман? — Маҳмуд унинг кўзларига тик қаради.

— Сиз шундай саволлар берасизки, Маҳмуд...

— Мен айнан сизнинг фикрингизни билишни истайман.

— Менинг фикримча, сиз ҳеч қандай қонунга зид иш қилмаяпсиз, лекин...

— Қизиқ, бу „лекин“нинг ортида нима гап бор?

— Бу „лекин“нинг ортида жуда кўп гаплар бор, Маҳмуд, муҳими эса, раҳбарият сизга тегмаяпти, пайқадингизми?

Маҳмуд маъюс бошини сараклатди.

— Муҳими, мен сизларнинг қора ишингизни бажараяпман,— Маҳмуд „сизларнинг“ деган сўзга алоҳида урғу берди.— Раҳмат айтишмайдиган қора ишингизни, шунинг учун бир илтимосим: кўмаклашманглар, лекин ҳалал ҳам берманглар...

— Маҳмуд ака, сиз билан Эркин Асакинский танишмоқчи.

Нурмат Орифжонов ўз саквояжидан мақоланинг кўпайтирилган бир тўп нусхаларини чиқариб столга қўйди.

— Бу ерда ўттиз нусха, ҳозирча сизга етадими?

Маҳмуд бош ирғади.

— Асакинский деганлари ким экан?

— Кучли одам, бутун Фарғона водийсининг тожсиз қироли. Наҳотки у ҳақда эшитмаган бўлсангиз?

— Қонун доирасидаги ўғрими?

— Йўқ, лекин обрў-этибори жуда баланд. Рустам Абдуллаев уни ҳибсга олдирганди, жиноий модда ёпиштирмоқчи эди, ҳеч нарса қилолмади. Чиқиб келди... Таништириб қўйишимни истайсизми?

— Истамайман. „Обрў-этибор“идан ўргилдим...

У Андижон вилоят Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи Рустам Абдуллаевнинг Нурмат ҳақидаги гапини эслади:

— У ҳаммага отаси қолдирган катта мерос ҳақида гапириб юради, аслида унинг бойлиги бадбўй ҳид таратади.

Ўшанда у полковникнинг оддий капитанга нафратини тушуниб етмаган ва Рустам Абдуллаев ўз сўзларига изоҳ берганди:

— Унинг устидан йўловчилар томонидан ёзилган шикоятлар шунақанги кўпки, ахир, у Андижон станциясида катта тезкор миршаб вазифасида ишлаган-да. Сен қачондир ёзда пассажир вагонларида юрган бўлсанг керак? Эслагин-а, ҳаммаёқда пашшалар, терга ботган аёл ва эр-

какларнинг таналари, ҳавоси алмаштирилмайдиган ва ачиган вино ҳиди келувчи ҳожатхона ва буларнинг бари билан Нурмат Орифжоновнинг шўрлик қопчи савдогарларни зир титратувчи очофат панжалари ҳамиша ёнма-ён; ноилож олиб-сотарлар ундан ифлос ва гижим-гижим уч сўмлик ва беш сўмликлар бериб қутулишади. Унинг бойлиги қандайдир ҳаёлий отасидан эмас, айнан ана шундан...

Инглизларда бир мақол бор: „Ҳар бир оиладаги қабрда — ўз скелети (қуруқ сўяги) бўлади“. Полковникда ҳам капитанга нисбатан ўз скелети бор эди ва аксинча. Одатда, ҳар бир одам қандайдир олтинчи сезгиси билан ўз гўрковини билади, ишлари бароридан келган полковник, бўлажак генерал, юксак поғоналардаги раҳбариятга энг яқин тезкор миршабларнинг бири, ҳатто Дидоренко ҳам юксак баҳолайдиган Рустам Абдуллаев тармоқ бўлинмасининг ўзига ишонган, такаббур ва суллоҳ капитани олдида хавф туяра, ўзини ноқулай сезарди. Айни шу Нурмат Орифжоновнинг ўз бошлигини жиноятни яширганликда фош қилувчи, гўё аллақачон унутилиб кетган моддий далил-исботларни қасдқандир ковлаб топишга муваффақ бўлгани ҳам бежиз эмас эди.

Тўғри, ўшанда Абдуллаев ҳали капитан ва у Тошкент вилояти туманларидан биридаги бўлимга раҳбарлик қиларди. Йўлдаги автомобил ҳалокати натижасида одам ўлган эди. Автомашина чамбарагини янада юқорироқ поғонага кўтарилиши лозим бўлган масъул фирқа ходими бошқарганди. Нохос — мана шу фавқулодда ҳодиса. Йўл ҳодисаси ҳақида зудтар туман бўлими бошлиғи Рустам Абдуллаевга хабар етказишди, у эса, туман прокурорининг гап-сўзсиз розилиги билан йўл ҳалокатини масъул фирқа ходимининг ҳайдовчисига расмийлаштирди. Кўп ўтмай, фирқа ходими Тошкентга, ўзининг юксак лавозимига ишга ўтди. У ўз халоскорларини унутмаган, шу боис улар ҳам бирин-кетин юқори поғоналарга кўтарилишди.

Ана шу муҳим ҳужжатларни Нурмат Орифжонов излаб топган ва оғзаки тарзда Рустам Абдуллаев — генерал Дидоренконинг арзандаларидан бири эканини ҳам қўшимча қилганди. Агар ёшгина полковник Андижондаги илк учрашувдаёқ ўзининг очикқўнғиллиги, ҳалол нигоҳи ва аллақандай чапаниларча бебоб тантилиги билан Маҳмудда яхши таассурот қолдирмаганида, катта жан-

жалдан осон қутилиш амри-маҳол эди. Лекин полковник билан учрашувгача тақдир ёзувчининг қизиқувчан идроки учун яна бир туҳфа ҳозирлаганди.

Кунларнинг бирида Маҳмудни ресторанга туғилган кунга таклиф қилишганди. Меҳмонларнинг бири — хушчақчақ ва сўзамол одам транспорт прокурорининг муовини экан. Бирдан йўл-йўлакай айтилган гап Маҳмудни сергак торттирди: прокурор гапдан-гап чиқиб, ўзининг туман прокуратурасидаги ишини эслади.

— Унда сиз Рустам Абдуллаевни яхши танисангиз керак? — Маҳмуд саволни жуда эҳтиёткорлик билан, буям бир гап-да, дегандай оҳангда берди.

— Танишман, албатта, — тасдиқлади прокурор. — У ҳозир Андижон Ички ишлар Бошқармасида шекилли?

— Андижонда, — унинг фикрини қувватлади Маҳмуд.

— Генераллик юлдузини ҳам олгандир? — қизиқсинди ҳамсуҳбати.

— Ҳозирча йўқ... — лоқайд жавоб берди Маҳмуд ва бепарқ қўшимча қилди: — У генераллик даражасига эришолмаслиги мумкин.

— Бирон жиддий гап борми? — прокурорнинг кўзлари қизиқишдан йилтираб кетди.

— У сиз билан ўша туманда ишлаган вақт ҳақида ахборот етиб келди. Ўша ҳалокат ёдингиздадир?

— Наҳотки ўша ишни яна қўзғашган бўлса? — кинояли кулимсиради у.

— Шунақага ўхшайди.

Аммо прокурор бу гапга мутлақо эътибор бермай, бошини сараклатди.

— Энди қўрқадиган жойи йўқ, ҳайдовчи ўлиб кетган, ҳеч нарсани исботлаш мумкин эмас.

— Исботлаш, балки мумкин эмасдир, лекин катта-кичик ҳар қандай жанжал мансаб даражасининг ошувига тўсиқ бўлади, ё мен ноҳақманми?

— Ҳеч қачон ҳеч кимга жанжалнинг кераги йўқ, ҳатто сен нафақахўр бўлсанг ҳам, — рози бўлди адлия ходими.

— Ҳайдовчи қачон ўлган? Ахир, у ўз хўжайинининг айбини бўйнига олган-да, сиз шу хусусда гапираяпсизми?

— Ўша ҳақда, — бош ирғади ҳамсуҳбати. — Уч йил аввал, ўпка саратони туфайли.

— Рустам Абдуллаев буни биладими?

— Менимча, йўқ. Буни билишнинг нима кераги бор,

иш аллақачон ёпилган, архивга топширилган. Ҳеч кимдан эътирознома ҳам тушмаган.

Айни шу гап Маҳмудга маъқул тушмаганди. Ёвузлик атайин амалга оширилганми, беихтиёрми, қандай бўлмасин, жазоланиши керак, деб ҳисобларди у. Адолат тантана қилиши қўлида у жазо қуроли бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганди. У фақат инсон жиноят қилдими, шунга яраша тегишини олиши керак, деб ўйларди.

Мутлақо кутилмаганда Рустам Абдуллаевни Шароф Розиков ҳимоя қилиб қолди.

— Рустам акага тегманг, у ажойиб одам.

— Сен уни танийсанми? — қайрон бўлди Маҳмуд.

— Ишимни қайта судга оширишганида, мен қамоқхонада ўтиргандим-ку, — дея ҳикоя қилди Розиков. — Рустам ака менга жуда кўп ёрдам берган, маслаҳатини аямаган, учрашувларга монелик кўрсатмаган...

— Фақат шунинг учунгина илтимос қилаяпсанми?

— Қамоқда ўтирганингда, яхши муносабат катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, у Тошкент вилоят Ички ишлар Бошқармасининг бошлиғи лавозимида хизмат қилган тоғам — генералнинг қўл остида ишлаган.

— Гапни унинг тоғангда ишлаганидан бошлаш керак эди, — деди Маҳмуд. — Шунинг учун ҳам у сенга ёрдам берган, наҳотки тушунмасанг? — Маҳмуд ўйланиб туриб, қўлини силтади. — Бундай қиламиз: сен у билан алоқа боғла, яхшиси, учрашгин, унга иш қўзғалганини айт. Агар у ниманидир уқиб етса, Мен Андижонга бориб келаман. Балки Анатолий Ковалевни ҳамроҳ қилиб оларман. У Абдуллаевни яхши билади, бир вақтлар қайсидир туманда бирга ишлашган...

Андижон Ички ишлар Бошқармаси шаҳар марказида жойлашган эди. Навбатчи меҳмонларни бошлиқнинг хонасигача бошлаб чиқди, қабулхонадаги котибага қисқагина қилиб:

— Рустам Худойбергенович кутаяпти, — деди.

— Хабарим бор.

Аёл эшик ёнига бориб, уни тўлиқ очди.

— Марҳамат.

Ковалев ва Абдуллаев қучоқлашиб кўришишди.

— Бу — Маҳмуд Умаров, танишгин.

Ковалев хона соҳибига ҳамроҳини таништириб, ўзи четга ўтди. Абдуллаев Маҳмуднинг қўлини маҳкам қисиб сўрашди. Умаров қўлининг оғриғи ва полковникнинг тешиб юборгудек синчков нигоҳига дош берди.

— „Спитамен“ ингизни ўқиб чиқдим, яхши китоб. Менга ёқди.

— Буни қара, Маҳмуд, асарларингни полковниклар ҳам ўқишаркан, шунинг ўзи катта гап.— Ковалев ҳазил-омуз дўстининг елкасига қоқди ва Абдуллаевга кўзини қисди.— Менинг мақолаларимга ҳам кўз ташлаб турасанми?

— Ўзинг ҳақингда хавотирланмасанг ҳам бўлади,— деди Абдуллаев.— Мен, афтидан, Ички ишлар вазирлиги тизимининг Анатолий Ковалев ижодини доимий кузатиб борадиган камдан-кам бошлиқларидан бири бўлсам керак. Нафақахўрликка чиқсам, сенинг ижодий меросинг ҳақида таҳлилий мақолалар ёза бошлайман.

У столининг тортмасини очиб, қалин жузгирни олди-да, гувоҳликка чорлаётгандай айёрлик билан Маҳмудга кўзини қисди.

— Бу ерда нима борлигини ҳозир кўрамиз... Э-ҳа, Анатолий Ковалев, „Қишлоқ ҳақиқати“: „Пок ниятлар остида нима бор?“ Яна. Анатолий Ковалев, „Янчилган тақдирлар“. Яхши... „Қонун доимо ҳақ“...

Ўзини жилмайганча кузатиб турган Ковалевга қаради.

— Яна кўрсатайми?

Ковалев унинг ўйинига қўшилди.

— Сўнгги ишларимнинг ҳаммаси сенда бор-йўқлиги мени қизиқтиради.

— Босилганларими, босилмаганларими?

— Сенда шунақалариям борми? — Ковалев ҳайрон бўлди, кўзларида ишончсизликка ўхшаган бир нима милтиллади.

— Хафа қилаяпсан, ўртоқ бошлиқ! — полковникнинг овози таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўча безориларига хос йиғлоқи-густоҳона оҳанг касб этди.

Абдуллаев жузгирдаги қоғозларини титкилаб, уларнинг бирини ажратиб олди.

— „Гайдановчилик“... Республика прокурори муовини... ҳуқуқшунослик фанлари номзоди... Бу Олег Иванович Гайдановнинг расмий унвонлари.

Абдуллаев қоққан қозиқдай қимирламай туриб қолган

Анатолийга зимдан нигоҳ ташлаб қўйди-да, кулимсираб, ўқишда давом этди:

— Одамлар билан қўпол муомалада бўлади, шафқатсиз, суллоҳ, ҳаммага ҳукмини ўтказишни яхши кўради, қонунбузарлик ва зўравонликнинг устаси фаранги... Етарлими?

— Бу мақола сенинг қўлингга қандай туша қолди? — Анатолий энди ўз ҳайратини яширолмай қолганди.

— Менда нафақат „Гайдановчилик“ бор. Марҳамат, „Десантчилар“ ёки Ўзбекистонда нима учун маҳаллий прокурор-терговчи ходимларни шафқатсиз жазолаш жараёнига кенг йўл очиб берилгани ҳақида. Яна керакми?

— Бўлди! Бўлди! — иккала қўлини кўтарди Ковалев ва Маҳмудга тикилди. — Кўраяпсанми, тезкор миршаблар қандай ишлашади! Агар хоҳлашса, қотириб қўйишади! — У боши билан Умаровга имо қилди: — Унинг ҳам нимасидир борми сенда?

Абдуллаев шу ондаёқ жиддийлашди, Маҳмуднинг кўзларига тикилди.

— Китоблари бор, буни айтувдим.

— Китобларидан ташқари-чи? — тагига етмоқчи бўлди Ковалев.

Абдуллаев унга айёрона-ҳужумкор нигоҳ ташлади.

— Чамаси, сен, эҳтимол, „Сукут сақлаш — бу ҳам жиноят“ мақоласини назарда тутаётган бўлсанг керак?

— Ў-ў, бошқа саволим йўқ! — хитоб қилди Ковалев кулиб ва Маҳмудга юзланди. — Сенда-чи?

— Менда ҳам, — деди Маҳмуд ишончсиз оҳангда нигоҳини Абдуллаевга ўтказаркан. — Агар бизнинг ташрифимиз мақсадига ўтадиган бўлсак, мен сизга бир неча савол берсам, дегандим, Рустам Худойбергенович. Гаплашиб олашимиз?

— Албатта, гаплашамиз! — деди Ички ишлар Бошқармасининг бошлиғи ҳозиржавоблик билан. — Фақат бу ерда, мулк давлат хонасида эмас.

— Нега энди? Хонанг жуда шинам-ку! — овоз берди Анатолий.

— Сен очикмадингми ҳали?

— Очикдим, — тан олди Ковалев. — Дастурхоннинг тайёрни? Узоқ эмасми?

— Йўлнинг нариги бетида. Бизни кутишаяпти...

Хайрлашишаркан, тўкин дастурхондан кейин анча оғирлашиб чиққан полковник Маҳмудга пайғамбарона гапни айтди:

— Майли, Орифжоновингга тегмайман, яшаб юр-версин, сен ҳақсан. Ер юзида ундан бешбаттар қабиҳроқ одамлар яшаб юришибди ва ҳеч ким уларни ерга уриб, топтамаяпти.

— Тўғри, ахлатга тегилмаслик керак, шунда у сасимайди! — минғирлади Ковалев.

— Лекин бари бир, Маҳмуд, у сен ўйлаган одам эмас, у ҳали ўзини кўрсатади. Бундан буён унинг мараз ишларига аралашишдан сени Худо ўзи асрасин...

Гули унга Элёр Ёрматов қўнғироқ қилганини, зудлик билан олдига етиб келишини илтимос қилганини айтди.

— Фақат душмангина сен қилган ишни қилиши мумкин! — деди Ёрматов столга мушт тушириб. У ўзининг зиёлилигини йиғштириб қўйган, одатича, сўзларни ҳам танлаб ўтирмаётганди.— Бу мақолада менинг номимдан фойдаланишга ким сенга ҳуқуқ берди?

Маҳмуд сукутга ботганди. Ўзини оқлашга уриниши бе-фойда эканини у тушунарди. Агар Элёрки бу даражада қутуриб-сачраётган экан, юқорида ақл бовар қилмас жан-жал бошланганига шубҳа йўқ ва у ўз улушини етарлича олишга улгурганди.

Ёрматов тортмасидан тагига икки одамнинг номи ёзилган мақоланинг нусхасини олиб, столга ташлади.

— Тушунтириб бер, нима бу?

— Агар ёдингизда бўлса, бу ўша мен сизга олиб келган варианты.

— Ўшанда мен сенга нима дегандим?

— Имзо чекмайман, дегандингиз.

— Бу ерда нима? Менинг сўзларимдан кейин у нега қолаверган, ўшанда биз келишгандик-ку?

Маҳмуд яна жим қолди.

— Нега мен сен туфайли у ёққа тушунтириш хатлари ёзишим керак? — у дарғазаб ҳолда бармоғи билан юқорига ишора қилди.— Нега ўзимни ҳимоя қилишим керак? Сен буни тушунтириб бера оласанми?

Маҳмуд яна жим қолди.

— Нега мен сен туфайли у ёққа тушунтириш хатлари ёзишим керак? — у дарғазаб ҳолда бармоғи билан юқорига ишора қилди.— Нега ўзимни ҳимоя қилишим керак? Сен буни тушунтириб бера оласанми?

— Элёр Раҳматуллаевич, даҳшатли ҳеч нима юз беради, айтинг, бу ачинарли англашилмовчилик, деб айтинг, ҳамма айбни менга тўнканг, агар исташса, мен билан ажрим қилаверишсин, мен бўлсам, бир балолар деб, уларга жавобини бераман, хотиржам бўлинг.

— Буни қаранг-а, у мени овутмоқчи! — хитоб қилди Ёрматов, кейин пешонасига бир уриб, баландроқ овозда яна такрорлади: — У мени овутмоқчи! Эшитяпсизларми! Ички ишлар вазирлигидан, прокуратурадан, ҳаммаёқдан „телекс“лар келаяпти, мени нималарда айблашмаяпти, у эса, мени хотиржам қилмоқчи!

— Наҳотки ҳаммаси шу даражада жиддий, Элёр Раҳматуллаевич?

— Бундан жиддийроқ бўлиши мумкин эмас! — деди Ёрматов тушкун овозда. — Ойномадан хабар қилишди, менинг масалам таҳрир ҳайъатида кўрилар экан. Бу етмагандай, юқоридан қўнғироқ қилиб сўроққа чақиришди. Нима учун энди? Айт, Маҳмуд, мен сенинг олдингда нима гуноҳ қилгандим? Энди эса, сенинг марҳаматинг билан ҳаммаёққа жавоб ёзишим, одамлар, мен айбдор эмасман, деб исботлашим, жар солишим керак!

Маҳмуд Ёрматовни қандай тинчлантиришни билмасди. Уни қўрқоқлик ёки бошқа бирон гуноҳларда айблаш ўзингни оқлашга интилишдан ҳам баттарроқ аҳмоқчилик бўларди. Унинг энг катта хатоси — ҳаммуаллифликка Элёрнинг расмий розилигини олмай туриб, мақола нусхасини Орифжонга бериб юборганида эди. Аммо модомики бериб юборган экан, воқеаларни ўз ҳолига ташлаб қўймай, Нурматни ахтариб топиши ва Ёрматовнинг номини олдириб ташлаши керак эди.

Маҳмуд Ёрматовнинг хонасидан чуқур айбдорлик туйғуси билан чиқди. Яхши муносабат ҳеч қачон жазосиз қолмайди, деган ибора ҳақ, Ёрматовни у ўзига яхши муносабати, қўллаб-қувватлагани учун худди шундай жазолади. Маҳмуд ўз ишларига, ўз ҳаётига хўжайинчилик қилиши мумкин, у эса сафдош бўлиб ёнида турган, яқин одамларини ҳам билиб-билмай идора қилди ва панд берди.

Ўзининг энг садоқатли одами Гулига нисбатан ҳам шундай қилганди. Генераллар ва фирқа мансабдорларига қарши ҳаёт-мамот жангига кираркан, бу кичкинагина аёлнинг бугунги ва келажаги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, шу қадами билан унга нисбатан хоинлик қилди. Энди эса, Элёр Раҳматуллаевни ҳам сотди.

Уни эмас, айнан Гулини жазолаймиз, деб қўрқитишди, таҳдид қилишди, буни у тасодифан билиб қолди ва шу далолатга ёпишиб олиб, ундан ҳам Дидоренкога қарши „ўйин“да кўзир сифатида фойдаланди, бу гал ҳам ётоқхонада жимгина йиғлаб ўтирган хотини ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Шунчалик тошбағир ва худбин, шунчалик беандиша ва бетамиз бўладими одам?

Ҳамроқул Акбаров қўнғироқ қилди.

— Маҳмуд ака, Канада телевидениеси вакиллари сиз билан учрашишни иштаяпти.

Бу айни муддао эди. Ёрматовнинг номини сал бўлса-да, оқлашга имконият туғилганди.

— Улар қаерда?

— Менинг хонамда ўтиришибди. Агар сиз рози бўлсангиз, мен уларни уйингизга бошлаб бораман. Инесса хоним сиздан интервью олмоқчи.

— Дарров олишадими? Ҳеч қандай тайёргарликсиз?

— Албатта, киноускуналари ўзлари билан. Уларга нима дей?

— Бошлаб кел, розиман...

Расмий қисмини суратга олиб бўлишгач, Маҳмуд аввалдан тайёрлаб қўйган Масков „десантчи“лари ва генералларнинг зўравонлиги ҳақида гап очди. Сўнгра Инесса хоним кутилмаганда сўради:

— Сиз республикада уюшган жиноятчилик мавжуд деб ҳисоблайсизми?

— Ҳар ҳолда унинг вужудга келиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор.

— Фикрингизни изоҳлаб бера оласизми?

— Марҳамат. Бутун ҳокимият бугунги кунда иккинчи котибларнинг қўлида, яъни марказ вакилларида. Уларнинг номлари сизга яхши маълум деб ўйлайман...

— Ҳа, лекин сиз олий тизимларни назарда тутаяпсиз, мен эса, уюшган жиноятчиликни.

— Тўғри, уюшган жиноятчилик. Ўзингиз ўйлаб кўринг,

ҳокимият тизимларининг кўмагисиз у қандай уюшиши мумкин?

— Қизиқ, ҳўш, қандай? — жонланди Инесса хоним.

— Ҳозир бизда жиноий дунёда обрў-эътиборга эга зотлар, хуфия тижоратчилар ва цехчилар бор, улар ўз тасарруфларига етарлича катта миқдордаги пулларни тўплашган, бу пуллар жамғармаси ҳақида эса, ҳокимият тизимларининг вакиллари яхши хабардор. Менга ишонаверинг, ўша вакиллар нафақат хабардор, улар „пул қоплари“га тобора яқинлашиб келишмоқда, жуда қисқа вақт ичидаёқ хуфия маблағ ва давлат тизимларининг амалдорлик маҳкамаси иккала томонни бирдай қизиқтирувчи туташув нуқтасини топишади ва ўзаро келишган ҳолда ўз-ўзидан яхлит мажмуага айланишади. Мана бу чинакам уюшган жиноятчилик бўлади.

— Демак, шундай бўлиши мумкинми?

— Нафақат мумкин, бу табиий. Молиявий мададсиз ҳокимият — бу қуруқ товуш. Бунга ёш бола ҳам тушунади. Шунинг учун ҳам савдо вазири қилиб Литвиненко деган зот тайинланган ва унинг тасарруфида хуфия жазо аппарати мавжуд, унда бошқа ишлар қаторида оддий жиноятчилик ҳам расмий мақом олган.

Мен яқинда куч тизимининг йирик мансабдорларидан бири билан суҳбатлашдим, у республикамызда уюшган жиноятчилик умуман йўқ, деб ҳисоблайди.

— Лекин сиз, англашимча, унинг фикрига қўшилмайсиз?

— Афсус, йўқ.

— Сизнинг бунга қандайдир асосларингиз борми?

— Янада аниқроқ айтсак, унинг ҳам хуфия маблағ эгалари билан қандайдир алоқаси бор ва унга келажакни ойдинлаштиришнинг фойдаси йўқ, чунки бизга яхши маълумки, куч тизимларининг ходимлари ўз хизмат фаолиятлари боис хуфия корчалонлар билан чатишиб кетган, уларнинг ҳар бирини беш қўлда билишади, уларнинг фойда олиш ва бойиш манбаларидан ҳам яхши хабардор. Корчалонлар олган хуфия фойданинг катта қисми уларнинг қўлига келиб тушади, шунинг учун бу ерда Ички ишлар вазирлиги учун ҳам, прокуратура раҳбарлари учун ҳам ҳеч қандай сир йўқ.

— Ахир, шунинг ўзи ташкилот-ку?

— Худди шундай. Ҳукумат даражасида, — хулоса ясади Маҳмуд.

Ногахон Арменак қўнғироқ қилиб қолди, у бир йил муқаддам Маҳмуднинг Ўзбекистонда наркомафия ҳақидаги китоби асосида яратилган бадиий фильмни молиявий таъминлаган эди. Ўша пайтда бу муаммо йўқ эди, лекин Маҳмуд Умаров ўз қиссаси ва сценарийси билан бу касалликнинг келажакда катта хавфга айланишини башорат қилган, бундан огоҳлантирган эди. Бу огоҳлантириш чиндана пайғамбарона бўлиб чиқди, бинобарин, Ўрта Осиё минтақаси жуда тез вақт ичида юк тушириш ва қайта ортиш базасига айланган ва у орқали Ўрусия, яқин ва олис хорижнинг бошқа ҳудудларига ўнлаб, юзлаб кило гиёҳванд моддалар оқиб кела бошлаган.

— Маҳмуд, сени топганим жуда яхши бўлди! — Арменакнинг овози шиддат ва ҳаяжонга тўла эди. — Ҳеч қасққа кетмайсанми?

— Йўқ, нима гап ўзи?

— Ўн дақиқадан сўнг олдингда бўламан, мени кут, — бир зумлик сукутдан сўнг қўшимча қилди: — Жуда жиддий ва сен учун қизиқ гап бор.

У дастакни қўйди. Ўн дақиқа ҳам ўтмай эшик қўнғироғи жиринглади.

— Оғайни, дод дейсан!

Арменак Маҳмуд билан қучоқлашиб кўришди, юзларидан ўпди, қувлик билан сўради.

— Уйда ҳеч ким йўқми? Гули қани?

— Ишга кетган, бемалол гапиравер.

Ошхонага ўтишди.

— Маҳмуд, мен бир таклиф билан келдим. Бунақаси ҳаётда бир марта бўлади! — Арменак худди ўз уйидагидек музлатгични очди, газ сув шишасини олиб, ўзига тўлдириб қўйди-да, секин ярмини ичди. — Биласанми, мен ким билан суҳбатлашдим? Ҳеч қачон тополмайсан!

— Арменак, асосий гапга ўт! — Маҳмуд таассуф билан афтини буриштириб, соатга қаради.

— Сен қасққадир шошиляпсанми? — сўради Арменак ташвишга тушиб. — Қисқаси, мен генерал Дидоренко билан ғайрирасмий суҳбатда бўлдим, танийсанми уни?

Арменакнинг юзида айёрона табассум қотиб қолгандай эди.

Маҳмуд ўз хотиржамлигидан ҳатто ҳайратга тушди, гўё гап айнан шу ҳақда кетишини олдиндан билгандай.

— Сенга нима таклиф айтди, ўша Дидоренко?

— У сен билан бизнинг дўстлигимизни билгач, аввал сал довдираб қолди, кейин айтдики... тўғрироғи таклиф айтди, ўйимча сен уни рад этмайсан. — Арменак азбаройи ҳаяжонланганидан иргиб ўрнидан турди-да, хонада асабий юра бошлади.

— Сен уни нима билан илтиргансан, билмадим-у, лекин у сенинг қўлингда ва бундай имкониятни қўлдан бой бермаслик керак. Биз сен билан шунақа ишлар қиламиз, шунақа пул ясаймизки, тасаввурингга сигдиролмайсан, Маҳмудик!

— У сендан уни ўз ҳолига қўйишимни илтимос қилдими?

— Сен ҳамма гапдан хабардорсан шекилли? — юзида сунъий завқ пайдо бўлди. — Фақат „ҳа“, десанг, бўлди, Маҳмуд ва бир соатдан сўнг мен бир жамадон пул билан қайтиб келаман. Уч миллион, Маҳмуд! Уч миллион, тушунаяпсанми?! Кўплар бунақа пулни умр бўйи кўролмайди. Бир миллиони — менга, ташвишларим ва воситачилигим учун, иккитаси—сенга.

Маҳмуд жимгина унинг кўзларига тикилди.

— Чуқурроқ ўйла, азизим! Икки миллион, янги асарингни кино қиламиз, яна нима истайсан, ўзингга ўзинг хўжайинсан, тезроқ бир тўхтамга кел! — Арменак ҳаяжони таъсирида терлаб кетганди.

— Беҳуда ташвиш чекаяпсан, Арменак, — Маҳмуднинг овози ҳорғин ва лоқайд эди.

— Нега энди беҳуда? — баттар ташвишланди Арменак. — Сен нималар деяпсан, Маҳмуд? Эшит, ахир, уч миллион-а! Уч миллион тасарруфингга бўлади! Қандайдир арзимаган беш юз мингни фильмимизга излаб қанча сарсон бўлганинг ёдингдами? Бу ерда эса роппа-роса уч миллион, агар ақлни ишлатиб иш юритилса, олтига фильмга етади! Продюсер, магнат бўлиб кетасан, беш дақиқада — миллионерсан-а!

Маҳмуд унинг ҳамма гапини тўкиб солишини тоқат билан кутиб турди.

— Ҳаммасини айтдингми?

Арменак жонқиб бош ирғади.

— Энди мени эшит ва марҳамат қилиб гапимни бўлма!

Бошқа одам билан мен бу мавзуда умуман гаплашмаган бўлардим, ишон, сенга изоҳ бераман.

— Қулогим сенда, тезроқ гапир! — чуқур нафас олди Арменак унинг савол назарига жавобан.

— Бу генералнинг биринчи таклифи, деб ўйлайсанми?

— Ўй-ға, бундай таклиф билан олдинга аввал ҳам келишганмиди?

— Тўғри, келишмаган, лекин қўнғироқ қилишувди. Кўп марта.

— Сен пулдан бош тортибмидинг?

Арменак самимий ҳолда ҳеч нарсага тушунолмаётганди. Маҳмуд оғир хўрсинди.

— Дидоренко сени жўнатганидан кейин шундай бўлиб чиқади-да. Чамаси, сен ҳам бунга ҳозиргача ишнол-маётганинг кўриниб турибди.

— Лекин уч миллион, Маҳмуд! — худди сеҳрлангандай такрорларди Арменак.

Одамзот шундай бойликдан бош тортиши мумкинлигини, афтидан у сира тасаввурига сиғдирол-маётганди. Бундай пулдан воз кечиш учун одам ё тентак, ё жинни, ёки...

— Нима бало, сен мутаассибмисан, а?

— Мен мутаассиб эмасман, — Маҳмуд курсига гавдасини ташлаб, бармқлари билан сочларини таради. — Мутаассиб — бу қандайдир ғоянинг қули, — бошини сараклатди у. — Ўйқ, мен мутаассиб эмасман, пул менга халақит бермаслигини ҳам тушунаман...

Арменак жонланиб, қувонч билан хитоб қилди:

— Мана кўрдингми, тушунасан! Демак, мен Дедоренко-га, ҳаммаси жойида, деб айтишим мумкинми?

Маҳмуд уни эринчоқ ҳаракат билан тўхтатди.

— Агар мен сотила олганимда...

— Маҳмуд! Нималар деяпсан? — хитоб қилди Арменак аччиғланиб. Лекин Маҳмуд буни пайқамади ҳам.

— Агар мен бунга йўл қўйганимда, ўшандаёқ масалан, эллик мингга тўхтаган бўлардим. Бу осон ва соғлиқ учун... хавфсиз кечарди. Мени тушунапсанми?

Арменак бошини чайқади.

— Тушунмаяпмаш ва тушунишни ҳам истамайман!

— Бекор қиласан...

— Нима учун? — Арменак курсидан ирғиб туриб,

қўлларини пахса қилганча, ғазаб билан қичқирди: — Сен одамларга ўхшаб тушунтириб бера оласанми, нима учун?

— Агар менинг бошқа мақсадларим бўлганида, иккинчи таклифга— уч юз мингга розилик берган бўлардим. Лекин қандай ҳимояланишни ўйлашимга тўғри келар, чунки менинг ва яқинларимнинг ҳаёти хавф остида қолган бўларди.

Арменак, афтидан, тушуна бошлаганди. Ҳар ҳолда Маҳмудга шундай туюлди.

— Мен Дидоренко буларнинг барини тушуниб етди ва ўз фитналарига чек қўйди, деб ўйловдим. Лекин янглишганим кўриниб турибди, генералнинг мия заҳираларига ортиқча баҳо бериб юборибман чоғи.

— Тушунмадим?...

Нимасини тушуниш керак? — Маҳмуд нафрат билан лабларини бурди. — Сен орқали унинг таклифи бу — бе-маънилик. Бу афсонавий миқдордаги пулга кўра-била туриб сотилиш учун одам ғирт аҳмоқ бўлиши керак. Бу ўз-ўзингга ҳукм чиқариш-ку, ахир!

Арменак пешонасига тарсаки тортиб, хохолаб кулиб юборди.

— Мана нимадан қўрқаётган экансан! Оббо, Маҳмуд-ей!

Ниҳоят, у тинчланиб, курсига ўтирди-да, қувлик ҳам бор хушчақчақ нигоҳини Умаровга қадади.

— Демак, сен ишонмаяпсан?

Маҳмуд шу чоққача жиддий ўтирганди. Бирдан у Арменакнинг олдида беҳуда тиришаётганини англади, чунки у ўзининг гапларини худди кар одамдай эшитмас, эшитгиси келмас, инчунин, уни уқмаган ёхуд унинг мулоҳаза йўналишини тушунишни истамаганди.

Бундан у баттар сиқилиб, ҳасратга ботди, илло, у Арменакни ҳурмат қилар ва фильмни суратга олиш вақтида ҳатто унга қандайдир суяниб қолганди.

— Сенга қасам ичишим мумкин! — дерди Арменак вазиятни мутлақо тушунмай. — Сен дўстимсан-ку, наҳотки мени сотади, деб ўйлайсан? — у терлаб кетган кафтларини асабий ҳолда бир-бирига ишқалади. — Хотиржам бўл, ҳаммаси ўйлаб қўйилган. Мен эшигингга қўнғироқ қиламан, пулли жамадонни қолдириб, жўнаб кетаман. Агар бир миллионини менга бераман деб ўйлаётган бўлсанг, бу мен учун ҳаддан зиёд кўп, кейин қанча лозим

топсанг, ўзинг берасан... Кўраяпсанми, мен қандай олижанобман.

Маҳмуд хўрсиниб, совуққина овозда деди:

— Ҳеч вақога тушунмабсан.

Армснак бирдан жунжикиб, афти бўзарди.

— Сен мени қопқонга илинтириб бермоқчимисан!

Маҳмуд уни бир имо билан тўхтатди.

— Илтимос, гапимни бўлма, мен сени старлича эшитдим, энди менинг навбатим, — у фикрларини жамлаб, бир пас жим қолди. — Мен ҳукм ҳақида гапирарканман, фақат Дидоренконигина назарда тутмаяпман, ахир. Агар шундай тентакликка йўл қўйиб, уч миллионга бурнимдан илинсам, ҳузуримга адолат ва ҳимоя излаб келган, генераллар билан бошимни юқори кўтариб гаплашиш, уларни исбот-далиллар билан савалашга менга ҳуқуқ ва куч берган одамларнинг ўзлариёқ менга ҳукм чиқаришган бўларди. Ё улар менинг бу сотқинлигимни кечиришарди, деб ўйлайсанми?

Армснак нима деб жавоб беришни билмай, кўзларини олиб қочди.

Маҳмуд қониқиш билан „ҳм“, деб қўйди.

— Энди етиб бордимиз?

У сигарет чекиб, тутунини мириқиб ичига ютди.

— Мен айна шу одамлардан қўрқдим. Улар мени шубҳасиз тинчитибарди ва ҳақ бўлиб чиқибарди.

— Мени бундай пуллар билан ... — Армснак узун хуштак чалди, — ҳеч ким тополмаган ҳам бўларди.

— Лекин шундай куч борки, ундан яшириниб бўлмайди, — Маҳмуд яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин ўйланиб қолган Армснакка қараб, қўл силтади. Бари бир тушунмайди, устидан кулиб, ўз одатича, сулукат билан: „Нима? Виждонми? Фу! У нима ўзи? Марҳамат қилиб кўрсат-чи, менга! Мен уни ушлаб кўрмоқчиман!“ — деган бўларди.

Маҳмуд бу мавзуда бошқа гаплашмаслигини билдириб, ўрнидан турди...

Маҳмуд жим қолиб, соатига қаради. Бир соатдан кўпроқ вақт мобайнида у маҳобатли хона соҳиби — республика пойтахти ҳокими Шокир Раҳимович Мирзоҳидовни шаҳар фирқа қурултойида ўз номзодини саркоғибликка қўйишга кўндиrolмаётганди. Бу вақт ичида у

қарийб гапирмаган, ўзининг улкан қора курсисига чўкиб ўтирганча, Маҳмудга ўйчан тикилиб, сукутга толганди.

— Сенга нима десам экан? — ниҳоят, чўзилиб кетган жимликни бузди Мирзоҳидов. — Сен нимададир ҳақсан, албатта... Сукут сақлаш мумкин эмас. Курашдан четда туриш — мумкин эмас. Лекин сен таклиф қилаётган ишнинг ҳам иложи йўқ. Мавриди эмас.

— Нега энди?! — хитоб қилди Маҳмуд. — Шокир Раҳимович, ахир, бу ҳам сотқинлик-ку!

Иззат-нафси ҳақорат қилинган боис ҳокимнинг юзи буришиб кетди.

— Мен ҳеч кимни сотмаганман! — деди у қатъий тишлари орасидан.

— Мана энди халқингизни сотаяпсиз, — такрорлади Маҳмуд ўжарлик билан. — Сукут сақлаш ва бугун Ўзбекистонда кечаётган салбий жараёнларга қаршилиқ кўрсатмаслик ҳам сотқинлик саналади.

Мирзоҳидов Маҳмудга маъноли тикилганча, столининг тортмасидан рўзнома олди-да, ҳамсуҳбатининг олдига ташлади. Бу „Правда Востока“нинг янги сони эди.

— Мана бунга нима дейсан? Бу рўзнома ҳали дўконларга чиқмаган.

Маҳмуд „Правда Востока“ни очиб, уёқ-буёғига кўз югуртирди.

— Тўртинчи бетини қара,— деди Мирзоҳидов.

Маҳмуд бош ирғаб, керакли мақолани топди. Бу ички ишлар вазирининг муовини генерал Дидоренконинг „Правда Востока“ мухбирига берган интервьюси бўлиб, у бутун саҳифани бошдан-оёқ тўлдирган эди.

— Хўш, қалай? — сўради Мирзоҳидов истеҳзоли кулимсираб, Маҳмуд интервьюни ўқиб бўлиб, рўзномани столга ташлагач.

— Бу —энди очиқ уруш.

— Уруш анчадан бери кетаяпти ва у ҳамма вақт очиқ бўлган, — қатъий оҳангда қайд этди Мирзоҳидов.

У кескин ўрнидан туриб, хонасини айланди, дераза қошига келди.

— Энди қурултой хусусида. Мен Сатин қанча овоз олишини ва мен қанча олишимни тахминан ҳисоблаб чиқдим.

— Хўш?

— Мен ютқизаман. Сатин тентак эмас, ўз номзодини ўтказиш учун ҳамма ишни қилади.

— Майли, шундай ҳам бўлсин, лекин у сизнинг ортингизда ҳам кучлар борлигини кўради.

— Мен Матросов эмасман, — деди Мирзоҳидов ўз ҳамсухбатини ҳовуридан тушириб. — Менинг оилам, болачакам бор. Шошилмаганимиз маъқул, бизнинг кўчада ҳам ҳали байрам бўб қолар.

— Бўлишга-ку, бўлади-я, — рози бўлди Маҳмуд маъюс ҳолда Мирзоҳидовни кўндиролмаслигига ишонч ҳосил қилиб. — Лекин ўша кунга биз ҳар биримиз нима билан, қандай юк билан борамиз, ҳамма гап шунда...

— Маҳмуд, салом! Турсун Ражабов гапирапти.

— Қулоғим сенда, Турсун.

— Ҳозир Хачик сени олиб кетгани боради, кутгин.

— Нима гап ўзи?

— Дидоренконинг „Правда Востока“даги мақоласини ҳисобга олмасак, ҳеч гап йўқ. Ўқидингми?

— Ўқидим шекилли? Қайси бири?

— „Ҳаёт учун жанг“ деб аталади. Демак, биз сени кутамиз.

— Тушунмадим, биз деганинг ким?

— Ёнимда Геннадий Леонидович ўтирибди.

— Овчаренкоми?

— Ҳа. БХСС Бошқармаси бошлиғи. Салом деяпти, сени кўргиси келибди.

— Унда бораман. Хачигингни жўнат.

Рўзномадаги Дидоренконинг интервьюсига сўзбошида: Масковда Ўзбекистон комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби Иномжон Усмонхўжаев ҳибсга олинганини, шунингдек, қатор вилоят фирқа қўмиталари саркотиблари ҳам қамалганлари ҳақида хабар берилганди.

Маҳмуд ручкасини чиқариб, алоҳида эътиборни тортадиган жойларнинг тагига чизиб чиқди, ўйланиб туриб, матннинг номи кўрсатилмаган қандайдир хуфия тижоратчининг терговчи саволларига кимга, қанча пора бергани ҳақидаги жавоблари ёзилган қисмини ҳам ўраб қўйди.

Ниҳоят, Маҳмуд рўзномани четга қўйиб, бошини кўтарди. Овчаренко ёниб тугаётган сигаретини кулдонга солиб ўчирди-да, янгисини олиб тутатди. Тутунни чуқур ичига тортаркан:

— Хўш, қалай? — деб сўради.

— Бу интервьюдан кейин мен яна нима дея олишим мумкин? Ахир, у ўз-ўзини чавақлабди-ку!

Ражабов асабий кулди.

— Агар ўзини бўлса майли-ку! — У қадаҳга ароқ қуйиб, бир кўтаришда ичди-да, маринадланган бодринг билан газак қилди. — У ҳаммамизни лойга қориб ташлади. Бутун Ўзбекистон милициясини. — Рўзнмани қўлига олиб, ғижимлади. — Келтирган рақамларни қара, лаънатининг! „Уч йил мобайнида Ички ишлар идораларидан тўрт минг ходим ишдан ҳайдалган, беш юзга яқини ҳибсга олинган“ эмиш. Тасаввур қиласанми, бундай мақоладан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қандай ишлаш мумкин?

— Дидоренко бу ерда нафақат милиция ходимлари, балки прокуратура ва фуқаролик ҳокимиятининг ҳам номини буллаган, — деди Овчаренко маъноли қилиб. — Журналист учун яхши кўзир.

Маҳмуд бош ирғади.

— Ўзини ўзи чавақлабди, деб бежиз айтмаяпман-да. Ўзи ишонмайдиган, жиноятчилар тўдаси, деб ҳисоблайдиган ташкilotга раҳбарлик қилишга унинг ҳаққи йўқ. Аслида ўз қармоғидаги ходимларни бутун халқ нигоҳида ҳақоратлаган вазир муовинининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасидан ҳайдалишини талаб қилиб, бутун Ўзбекистон милицияси иш ташлаши керак эди.

— Ўрусияда шундай қилган бўлишарди, — тасдиқлади Овчаренко.

— Мен бир нарсани тушунмаяпман, — Маҳмуд Овчаренкога савол назари билан тикилди. — Сиз — республика БХСС Бошқармаси бошлиғисиз, лекин вазир муовини мисол тарзида келтирган бундай ҳужжат сизни қандай четлаб ўтиши мумкин, ё мен ноҳақманми?

— Ҳақсан! — қичқириб юборди Геннадий Леонидович. — Гап шундаки, мен мақолани ўқиб чиқишим билан ўз муовинларим, бўлим мудирларимни чақириб, бу ахборот кимдан олинганини суриштирдим. Нега менинг хабарим йўқ? Ҳеч ким аниқ жавоб беролмади. Сўнгги йиллардаги ҳамма ишларни қайта кўриб чиқдик — ҳеч гап йўқ. Ақл бовар қилмайди.

— Сиз ўз гапларингиз учун кафолат берасизми?

— Калламни кундага қўйишга ҳам тайёрман! — қовоғини уйди Овчаренко.

Маҳмуд ўйга толди.

— Унда бу қанақаси? Рўзномада, марказий матбуот воситасида атайин туҳмат, ёлғон-яшиқ маълумотлар эълон қилинган. — Саросима ва англашилмовчилик ўрнини энди ғазаб эгаллади. — Лекин бу далолатлар республика Ички ишлар вазирининг биринчи муовини томонидан тилга олинапти, кимга қандай, билмадим-у, лекин унга ишон-маслик мумкин эмас!...

— Ишонишди ҳам! — деди Турсун. — Танишларим кўча-кўйда юзимга қараб туриб, милицияда порахўрлар ва ўғрилар йиғилган, уларнинг бирдан-бир йўли-қамоқхона, дейишди. Дидоренко, ниҳоят, сизларнинг ҳам адабингизни бера бошлабди, барака топсин! — деб уни роса мақташа-япти, қаҳрамон бўлиб қолди энди.

— Ўзинг учун қайд этишинг мумкин, менга, БХСС бошлиғи сифатида қонунчиликнинг бундай қўпол бузилиши ҳақидаги далолатлар маълум эмас, боз устига, Дидоренко мақолада тилга олган жиноятларга гўё бевосита менинг қўл остимда ишлайдиган БХСС ходимлари ва бошқа ҳукумат идораларининг масъул хизматчилари йўл қўйишган... — у жим қолиб, нафасини ростлади-да, ҳотиржам давом этди: — Бу интервьюдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ё мен вазиятни бошқаролмаяпман, демакким, ўз лавозимимга муносиб эмасман ва зудтар милициядан ҳайдалиб, ишим судга оширилиши керак ёки Дидоренко милиция ва прокуратуранинг ҳалол ходимларини бадном қилувчи далолатларни ўз худбинлигидан келиб чиқиб, хизмат лавозими ва ҳурматли рўзнома мавқеини суъиистемол қилган ҳолда енгил обрў орттириш учун келтирган. Булар бари нафақат кишига алам қилади, балки даҳшатга солади...

— Эҳтимол генералнинг асосий мақсади ҳам мана шудир?

— Тушунмадим? — деди Турсун кўзларини юмалоқ қилиб.

— Нимасини тушунмайсан, — деди Овчаренко Маҳмудни қувватлаб. — Интервьюдан, Ўзбекистонда жамиятни уюшган жиноятчилик бошқаради, хуфия тижоратчининг эътирофлари эса, давлат тизимларининг порахўрлик ботқоғига чўкиб бораётганини кўрсатади, деган хулоса чиқади.

Ражабов нигоҳини гоҳ Маҳмудга, гоҳ Овчаренкога тикарди.

— Сизлар чиндана жиддий гапиряписизларми?

— Агар ихтиёр каминада бўлганда, мен ҳокимият обрўсини ерга ургани учун Дидоренкони судга берган бўлардим. Лекин фожеа шундаки, бутун ҳокимият ҳозирча айнан шу Дидоренконинг қўлида.

— Ҳозирча... — деди Маҳмуд тишлари орасидан.

Вақт ярим тундан оғганда, Маҳмудни яна телефон жиринги уйғотди.

— Маҳмуд, салом. Анатолий безовта қияпти, уйғотиб юбормадимми?

Маҳмуд соатга қаради.

— Уйғотиб юбординг. Қайси Анатолий?

— Ковалевман. Ҳалиям уйғонмадингми?

— Э-ҳа, сенмисан? Салом, — Маҳмуд энди буткул ўзига келганди. — Нима янгиликлар бор?

— Сенга гапим бор эди. Эрталаб муҳарририятга кела оласанми?

— Нечада?

— Сенга қулай бўлса, соат ўнларга.

— Келишдик, эрталаб олдингда бўламан...

Эрталаб белгиланган вақтда Маҳмуд „Сельская правда“ рўзномаси муҳарририятига кириб борди.

— Мана буни ўқиб чиқ. Нишонов номига ёзилган.

Ковалев мошинкада босилган бир неча варақ қоғозни Маҳмудга узатди.

Ҳурматли Рафиқ Нишонович!

29 ноябрь куни „Сельская правда“ рўзномасида „Эзгу ниятлар ортида нималар бор?“ деган мақола ёритилган эди. Унда мен республика прокуратура идораларининг зўравонлик билан айбсиз фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиб, ҳибсга олгани ҳақида ёзгандим. Мақолада ўнлаб жиноий ишлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилгани, ўнлаб ишларни оқлаш юзасидан ҳукм чиқарилгани ҳақида мисоллар келтиргандим.

Мақола босилгандан сўнг муҳарририятимиз кўплаб мактублар олди, уларда ўқувчиларимиз ҳайратга тушиб, наҳотки бизнинг мамлакатимизда шундай ишлар мумкин бўлса, деб сўрашган. Республика прокуратураси ҳам бу мақолага ўзига хос тарзда муносабат билдирди. Улар

„Фақат қонун ҳақ“ деган номда ўзига хос ҳисобот тайёрлаб, бир неча рўзномада эълон қилишди.

Шубҳасиз, қонун ҳамиша ҳақ. Лекин айнан шу та-
мойилни қонунни муҳофаза этишга даъват этилганлар
қўпол равишда бузмоқдалар, айнан прокуратурада қонун
томонидан таъқиқланган усулларда тергов олиб бориш анъ-
анага айланиб, очиқдан-очиқ миллатчилик ва шовинизм
тарғиб қилинмоқда. Масалан, терговчи Артамонов гувоҳ
Ахмадулинадан керакли кўрсатмалар беришни ва бунда
ўзбекларни аямасликка талаб қилган, чунки улар „ўғри“
ва „порахўр“ экан. Кейинроқ эса, худди ўша Артамонов
ошкора ҳолда жўшиб, ўзининг Масковдан Ўзбекистонга бу
ерда яшайдиган „ўрисларни ҳимоя қилиш учун
юборилгани ва яқин кунлардаёқ бошқарув тизимларида
бирорта ҳам ўзбек қолмаслигини“ эътироф этган. Гувоҳ
Дунаева ҳам судда худди шундай кўрсатмалар берган ва
улар суд йиғилишининг баённомасида қайд этилган.

Бундай терговчиларнинг илҳомчиси ва ғоявий сардори
республика прокурори Олег Иванович Гайдановдир. Суд
томонидан оқланган ва ўзларининг фуқаролик ҳуқуқлари-
ни тиклашни талаб қилиб, давлат тизимлари оstonаларида
ҳозиргача сарғайиб юрган ўнлаб, юзлаб айбсиз „айб-
дор“лар айна шу қонун посбонининг виждони бўйнида.

Мунозара турфа ва чексиз бўлиши мумкин. Аммо, мо-
домики, қонун посбонлари ўзларини ҳақ ва беҳуда
ҳақоратланган, деб ҳисоблашар экан, нега энди очиқ „дав-
ра столи“ уюштириб, унга прокуратура ходимларидан
ташқари таниқли журналистлар, ёзувчилар ва олимларни
таклиф этиш мумкин эмас? Бу „Давра суҳбат“ тўғридан-
тўғри телеэфирга узатилса, фойдадан холи бўлмасди. Ким
ҳақ, ким ноҳақлигини халқ ўзи ҳал қилсин.

Анатолий Ковалев,

„Сельская правда“ рўзномасининг масъул котиби

Ковалев Маҳмуднинг ўз номасини охиригача ўқиб
чиқишини сабрсизлик билан кутиб турди-да, ниҳоят
сўради:

— Хўш, фикринг қалай?

— Мисоллар кам, лекин бунга, эҳтимол зарурат ҳам
йўқдир, — деди у ўйчан ҳолда.

Ковалев гапини илиб кетди:

— Сен ўз мақолангда етарлича мисоллар келтиргансан. Мен учун муҳими — шовқин кўтариш, генералларни яна бир карра силтаб қўйиш... Нишонов билан учрашувларинг қачон бўлади? — сўради у туйқусдан. — Биласан-ку, биз ахборот тайёрлашимиз керак.

Ковалев столдаги тайёр гранкаларни олиб, Маҳмудга кўрсатди.

Анатолийга савол назари билан тикиларкан, Маҳмуд хайрон бўлди.

— Учрашув эртага ўтади, сен бунга қаяқдан биласан қолдинг?

— Бу умумий, хомаки ахбор. Зарурат туғилса, кенгроқ маълумот берамиз.

— Сен борасанми?

Ковалев жонланиб, бош ирғади.

— Дарвоқе, сен сўзга чиқишга тайёрланаяпсанми?

— Шундай фикр йўқ эмас.

— Маърузангнинг бир нусхасини менга берасан. У тайёрми ўзи?

— Бўлади, — уни хотиржам қилди Маҳмуд...

Ёзувчилар уюшмасининг кираверишидаги даҳлизи ари уясидек гувилларди. Уюшма раиси Олим Одилов бинога кираверишдаги ўнг томонда, котибият аъзолари қўршовида тураркан, ҳукумат раҳбарлари келиши керак бўлган томонга бот-бот нигоҳ ташлаб қўярди.

Маҳмуд Ҳамроқулнинг ёнига келди.

— Нишонов ўзи келадими ёки яна кимнидир юборадими?

— Ўзини кутаяпмиз.

— Жойимни биров эгаллаб олмасидан бўлмага кирай.

— Аҳмадали эшикда соқчилик қилиб турибди, — таскин берди унга Ҳамроқул. — Жойингизга ҳеч ким ўтирмайди.

Ҳамроқул ҳақ эди. Ёзувчиларнинг Марказқўм биринчи котиби билан учрашувлари ўтадиган мажлислар бўлмаси тобора лиммо-лим бўлиб борар, лекин бўлмага кираверишда чап томондаги, одатда Маҳмуд Умаров ўтирадиган курси бўш эди.

Аҳмадали Эронов Маҳмудни хайрихоҳ табассум билан кутиб оларкан, курсидаги тугунчани олиб қўйди.

— Кўраяпсиз, курси ўз эгасини кутаяпти.

Маҳмуд бош ирғаб жойига ўтирди-да, маърузаси юзасидан фикрини жамлаб улгурмай, бўлмага Нишонов кириб келди. Гулдурос олқиш ва қарсақлар уни сергак торттирди.

Раис қурултойни очиқ деб эълон қилди, қисқача нутқ сўзлади, кейин сўзни Марказқўмнинг биринчи котибига берди ва у минбарга чиқиб, қоғозсиз гапира бошлади. Сўнгги вақтларда бу худди Масковдагидай расмга айланганди...

Йиғилганлар республика раҳбарини ўринларидан турганча, раёсатдаги жойига бориб ўтиргунига қадар гулдурос қарсақлар билан кузатди. Раис ҳамма жим бўлишини жилмайганча кутиб турди, кейин кўзойнагини тақиб, бўлмага қўлидаги қоғозларни кўрсатди.

— Мана бу — сўзга чиқувчилар рўйхати...

— Аввал менга сўз берсангиз! — деди Маҳмуд баланд овозда гўё уни эшитмай қолишларидан қўрққандай ва жадал юриб минбар ёнига келди. Эсанкираб қолган раис нима қилишни маслаҳат солаётгандай, Нишоновга савол назари билан қаради. Лекин бу унсиз мулоқот тугаб улгурмай, Маҳмуд минбарни эгаллаб олганди.

— Ҳурматли Рафиқ Нишонович! Муҳтарам қурултой қатнашчилари, азиз ҳамкасблар! — Маҳмуд ҳаяжондан овози титраб, бир зум жим қолди. Нафасини ростлаб, пича ўзини босиб олди. Ҳар хил луқмалар билан гапини бўлмасликлари учун олдига маъруза матни ёзилган қоғозларни ёйди, асосий гапдан чалғимасликнинг энг яхши йўли шу эканини тажриба кўрсатганди. — Ушбу йиғинда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги балки менинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги жиноятлар ҳақидаги бадиҳамни ўқиган бўлса керак. Матбуотда юқори поғонадаги мансабдорларнинг қонунбузарлиги масаласини биринчи бўлиб журналист ва ёзувчилар кўтаргани ҳам сизларга яхши маълум. Мамлакатда ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида қайта қуриш бошланди ва диёнатли одамлар катта ишлардан четда туrolмайдилар. Масковда эълон қилганларидай, бизда ҳам қайта қуриш бошланди. Фақат бир савол туғилади: у қайси томонга қараб бошланди? Масков вакиллари бизга нима берди, энг юксак мартабадаги раҳбарлар воизлик қилаётган юксак шиор ва оморлар ҳаётга амалда қандай тадбиқ этилмоқда?

Бугун мен тергов бўйича республика прокурори муовини Гайданов ҳақида гапирмоқчиман. Лекин бу ҳақда сўзларканман, куч тизимлари раҳбарлари, жумладан, ички ишлар вазирининг биринчи муовини Дидоренко ва вазирнинг кадрлар бўйича муовини Тепловлар ҳам худди шундай жиноий ҳаракатлар қилишгаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Гайданов билан бўлган учрашувларнинг бирида мен айблов талаби билан олий жазога ҳукм қилинган ҳайдовчи Мирсаидовнинг иши юзасидан савол бердим. Бу шўринг қурғур 4 йил умрини қамоқхонада, унинг 20 ойини ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида ўтказган. Бутун ана шу вақт мобайнида прокуратура ҳукмнинг тўғрилигини тасдиқлаб келган, аммо пировардида ҳукм бекор қилиниб, Мирсаидов тўла оқланган. Бундай ўтакетган масъулиятсизликка қандай йўл қўйиш мумкин? – деб сўрадим мен Гайдановдан. У нима деб жавоб берди денг: „Мен республикага яқинда келгангман, Мирсаидовнинг иши ўзбек тилида олиб борилган, афсус, мен уни тушунмаيمان. Лекин мен ўз қўл остимдаги одамларга ишонишим керак, улар иш бўйича аниқ бир хулосага келишди, мен унга имзо чекдим...“

Бу гапни юксак лавозим либосидаги қонун посбони айтяпти! Бизни маҳаллий ҳокимият зуғумидан ҳимоя қилиши керак бўлган прокуратура генерали айтяпти!

Ўнлаб ноқонуний қамоққа олишлар айти шу қонун назоратчисининг гарданида. Прокуратура, милиция ходимларини панжара ортига йўлларкан, у асал ялагандай бўлади, – ҳамкасблари у ҳақда ана шундай фикр айтишади. Ўз қарорларининг ижрочиларини ҳам у ўзига мосидан танлаб олган ва уларни хизмат поғоналарида жадал юқорига кўтариб, янги-янги лавозимларга тайинлайверган. Бугун уларнинг бирортаси ҳам республикамызда йўқ, юксак мартабали ҳомийлари жасур „десантчи“ларни чинакам адолат қасосидан қутқариб, ўз юртларига чақариб олишган, акс ҳолда уларнинг ҳаммаси ўз лавозимларини суниистъмол қилганлари учун қора курсида ўтиришлари керак эди.

Генераллар Дидоренко ва Тепловнинг Ички ишлар вазирлигида кўрсатган „каромат“ларини эслаш ҳам киши қалбида оғриқ уйғотади. Бу ерда милиция идораларидан ҳайдалган, бегуноҳ ҳибсга олиниб, узоқ йилларга

озодликдан маҳрум қилинганлар сони Гайданов билан бўлгани каби ўнлаб, юзлаб эмас, балки минглаб одамларни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги ҳозир озодликка чиқарилган ва энди ҳақиқат ва адолат излаб, юқори идора эшикларида сарсон бўлиб юришибди. Лекин улар оддий бир ҳақиқатни яхши тушунишади: ҳозирча республикада тақдиримиз Дидоренко ва Гайдановларга боғлиқ экан, адолат ҳақида биз фақат орзу қила олишимиз мумкин.

Беайбликлари тўлиқ исботланиб, озодликка чиққанларга кўрган моддий зарарларини қоплаш учун давлат казинасидан миллионлаб сўм маблағ тўланган.

Ҳурматли Рафиқ Нишонович! Айтинг-чи, қачонгача жафокаш халқимиз Дидоренко, Гайданов ва улар каби зўравонларнинг туҳмат ва бўҳтондан иборат айблашлари ва камситишларига дучор бўлаверади?

Бу муаммони тезда ҳал қилиш керак! У қопқоғи маҳкам беркитилган буг қозонга ўхшайди. Уни вақти-вақти билан очиб турилмаса, портлаш юз бериши мумкин. Эҳтимол, бундай вазият кимгадир керакдир — ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун портлаш, кичик бўлса-да, голибона уруш кимгадир жуда зарурдир?

Агар чиндан шундай бўлса, келажагимиз, она халқимиз учун, қуриб-қақшаган заминимизга тўкилажак қонлар учун даҳшат ҳисси туясан, киши!...

Маҳмуд минбардан тушаркан, мажлислар бўлмасига сув сепгандек жимлик чўкканини пайқади. Жойига келиб ўтиргачгина, ён-атрофидаги курсилар бўшаб қолганини сизди. Ҳеч ким у билан ёнма-ён ўтиришга журъат қилмаганди. Ҳеч ким ўз ҳамкасбининг маърузасига муносабат билдиришга, ўз ҳиссиётларини тилига кўчиришга журъат қилолмагандек. Ҳамма ҳукумат раҳбарининг муносабатини кутарди. Унга тикилганча, нафасларини ичига ютиб, жимгина кутишарди.

Сукунат керагидан ҳам ортиқ чўзилди. Раис биринчи котибга бошини эгиб, бир нималарни сўради. Нишонов бўлмага қаради, уюшма раҳбари жавобини кутмай, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, унинг қўлларидан ушлаб, лабларини қимирлатди.

Раиснинг юзида елкасидан тоғ ағдарилгандай енгиллик пайдо бўлди.

— Ҳурматли Рафиқ Нишонович икки оғиз сўз айтмоқчи.

Нишонов одатига кўра айёрона жилмайганча, ҳадикли қарсақлар остида минбарга чиқди ва жимлик сақланишини кутди.

— Мен учрашувимизнинг охирида сўзга чиқмоқчи эдим, агар саволларингиз бўлса, уларга жавоб бермоқчи эдим.

— Худди шундай бўлади, деб умид қиламиз, — деди раис раёсатдан. — Бу нутқингиз ҳисобга кирмайди.

Бўлмада маъқулланган хитоблар, кулгу овозлари эшитилди. Вазият ўз-ўзидан юмшай бошлаганди.

— Агар шундай бўлса, мен розиман.

Гарчанд у Маҳмуднинг маърузасини маъқулламаётган бўлса-да, лекин уни йўқ қилиш ниятида эмаслиги дарров маълум бўлди.

Маҳмуд кимдир ҳадиксираган ҳолда ёнидан жой олганини пайқади.

— Маҳмуд Умаров — ҳалол ва ор-номусли ажойиб йигит. Мен у ҳақда кўп эшитганман, китобларини ўқиганман, пьессалари билан ҳам танишман. Лекин у ҳаддан зиёд қизиққон, — биринчи котиб ўз фикрига йиғилганларнинг муносабатларини билмоқчидай, бир лаҳза сукутда қолди. — Лекин булар бари ёшлик асорати, ўткинчи нарсалар. Буни тушуниш ва кечириш мумкин, деб ўйлайман. Маҳмуд ҳақ — бугунги мураккаб вазиятда четда туриш, сукут сақлаш мумкин эмас.

Маҳмуднинг ёнидаги бўш курсилар аста-секин тўла бошлади. Кимдир унинг елкасига дўстона қоқди, олдида ўтирган одам орқасига ўгирилиб, унга жилмайиб қўйди. Нишонов эса, ўзининг хайрихоҳ ва овутувчи нутқида давом этарди. Кимга қандай, лекин у бу ишни бошлаб уддаларди.

— Сизлар учун бугун энг муҳими — оддий халқ онги ва дунёқарашини қайта қуришга ёрдам берадиган ҳалол, яхши китоблар ёзишдир. Сиз хавотирланманг, Маҳмуджон. Боз устига, сиз гапираётган ишда ортиқча қизиққонликнинг ҳам кераги йўқ. Ахир, сиз ўзингиз айтиб турганингиздай, қанча одамлар ноҳақ қамалди, лекин сиз шошқалоқлик билан республикамиздан „десантчи“лар деб аталмиш кишиларнинг ҳайдалишини талаб қиляпсиз. Юртимизга келганлар орасида ҳалол пешона тери

тўкаётганлар, ўтмишимиз хатоларини тузатишга ёрдам бераётганлар кўп-ку, ахир!

Бўлмада уни қўлловчи ғовур-ғувур овозлар эшитилди. Ўта тиришқоқ баъзи бировлар ҳатто қарсак чалиб юборди.

— Мен кўп гапирмоқчи эмасман, олдинда сўзга чиқувчилар кўп, уларга ҳам минбар бериш керак, улар ҳам тайёргарлик кўриб, бу кунни кутишган. Яна такрорлайман, ёш адиблар учун муҳими — яхши, истеъдодли китоблар ёзиш; агар бунга кимдир халақит бераётган бўлса, мен бу муаммони шахсан ҳал қиламан, деб ваъда бераман. Маҳмуд Умаров кўтарган масала юзасидан эса, барига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз, зарурат туғилса, бу хусусда ишлар қандай бораётганини келгусида бўладиган учрашувимизда сўзлаб бераман. Келишдикми?

Йиғилганлар Нишоновни хурсандчилик билан қўллаб-қувватлашди — худди яқин ўтмишдагидай аниқлик ва яқдиллик ҳамма учун қулай эди.

— Демак, масалани ёпиқ деб ҳисобласак бўладими? — деди Нишонов ўтирганларга жилмайиб тикиларкан. У ҳамма ишни шундай оддийгина ҳал қиларди: муҳр, имзо — тамом-вассалом. Навбатчи олқишларгина қолганди. Улар ҳам янграб, қаттиқ, хушомадгўй қарсаклар у раёсатга қайтиб жойига ўтирганида ҳам тинмади, бундан Нишоновнинг ўзи ҳам чарчаб, гўё қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдириб, ёзувчилар қурултойига йиғилишдан асосий муддаога ўтишга чорлаётгандай иккала қўлини юқори кўтарганидагина бўлмага тинчилик чўкди...

Тунда Маҳмудни эшик қўнғироғининг узоқ жиринглани уйғотиб юборди. Гули каравотда қўрқиб ўтирар, кўзлари ола-кула эди.

— Бунга ҳалиям кўниколмадингми?

Гули бошини чайқади.

— Анчадан бери қўнғироқ қилишаяптими?

У жимгина бош ирғади.

— Уйғотиш керак эди. Намунча қўрқмасанг?

У ёзғириб бошини сараклатди ва соатга қаради: вақт миллари иккига қараб жилаётганди.

— Шунақаям қаттиқ ухлайдими одам? — Ҳотамовнинг кўзлари чақнарди. У остонадан хатлаб ўтиб, Маҳмуд билан қучоқлашиб кўришди. Кейин Гулининг пешонасидан ўпиб қўйди. — Ишни қилиб қўйиб, энди ҳеч нарса кўрмагандай

ухлашингни қара! — Ошхонага ўтди, лекин шу заҳоти ортига ўгирилиб, Гулига сўз қотди: — Сен ухлайвер, Гулихон! Буёғига Маҳмуд билан ўзимиз хўжайинчилик қиламиз. Уйда асал бўлса керак, албатта.

— Цейлон чойи ҳам топилади, хотиржам бўл! — деди Маҳмуд ҳозиржавоблик билан хотинига кўзини қисиб. — Кўнглинг жойига тушдими? Энди бемалол тушингни кўравер.

У хотинини ётоқхонагача кузатиб, ортидан эшикни беркитди. Ошхонада Хотамов имирсилар: газни ёқиб, хромланган чойнакда чой қўяётганди.

— Озгина ичасанми? — Маҳмуд совитгичдан колбаса ва сир олди.

— Жиндек коньяк бўлса, йўқ демайман, — рози бўлди Расул Раимович.

Маҳмуд бош ирғаб, қадаҳларга оз-оздан коньяк қуйди. Ичишди.

— Ана энди гапир.

Маҳмуд сигарета чекиб, бундай кеч ташрифнинг изоҳини кутганча, курсига суянди. Ҳотамов бежиз келмаган, бу тушунарли эди, ёзувчилар қурултойидан сўнг шаҳар фирқа қўмитасида саросима ёки шунга ўхшаган бирон ваҳима кўтарилган эди. Демак, Нишонов сўзининг устидан чиқибди, ҳар ҳолда Ҳотамовнинг тунги ташрифи ана шундан далолат беради.

— Сатин саросимада, мен уни ҳеч қачон бундай кўрмаганман! — тўнғиллади Ҳотамов нозик бармоқлари билан сигаретани эзиб юмшатаркан. — Назаримда, охиrqоқибат сен нимагадир эришдинг.

— Аниқроқ айтганда-чи? — ўтирган жойида тоқатсиз қимирлаб қўйди Маҳмуд.

— Аввало, Марказқўм бюросида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигидаги аҳвол, янада аниқроғи, Дидоренко масаласи кўриладиган бўлди.

Ҳотамов Маҳмудга кўз узмай тикиларди. Лекин аини дамда Маҳмуд уни кўрмас, ўз хаёлларига чўмганча, ўзини эшитаётгандай кўрсатиб, беихтиёр бош ирғарди.

— Жуда соз! Мени хурсанд қилдинг, оғайни! — Маҳмуд ўзидаги паришонхотирликни силтаб ташлагандай қаддини ростлаб, қадаҳларга коньяк қуйди. — Бун ювиш керак.

Расул Раимович қадаҳни қўлига олди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас...

— Хўш-хўш?

— Лаврушко биздан кетаяпти.

— Шунақа де! — деди Маҳмуд ўзини ҳайратда қолгандай кўрсатиб. — Агар сир бўлмаса, қасёққа?

— Иккинчи котиб худди шу саволни Сатинга берди. — Ҳотамов тантанавор қиёфада Маҳмудга тикилди. — Ҳозиргача Марказқўмнинг кадрлар бошқармаси тасаруфига. Хўжайин, албатта, уни қутқариб қолишга уринади, лекин бунга эплаши даргумон.

— Хўжайин... — тўнғиллади Маҳмуд. — Ўйнаши, десанг, тўғрироқ бўларди.

Аммо ғалабанинг тантана қилишига ҳали эрта эди. Маҳмуд бунга тезда ишонч ҳосил қилди. Биринчи бўлиб куч тизимлари генераллари ҳужумга ўтди. Дидоренкодан кейин Гайданов публицистикага мурожаат этди. „Ташкентская правда“ рўзномаси унинг ўз муҳбири билан суҳбатини эълон қилди. Агар Дидоренко ўз интервьюсида Ўзбекистон раҳбариятининг биринчи шахслари ҳибсга олингани ҳақида хабар берган бўлса, „Правда Востока“ ўз ўқувчиларига Тошкентдаги уйлардан бирига ёпиштирилган қуйидаги ёзувларни эслатиб ўтишни лозим топди: „Ўрислар! Юртларингга, Ўрусияга жўнанглари! Ёдингларида бўлсин, бизнинг вақтимиз келади! Иттифоқ-83“

Хонага Гули кириб, телефон дастагини узатди.

— Ким?

— Алик Ғуломов.

Маҳмуд телефонни тиззасига қўйиб, дастагини қулоғига тутди.

— Эшитаман, Алик.

— „Ташкентская правда“ни ўқидингми?

— „Жиноятчилик ва миллатчилик“ними?

— Демак, ўқибсан! — деди Алик қониқиш билан. — Нима дея оласан?

— Ҳозирча ҳеч нима, чунки охиригача ўқимадим. Рўзнома қўлимда...

— Мен ярим соатдан кейин сим қоқаман, ўқиб чиқ.

Алик дастакни қўйди. Маҳмуд телефонни нари суриб, стол чироғини ёқди ва рўзномани кўзига яқинлаштирди. „— Олег Иванович, гапни 83 рақамидан бошлашга ижозат этинг“.

Мияси ғимирлаб ишлаб кетди. Иттифоқ-83. Бу нима

бўлди экан? Муаллиф нимага шама қилаяпти? Дарвоқе, ким у ўзи?

Маҳмуд дарров суҳбат муаллифининг исми-шарифини излаб топди — О.Осипов. Бунақа журналистни у билмайди, аниқлаш керак. Агар у уйдирма ном бўлса, Гайдановга қарши яна бир далолат бор деяверинг.

Лекин қайси воқеа 83 рақами билан боғлиқ? 83 -йили нима бўлганди ўзи? Хўш... Рашидов вафоти. Усмонхўжаев шахсида фарғоналик уруғ-аймоқларнинг ҳокимиятга келиши. Яна нима?..

Нигоҳи яна мақоланинг бошланишига қайтди, лекин мияси бамисоли айрича ўз ҳаёти билан яшаётгандай эди. Фарғоналик уруғ-аймоқлар деди, лекин шу заҳоти, аслида ҳеч қандай уруғ-аймоқ бўлмаган, деган фикрга келди. Тақдир тақозоси билан Рашидов вафотидан сўнг тахтга ожиз, иродасиз фарғоналик одам ўтирди. Ҳамма енгил нафас олиб, янги шабадаларни кутган эди, у Масковнинг қўлидаги қўғирчоққа айланди. Айниқса таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликда айбашларидан қўрқиб, ўз атрофига жасур, қатъиятли ва ишончли одамларни тўплашни истамади. Улар эса, бор эди — анча йиллардан бери фарғоналиклар ўзларини камситилган ва ҳуқуқлари чеклатилган деб ҳис қилишарди. Аммо ҳеч нарса ўзгармади, Усмонхўжаевнинг ўзи эса, унча олис бўлмаган жойларга жўнатилди. Маҳмуд ўз фикрий йўналишининг тўғрилигини қониқиш билан таъкидлади.

— Чамамда, у Рашидовнинг вафоти билан боғлиқ эмасми? — деб сўрайди мухбир республика прокурори муовинидан. — Миллий низо алангасини ўт олдиришга интилаётганлар ортида ана шу кучлар турмаганмикин?

— Қалтис савол. (Маҳмуд шу заҳоти генералнинг совуқдон-такаббур юзида кинояли кулгуни тасаввур қилди.) Сўнгги вақтларда турғунлик даврининг бир неча ўн йили мобайнида нопок йўллар билан ҳадсиз бойликлар тўплаган алмисоқдан қолган тартибот маддоҳлари ҳокимиятни қўлга олишди ва энди буларнинг барини қўлдан бой беришдан қўрқишаяпти. Айнан ўшалар республиканинг янгиланиш жараёнига қарши бош кўтаришмоқда, миллатчилик уруғларини сочишмоқда, қонунчиликни тиклаш ва уюшган жиноятчиликка қарши курашаётган қардош республика вакилларига ҳужум қилишмоқда. Буларнинг барини улар судларга жиний ишлар кўрилаётганда, жисмоний жазо-

лаш ҳақидаги дағдағалар, фитна ва саботажларга қарамай, амалга оширишмоқда.

— Оббо, Николай Иванович, ана холос! — Маҳмуд сигарет чекди, ҳамма гап хали олдинда эканини туйганча, тутунни чуқур ичига тортди ва янглишмаган бўлиб чиқди.

„— Ўзбекистондан оврўпаликларни ҳайдаш хусусидаги чақириқлар, — давом этарди прокуратура генерали, — ўч олишдан огоҳлантирувчи варақалар — булар бари ўз хизмат вазифасини виждонан бажараётган одамларни обрўсизлантириш бўйича чуқур ўйланган тактик усуллардир.

— Хўп ашулачи экансан, генерал! Мана, бизга ҳам етиб келдинг, — минғирлади Маҳмуд қониқиш билан.

„— Таассуфки, айрим маҳаллий фан арбоблари, ёзувчи ва журналистлар ҳам бу шармандали муҳорибага жалб қилинмоқда. Яқиндагина „Сукут сақлаш — бу ҳам жиноят“ номли тўхматдан иборат мақола бутун республикага тарқатилди. Унга „Ўзбекистон“ гуруҳи номидан таниқли бир адиб имзо чеккан. Бу ерда биз фош қилиш жараёнига буткул чек қўйиш, тергов идораларини чалғитиш, қўпол хатоларга йўл қўйган раҳбарлардан масъулиятни соқит қилишга очиқдан-очиқ уриниш билан юзма-юз келамиз. Муаллиф далолатларни бузиб талқин қиларкан, одамларнинг миллий ҳиссиётларидан ўз манфаати йўлида фойдаланади.

— Назаримда, халқнинг миллий ғурури топталгани ҳақида турғунлик йилларида оддий меҳнаткашнинг қашшоқ аҳволи ҳисобидан еб-ичиб, қорин қўйганлар ҳаммадан кўра кўпроқ қичқиришади, тўғри эмасми, Олег Иванович? (Эслатиб ўтади мақола муаллифи.)

— Ҳамма гап шунда-да, одамларнинг ижтимоий адолатсизликка қарши одил ғазоби, она табиатнинг аҳволи учун ғам-аламни, яшаш даражасининг пастлигини кимдир миллатчилик билан боғлашга уринмоқда...“

Телефон жиринглади. Яна Алиқ Ғуломов сим қоқаётганди.

— Ўқидингми?

— Ўқидим.

— Фикринг қалай?

— Қалтис мақола, лекин қусурлари жуда кўп, — Маҳмуд ўз фикрини аниқроқ айтиш учун сўз танлаб, пича жим қолди. — Қарийб чекланмаган ҳокимият ва имконият-

ларга эга бўла туриб, унинг ўрнида мен бўлганимда ақллироқ ва далолатлироқ зарба берган бўлардим. Осипов деганини биласанми?

Жимлик. Аликнинг вазмин овози:

— Бу исми шариф менга ҳеч нарса билдирмайди, лекин бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Рўзнома ҳақиқий муаллифни истаган ном остида яшириши мумкин.

— Боз устига, бунақа уйдирма уларга обрў келтирмайди.

— Гап уйдирмада эмас, — деди Алик кулиб. — Улар душман устомонлик билан ишлата оладиган қуролга қарши уруш бошлашибди, шу билан жанг хотимасини ҳам олдиндан ҳал қилишибди.

— Сен шундай деб ўйлайсанми?

Алик хи-хилаб кулди.

— Мен сени биламан-ку. Ишончим комилки, сен ҳозир ёзув мошинкангни тайёрлаб, менинг дастакни қўйишимни тоқатсизлик билан кутаяпсан, шундайми?

Маҳмуд пича ўйланиб жавоб берди:

— Сен каттароқ иш қилдинг — мени мошинкага ўтириб, генерал Гайдановга жавоб ёзишга даъват этдинг. Дидорен-конинг „Правда Востока“даги чиқишига вақтида жавоб берган эканман, — Маҳмуд бирдан миясига келган фикрдан ўзи ҳам ажабланди. — Ҳаммаси тўла-тўқис бўлиши учун энди генерал Теплов суҳбат эълон қилиши қолади.

— Демак, худди шундай бўлади, — деди Алик Ғуломов ишонч билан. — Матбуотни кузатиб бор. Сенга нега қўнғироқ қилаётганимни биласанми?

— Қани энди тезроқ билсам, — деди Маҳмуд.

— Билишимча, Гайданов жуда эҳтиёткор одам, матбуотда бундай айбловлар билан чиқиш, олимлар, ёзувчилар, журналистларга бирдай лой чаплаш, умуман, бундай енгилтак қадам унга хос эмас. Менимча, у энг юқоридагиларнинг кучли рағбатини олган, шундай эмасми, ахир?

Маҳмуд завқланиб сўради.

— Бу сенинг шахсий туйғунгми? — пича сукут сақлагач, қўшимча қилди: — Ёки отангнинг гапини такрорлаяпсанми?

— Аслида сен терговчи бўлишинг керак эди, — ҳазиллашди Алик.

— Топдимми?

— Топдинг, топдинг! — Тан олди Алиқ. — Мен отам билан гаплашгандим, фикрини билмоқчи бўлгандим. У ҳам, бундай мақола ҳе йўқ, бе йўқ пайдо бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаяпти. Бу буюртма ҳам бўлиши мумкин.

— Агар буюртма бўлса, кетма-кет шунга ўхшаган мақолалар, бу хусусдаги ғазабнок фикр-мулоҳазалар пайдо бўлиши керак.

Эртасига Маҳмуд Ермолаев билан алоқа боғлади.

— Мен учун ҳам бу сира кутилмаган ҳол, — тан олди у. — Бу мақоланинг чоп этилишини мен хатолик деб ҳисоблайман.

Бу гапингизни, Канстантин Николаевич, катта уйда айтсангиз яхши бўларди. Инглизлар айтганидай, ухлаётган итни уйғотиш мумкин эмас.

— Лекин очигини айтадиган бўлсак, ит анчадан бери ухламаяпти, сизнинг мададингиз билан сергак турибди, — ҳазиллашди Константин Николаевич. — Мен эса, ўз фикримни айтдим...

Ўша куниёқ Маҳмуд „Ухлаётган итни уйғотиш шартмикин?“ — деб номлаган мактубини рўзнома муҳарририятига жўнатди.

Мактубда у прокуратура генералининг ҳар бир айбловини ер билан яксон қилиб, бундай мақолалар одамларни тинчлантирмайди, айрим миллатчилик кўринишларининг олдини олмайди, аксинча, уларни жунбушга келтиради, деган тахминни илгари суради.

Айнан ўша пайтда, кейинчалик вақт кўрсатганидай, республика раҳбарлари жимгина рухсат берган ва яхлит занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб чиққан яна бир воқеа юз берди...

Собир Сайдалиев сим қоқиб, ҳаяжондан узук-юлуқ овозда Маҳмуддан зудтар ҳузурига етиб келишни илтимос қилди.

Котиба ўрнидан туриб, эшикни очди.

— Собир Саидович сизни кутаяпти.

Одил суд раисининг аввалги савлатидан асар ҳам қолмаганди.

Сайдалиев оқариб кетган, бамисоли туни билан ухламаган одамдай эзилган, тушкун ва маъюс эди.

Асабий силтаниб, Маҳмуднинг истиқболига юрди,

қўлини маҳкам қисиб, ёнидаги курсига ўтиришни таклиф этди.

— Диктофонингиз ёнингиздами? — сўради у Маҳмуд курсига ўтириб, ўзининг доимий ҳамроҳи — йўл қопчиғини ёнига қўяркан.

— Албатта! — Маҳмуд қопчиғига аста қўлини теккизиб қўйди, бу қудратли судьяни, ҳамиша оғир-вазмин, хотиржам ва ўзига ишонган бу одамни нима бунчалик қўрқитиб юборганини аниқлашга уриниб, Сайдалиевнинг юзига синчков тикилди.

— Илтимос, уни чиқаринг.

Маҳмуд жимгина унинг илтимосини бажо келтирди, кассетани текшириб кўрди, кейин олдиға ручка, ёндафтар қўйиб, кута бошлади. У зимдан тикилиб, Сайдалиевнинг тери қопламали жузгирни очгани ва ундан бир неча варақ қоғоз олганини кўрди.

— Ёқаверайми?

Одил суд маҳкамаси раиси йўталиб, бош ирғади. Унинг гезарган юзи тантанавор тус олди.

— Сизлар билан Ўзбекистон одил суди маҳкамасининг собиқ раиси Собир Сайдалиев гаплашяпти, у халқимиз душманлари томонидан ўз вазифасидан четлатилди. Мен тўрт йил мобайнида одил суд маҳкамасига раҳбарлик қилдим, тергов идораларидаги газандалар, Анишчев, Усатов, Дидоренко сингари „десантчи“ларга қарши қўлимдан келганча курашдим, бугунги кунда улар республикамизнинг мустабид хўжайинларига айланиб қолишди. Ҳар қандай одамни ёмонотлиққа чиқариб, унга тухматлар уюштириш, гарданига қалбаки жиноятларни чаплаш улар учун чўт эмас — менинг тақдирим ҳам бунга ёрқин мисолдир. Мени Олий Кенгаш қурултойида ўқиб берган республика одил суди ҳисоботидаги далолатларни бузиб кўрсатганликда айблашмоқда. Афтидан, бундан манфаатдор зотлар мазкур ҳисобот менинг иш фаолиятимни қониқарли, деб топган ўта бообрў комиссия хулосаларига асосланганини унутишган кўринади. Аммо шундан бир ярим ой ҳам ўтмай, мени „ишдаги камчиликлари учун“ деган алмойи таъриф билан вазифамдан озод қилишди, шундан буён прокуратурадан московлик қаллоб терговчилар ортимдан тушиб, Марказқўмнинг биринчи котиби Усмонхўжаевга 30 минг сўм пора берганимни тан олишга мажбур қилмоқчи бўлишмоқда. Шунини очиқ-ойдин маълум

қиламанки, мен ўз ҳалқим олдида, қонун ва виждоним олдида покман ва буни кенг жамоатчилик билишини истайман, шунинг учун ҳам ёзувчи ва журналистларга муурожаат қиламан, илло, бугунги кунда республикаимизда ҳалол ва виждонли одамларни янчиб-топтаб, йўқ қилишга кенг йўл очиб берган прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва марказий фирқа ҳокимияти вакиллариининг давлат мафиясига фақат уларгина қарши тура олишлари мумкин. Мени ҳибсга олиб, узоқ йиллар озодликдан маҳрум қилажаклари билан қўрқитишмоқда, лекин мен бундан қўрқмайман. Ишонаманки, ҳақиқат қарор топади....

Сайдалиев жим қолди, энди ўзига бегона бўлган курсида бошини ҳам қилганча, асабий ҳолатда ўтирарди.

Маҳмуд диктофонни ўчирди, кассетани тескари айлантириб, эшитганларини қайта бошдан фикран тингларкан, рўпарасидаги кичрайиб қолган, аянчли аҳволга тушган, яқиндагина маҳобатли мансаб курсисида ўтирган зотга совуққонлик билан тикилди, йўқ, қалбида унга нисбатан ачиниш туйғуси уйғонмаган, аксинча, қандайдир ўзи ҳам англамаётган қаҳр-ғазаб, алам ва ҳақоратли оғриқ бор эди. Қадимги юнонлар, сўнгра румликлар бўлажак давлат арбобларини ҳар қандай йўқотишлар, жазо ва ўлимни эркакча муносиб кутиб олиш руҳида тарбиялаб, нечоғли тўғри иш қилганлар! Ҳаммавақт куч-қудрат, давлат ҳокимияти тимсоли бўлиб келган улкан шахсларни оддий одамлар руҳан синиққан, хўрланган ва аянчли аҳволда кўрмасликлари керак.

— Булар қандай содир бўлди, Собиржон ака?

— Улар мени чақирдишди...

— Ким чақирди? — тушунмади Маҳмуд. — Нишоновми?

Сайдалиевнинг лабларидан маъюс кулгу сизиб ўтди.

— Нишоновми? Бугун унинг қўлидан нимаям келарди. Ўзининг ҳам бир оёғи Масковда бўлиб қолди.

Маҳмуд ўжар пашшани ҳайдагандай қўлини силтади.

— Унда ким? Ахир, сиз юксак суд маҳкамаси раисисиз, яна ким сизга даҳл қила олиши мумкин?

— Гдлян...

Маҳмуд бир неча дақиқа Сайдалиевга эсанкираб тикилди — бу қудратли одамнинг ичидан зил кетгани уни ҳайратга солганди. Тельман Гдлян — бу иблисининг исмигина республиканинг ҳамма поғонадаги амалдор-

ларини нечоғли даҳшатга солади. Бу — фавқулудда ҳодиса ва у алоҳида тадқиқот ва изоҳни талаб қилади.

— Қўлимга бир ходимим орқали кеч, жуда кеч муҳим ҳужжат келиб тушди, — деди Сайдалиев шошилмай, зўрга тили айланиб. — Бу ходим, афтидан, иккиёқлама ўйин олиб борган кўринади, шунинг учун ҳам ҳужжат менга атайин кеч етиб келган, ҳозир менга доғули қийноқлар туфайли бешбаттар азобли ва машаққатлироқ бўлишини эътиборда тутишган-да.

— У нима ҳужжат экан? — сергак тортди Маҳмуд.

— Мана, эшитинг, — Собир Саидович столдан мўъжаз магнитофон чиқариб, олдига қўйди, кейин қўйин чўнтагидан кассета олиб, унга жойлади.

Маҳмуднинг бутун вужуди қулоққа айланди.

Тасмада — телефон жиринги.

— Алё, Дидоренко эштади.

— Эдуард Алексеевич, Гдлян безовта қиляпти.

— Қулоғим сенда, Тельман Хоренович.

— Васийлигимдаги йигитлардан бири билан бирга бир кишилик камера тайёрлаш керак. Сайдалиев билан озгина ишламоқчиман.

— Ў-ҳў! Жуда баланд дорга осилибсан-ку? Энди навбат одил суд раисига етиб келибди-да?

— Сен ҳамишагидай менинг қадримга етмайсан. Керак бўлса Кремлга ҳам қўлим етади, Эдуард Алексеевич.

— Менга-ку тегмассан, деб умид қиламан, баттол иблис. Сенинг чангалингдан бенасиб қолмаслик ҳам расмга кирди-ёв.

(Гдляннинг бўғиқ хохолаб кулгани эшитилади.)

— Қўрқма, ўтириб қўймассан. Биз сен билан бир ишни қиляпмиз, ахир. Менга тўғаноқ бўлиш ниятинг йўқ-ку, тўғрими? Кейин ўзаро ажрим қилиб оламыз, хоҳлаганимизча ажрим қилиб оламыз...

— Ган бўлиши мумкин эмас, Тельман Хоренович! Косшонани қайси кунга тайёрлайлик?

— Эртадан бошлаб, у истаган дақиқада керак бўлиб қолиши мумкин.

— Келишдик...

Кассета анчагача, энди товушсиз айланиб турди. Сайдалиев ҳам, Маҳмуд ҳам сукутга ботишганди. Ҳар бири ўз ўйи билан банд эди. Маҳмуд бу гаплашувдан Дидоренкога қарши курашда ўзига яна бир кўзир излаб топишга

уринарди. „Хоҳлаганимизча ажрим қилиб оламиз...“ „Ўзбек мафияси“га қарши курашда ўмарган бойликларини бўлашиб олишмоқчи шкилли улар?

Ниҳоят, Маҳмуднинг сабри чидамади.

— Ўша иблис сизга қандай сўз айтдики, сиз ўзингизга мана шундай итоаткорлик билан ҳукм чиқариб ўтирибсиз?

— Бу жуда узоқ гап! — деди Сайдалиев ғамгинлик билан бу мавзудан қочишга уриниб.

— Ҳечқиси йўқ, мен шошилмаяпман, — деди Маҳмуд қатъий оҳангда.

У вазиятни охиригача билиб олишга, бундай инқирознинг асил моҳиятини англашга уринарди. Ҳамма гапни Сайдалиев истаганидай талқин қилиш уни қониқтирмасди, — навбатдаги ўйинда яна аҳмоқ бўлиб қолаверишни истамасди. Одил суд раиси ниманидир яшираётгани эса, кўриниб турарди. Маҳмуд кутилмаганда уни ҳалиям одил суд раиси деб ўйлаётганини пайқаб, шу заҳоти ўзини юпатди. Чинданам, унинг ишдан олингани ҳақида рўзномаларда расмий хабар эълон қилинмаган ва у Сайдалиевга айни шу масалада савол берди.

— Менинг истасёфого чиқишим ҳақидаги қарор кеча қабул қилинди, лекин бундай ишлар дарров рўзномаларда эълон қилинмайди. Масковдан буни тасдиқловчи ҳужжат келиши керак, ўшандан кейингина ТАСС орқали хабар берилади.

Маҳмуд бош ирғади.

— Бари бир Гдлян сизга нималар деган эди?

— У мени қамоққа олиш ҳақида прокурор имзо чеккан рухсатнома кўрсатиб: „Нима яхшилигини ўзингиз танланг. Камера, унда ўтирган „нуфузли зотлар“ сизга яхши маълум“, — деди.

Кейин Иванов кириб келди. У камерада „яхши“ кўшиларим бўлишига ҳаракат қилишини тасдиқлади.

Сайдалиев „яхши“ сўзига урғу бериб гапирди.

— Тушундим! — хитоб қилди Маҳмуд бадбашара каллакесарлар — Баширов ва Соловьёвларни кўз олдига келтириб. — Демак ё қамалишингиз, ёки пора берганингизни тан олишингиз керак эди, шундайми?

— Ҳа, Усмонхўжаевга пора берганимни ўз ихтиёрим билан бўйнимга олишим керак эди.

— Сиз иккинчи шартга рози бўлгансиз?

— Мен ўйлаб кўргани вақт беришларини сўрадим. Улар мени хонада икки соатдан зиёд ёлғиз қолдиришди.

— Сиз охири буни эътироф қилиб, имзо чеккансиз?

— Имзо чекдим. Бошқа нияям қила олардим? — бўғиқ хўрсинди республика одил суд тизими раҳбари. — У ёқда улар одамни латтага айлантиришади, барибир ўз айтганларини қилдиришади, мен эса, темир эмасман. Оилам, болалар-чақаларим бор...

— Лекин сиз одил суд маҳкамаси раисисиз, ҳаммамиз учун қонун тимсолисиз, ахир, тушунаяпсизми?

— Тушунаман. Лекин улар кўз олдимда ана шу қонунни янчиб, ер билан яксон қилишди, айнаи дам, бизга қарши қўлингдан нияям келарди, дегандай, устимдан кулишди.

Маҳмуд чўнтагидан иккинчи диктофонни чиқариб, „стоп“ тугмасини босди.

— Буни ҳам ёзиб олдингизми, Маҳмуджон?

Маҳмуд беихтиёр бош ирғади, иккинчи магнитофонга тикиларкан, қўлларини ёзди.

— Шунақа одатим бор, Собир Саидович. Қўлингда диктофон кўрса, баъзан ҳамсухбатинг гапирмай қўяди. Ана шундай вазият учун мен иккинчи диктофонни чўнтагимда олиб юраман. — У пича жим қолиб, чуқур нафас олди. — Мен сиз учун уяламан, Собир ака! Ўзим учун, ҳаммамиз учун ачинаман.

— Нега, Маҳмуджон?

— Ахир, сиз ўзингиз ўзингизга ҳукм чиқарибсиз. Нафақат ўзингизга. — Маҳмуднинг овозида ғам-андух ва надомат бор эди. — Сиздай таянчларимиз ўша келгинди зотлар билан биринчи тўқинишдаёқ жон таслим қилар экан, биз — хом сут эмган бандалар кимга ишонимиз керак? Сиз ҳатто қаршилиқ кўрсатишга ҳам уринмабсиз!

— Мен кекса одамман, Маҳмуджон. Бунинг устига, сўнгги вақтларда юрагимнинг ҳам мазаси қочган...

— Сиз уларнинг кўз олдида, хонасида ўлишингиз, — у ҳар бир сўзни таъкидлаётгандай столга кафти билан урди, — лекин йўқ айбни бўйнингизга олиб, имзо чекмаслигингиз керак эди. Улар иродангизни синдириб, бизда одил суд раиси лавозими сотилиши, бошқа мансаблар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлишини ҳаммага кўрсатиб қўйишди. Ғанимларимиз сизни буткул янчиб ташлашгач, яна бир нарсани яхши билишадики, энди улар билан ҳам-

ма ўйлашиб гаплашади. — Улардан қўрқишади! Аввалгидан ҳам кўпроқ қўрқишади! — Маҳмуд кескин ўрнидан турди. — Сизни қамашганида ҳам майли эди, Собир Саидович! Олий Кенгашда айтган гапларингиз учун улар сиз билан ҳисоб-китоб қилишга, халқ ва кенг жамоатчилик нигоҳида обрўйингизга путур етказишга уринишлари маълум эди. Сиз пок-ҳалол одамларнинг байроғига айланишингиз мумкин эди, лекин сиз шармандали йўлни танлабсиз. Шукрларким, юртимизда миллатни ёқлайдиган, унинг бахт-саодати йўлида жонини қурбон қилишга ҳам тайёр пок-ҳалол инсонлар бор. Мен уларга ишонаман! Лекин сизга...

— Мен баёнот бердим-ку, ахир!... — эътироз билдирмоқчи бўлди Сайдалиев.

Маҳмуд унга ҳамма гапни айтиб беришга йўл қўйиб берди, кейин унинг тинчланишини ва фикрини тушунишга қодир бўлишини кутиб, жим қолди-да, гапида давом этди: — Бу баёнотингиз энди сариқ чақага қиммат. Агар уни „айб“га иқроор бўлгунингизга қадар бир кун, ҳеч қурса бир соат олдин берганингизда ҳам биз кураш бошлашимиз мумкин бўларди, энди эса... — У бошини сараклатди. — Кечирасиз, мен сиз билан ортиқ гаплашолмайман. Истамайман ҳам...

Кутилмаган қўнғироқ билан Ермолаев ўзини эслатди.

— Ишлай қалай, Маҳмуд?

— Жойида.

Маҳмуд ҳушёр тортди. Ермолаев бекорчиликдан, ҳуда-беҳуда сим қоқадиган одамлар тоифасидан эмас эди.

— Тинчликми ишқилиб? — Маҳмуднинг овози титраб чиқди. — Бирон кўнгилсизлик юз бермадимми?

Унинг сезгиси алдамаган эди. Бюрода Дидоренконинг ҳисоботи тингланибди, унинг фаолияти етарлича „самарали эмас“, деб топилибди, унга танбеҳ берилиб, милиция идораларидаги аҳволни яхшилаш ҳақида ваъдаси олинбди. Вассалом.

— Демак, у енгил қўрқув билан қутулибди-да?

Танасига муз югургандай бўлди. Бу — бари тамом, деган гаплигини Маҳмуд тушунарди. Дидоренко жойида қолган, энди генерал уни қўлга олади, ал қасос-ул минал ҳақ, деганларидай ўчини олишга киришади.

— Агар ҳайфсанни енгил қўрқув деб тушунилса,

гапинг тўғри,— розилик билдирди Константин Николаевич.

Шу кунгача маҳаллий зиёлилар генералларга Маҳмудни йўқ қилишга йўл бермайди, деган умид бор эди. Умаров ҳокимият учун кўзга кўринмас курашда ўзининг даканг хўрозча жўмардлиги ва қатъияти билан марказ ила савдо-сотикда ўзига хос мувозанат палласи, жокер вазифасини ўтаб келаётганди. Аммо энди генерални ўз лавозимида қолдириб, Нишонов унинг куч-қудратини мустаҳкамлаган ва Маҳмудни ичак-чавоқлари билан жаллод қўлига топширганди. Маҳмуд учун соатга мўлтираб тикилганча, Дидоренко қопағон итларини қачон ўз устига қўйиб юборишини кутиш қолганди, холос, генералнинг айнан шундай қилишига эса, шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— Нега жим бўлиб қолдинг, Маҳмуд?

— Ўйлаяпман, Константин Николаевич,— жавоб берди Маҳмуд андак сукутдан сўнг.

У алдаганини ўзича қайд этди, аслида ҳеч нарсани ўйламаётганди, бунга қурби ҳам етмасди, боши эса, бўшаб қолган бочкадай ғувулларди.

— Юрагингга яқин олма, Маҳмуд, ҳаммаси ўтиб кетади,— Ермолаевнинг овозида очиқ сохталик бор эди.

— Нима, мени мотам мажлисига тайёрлаяпсизми? — Маҳмуд кесатик ёрдамида вужудини аста қамрай бошлаган руҳий тушқунликни яширишга уринди.

— Нега бунча умидсизликка тушмасанг,— ҳаяжонга тушди Ермолаев.— Масала ҳали узил-кесил ҳал бўлмаган, унга яна қайтишлари мумкин.

— Албатта, шубҳасиз шундай бўлади! — деди Маҳмуд ҳозиржавоблик билан. Бир зумдан сўнг заҳархандали қатъият билан қўшимча қилди: — Фақат... мен дунёдан кўз юганимдан кейин! Бир гапни сизга қатъий айтишим мумкин: Дидоренко мени тириклай қўлга олиб бўпти!.. Гапимни охиригача эшитишингизни илтимос қиламан. Гапимни бўлмай тулинг.

— Яхши-яхши, эшитяпман,— кўнди Ермолаев.

Маҳмуд бош ирғаб унга миннатдорчилик билдирди, пича сукутга толиб, фикрларини жамлади.

— Демак, гап шундай! Икки кундан сўнг мен очлик эълон қиламан, бу дегани — якун аниқ: мен ўзимни ўлимга маҳкум этаман. Нима учун бунга ишончим комиллигини изоҳлаб берай. Республикамиз раҳбарияти олдига мен қўйган талабларни амалда улар бажаришол-

майди, бу талабларни фақат марказий ҳукуматгина ҳал қилади. Улар фақат бир одамга — генерал Дидоренкога дахлдор. Мен унинг ишдан бўшатилиши ва республикадан бадарға қилинишини талаб қиламан. Лекин бу иш ҳатто ландавур, қўрқоқ ва умуман латта Нишоновнинг ҳам қўлидан келмайди. Агар у ниманидир ҳал қилишга киришган тақдирда ҳам Масков билан муҳокамага шунча кўп вақт кетадики, ҳар қанча истак-хоҳишимга қарамай, мен ғалабани кўролмайман. Мен бошлаган курашда ғолиб бўлмайди, лекин ундан халқимиз, жафокаш юртимиз ютади, деган илинж таскин беради...

Маҳмуд дастакни ташлади. Телефоннинг тунги жимликни бузиб, асабий жиринглашини эшитмаслик учун ичкариги уйга ўтиб кетди.

— Маҳмуд ака! Бу сизмисиз?

— Эшитаман. Ким бу?

— Олий Кенгашдан Манзураман. Эшитаяпсизми?

— Манзура... Манзура... — эслашга уринди Маҳмуд. Ва ўша заҳоти ёдига келди — Ҳабиб Бобоевнинг котибасини шундай деб аташарди.

Юраги шув этиб кетди. Наҳотки яна бир кўнгилсизлик юз берган бўлса? Бу кўнғироқ бежиз эмасди. Янглишмаган экан — Манзура Ҳабиб Бобоевич уни жуда-жуда кўришни истаётганини маълум қилди.

— У ўзидами?

— Ҳозир у мажлис ўтказаяпти, лекин мен сизни боғлашга уринаман.

Бир неча сониядан сўнг дастакда Бобоевнинг йўғон овози эшитилди:

— Ҳузуримга келиш имконинг борми?

— Албатта, Ҳабиб ака, — Маҳмуд пича шошиб қолди. — Бир нима юз бердими?

— Сени қирқ дақиқадан сўнг кутаман, Манзура рухсатнома ёздириб қўяди.

Узуқ-юлуқ дуд-дудлар.

„Ҳабиб Бобоевичнинг ҳам вужудига ўт туташибди“, — хаёлидан ўтказди Маҳмуд. У аста Ермолаевнинг телефон рақамини терди.

Маҳмуд мошинасини хиёбондаги „Янгиликлар“ ахборот агентлигига кираверишда қолдирди. Ермолаевни олисданоқ кўрди — у хиёбондаги гул дўкони ёнида аста айланиб юрарди. Сўрашишди. Ермолаев уни қўлтиғидан олди.

— Қандай янгиликлар бор?

— Буни сиздан сўрамоқчи эдим, Константин Николаевич,— кулди Маҳмуд.— Янгиликларни ҳозир фақат сизнинг идорангиз билади.

— Менда сен учун қизиқ гап бор,— тўғри жавобдан қочди Ермолаев.

— Мендаям бир нималар топилади,— деди Маҳмуд унинг гапи оҳангида.— Кейин сиз ва менинг янгиликларимни қийёслаб, таҳлил этсак девдим, сўнгра...

Маҳмуд ўзига Ермолаевнинг қизиқиш билан зўриқиб тикилаётганини кўриб, жим бўлиб қолди.

— Ҳўш, Дидоренко ҳақидаги янгиликни мен сенга айтдим.

Маҳмуд соатига тез нигоҳ ташлаб, бош ирғади.

— Қаёққадир шошаяпсанми?

— Ўн беш дақиқадан сўнг Бобоев билан учрашимиз керак.

Ермолаевнинг чап қоши пича кўтарилди, у Маҳмудга кўз қири билан тикилди.

— Нима гаплигини сиз биларсиз?— тишларини босди Маҳмуд.

— Сайдалиевнинг бошига тушган савдолар унинг ҳам пешонасида бор экан,— деди Константин Николаевич худди ўрганиш бўлиб қолгандай оддийгина қилиб. У ҳатто, булар бари унга қизиғи йўқлигини билдирмоқчидай, эснаб қўйди.

— Уни ҳам мансабидан озод қилишдими?

— Уни озгина эзишган экан, ўзи ариза ёзибди.

Маҳмуд Ермолаевнинг маънисиз юзига тешиб юборгудек бўлиб тикилди.

— Бу ҳақда қандай хотиржам гапира оласиз? Ахир, бу... бу...

— Булар бари „Жами қирол қўшини“ деган романи эслатади, фақат муаллифи ёдимдан кўтарилибди.

— Уоррен!— ўйлаб ўтирмай, беихтиёр сўз қистирди Маҳмуд паришонхотирлик билан. Гўё ҳамсуҳбатидан бўйин товлаётгандай, юқорига тикилганча яна беихтиёр такрорлади:— Роберт Уоррен...

— Ўша китобда, агар хотирам алдамаётган бўлса, бош қаҳрамон, яхшилаб изланса, ҳар бир одамдан қандайдир қусур, ахлат топиш мумкин, дейди.

— Демак, Сайдалиев, Бобоев... Навбатдагиси ким?..

— Улар сендан нима иштаяпти ўзи?

— Сайдалиев халққа баёнот берди, Ҳабиб Бобоевич эса...— Маҳмуд қадамини секинлатиб, соатига қаради:— Буни ўн дақиқадан сўнг биламан...

Лекин у янглишган экан. Ўша куни уларга учрашиш насиб қилмади. У қабулхонага кириб борганида, котиб, Ҳабиб Бобоевични зудтар Бюрога чақиртиришгани, қачон бўшаши номаълумлигини аён қилди.

Эртасига Ўзбекистон телеграф агентлиги Ҳ. Б. Бобоевнинг бошқа ишга ўтгани муносабати билан ўз вазифасидан озод қилингани ҳақида қисқагина хабар берди.

Маҳмуд кечқурун уйига қайтди. Соат олтидан ошганди. Ваннахонага ўтиб, ювинди, кейин ошхонада газни ёқиб, чой қўйди. Бу ишларнинг барини у Ермолаевга қўнғироқ қилиш учун вақтни чўзаётгандай шошилмай, бир маромда бажарди. Константин Николаевич бир эмас, бир неча бор қўнғироқ қилганига унинг ишончи комил эди.

Ниҳоят, бир тўхтамга келиб, дастакни қўлига олди.

— Константин Николаевич, салом!

— Маҳмуд! Э, ҳайрият, бормисан? Мен хавотирга туша бошлагандим. Қўнғироқ қилавериб тинкам қуриди.

— Мен бир иш билан кетгандим, сал тутилиб қолдим,— дея алдади у.

— Муҳими — сен тирик ва соғ-омонсан.— Ермолаев бир сония сукутда қолиб, давом этди:— Демак, шундай. Бугун соат йигирмаю нўл-нўлда сени Рафиқ Нишонович қабул қилади.

Маҳмуд юраги тез-тез ура бошлаганини хис қилди. Лекин у иложи борича ўзини босиб, хотиржам гапиришга уринди:

— Қандайдир йўлланмалар берасизми?

— Қизишма, вазмин, аниқ гапир. Ўйлашимча, ҳаммаси яхши бўлади. Эртага қўнғироқлашамиз...

Зарур соатда Маҳмуд айтилган жойга етиб келди. Қоровулда турган миршаб журнални очиб, унинг исми-шарифини топди ва орқасида турган кимгадир бош ирғади.

— Сизни кутишаяпти.

Маҳмуд ҳам бош ирғаб миршабга миннатдорчилик билдирди ва ёнига ўгирилди. Қора-кўк костюм, оппоқ

кўйлак ва уларга мос бўйинтириқ таққан ёш йигит унга синовчан тикиларкан, сўради:

— Сиз Умаровмисиз?

— Умаров,— тасдиқлади Маҳмуд.

— Мен сизни кузатиб қўяман.

Улар лифтда юқорига кўтарилишди, узун даҳлиздан ўтишди. Қабулхонада ҳеч ким йўқ эди.

— Бир дақиқа,— дея илтимос қилиб, кузатувчи залворли эшик ортида ғойиб бўлди.

Бир зум ҳам ўтмай қайтиб чиқиб, Маҳмудни ичкарига таклиф қилди. Маҳмуд хонага кириб, эшикни ёпди-да, вазмин саломлашди. Нишоновнинг чап томонида Ёзувчилар уюшмаси раиси Олим Одилов ўтирарди. У Маҳмудга тикилганча, жилмаяр эди.

— Ҳўш, келдингми, тўполончи? Киравер.

Нишонов ўрнидан турди, столини айланиб ўтиб, истиқболига юрди. Олим Одилов ҳам ўрнидан турди. Нишонов Маҳмудни елкасига қўл ташлаб, юқорига бошлади, Одиловнинг рўпарасига ўтқизди-да, ўзи ёнига ўтирди.

— Очлик эълон қилмоқчимиз,— кутилмаганда тўғридан-тўғри гап бошлади Нишонов. У суҳбатда иштирок этишга чорлаётгандай риёкорлик билан Олим Одиловга қаради.— Бу ҳақда менга ҳавфсизлик қўмитасидан хабар беришди. Тушунаяпсизми, Олим ака?

— Бизнинг Маҳмуджон шаддот йигит,—рози бўлди Олим Одилов. — Лекин, билишимча, у ҳамма ишни чин юракдан қилади.

— Ҳеч ким уни нопок демаяпти. Лекин одам ўз хатти-ҳаракатларини тарозига сола билиши, у нималарга олиб келишини ўйлаб қилиши лозим.

— Рафиқ Нишонович! Мен ўз халқимга душман эмасман, лекин Дидоренконинг „Ташкентская правда“даги сўнгги мақоласи...

— Рўзнома муҳаррири билан биз ҳали гаплашамиз,— унинг гапини бўлди Нишонов,— Дидоренконинг мақоласи ҳам унинг учун натижасиз қолмайди.

— Муҳаррир учунми ё генерал учунми? — кулиб сўради Олим Одилов.

— Униси ҳам, буниси ҳам учун, Мен „Правда Востока“ ва „Ташкентская правда“га Ички ишлар вазири муовини

кўтарган масалаларга ҳар хил нуқтаи назарлар билдирилиши кераклиги юзасидан кўрсатма бердим.

— Фикримча, Ёзувчилар уюшмаси очиқ мунозарадан четда турмайди. Биз ҳеч қачон четда бўлмаганмиз,— деди Олим Одиров хотиржам оҳангда.— Маҳмуджон ҳам ёзади, мен ҳам ёзаман.

— Уюшма раиси сифатида сиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бўладиган можароларга аралашмаганингиз маъқул,— деди Рафиқ Нишонович ўйчан ҳолда.— Ёзувчи ва журналистлар эса, улар билан баҳслашаверсин.

„Ҳайрият, у ҳеч қурса битта тузукроқ қарорга келибди“,— ичида хурсанд бўлди Маҳмуд ва товуш чиқариб сўради:

— Дидоренкога нима чора кўрилади? Наҳотки унинг рўзномадаги фитнадан иборат чиқиши жазосиз қолаверди? Мен эмас, айнан ўша зот одамлар ўртасида миллий низо уйғотаяпти, маҳаллий аҳолини оврўполикларга қарама-қарши қўяпти.

— Ўйлашимча, Маҳмуджон ҳақ, Рафиқ Нишонович,— деди Олим Одиров жиддийлашиб.— Генерал Дидоренконинг рўзномадаги бу чиқиши — республикадаги қайта қуриш ва барқарорликка тўғридан-тўғри зарба беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамма ҳодимларини аввал у айблайди, кейин Гайданов фитнес шорлар ёзилган қандайдир варақаларни ўйлаб топди, Дидоренко, Тепловлар эса, ижодий зиёлилар — журналистлар, ёзувчилар, олимлар ва норасмий ташкилотларни жиноятчилар деб лойга қориштириб ташлашди.

— Олим ака! Биз ҳали ҳаммасини кўриб чиқамиз.

— Биргаликда кўриб чиқсак, яхши бўларди,— гап қистирди Ёзувчилар уюшмаси раиси.

Эртасига эрталаб Маҳмуд Фанлар академияси вице-президентининг хонасида ўтирарди. Нодир Юнусович Маҳмудни яхши кайфиятда кутиб олди.

— Нодир Юнусович! Мен кеча Нишоновнинг қабулида бўлдим.

— Биламан,— жилмайди вице-президент ва ҳайрон бўлган Маҳмудга изоҳ берди. — Мен у билан кундузи гаплашувдим.

— Мақола хусусидами?

— Мақола хусусида ҳам. Лекин асосийси — масалани кўндаланг қўйдим: масковлик генералларнинг қутуришларига қачонгача чидаймиз? Қачонгача улар бизни таҳқирлашади?

— У сизга нима деб жавоб берди?— қизиқсинди Маҳмуд.

— Ҳаммасининг ўз вақти-соати бор, деди. Яна айтдики,— қўшимча қилди Нодир Юнусов,— яқинда Масковга фавқуллодда қурултойга учиб кетаётган экан. Ўша ерда тергов гуруҳининг республикада қолиши масаласини кескин қўйишни ваъда берди.

— Дидоренко, Гайданов, Тепловлар масаласи-чи?

— Уларнинг масаласи ҳал бўлган.

— Лекин биз бари бир мақолага муносабат билдиришимиз керак, минбар бор-ку, ахир. „Правда Востока“ ва „Ташкентская правда“ рўзмалари бизнинг жавобларимизни босиши керак.

— Мен нима қилаяпман?— вице-президент столидаги майда ҳарфлар билан ёзилган қоғозларга ишора қилди.

— Буни қасрга берасиз?

— „Ташкентская правда“га,— жавоб берди Нодир Юнусов.— Ўзинг ёздингми?

Маҳмуд индамай, қўлидаги жузгирдан бир неча варақ қоғоз олиб, Юнусовга узатди.

— Буни кўриб чиқасизми?

— Менда қолдир,— таклиф қилди Нодир Юнусов.— Эртага ўз мақолам билан бирга муҳарририятга жўнатаман. Розимисан?

Маҳмуд қўлларини ёзди.

— Жуда соз! „Правда Востока“ учун ҳам нимадир тайёрлашимиз керак.

— „Правда Востока“га бошқалар ёзгани маъқул. Гайданов ва Дидоренко билан мунозара қила оладиган одамларинг борми?

— Топамиз.

— Лекин мақолалар савод билан ёзилиши, илинтирадиган жойи бўлмаслиги керак,— огоҳлантирди Нодир Юнусов,— кейин бизни миллатчиликда, ўч олишда айблаб юришмасин.

— Тушунарли.

— Дидоренкога мухолиф сифатида,— гапида давом этди

Нодир Юнусов,— ўрислар чиқиш қилишса, яхши бўларди. Дўстларинг орасида шундай ҳалол, қатъиятли одамлар борми?

— Бор.

Маҳмуд сўнгги ярим йилда дўстлашган таниши Васильевни эслади. Бир неча ой аввал унга Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишига тавсиянома ёзиб берганди. Улар тезда дўстлашиб кетишди, Володя „Ўзбекистон“ байналминал ҳаракати раиси муовини бўлди, унинг мафкуравий таянчи сифатида ҳаракат Низоми, тизими ва вазифаларини ишлаб чиқди. Володя Маҳмуднинг „Правда Востока“га баҳсли мақола ёзиш ҳақидаги таклифига ҳозир жавоб муносабат билдирди.

— Ўзим ҳам бу ҳақда ўйлаб юргандим,— деди у.— Кимдир уни чоп этишига ишончим йўқ эди.

— Чоп этишади,— ваъда берди Маҳмуд,— ҳатто у муҳаррирнинг таъбини тирриқ қилган тақдирда ҳам босишади. Нишонов йўл очиб берди. Ниҳоят, сал эътиборга молик бир иш қилди.

— Тушунарли,— Володя қувлик билан кўзларини чақнатди.— Улар хавфли ўйинга жазм қилишибди. Агар ажина кўзадан чиқариб юборилса, уни жойига қайтариш нечоғли қийин бўлишига наҳотки ақллари етмаса?

— Уларнинг бошқа йўли йўқ эди. Яна бир гап, Володя! Дидоренкога даъво аризаси ёзишни ўйлаб кўр.

— Ариза ҳаракатга келади, деб ўйлайсанми?— шубҳаланди Васильев.

— Улар кўриб чиқишга мажбур. Мен Ички ишлар вазирлиги билан эмас, балки менинг инсоний шаънимни ҳақорат қилган одам сифатида Дидоренко билан судлашман.

— Аммо рўзномага оддий одам мақола ёзмаган,— деди Володя ўйчанлик билан.— Агар суд аризани ишлаб чиқаришга олса, суд жараёни менимча, сиёсий тус олади.

— Айнан шундай бўлишини хоҳлайман.

— Бу хоҳишинг менга тушунарли. Лекин бир масала бор. Агар сен Дидоренкога, вазир муовини бўлган тақдирда ҳам бир одамга қарши курашаркансан, бу масаланинг бир томони, борди-ю, сен ҳокимиятни қўллаб турган система-

га, куч тизими ва ижтимоий мажмуага қўл кўтараркансан, бу — буткул бошқа масала. Умаровни жуда-жуда ҳурмат қилганлари тақдирда ҳам буни амалга оширишинг учун сенга ҳеч ким изн бермайди.

— Майли. Буни ҳали кўрамиз. Судга ариза ёзишимга ёрдам берасанми?

— Ёрдам бераман, албатта, лекин, ўйлашимча, фойдаси бўлмайди.

Таассуфки, Володя ҳақ бўлиб чиқди. Биронта ҳам суд Дидоренкога ёзилган даъво аризасини қабул қилмади, аммо Маҳмуд ва Володянинг мақолалари босилиб чиқиб, ўшанда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Маҳмуд сўнгги вақтларда ўзини жунбушга солаётган муаммолар: миллий низо алангасини ўт олдиришга уринаётган, салтанат тўраларига хос қилиқ-қилмишлар ва зўравонлик иштиёқида ёнаётган, порахўрлик ва нопоклик ботқоғига ботган, Ўзбекистон халқини эзиб-янчиб, энг сара фуқароларига тажовуз қилаётган генералларнинг фитнакор ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ёзганди. Мақола бедор тунлари машаққат ва азиятлар чекиш ҳисобига, адолат ва инсонпарварликнинг тикланишига кучли меҳри туфайли юзага келганди. Дидоренко ва унинг шармандали тўдаси бу қонун „посбонлари“нинг асл башараларини очиб берувчи рад этиб бўлмас далил-исботлар сиқуви остида босиб-янчиб ташланган эди.

— Маҳмуджон, ҳозир сизни бир одам қидириб юрувди, — деди Ёзувчилар уюшмаси қоровули Умаровни кўриши билан.

— Ким экан?

— Ёш йигит. Ҳамроқул Акбар билан юқорига кўтарилишди.

Маҳмуд қоровулга бош ирғаб миннатдорчилик билдирди-да, иккинчи қаватга чиқди.

— Ана, ўзлари келиб қолди, Ҳизрни йўқласак бўларкан! — хитоб қилди Ҳамроқул хурсанд бўлиб.

Саломлашишди. Уюшма раиси ёрдамчисининг ёнида ўттиз-беш — қирқ ёшлардаги қорамағиздан келган келбатли бир йигит ҳам бор эди. Чўзинчоқ юзидаги қоп-қора, зийрак кўзлари Маҳмудга синовчан тикиларди.

Умаров унга очиқ нигоҳ билан қаради.

Манави... дўстимиз сизни излаб келибди, жиддий гапи бор экан, — таништирди уни Ҳамроқул.

— Қаерда гаплашсак экан? — дея Маҳмуд бош қотиришга ҳам улгурмай, Ҳамроқул ҳар доимгидай ҳозиржавоблик кўрсатди:

— Менинг хонам ихтиёрингизда, Маҳмуд ака!

Чўнтагидан калит чиқариб, эшикни очди.

— Мен ҳозирча раисимиз Олим аканинг хонасида бўламан, Масковга, СССР Ёзувчилар уюшмасига сим қоқишим керак.

Маҳмуд бош ирғаб, меҳмонни ичкарига таклиф қилди.

— Келинг, аввал танишиб олайлик, — Ҳамроқулнинг жойига ўтираркан, меҳмонга бўш курсини кўрсатди.

— Менинг исми-шарифим Одилжон Раззоқов. Сиздан ёрдам сўраб келдим.

— Ўзингизгами?..

— Менга, — бош ирғади меҳмон. Шу заҳоти тараддудга тушиб, зудтар қўшимча қилди: — Тўғрироғи, қайнонамга.

— Мана бу қизиқ гап, — беихтиёр жилмайди Маҳмуд. — Менинг амалиётимда қайнона учун биринчи марта ёрдам сўрашлари бу. Қулоғим сизда, Одилжон. Қайнонангизга мен қандай ёрдам бера олишим мумкин? Уни нимада айблашаяпти?

— У қамоқхонада.

Меҳмон қийналиб гапирар, уни нимадир изтиробга солаётгани кўриниб турарди.

— Қамоқхонада?

Маҳмуд ҳамсуҳбатига ўйчан тикилди. Унинг каловланиб, иккиланаётгани кишини ҳушёр торттирарди. Ниҳоят, у қайнонасининг исми-шарифини айтганида, Маҳмуднинг қулоғи остида бамисоли момақалдироқ гум-бурлагандай бўлди.

Маҳмуд бир неча сония тили гапга айланмай, ағрайиб қолди. Юзидаги аҳмоқона ифодани ўзи ҳам ҳис этар, лекин буни ўзгартиришга ўзи ҳам ожиз эди.

— Қайнонангиз Роҳат Ҳабибуллаевами? — сўради у ниҳоят сал ўзига келиб.

— Роҳат Алиевна Ҳабибуллаева, — тасдиқлади меҳмон қизариб-бўзариб кўзларини очиб қочаркан.

— Оббо сиз-ей!

Маҳмуд ирғиб ўрнидан турди, асабий ҳолда хонада

уёқдан буёққа юрди, дераза қошига келди, ўзини босиб олмоқчидай бир сония кўчага тикилди.

Бу жуда кўп йиллар аввал содир бўлганди. Эҳ-ҳе, ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтмади... Ўзбекистон комсомоли Ленинчи ёшлар Иттифоқи Марказқўмининг биринчи котиби Роҳат Ҳабибуллаевани илк бор кўрганига, чинданам, йигирма йилдан ошиб кетганди. Бу учрашувгача уни олий билимгоҳ комсомол қўмитаси котиби ҳузурига чақириб, қўлига поездга патта тутқизаркан, эрталаб Тошкентда комсомол Марказқўмида бўлиши ва обуна мавсуми ҳақида ҳисобот топшириши кераклигини маълум қилди. Сўнгра қоғозлар солинган юпқа жузгир, сафар шаҳодатномаси ва чўнтак харажатлари учун эллик сўм пулни қўлига тутқазди.

— Қайтиб келганингдан кейин бюрода ҳисобот берасан.

Марказқўмда нималарни гапириши кераклиги ҳақидаги саволига жавобан комсомол қўмитаси котиби Абдумутал қўлини силтади:

— Ҳаммаси жойида, деб айтасан. Фарғона пединститутини талаба ёшларининг 99 фоизи обунага жалб қилинган, дегин.

— Ахир, бу ёлғон-ку! — хитоб қилди Маҳмуд ўзини тутиб туролмай. У бир неча кун аввал комсомол ҳақида акаси айтган гапни эслади, Толибжон ака: „Сенинг комсомолингда ҳамма ишлар қоғозда бажарилади“, — деганди беписандлик билан. Маҳмуд бунинг акси эканини исботлашга қанча уринмасин, акаси фақат истехзоли илжайган ва охири уни олдидан қувиб солганди.

Мана, энди унинг гапи ўз тасдиғини топганди. Жами куллийёт бўйича рўзнома ва ойномаларга обунанинг бутун масъулияти зиммасига юкланган комсомол қўмитаси котиби сифатида Маҳмудга аслида аҳвол қандай экани жуда яхши маълум эди-да. Билимгоҳ комсомол қўмитаси аъзоси сифатида эса, бошқа куллийётлардаги аҳволдан ҳам бохабар эди.

Талабаларнинг кўпчилиги қишлоқдан келган ёшлар бўлиб, уларнинг рус тилидаги матбуот воситаларини тушунишлари у ёқда турсин, ўқишлари ҳам амримаҳол, улар эса, „Комсомольская правда“, „Комсомолец Узбекистана“, „Правда“ ва ҳоказо ва ҳоказо нашрларга обуна бўлишлари мажбурий, деб кўрсатма берилганди. Обуна бўлиш шарт,

деб белгиланган нашрлар рўйхати бир неча бетдан иборат эди.

У бўлса, энди олдиндан тайёрлаб қўйилган сохта рақамларни ўқиб эшиттириши, Фарғона пединститутида ҳаммаси жойида, олдимизга қўйилган вазифа бажарилди, деб ҳисобот бериши керак эди...

— Ўртадагиси Роҳат Алиевна Ҳабибуллаева, — деб шивирлади Маҳмудга ёнида ўтирган қўқонлик комсомол қўмитаси котиби. — Ёнидагиси — Абдураззоқова, у ҳам Марказқўм котиби, чап томондагиси — Эргашев...

— Тинчланинглар!

Ҳабибуллаева қўлидаги қалам билан устолни тақиллатди, қовоғидан қор ёғилиб, қошларини чимирди, жим бўлиб қолган комсомол етакчиларига дағ-даға билан тикилди.

Маҳмуд Умаровда нигоҳини тўхтатди. „Бошланди!“ — қўрқув билан хаёлидан ўтказди Маҳмуд, бугунги мажлис айни ўзидан бошланишини ботинан аниқ идрок этиб. Қоғоздаги қалбаки рақамларни ўқиб бериш эса, унинг қўлидан келмасди.

— Ўрнингиздан туринг, йигитча! Сиз қаердансиз? Марҳамат қилиб ўзингизни таништиринг.

Ҳабибуллаева Маҳмудга қатъий нигоҳ билан тикка қаради.

— Маҳмуд Умаров. Фарғона пединститутиданман, — деди у бўғиқ овозда тили зўрға айланиб.

— Жуда соз, Маҳмуд Умаров! — деди Роҳат Алиевна уни имо билан минбарга таклиф қиларкан, бировларни қийнашдан лаззатланувчи садистларча кинояли ва тантанавор оҳангда. — У ёқда жуда шод-хуррамсизлар шекилли, обуна кампанияси билимгоҳда жуда зўр ўтганга ўхшайди, қани, сиздан эшитайлик-чи.

— Менинг нимами эшитасизлар? — ажабланди Маҳмуд. — Обуна бўйича аввалдан бажариб бўлмайдиган мажбурий тақсимотни ким ўйлаб чиқарган ўзи? Билимгоҳимизда қарийб юз фоиз ўзимизнинг миллатга мансуб ёшлар ўқийди, ахир...

— Минбарга чиқинг!

Ҳабибуллаеванинг овозида темир совуғи бор эди, кўзлари ғазабнок чақнади.

— Мен ҳамма гапни айтиб бўлдим, — дея гап бошлаган Маҳмудга ён-атрофидагилар пўписа билан шипшишди:

— Нималар деяпсан!

— Ахир, у — Марказқўм котиби-я!..

Маҳмуд минбарга чиқди. Кейинги воқеалар худди тумандагидай кечди. Миясида ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган, у анчадан бери дилига тугиб юрган гапларини айта бошлади: комсомоллар кўзбўямачилик билан шуғулланмасликлари, ўзларини ўзлари алдамасликлари кераклигини, чунки ҳамма уларни яхши билиши ва ёшлар устидан мазах қилиб, кулиб юришини куйиб-пишиб сўзлади. Обуна кампанияси ҳам ҳаммаёқда фақат қоғозда амалга оширилгани, буни у ўз билимгоҳидаги аҳвол орқали яхши билишини, обуна учун маблағни эса, пировардида талабалар пахта теримидан топган пулдан ушлаб қолишларини алоҳида таъкидлади.

Ўшандаги чиқиши Умаров учун ачинарли тугади. Ўша куниеъ Маҳмудга онгсизлиги ва ғоявий камчиликлари, ёшларни тарбиялаш борасидаги фирқа ва ҳукумат сиёсатини тушуниб етмаганлиги учун шахсий варақасига ёзиш шarti билан қатъий ҳайфсан эълон қилинганлиги ҳақидаги Ўзбекистон комсомоли Марказқўми саркотиби Роҳат Ҳабибуллаева имзо чеккан буйруқ ўқиб эшиттирилди... Ўша буйруқда даҳшатли яна алламбалолар бор, пировардида билимгоҳга қайтгач, улар Маҳмуд Умаровнинг келажакда ажойиб мартабага эришувини башорат қилиб юрган кўнгилчан Абдумуталнинг эсини чиқариб юборган, бирданига ҳаммаси ер билан яксон бўлганидан йиғлагудай аянчли аҳволга солганди...

Албатта, ўшанда Тошкентда ўртасида Ҳабибуллаева ўтирган раёсатнинг ўнг томонида тураркан, республика комсомоли дарғаси онгсиз комсомол аъзоси Умаровга ғазабнок бир жўшқинлик билан минг бир айб чаплаб, бундайларни комсомолдангина эмас, балки умуман билимгоҳдан ҳам ҳайдашга чорлаганида ҳам, кейинчалик унинг хулқ-атвори ўқув даргоҳи комсомол қўмитасида муҳокама қилинганида ҳам, йигит ўзини оғир-вазмин тутди, бундан осмонга ҳам сапчимади, айтарли хафа ҳам бўлмади. Уни билимгоҳдан ҳайдаш ҳақидаги таклиф ректоратга чинданам етиб келди. Агар Абдумутал ўз васийлигидаги ходимни қатъий ҳимоя қилмаганида, Маҳмуд Умаровнинг кейинги ҳаёти қандай кечишини фақат Худо биларди.

— Опажон! — дея тасалли берарди у кўзёши қилиб, ҳеч

қурса ўғлини сиртқи бўлимга ўтказишни сўраб келган Маҳмуднинг онасига. — Ҳеч ким уни билимгоҳдан ҳайдамайди. Ўзим ишдан кетсам-да, унинг ҳаётини майиб қилишларига йўл қўймайман!

Йиллар ўтиб, Роҳат Ҳабибуллаева ва Маҳмуд Умаровнинг йўллари яна тўқнашади. Фақат энди у республика мафкурасига раҳбарлик қилаётган бўлади, Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми котиби лавозимини эгаллайди, Маҳмуд эса асарлари марказий матбуотда, Масков ойнома ва рўзномаларида чоп этилаётган таниқли ёзувчи ва журналист эди.

Маҳмуд Ёзувчилар уюшмаси раисининг илтимосига биноан Марказқўм Маданият бўлимининг мудири, жумҳурият бош мафкурачиси ва маданият дарғасининг ўнг қўли саналмиш Матқулиева ҳузурига ташриф буюрганида, улар бир устол атрофида яна юзма-юз келишади. Роҳат Ҳабибуллаеванинг сояси бўлмиш Матқулиева ўз маданий ва маънавий савияси бўйича ўз раҳбаридан айтарли фарқ қилмасди. У ўттизинчи йилларда қатағон қилинган машҳур шоир Усмон Носирнинг таваллуд кунини нишонлаш муносабати билан Фарғона водийсида ўтказилган тантаналарда ўта ачинарли бир довруғ таратганди. Тантанали мажлиснинг ўртасида Матқулиева Роҳат Алиевна билан шивирлашиб олгач, бор овози билан: „Юбиляр шоирнинг ўзи қани, нега у бу ерга келиб, республика фирқа раҳбарларига ўзини таништирмайди?“ — дея дағ-даға қилганди. Бу воқеа гувоҳларининг айтишларича, юбилей тантанаси ташкилотчилари, маҳаллий фирқа ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари марказдан келган ўз хўжайинларининг ўтакетган бу омилигини қандай юмшатиш, ёпди-ёпди қилишни билмай, азбаройи уялганларидан қизариб-бўзариб, ер ёрилса-ю, ерга киришга ҳам тайёр бўлишган.

Мана, Маҳмуд Умаров қудратли „бекойим“ республика маданий ҳаётига жорий қилмоқчи бўлган яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлди, шунинг учун ҳам у, ўзининг айтишича, жумҳуриятнинг энг нуфузли ижодий кучларини ҳузурига тўплабди. У оз эмас — кўп эмас, умумхалқ байрами саналмиш Наврўзни нишонлашдан воз кечишни таклиф этди, чунки у диний хурофот, эскилик сарқити эмиш. Айтилган гап — отилган ўқ, олий сиёсий фирқа кенгаши — Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми бюросининг

розилигини олган Роҳат Ҳабибуллаева ёзувчилар жамоатчилиги раҳбарларидан Наврӯз ўрнига расмий нишонлаш учун янги байрам ўйлаб топишни талаб қилди. Комфирқанинг адабиётдаги турфа давлат мукофотлари ва фахрий имтиёзларига эга садоқатли ҳамтовоқлари фирқа „малика“си чақириғига жавобан: „Лаббай!“ — дея хитоб қилишди ва янги байрамни „Навбаҳор“ ёки шунга ўхшаган номлар билан аташ ҳақида таклифлар киритишди. Таниқли шоирлардан бири ҳатто янги байрамга атаб шеър битишга ваъда берди, „Малика“га кўпроқ ёқиш учун янада тиришқоқлик кўрсатиб, байрам ўтажак кун — 16 май бўлса, деган таклиф билан чиқди.

Осойишта ва хушомадгўй мажлисни яна Умаров бузди. У афтини буриштирганча, куюниб хитоб қилди:

— Ҳеч қурса Наврӯзни тинч қўйинглар, биродарлар!..

У ранглари қўққисдан оқариб-бўзариб кетган маданият бўйича фирқа амалдорлари — Ҳабибуллаева, Матқулиева ва Акрамоваларга қараб қўйишни ҳам лозим топмади, сўнггиси унга она шаҳри Фарғона орқали яхши таниш, бу чаласавод аёлга муаллимлик соҳасидаги хизматдошлари тегажоқлик қилишни яхши кўришарди.

Маҳмуд каттароқ ёшдаги касбдоши, авваллари ўзи ижодини ардоқлайдиган шоирга мурожаат қилаётганди, лекин янги байрамни „Навбаҳор“ деб аташни айни шу шоир таклиф этганидан сўнг ундан кўнгли қолганди.

— Диннинг унга нима даҳли бор? Наврӯз — бизга ислом дини кириб келмасидан анча аввал пайдо бўлган ўта қадимий байрам-ку, ахир! Баҳор байрами, янги йил байрами! Биз уни ўйлаб топмаганмиз, биродарлар, уни ўзгартириш ҳам бизнинг ишимиз эмас!

Кейин қўл силтаб, алам билан гапини якунлади:

— Бунақа ўйинлар менга тўғри келмайди. Билганларингни қилинглар, лекин мени қўшманглар.

Сўнгра ҳайкалдай қотиб қолган „мажлисбоз“ларнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай, жадал ташқарига отланди.

Эртасига Маҳмудни ўша пайтдаги Ёзувчилар уюшмаси раҳбари ҳузурига таклиф этди. Кечаги фавқулудда ҳодиса айбдорининг гапларини ўйга чўмганча, жимгина тинглади. Ниҳоят, бошини кўтарди:

— Бор гап шуми?

— Ҳа!

Маҳмуд Азимовнинг оғир нигоҳига талмовсираб дош

берди, ёзувчилар сардори ундан яна қандай гап эшитишни истаётганини у тушунолмаётганди. Бор гапни ҳеч нимани қолдирмай айтиб берди, чоғи. Ўйга толганча иккиланиб қўшимча қилди:

— Мен ҳамма эсимда борини айтдим.

Сарвар Олимжонович бош ирғаб унга кетишга ижозат берди. Кейинроқ, маълум вақт ўтгандан сўнг Маҳмудга, худди биринчи галдагидай, қизиққонлиги жуда қимматга тушиши мумкинлиги аён бўлади. Роҳат Ҳабибуллаева Азимов билан телефон орқали гаплашиб, мажлисга тўпланган ҳамкасбларини қўполлик билан ҳақорат қилгани учун Маҳмуд Умаровни қатъий жазолашни талаб қилади. „Ҳатто фирқа раҳбарлари иштирок этаётгани ҳам уни тўхтатолмади, аксинча, унинг ҳамма гаплари фирқага қаратилганди. Бундай одамларни Ёзувчилар уюшмаси сафида қолдириш мумкин эмас...“

Лекин Сарвар Азимов Ҳабибуллаеванинг ёш ёзувчига нисбатан талабини қўллаб-қувватламади. Эҳтимол, бу ҳам буюк салтанатнинг Фавқуллодда ва Мухтор элчиси бўлиб ишлаган, бир неча йил муқаддам Ватанига қайтиб, Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик лавозимига ўтган одамнинг пировард тақдирини ҳал қилишда бошқа қора тошлар қатори тарозига ташланган тошча вазифасини ўтагандир. Ўшанда у мудроқ уйқудаги, худди ўргимчак уясидай коррупциялашган уюшмани соғлом ва фаол ташкилотга айлантира олганди. Уни шовқин-суронсиз нафақахўрликка жўнатишди, лекин кўп ўтмай жамиятдаги янги шабадалар ва ўзгаришлар уни яна ижтимоий ва сиёсий ҳаётга қайтарди.

Ҳамроқул Акбарнинг хонасидаги дераза ёнида турганча, Роҳат Ҳабибуллаеванинг куёвига рад жавобини бериш учун керакли сўзларни қидираркан, Маҳмуд қисқа дақиқаларда яна кўп нарсаларни эслади. Кейин унда яна исёнкорлик руҳи уйғонди: нега энди у ўзини оқлаши керак? Нега бор ҳақиқатни айтмаслиги керак? Агар одам қабиҳ бўлса, бутун ҳаёти разолат асосига қурилган эса, гарчанд у ўз ғоясига мутаассибларча эътиқод қўйган тақдирда ҳам...

У тагин ўзига ўзи зид фикрлаётганини пайқади: Роҳат Ҳабибуллаева ўзи хизмат қилган ғоясига наҳотки шундай садоқатли эди? Балки у оддий кўзбўямачилик қилган, ғояга эътиқод ўйинига ўйнаган бўлиб чиқса-чи?

Яна унинг хотираси — бу ажойиб тирик компьютер, тенги йўқ сирдоши, ёрдамчиси ва ҳамсуҳбати — ўз қатларидан „Ёш гвардия“ номли ёшлар нашриётининг муҳаррири, комсомол раҳбарлари учун ҳамма маълумотномалар, маърузалар, мақола ва хабарларни ёзиб берувчи толмас қаламкаш Павел Шуф билан бўлиб ўтган суҳбатини юзага олиб чиқди. Республика комсомоли раҳбарлари истаганча фойдаланиб, ҳўкиздай ишлатадиган Павел Шуф...

— Роҳат Алиевна Ҳабибуллаевами?

Павелнинг кўзлари куларди. Одатда раҳбариятга баҳо беришда ўта эҳтиёткор, лекин бу ерда ичкилик таъсиридами, — бир ёш адибнинг навбатдаги китобини ювишаётганди, — ёки ўзининг ҳамма нарсадан бохабарлиги билан мақтангиси келибми, у дилини ёзди:

— Комсомол Марказқўмига илк келганида, бўз товўча эди. Ҳатто айтишим мумкинки, эзғиланган, тинкаси қуриган товўча!.. Бу ерда эса шунақанги ҳокимият... порлоқ истиқбол... Боз устига аёл киши, ўзбек аёли...

— Спортчи, комсомол! — унинг гапи оҳангида сўз қотди Вадим Новопрудский.

— Бу ҳам тўғри! — рози бўлди Павел жиддийлик билан. — Беҳазил.

— Бу ерда ким ҳазиллашаяпти?

Новопрудский дастурхон четини кўтариб, устолнинг тагига қаради:

— Ау! Ким кулаяпти? Профессор Роҳат Алиевна, қаердасиз?

— Айтайлик, профессорлик унвонини у ҳали қўлга киритганича йўқ, лекин докторлик ишини...

— Докторлик ишини эса, бутун Ўзбекистондан тўплаб, ёзиб беришган! — якун ясади унинг гапига Новопрудский.

— Сен эса, қайта ёзиб чиққансан, — бармоғини унинг кўксига нуқиди Павел Шуф.

— Мен ёзиб берганман, лекин билиб қўй: бир тийин ҳам олмаганман! — киноя билан қўшимча қилди Вадим Новопрудский. — Лекин китоблари менинг ишим эмас.

— Китоблари билан мен шуғулланардим, бу — кундай равшан нарса, — рози бўлди Павел Шуф.

Йўқ, хотира — бу даҳшатли қурол!

Маҳмуд оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний бир

мўйсафиднинг таниқли адиб, қатор рўмонлар муаллифи хонасида ўтирганча, Роҳат Ҳабибуллаеванинг аллақанча югурдаклари ва миршаблар билан бирга эски шаҳардаги масчитга бостириб киргани, жойнамоз ва гиламчаларни улоқтириб ташлаб, уларни ифлос оёқлари билан топтагани, агар улар зудтар тарқалишмаса, қаттиқ жазолашини айтиб, қўрқитганини йиғлагудай бўлиб гапириб берганини эслади.

Бу оқсоқол ҳаммавақт халқнинг виждони саналиб келган ёзувчилардан ҳимоя ва ҳақиқат истаб келганди, лекин унга жавобан нима дейиш мумкин, ахир?

Ҳар қандай зўравонлик янада шафқатсизроқ, янада фаолроқ бўлиб чиқиши эҳтимоли бор қарама-қарши зўравонликни туғдиради. Сабр-тоқатли ўзбек халқи хизматини адо этган шўролар даври ҳукмдорлари чинданам бахтли одамлар эдилар. Итоатгўй, кўнгилчан ва покдоман бу миллат „Ўлдирма“, „Бир юзингга тарсаки уришса, иккинчисини тутиб бер“, „Отангни ўлдирганга онангни бер!“ — деган ақидаларга ҳаммадан кўра кўпроқ риоя қилишарди.

Иккинчи юзини тутиб берди ҳам!

Уни топтаган оёқларни ўпди ҳам!

Ҳукмдорлар эса ўзларининг чексиз қудратлари ва амри вожибликларидан баттар сурбетлашиб, ўз яқинлари ва уруғ-аймоқларини ҳам ахлоқсизлик йўлига бошлашарди.

Кўзи ва қулоғи борлар ҳам уларни кўриб, бузуқчилик йўлига киришарди. Чунки иллат ва нуқсон — поклик, эзгулик ва ҳалолликдан кучлироқдир.

Муҳтарам ўқувчи мени кечирсин, аммо муаллиф Роҳат Ҳабибуллаевани Масков терговчилари сўроқ қилган маълумотномадан парча келтиришдек номуносиб ишдан ўзини тия олмади:

„СССР Олий Совети, республика Олий Кенгаши аъзоси, фирқа қурултойлари делегати, ҳукумат мукофотлари нишондори бўлмиш аёл комсомол ва фирқа делегациялари таркибида бутун дунёни кезиб чиққан эди. Терговдаги бу хоним ўз шахси ва хизматларини шу даражада юксак деб фаҳмлардики, манманликдан шишиб кетганди.

— Мен Марказқўмнинг мафкура бўйича яккаю ягона аёл котибиман, — дея таъкидларди у сўроқ пайтида. — Мени Раиса Максимовнанинг ўзи ҳам билади.

Тергов ходимларининг унга тегишли коттеж давлатга нега 36 минг сўмга тушгани, унинг ўғли автомашиналарни қўлқопдек алмаштиришга қандай эришгани, қариндош-уруғлари ва дўстлари қай тариқа уй-жой билан таъминланганини аниқлашга уринишларини у тирноқ остидан кир излаш, деб ҳисоблар ва чин кўнгилдан аччиғланарди.

— Ҳамма шундай яшаган, биргина мен эмас, — деган жавоб эшитишарди терговчилар.

Булар бари самимий фирқавий эътиқод билан айтилаётганига эса, шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас эди.

Ҳабибуллаеванинг тергов ходимларига берган кўрсатмаларидан:

„...Менинг ишим бўйича терговнинг дастлабки босқичида камина амалдор шахслардан турли қимматбаҳо нарсалар олганим юзасидан етарли самимий йўл тутмадим. Бунга менинг ўз сабабларим бор, уларнинг асосийси — менинг шахсий ҳаётимга даҳлдор, айнан аёллигимга даҳлдор эди. Гап шундаки, 1967 йилдан 1983 йилгача мен Ўзбекистон Комфирқасининг биринчи котиби Рашидов билан ишқий алоқада бўлиб, унинг ўйнаши эдим.

Мен уни севардим ва назаримда, у ҳам менга айнан шундай ҳиссиёт билан жавоб берарди. Биз вақти-вақти билан унинг уйида, Масковда эса, — меҳмонхонада учрашиб турардик. Сўнгги учрашувимиз 1983 йили унинг ўлиmidан сал олдин кечганди. Биз ўз яқин муносабатимизни маълум сабабларга кўра сир тутардик, бундан республика фаолларидан айрим шахслар, хусусан, Марказқўм котиблари, вилоят фирқа қўмиталарининг кўпчилики биринчи котиблари бохабар эдилар. Уларнинг менга муносабатлари ҳам шунга яраша — Рашидовнинг яқин одами сифатида мени яхшироқ кутиб олишга интилишар, хушомад қилишар ва кўз олдимда ўзларини кўрсатиш пайида бўлишарди. Шунинг учун ҳам қатор амалдор шахслар менга пул ва заргарлик буюмлари беришар ва олган нарсаларимнинг кўп қисмини мен Рашидовнинг ўзига жўнатардим. Шундай қилиб, менинг

қонунга зид кўп ишларим Рашидов ва у билан бўлган яқин алоқамизга боғлиқ эди.

Мени аёл сифатида ҳам тушунишингизни сўрайман, менга чегарадан чиқиб, Рашидов билан бўлиб ўтган муносабатларимиз ва бу муносабатлар билан боғлиқ айрим жиноий ишлар ҳақида гапириш қийин.

Ҳозир мен ҳамма нарсa ҳақида ҳеч нарсани яширмай, юракдан очиқ-ойдин гапириб беришга қатъий қарор қилдим, бугун тергов қамоқхонаси маъмуриятига тергов учун берган айбга иқрорномада ана шу ҳақда ёзганман. Бундан буён менинг ҳаётим ва республикамиз ҳаётида кечган жами иллатларни изчил ва қатъий очиб бериш ниятидаман. Чунки у ерда юз бераётган воқеаларга бефарқ қаролмайман. Ўзимнинг ҳаққоний ҳикоям билан мен ғаразли хатти-ҳаракатларимни ҳам яширмаган ҳолда салбий ҳодисаларга қарши кураш ишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман...

Ҳабибуллаеванинг тергов ходимларига берган кўрсатмаларидан:

„Муротов Ережепни мен 1971 йили ЎзССР Министрлар Совети раисининг маданият бўйича муовини вазифасида ишлай бошлаганимдан буён танийман, у эса бу вақтда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси эди.

Биз ўзаро равон, ишчан ва биродарларча муносабатда эдик.

1980 йили Министрлар Советининг бир мажлисидан кейин у хонамга кирди. Бу пайтда Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби Й. Қурбонов оғир касал ётгани ва унинг қайтиб оёққа туролмаслиги ҳаммага маълум эди.

У билан биз хизмат юзасидан гаплашдик, кейин гапни Қурбоновнинг касаллигига бурди, айни дамда ўзининг Қорақалпоғистондан кетиш нияти борлигини ҳам айтиб ўтди.

Гарчанд у Қурбоновнинг Марказқўм котиби лавозимини эгаллаш нияти борлигини очиқ айтмаган бўлса-да, лекин гап-сўзидан айни шу маъно англашилиб турарди. Боз устига, мен яна шуни тушундимки, бу — гапнинг дебочаси ва ундан кейин пора бериш навбати келади...

Мен ҳамма гапни тушунганимни ва бу ҳақда гаплаша-жагимни унга тўғридан-тўғри айтдим.

У хурсанд бўлиб кетди, менга миннатдорчилик билдира

бошлади, шундан сўнг портфелидан қоғоз ўрамини олиб, уни қўлимга топширди. Ўрамда 5000 сўм солинган хатжилд бор эди.

Пулни санаб бўлганимдан сўнг мен уни яна қоғозга ўраб, олиб бориб беришга қарор қилдим.

Менинг ишқий муносабатимдан хабардор эканига ишончим комил, шунинг учун ҳам ёрдам сўраб, менга му-рожаат қилганди...

Ўша куни мен республика раҳбари билан боғлана олмадим, эртасига сим қоққан эдим, у кечқурун олдига киришимни тайинлади.

Кечқурун мен қабулга кириб, Муротов билан бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳақида батафсил гапириб бердим ва Муротов берган қоғоз ўрамини узатдим.

У пулни олиб, ё устолга, ёки телефонлар қўйилган жавончага ташлади.

У мен айтган номзодга умуман қаршилиги йўқлиги, лекин бу масалани ҳал қилишга ҳали эрталиги, чунки Қурбоновни ажалидан беш кун бурун кўмишга шошилмаслик кераклигини англатди.

Тахминан, 6—7 ойдан сўнг Қурбонов вафот этди. Мен яна Марказқўм котиблигига номзод масаласини эслатдим. У жилмайиб: „Жуда қайсарсан-да, сенга „йўқ“ дея олармидим,“—деди, яъни у Муротов масаласи ижобий ҳал бўлишини билдирди.

Айнан шундай бўлди, Муротов Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби лавозимини эгаллади...”

Албатта, бу тергов ҳужжатларига ишонса ҳам бўлади, лекин уларга шубҳа билан қараб, рад этиш ҳам мумкин. Узоқни кўзлаган Гдлян терговнинг кўп маълумотлари нусхаларини ўз архивига йиғиб қўяверган. Вақти-соати етгач эса, бозор шароитига мослаб, уларни адабий котиблар ёрдамида тартибга келтирган.

Масковлик "валломат"ларнинг бу китобини ким ёзиб бергани бизга қоронғи, лекин уларнинг муаллифликлари Ўзбекистоннинг олий фирқа раҳбарлари сўроқ қилинган ҳужжатли маълумотномалар матни чоп этилган боблардагина сезилади. Тергов ходимларининг бир қолипдаги, сийқаси чиққан тили сўроқнинг ҳамма иқрорнома ва қарорномаларида бир хил. Бамисоли айбни тан

олиш хусусидаги матни бир одам айтиб турган-у, собиқ фирқа ва шўроларнинг сара амалдорларидан чиққан жиноятчилар худди тиришқоқ ўқувчилардай шоша-пиша ёзиб олишган, фақат исми-шарифларинигина ўзгартиришган, холос.

Китобнинг адабий котиблар ёзган боблари эса, ҳар ҳолда бир оз қизиқиш билан ўқилади:

„Тергов жараёнида фирқа амалдорлари ўзларини турлича тутишарди. Масалан, ДАН дивизиони қўмондони Иззатов терговчининг ҳузуридан навбатдаги сўроқдан чиқиши билан яна пора олишнинг уддасидан чиқади.

Когон туман матлубот жамияти раиси Шарипов уни сўроқ вақтида фош қилган жиянини ўласи қилиб дўппослаб, касалхонага ётқизади ва бу айбини терговчиларга тўнкашга уринади...

Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми иккинчи котиби Осетров 30 та сўроқдан сўнг ёлғон-яшиққа буткул кўмилиб кетганига ишонч ҳосил қилиб, умуман кўрсатма беришдан бош тортади ва уни фош қилишга келганларни болаҳонадор қилиб сўкиш билан кутиб олади.

Жиноий жавобгарликдан қутулиш учун терговдаги одамлар нималарни ҳам ўйлаб топмайди, дейсиз. Уларни тушуниш мумкин, терговчилар ҳам ҳеч нимадан ажабланмасликка ўрганиб қолишган.

Аммо Ҳабибуллаевани тергов дастлабки даврда ҳангу манг қилиб қўйди. Ҳибсга олинганининг биринчи ҳафталарида у мавжуд далилларга қарамай, ҳамма нарсани буткул рад этаверди.

Уни порахўрликда айблаган хизматдошлари билан бир неча бор юзма-юз қилингандан кейингина Ҳабибуллаева айбига иқрорнома ёзиб беради ва унда қуйидаги фикр айтилади:

— Баъзан мен унча катта бўлмаган миқдорда пора олардим, лекин маблағнинг фақат бир қисминигина ўзимга қолдирардим, қолганини...”.

Аммо ҳар қандай ёлғон, гарчанд сен унга ишонишни жуда-жуда истаган тақдирингда ҳам, буткул тескари таъсир кучига эга бўлиши мумкин. Терговчи ҳам буни тушунади ва вазиятни тўғрилашга уринади. „Қалам билан ёзилган сўзни болта билан чопиб бўлмайди,“— дейилади мақолда.

Аммо чопиш зарур; фойдаланилган маълумотларнинг

аҳмоқоналигини пайқаган муаллифлар ўз хатоларини тузатишга киришишади:

„Ниҳоят, 1987 йилнинг 22 декабрь кунигина Ҳабибуллаева ўз кўрсатмаларининг бемаънилигини тан олди.

1987 йил 22 декабрдаги сўроқ маълумотномасидан:

„Мен ҳеч кимнинг ўйнаши эмасман, мен ҳалол аёлман. Лекин порахўрлик раҳбарлар ўртасида ахлоқ нормасига айланган эди, мен ҳам ундан холи эмасман...”

„Ҳечдан кўра кеч” ҳам тузук, дейишади. Аммо пора олганининг тафсилотлари хусусида кўрсатмалар бераркан, Ҳабибуллаева бу борада ҳам ўзини „софдилроқ” кўрсатишга уринади:

—XVI Пленумдан сўнг мен ўтмишни унутишга уриндим, ўзимни найрангбозлардан, порахўрликдан нари олдим, кўп ишларда қатъий йўл тутиб, хизмат масалаларини фирқача ҳал қилиш, мафкура соҳасини мафия ва унинг алоқаларидан тозалашга киришдим, охир-оқибат Усмонхўжаев ва янги мафиянинг бошқа аъзоларига ёқмай қолдим. Айни шу нарсани менинг Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми котиби лавозимидан бўшашимга сабаб бўлди...”

Ёлғоннинг умри қисқа бўлади.

Бир вақтлар қамчисидан „қон” томган, бутун халқни зир титратиб, кўп зиёлилар, фирқа ва ҳукумат хизматчиларини, диний хурофот, деб, ҳатто ота-оналарининг жанозаларига ҳам боролмайдиган қилиб қўйган бу аёлнинг шу даражада паст кетгани, ҳатто ўз устозлари руҳини қақшатиб, уларга туҳмат тошлари отишдан ҳам тойинмаганидан ёқа ушлайсан, киши.

Кези келганда, Қўйлиқдаги маҳаллалардан бирида бўлиб ўтган бир воқеани эсламай ўтолмайман.

Ён қўшнимникида худойи қилишаётганди, якшанба бўлгани учун сал барвақтроқ чиқдим.

Катта ҳовлидаги дастурхон атрофида хонадон эгаларининг қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари йиғилиб, гурунг қилиб ўтиришган экан. Ёши саксонларга бориб қолган нуроний бир онахон кексалар ва хотин-халажга қарата:

— Астаффуруллоҳ, болаларим, бу Ҳабибуллаева деганларининг дастидан мана шунақа худойи, мавлуд деган эскича савобли маъракаларимизни ҳам ўтказолмай қоламиз, чоғи,—дея нолир эди.

— Э, нимасини айтасиз, айланай,—унинг гапини илиб кетди бошига оқ рўмол ўраган иккинчи бир кампир ҳам афсус-надомат билан,—Худодан қайтган бу аёлнинг зулми боис одамларимиз мазорга бориб, ўтганларнинг руҳи покларига қурбон ҳам ўқий олмай қолишди.

— Ҳа, энди унга ҳам Худонинг атагани бордир,—деди ўртада ўтирган кекса бир мўйсафид оппоқ соқолини аста тутамлаб.

Салом-алиқдан сўнг мен уларга тасалли бердим:

— Хафа бўлманглар, холажонлар, Ҳабибуллаева яқинда ишдан ҳайдалади.

Бу гапни эшитган қариялар шунақанги хурсанд бўлиб кетишдики, бир пасда жонланиб, „алҳамдулиллоҳ!“ дея мени дуо қила бошлашди.

Ҳалиги нуроний онахон кафтларини ёзиб:

— Йлоҳи омин, айтганингиз келсин! Худоё худованди, ўша мегажин жувонмарг бўлсин!— дея фотиҳа қилган эди, ҳамма бараварига: „Овмин!“ — деб, қўлларини юзларига тортишди.

Нимаям дердик, дунёда халқ қарғишидан ҳам даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак. „Қилмиш-қидирмиш“, „Ким нима экса, шуни ўради“,— деб шуни айтсалар керак-да.

— Йўқ, оғайни!— Маҳмуд кескин бурилиб, меҳмоннинг кўзларига тикилди, қўлларини ёзди.—Мен сизга ёрдам беролмайман! Ҳатто буни жуда-жуда истаган тақдиримда ҳам ... қўлим бормайди, чунки халқим тушунмаган бўларди.

Меҳмоннинг лабларида илжайишга ўхшаган аянчли бир ифода пайдо бўлди.

— Тушунаман, уни кўплар ёқтиришмайди...

— Биласизми,—деди Маҳмуд совуққон, ҳатто шафқатсиз бир оҳангда, —қайнонангизни, эҳтимол, фуқаро сифатида кечириш мумкиндир, лекин унинг қилмишларини халқ ҳеч қачон кечирмайди!...

Мақола чоп этилган куни кечқурун Маҳмуднинг уйига Турсун Ражабов ташриф буюрди. У „Ташкентская правда“ ва „Правда Востока“ларни кўтариб олганди. Турсун ўта ҳаяжонда эди.

— Энди нима бўлади, Маҳмуд? Ахир, бу — нейтрон бомбасидан ҳам баттарроқ-ку?

— Айтувдим-ку, энди дўстларингдан жудо бўлдинг.

— Дўстлариммиш,— минғирлади Ражабов.— Топган то-буткашингни қара-ю...

— Ҳужумимиз қалай?— Маҳмуд нигоҳи билан рўзномаларга ишора қилди.

— Очиғи, мен ишонмагандим,— тан олди Турсун.— „Ташкентская правда“, боз устига, „Правда Востока“нинг ўзи буларни босиши... Генераллик лавозимларига қараб ўтирмай, бор гапни ҳеч нарсани яширмасдан, очиқ-ойдин ёзилганини айтмайсанми!..

— Бугун қанча қўй сўйилади?— жилмайиб унинг гапини бўлди Маҳмуд.

Ҳозир у вужудида шундай енгиллик туйдики, шу топ-даёқ учиб кетишга тайёрдек эди. Эй худо, бу курашлар билан қанча умрини ўтказди? Нега энди ён-атрофига қарамаслиги керак? Нега энди дўстлар даврасига бориб, юрагига яқин ва азиз нарсалар ҳақида бемалол гурунглашмаслиги керак? Нега энди шўрлик Гулини эркалашга ҳаққи йўқ? Ахир, бу бевафо дунё ва телба-тескари вақт ичида у бечора қанча азоб-уқубатларга чидади? Гуллаб-яшнаётган бу нурафшон оламга нега энди ёруғ юз, катта-катта очилган нигоҳлар билан қарамаслик керак? Нечун уни севмаслик лозим, ахир, юрак шафқатсиз нафрат эмас, севиш учун яратилган-ку...

Маҳмуд ва унинг яқин сафдошлари баттол генералларни инқирозга юз тубан этдилар.

Бир ой ҳам ўтмай, Дидоренко Масковга, Ички ишлар вазирлигининг кадрлар бошқармаси тасарруфига жўнатилади. Гайданов ва Тепловлар ҳам республикани тарк этишади. Улар билан кетма-кет юзлаб ва минглаб фирқа амалдорлари, куч тизимлари: милиция, прокуратура, Хавфсизлик қўмитаси ходимларининг оммавий жўнаб кетиши бошланади; улар бир йил аввал республикага Масковдан истаган айбсиз масъул ходимларни ишдан бўшатиш, қора курсига ўтқизиш, қамоққа тиқиш, бегуноҳ одамларга нисбатан ўз-ўзини ўлдиришгача олиб боровчи зўравонликлар қилиш каби истаган номаъқулчиликлар

учун ҳуқуқ берувчи улкан ваколатлар билан таширф бу-
юришган эди.

Яна бир неча ойдан сўнг республикада янги, мусаффо шабадалар эсиб, кўҳна замин етмиш йилдан зиёд давом эт-
ган мустабид шўролар салтанати даврининг чўкинди ва асоратларидан покланиш йўлига киради. Лекин чинакам покланиш, ҳақиқий истиқлолгача янглишиш, изланиш ва йўқотишлардан иборат яна бир неча йил керак бўлади. Аммо яқин йиллардаёқ янги давр бошланади, эли ва юрти деб ёниб яшаётган соғлом фикрли, навқирон ва шиддаткор Куч яшиндай чақнаб сиёсат майдонига чиқади. Кўп ўтмай у саркаш дарё янглиғ улкан қудрат ва маҳобат касб этиб, эзиб-топталган юртни мустақиллик ва озодлик сари мардо-
на етаклайди. Илло, бутун халқ, кўҳна замин ҳақли равишда ана шундай буюк Кучнинг дунёга келишини орзиқиб кутар, барча эзгу орзу-тилаклари ва умидларини у билан боғлар эди. Лекин бу бутунлай бошқа — келгуси китоб мавзусидир...

1993-1997 йиллар

Адабий-бадиий нашр

Исфандиёр

ИНҚИРОЗ ЁХУД ГЕНЕРАЛЛАР ЎЙИНИ

Р о м а н

Тақризчи: профессор Карим НОРМАТОВ

Муҳаррир: А. ҚУТБИДДИНОВ

Мусаввир: Ҳуршид ЗИЁХОН

Расмлар муҳаррири Юлай ГАБЗАЛИЛОВ

Тех.муҳаррир: Уляна КИМ.

Мусаҳҳиҳ: Дилфуза ҚОДИР қизи

Босмахонага берилди 5.11.97. Босишга рухсат этилди 15.12.97.
Ўлчами 84х108 1/32. "Тип Таймс" гарнитуроюда. Офсет босма усулида
босилди. Шартли босма тобоги 11,76. Нашр тобоги 12,63. Жаъми нусха
50000. Буюртма К-5615. Баҳоси келишилган нархда. Шартнома 39-97.

Масъулияти чекланган "Zarqalam" жамияти, 700129. Тошкент, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги
Тошкент матбаа комбинати. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.